

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

Р.РАСУЛОВ

**ЎЗБЕК ТИЛИ НАЗАРИЙ ГРАММАТИКАСИ
МУАММОЛАРИ**

(феъл – кесим валентлиги ва содда гап структураси)

ТОШКЕНТ - 2019

Монографияда назарий грамматиканинг – синтаксиссининг энг мураккаб ва энг қизиқарли бўлими ҳисобланган содда гап ҳақида фикр юритилади.

Содда гап аспекти валентлик назарияси нүқтаи назаридан ўрганилади. Феъл асосли содда гаплар валентлиги мукаммал ёритилади.

Монография назарий тилшүнөслик – синтаксис масалалари билан шуғулланувчилар, талабалар – бакалавр ва магистрантлар учун мұлжалланған.

Маъсул мухаррир: филология фанлари доктори,
профессор X.Неъматов

Такризчи: Филология фанлари доктори
С.Мухамедова

КИРИШ

ГАП ҲАҚИДА

Гап муҳим синтактик бирлик сифатида тил ва нутқ диалектик муносабатида ўзига хос ўрин тутади. Чунки гап ҳам тил бирлиги, ҳам нутқ бирлиги бўла олиш имконига эгалиги билан ажралиб туради. Тил бирлиги сифатида гапнинг модели (қолипи) назарда тутилса, нутқ бирлиги сифатида гап таркибидаги сўзларнинг ўзаро мантиқий муносабатга киришиб, бир бутун ҳолда – синтактик конструкция сифатида коммуникация жараёни учун фаол хизмат қилиши тушунилади. Анифи, тил бирлиги – гап қолипи муайян андоза бўлиб, ушбу андоза асосида ўнлаб турлича гаплар¹ – нутқ бирликлари тузилади. Шунга қўра гап конструкциясига XX аср систем тилшунослигининг асосини ташкил қилувчи тил ва нутқ оппозицияси² нуқтаи назаридан ёндашиш, уни мана шу йўналишда тадқиқ ва таҳлил қилиш айни муддаодир.

Нутқ бирлиги - гап семантикасида муайян объектив мазмун - пропозиция ифодаланади. Объектив мазмун – пропозиция гап семантикасининг асосини ташкил қиласи. Анифи, пропозиция, О.И.Москальская таъбирича, гапнинг семантик ядросини, мазмуний марказини ҳосил қиласи³.

Бошқача айтганда ҳар бир гап ўзининг пропозициясига - пропозициональ мазмунига, хусусиятига, жиҳатига қўра воқеликдаги ҳар қандай жараённи, ҳар қандай воқеа – ҳодисани, ҳар қандай фикрни у ёки бу тарзда акс эттиради⁴. Шунга қўра В.А.Белошапкова “Семантик синтаксиснинг асосий вазифасини ташкил этувчи гапнинг объектив мазмунини (пропозицияни-Р.Р) система тарзида ўрганиш тилшунослик тарихида янги саҳифа очади”⁵, дейди.

¹ Қаранг: Ломтев Т.П. Принципы построения формулы предложения. Филологические науки 1969, 5, 56-69-бетлар. Яна қарант: Немматов Ҳ., Бозоров О. Тил ва нутқ. -Т., 1993.

² Қаранг: Березин Ф.М., Головин Б.Н.Общее языкознание -М., 1979, 68-69-бетлар; Волков А.Г. Язык как система знаков. -М., 1966, 94-100-бетлар; Теория речевой деятельности.- М., 1968, 12-23- бетлар. Торопцев И.В.Язык и речь. –Воронеж, 1985, 140-бет.

³ Москальская О.И.Проблемы системного описания синтаксиса. Изд. 1-е.- М., 1974, 10-бет. Яна қар: Колшанский Г.В. Логика и структура языка. -М., 1965, 231-бет. Нурмонов А ва б. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. Т., 1992, 30-бет.

⁴ Қаранг: Кацнельсон С.Д. Типология языка и речевое мышление. -Л., 1972, 142-бет; Общее языкознание. Внутренняя структура языка. -М., 1972, 298-бет.

⁵ Современный русский язык. В.А.Белошапкова таҳири остида. -М., 1981, 480-бет.

Маълум бўлдики, гап пропозитив бирлик ёки пропозитив номинация сифатида муайян жараён билан, муайян вазият (ситуация) билан бевосита боғланади. У айни жараённинг, ситуациянинг моддий бирлиги сифатида нутқ фаолиятида намоён бўлади.

Ҳозирги синтактик назарияларда гапнинг ўзига хос, фарқли асосий белгиси, гапни гап қилиб турган мезон сифатида предикативлик кўрсатилади¹. Предикативлик ҳар қандай гапнинг зарурий элементи, категориал маъноси², конститутив белгисини³ ташкил этади. Айни вақтда предикативликнинг ўзи қисмлардан иборат бир бутунлик – комплекс сифатида воқелашибади. Чунки у модаллик (майл), шахс – сон, замон, тасдиқ – инкор каби компонентларни – категорияларни ўз ичига олади. Демак, предикативлик қайд этилган компонентлардан – категориялардан таркиб топишига кўра муайян системани ҳосил қиласиди. Аниғи шуки, гапнинг муҳим белгиси бўлган предикативлик ўзига хос системадир.

Систем характерга эга бўлган предикативликнинг предикат (кесим) орқали ифода этилиши маълумдир. Бинобарин, предикат предикативлик билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳар қандай предикативлик предикат асосида шаклланади. Предикативлик шакллари (компонентлари, категориялари) предикатга қўшилади. Шунинг учун ҳам предикативликни ўзида акс эттирган ҳар қандай предикатнинг ўзи энг кичик гап ҳисобланади⁴.

Хуллас, гап конструкциясининг семантик ҳамда уюштирувчи-структур маркази предикат саналар экан, гапнинг бутун характеристикиси предикат асосида изоҳланиши лозим бўлади. Бу нуқтаи назардан, предикат характеристига кўра, гапларни феъл асосли гаплар ва от асосли гапларга бўлиш мақсадга мувофиқдир⁵.

Ҳар қандай гап предикат ва унинг аргументлари (актантлари) муносабатининг бирлиги сифатида қаралар экан, предикат ва унинг аргументлари (актантлари) ўртасидаги синтактик муносабатлар тушунчаси ҳозирги тилшуносликда морфологик муносабатлар типларининг (мослашув, бошқарув, битишув) таҳлили орқали эмас,

¹ Каранг: Нурмонов. А. Н. Гап ҳақидаги синтактик назариялар. Т., 1988, 25-бет.

² Рословец Я.И. О второстепенных членах и их синтаксических функциях. Вопросы языкоznания, 1976, 3, 79 бет.

³ Панфилов В.З.Взаимоотношение языка и мышления. М., 1971, 170-бет.

⁴ Нурмонов А. ва б. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси, 44-45 бетлар.

⁵ Нурмонов А. ва б. Ўша асар, 58-бет.

балки валентлик тушунчаси орқали белгиланади. Сўзлар ўртасидаги синтактик алоқа реаллашган валентлик сифатида қаралади¹. Айтилганлардан сўз валентлиги масаласи келиб чиқади. Сўз валентлиги ҳақида гапришдан олдин, умуман, сўз ҳақида, унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тўхташ мақсадга мувофиқдир. Чунки ҳар бир гап конструкцияси сўзлардан, айтилганидек, сўзларнинг ўзаро мантиқий муносабатидан ташкил топади. Аниғи, гапдаги объектив мазмун- пропозиция аслида сўз орқали, сўзлар воситасида ифодаланади. Шунингдек, сўзлар гап конструкциясининг синтактик қурилишини – гап структурасини белгилайди. Шунга кўра гапнинг асосий материал бирлиги бўлган сўз ҳақида фикр юритиш илмий изчилликка асосланади.

Сўз тил бирлиги сифатида бошқа тил бирликлари - фонема, морфема, фразеологик ибора кабилар ичида универсал, семантик жиҳатдан ранг – баранг, энг мураккаб бирликдир. Сўзни универсал тил бирлиги дейишимизга сабаб ҳар бир сўз товуш (лингвистик рамз сифатида) ва маънога (семемага) эга бўлишидан, ўз таркибиға фонема ва морфема каби алоҳида тил бирликларини олишдан ташқари, у гапнинг вазифаси бўлган фикр ифодалашни ҳам бажаради. Сўз гап бўлиб кела олади. Сўзга хос бу хусусият, айниқса феълларга тегишлидир. Қиёсланг: *келди* – у *келди*, *мудрадим* – мен *мудрадим*, *борасан* – сен *борасан*. Айтилганларга кўра А.А.Потебня ҳакли равишда “гап *verbum finitum* (феъл - PP)-сиз тузилмайди, чунки *vb. finitum* ўзича гапни ҳосил қиласди”², дейди. Демак, тил бирлиги бўлган сўзда тилнинг бошқа бирликларини, ҳатто нутқ бирлиги – гапни ҳам қўриш мумкин. Шу сабабли тилшунос Я.В.Лоя “Тилнинг ҳақиқий, жонли мустақил бирлиги” (Бодуэн 1880 й,), албатта, сўздир³ дейди.

Бизнинг назаримизда, сўзнинг тилнинг ҳақиқий, асосий бирлиги бўлиш имконини юқорида айтилганларнинг ўзи билангина асослаш, чегаралаш тўлиқ, мукаммал бўлмайди. Чунки биринчи навбатда сўзга, унинг моҳиятига субстанциал нуқтаи назардан ёндашувимиз, шу йўналишда сўзни текшириш, ўрганиш объектига айлантиришимиз зарур. Бу тил фактларига (масалан, сўзга) диалектик фалсафа нуқтаи назаридан туриб ёндашувнинг асосини ҳосил қиласди.

¹ Долинина И.Б. Системний анализ предложения (на материале английского языка). -М., 1977, 27-бет. Яна каранг: Нурмонов А. Ўша аср, 34-бет.

² Потебня А.А. Из записок по русской грамматике. Т.І.П. -М.,1958, 84-бет.

³ Лоя Я.В. История лингвистических учений. М.,1968. 184-бет.

Сўзга субстанциал ёндашув лексикологик – семасиологик, морфологик ва синтактик яруслар текшируви натижаларини умумлаштиради, айни ярусларни диалектик бирликда олади, ўзаро боғлиқлиқда ўрганади.

Сўзга субстанциал ёндашувда сўз ўзида мавжуд барча белги ва хусусиятларни, жиҳат ва муносабатларни ташувчи¹, буларга бевосита эга бутунлик сифатида намоён бўлади. Бу объектив борлиқни муайян белги – хусусият ва муносабатларни ўзида ташувчи нарса ва предметларнинг йифиндиси тарзида тушуниш² диалектик фалсафа таълимотига тўла мувофиқ келади ва шу таълимотга тўла асосланади.

Ҳар бир сўз ўз белги ва хусусиятларининг бирлигидан иборат муайян элемент, қирра, томон, имкониятларга эга ўзига хос системчадир³.

Демак, сўзни номинатив вазифани бажаришда тилнинг ҳақиқий, жонли, асосий бирлиги сифатида олиш ва шундай тушуниш сўзга субстанциал ёндашувнинг натижасидир. Бинобарин, сўз муайян томон ва муносабатларнинг диалектик бирлигига, ўзида мавжуд белги – хусусият ва жиҳатларига, уларни бевосита ташишга қўра тил бирликлари ичида энг универсал ва энг асосий бирлик бўлиш қобилияти билан ажралиб туради. Шу жиҳатдан сўзни субстанциал ҳодиса сифатида, муайян хусусиятларни (масалан, семантик – грамматик хусусиятларни) ўзида ташувчи тил бирлиги сифатида тадқиқ қилиш мақсадга тўла мувофиқ келади.

Сўзни субстанциал тушунишдан келиб чиқадиган яна бир муҳим хулоса шуки, сўз тил бирлиги бўлиши билан бирга нутқ бирлиги ҳамdir. Ҳам тил бирлиги, ҳам нутқ бирлиги бўла олиш имкони тил бирликлари ичида фақат сўзга хосдир. Чунки сўзнинг нутқ бирлиги ҳам олиши аслида унинг шундай хусусиятга “табиий”, “туғма” эга бўлиш имконидан келиб чиқади. Сўзни нутқ бирлиги деганда, сўзнинг моҳиятини гапда ўрганиш ва аниқлашдан келиб чиқилса, тил бирлиги деганда, сўзни гапдан ташқида ўрганиш кўзда тутилади⁴. Сўз ҳам тилда (til бирлиги сифатида), ҳам нутқда (нутқ бирлиги сифатида) ўрганилади.

¹ Карап:Иванов С.Н. Родословное древо тюрок Абу-л-Гази-хана. -Т., 1969, 20-бет.

² Тугаринов В.П. Соотношение категорий диалектического материализма. -Л., 1956. 26-бет.

³ Карап:Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. -М., 1971, 16-бет.

⁴ Карап:Усмонов С. Ҳозирги ўзбек тилида сўзнинг морфологик тузилиши //Низомий номли ТДПУнинг илмий асарлари. 42- том. Тилшунослик масалалари. -Т., 1963, 75-бет

Сўзларнинг нутқда нутқ бирлиги сифатида ўрганилиши илмий – амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга жиддий масаладир. Чунки сўз ҳар қандай сўз бирикмаси ва гап конструкциясининг, контекст ва текст каби синтактик бутунликларнинг асоси, бирламчи материали саналади. Коммуникация жараёни аслида сўзлардан, уларнинг семантик – синтактик боғланишидан содир бўлади. Шунингдек, сўз ўзининг асосий номинатив вазифасини нутқ фаолиятида бажаради. Шу фаолиятда у семантик аниқ, позицион мустақил бўлади, муайян синтактик вазифада келади. Тилшунос В.Г. Гак таъбирича, “нутқда алоҳида сўзнинг семантикаси бутун жумланинг семантик структураси билан ўзаро муносабатга киришади”¹. Шунга кўра тил системасининг асосий бирлиги бўлган сўз лексик маъносининг конкретлашуви, бошқа лексема семемалари билан бирикуви, муайян семантик синтагмани тузуви юз беради².

Юқорида айтилганлардан мантиқий равишда сўзнинг нутқ фаолиятидаги аҳамиятини бошқа нутқ бирликлари билан бўлган семантик-синтактик муносабатини, семантик имкониятларини ўрганиш масаласи келиб чиқади. Бу масаланинг бир томони бўлса, шундан келиб чиқадиган иккинчи муҳим томони проф. Г.Хельбигнинг қўйидаги фикрида аниқ кўринади, бирор тилнинг сўzlари фақат парадигматик таҳлил қилинмай, балки синтагматик таҳлил ҳам қилинади. Чунки улар доимо конкрет нутқ актида, гапда муайян партнёрлари билан бирикади ва алоҳида қўлланмайди. Уларнинг муайян қуршовда, муайян партнёрлари билан бирика олиш имкониятлари тасодифий ва бутунлай эркин эмас. Улар муайян қонуниятларга бўйсунади... Ҳозирда муайян тил бирлигининг бошқаси билан бирикувнинг асосий қонуниятлари валентлик тушунчасида бирлашади³.

¹ Гак В.Г. Семантическая структура слова как компонент семантической структуры высказывания // Семантическая структура слова. -М. 1971, 90-бет.

² Каранг: Аспекты общей и частной лингвистической теории текста. -М., 1982, 18-бет.

³ Степанова М.Д., Хельбиг Г. Части речи и проблема валентности в современном немецком языке. -М., 1978, 138-бет. Қар: Степанова М.Д. Проблемы теории валентности в современной лингвистике. Иностранные языки в школе. 1973. 6-, 12-бет. Степанова М.Д. Теория валентности и валентный анализ. М., 1973; Засорина Л.Н., Берков В.П. Понятие валентности в языке // Вестник Ленинградского университета. 8. Серия истории языка и литературы. Вып. 2. Л., 1961; Васильев Л.М. Семантика русского глагола. -М., 1981, 11-бет.

Валентлик назарияси

Сўзнинг нутқда ўрганилиши, унинг бошқа сўзлар билан бирика олиш имконияти, семантик синтагмани тузуви, ўз семантиказини тўла очиш учун муайян сўз ва сўз формаларини талаб этиши валентлик назариясининг асоси бўлиб, бундан келиб чиқадиган сўз валентлиги субстанциал – семантик факт сифатида сўз маъноси билан, сўз маъносининг гап конструкциясида реаллашиши билан боғлиқдир. Шу жихатдан 40-йиллар охирида тилшуносликка валентлик тушунчасини олиб кирган С.Д. Кацнельсоннинг қуидаги фикри характерлидир: “Валентлик сўзнинг хусусияти бўлиб, сўзнинг ўз маъноси асосида бошқа сўзлар билан синтактик муносабатга киришувини амалга оширмоқдир”¹. Бошқача айтганда, валентлик назариясида² муайян сўзнинг бошқа сўзни ўзига бириктириш хусусиятлари умумлаштирилади³.

Демак, валентлик назариясининг объективлиги, актуаллиги, илмий – амалий моҳияти сўзнинг лексик – семантик кучи, мавқеи билан белгиланади. Сўзнинг “рухи”, “жони” бўлган семантикаси унинг бошқа сўзлар билан бирикишини таъминлайдики, бирикма, гап каби нутқ бирликлари сўзларнинг нутқда бошқа сўзлар билан бирика олиш маъно имкониятининг, валентлик муносабатининг натижаси сифатида қаралмоғи лозим. Бундан эса валентлик назариясининг тилшунослик фани учун илмий – амалий аҳамияти қай даражада катта эканлиги яққол акс этиб турибди.

Шундай қилиб, валентлик сўзга субстанциал ёндашувнинг натижаси сифатида сўзнинг ички имконияти, сўзга хос муайян семантик хусусият сифатида баҳоланади.

Мураккаб тушунча ифодаловчи нутқ бирликларидан тортиб, фикр ифодаловчи нутқ бирликларининг юзага келиши бевосита сўз валентлиги билан боғлиқдир. Айни вақтда сўзларнинг нутқда бирикиб келиши мутлақ ҳодиса эмас, балки нисбийдир. Чунки сўзлар грамматик модель тақозо этган ҳар қандай сўзларга эмас,

¹ Кацнельсон С.Д. О грамматической категории. //Вестник ЛГУ. 1948. №2. 132-бет. Қар: Лосев А.Ф. О понятии языковой валентности.// Серия литературы и языка. Т. 40.1981. № 5. 403. Мучник Т.И. Лексическое значение глагола и его субъектно-объектная характеристика. АКД. М., 1967. 7-бет; Засорина Л.Н., Берков В.П. Понятие валентности в языке. //Вестник ЛГУ. № 8, 134-бет.

² Француз тилшуноси Л.Теньер ҳам 50-йилларнинг бошларида тобелик грамматикаси асосида валентлик назариясини яратади.

³ Кацнельсон С.Д. К понятию типов валентности. //Вопросы языкознания. 1987, №3, 21-бет. Кацнельсон С.Д. О грамматической категории, 132-бет.

балки улардан баъзилариға бирикади¹. Демак, сўзларнинг ўзаро бирикиш имконияти чегараланган бўлиб, бу ҳар бир сўзниң маъно имконияти билан ўлчанади. Аникроғи, бирикувчи сўз семемаларининг семалар таркибида шу семемаларни бириктириш қобилиятига эга, ҳар иккала семемага умумий хос семантик компонентлар (классемалар) бўлиб, семантик синтагма семемалари шу семалар орқали ўзаро бирикади, мантиқий муносабатга киришади². Кўринадики, сўзлар баъзи сўзлар билан семантик бирикиб, синтактик конструкцияни ҳосил қиласа, бошқа сўзлар билан фақат лисоний факт, номинатив бирлик характерига эгалиги билангина умумийликни ҳосил қиласди, яъни улар ўзаро мантиқий алоқага киришмайди. Бундай муносабатга киришганда ҳам, бу фақат сунъий, шаклан бўлиб, объектив турлича фактлар билан тасдиқланмайди. Қиёсланг: *семиз* *холодильник*, *тўртбурчак велосипед*, *одамни ўқимоқ кабилар*.

Сўзларнинг бирикиши, улар орасидаги мантиқий алоқа даставвал тил бирликларининг семантик имкониятига (субстанциал хусусиятига) кўра амалга ошади. Тилнинг алоқа воситаси сифатидаги ижтимоий-амалий, илмий қиммати унинг бирликларининг мазмун планига эгалигидан, бирор тушунчани ифодалашидан келиб чиқади³. Демак, сўзларнинг (лексемаларнинг) семантик боғланиши бевосита улар семемаларининг семантик муносабатини юзага чиқаради. Лексема семемаларининг ўзаро муносабати масаласи эса ҳозирги тилшуносликнинг (семасиологиянинг) энг муҳим нуқтасидир. Демак, муайян сўзниң муайян сўз билан бирикиши унинг семантик имкониятига кўра содир бўлса, бу ҳолда талаб қилувчи ва талаб қилинувчи сўзларнинг ўзаро муносабати масаласи юзага келади. Сўзлар орасидаги семантик муносабат эса бевосита синтактик муносабатни юзага келтиради, яъни семантик синтагмаларни, синтактик конструкцияларни тузади. Чунки синтактик муносабат асосида семантик муносабат ётади. Бундан эса ўз навбатида семантика ва синтаксиснинг ўзаро диалектик боғлиқлиги масаласи келиб чиқади. Аникроғи, В.Г.Гак таъкидлаганидек, “синтаксис қанчалик семантик

¹ Кўчкортоев И. Сўз валентлиги. //Ўзбек тили ва адабиёти. 1973. №3, 35-бет.

² Қаранг: Апресян Ю.Д.Лексическая семантика. Синонимические средства языка. -М., 1974, 79-94-бет. Величко А.В., Туманова Ю.А., Чагина О.В. Простое предложение. Опыт семантического исследования. Изд. Московского университета. 1986.

³ Қаранг: Проблемы семантики.- М., 1974, 4 –бет.

табиатга эга бўлса, семантика ҳам шунчалик синтактик табиатга эгадир”¹.

Синтактик бирликларнинг семантикаси, улар компонентларининг ўзаро муносабати, жумладан, нутқда феъл лексеманинг бошқа нутқ бирликлари билан бирика олиш имконияти каби масалалар-семантик синтаксис тилшунослик фанининг энг кам ўрганилган аспектидир². Семантик синтаксиснинг бирикма семантикаси ва гап семантикаси каби турлари унинг асосий, муҳим томонларидан биридир. Айни вақтда сўз (феъл) валентлиги бевосита семантик синтаксис билан боғлиқ масаладир. Демак, валентлик семантик-синтактик жараён сифатида алоҳида диққатга сазовордир. Айтилганларга кўра сўз валентлиги масаласини ўрганиш семантик синтаксис билан узвий боғлиқ бўлиб, кенг маънода сўз, сўз бирикмаси ва гап семантикасини ўрганиш демакдир.

Кўриниб турибдики, валентлик назарияси тилшуносликнинг семасиология, семантик синтаксис каби кам ўрганилган, муҳим ва мураккаб йўналишлари билан бевосита алоқадор бўлиб, нутқ структур элементларининг, коммуникация жараёнининг ижтимоий характеристини, моҳиятини, бирикма, гап, матн каби синтактик конструкцияларнинг шакл ва мазмун планидаги мувофиқликни тўла очиб беради.

Сўз валентлиги субстанциал ҳодиса сифатида бевосита сўзнинг хусусияти, унинг семантик қобилияти экан, бундан мантиқий равишда сўзнинг семантик валентлиги тушунчasi келиб чиқади. Бинобарин, сўзнинг семантик валентлиги сўзга тегишли потенциал семантик имконият бўлиб, унинг лексик маъносидан келиб чиқиб, сўзнинг бошқа тил бирликларидан фарқланишини, алоҳидалигини, конкретлигини кўрсатувчи асосий мезон саналади. У сайлаш имконига эгалиги билан мустақил бўлади³, сўзлар орасидаги синтактик алоқани таъминлайди.

Шундай қилиб, тил ва нутқ бирлиги бўлган сўзларнинг ўзаро семантик-синтактик алоқалари аслида уларнинг ўзида,

¹ Гак В.Г. К проблеме семантической синтагматики. //Проблемы структурной лингвистики. -М., 1972. 367 – бет.

² Қаранг: Иванова И.П., Бурлакова В.В., Почепцов Г.Г. Теоретическая грамматика современного английского языка. М., 1981. 238- бет; Золотова Г.А. Коммуникативные аспекты русского синтаксиса. М., 1982. 15-16-бет; Падучева Е.В. О семантике синтаксиса. М., 1974. 5-бет.

³ Қаранг: Кучкартаев И.К. Валентный анализ глаголов речи в узбекском языке. –Ташкент, 1977, 13-бет. Ломтев Т.П. Общее и русское языкознание. -М., 1976, 189-бет.

субстанциясида (моҳиятида) валентлик имкони “шаклида” қайд этилган, жамланган.

Шуни таъкидлаш лозимки, сўз валентлиги субстанциал факт сифатида сўзнинг доимий ички хусусияти бўлиб, бу хусусият нутқ фаолиятида, сўзларнинг ўзаро боғланишида юзага келмайди. У, айтилганидек, нутққача, яъни тилда – тил “бирлиги” сифатида сўз семантик тузилишида мавжуд бўлади, “яшайди”, потенциал имконият тарзида сақланади. Нутқда эса ушбу имконият, субстанциал факт “ҳаракатга келади”, намоён бўлади, турли нутқ бирликларида ўзининг аниқ ифодасини топади.

Демак, валентлик, бир томондан, жонли нутқни – сўзлар орасидаги синтактик алоқани, сўзларнинг ўзаро бирикуванини таъминлайди, иккинчи томондан, валентлик сўзлар орасидаги синтактик алоқада, сўзларнинг бирикувида “кўринади”, таъсир қилувчи “кучга” айланади. Бинобарин, синтактик алоқадан валентлик келиб чиқмайди, балки валентликдан синтактик алоқа келиб чиқади.

Валентлик – ички имконият, потенция бўлса, синтактик алоқа унинг намоён бўлишидир.

Валентлик – тил “бирлиги” бўлса, синтактик алоқа нутқ “бирлиги”дир.

Валентлик – моҳият бўлса, синтактик алоқа ҳодисадир.

Валентлик – умумийлик бўлса, синтактик алоқа хусусийликдир.

Валентлик – сабаб бўлса, синтактик алоқа натижадир.

Шундай қилиб, сўз семантик валентлиги, айтилганидек, нутқда, сўзларнинг ўзаро бирикишида - коммуникатив ва номинатив бирликларнинг ҳосил бўлишида “туғилмайди”, балки у “азалдан” сўзда, унинг субстанциясида мавжуд яширин имконият – юзага чиқишига тайёр турган семантик қобилият бўлиб, бу субстанциал хусусият нутқ жараёнида воқе бўлади. С.Н. Иванов таъкидлаганидек “грамматик форма ... муайян хусусиятларга (грамматик форманинг маънолари) эга нарса, предмет бўлиб (фалсафий маънода), бу хусусиятлар шу нарса, предметнинг турлича муносабатларида юзага чиқади (грамматик форманинг синтактик функциялари)¹ ёки” “грамматик форма... ўзининг

¹ Иванов С.Н. Родословное древо тюрок... 20-бет.

конкрет реаллашишидан ташқаридан ҳам ўз хусусиятларига, маъноларига эга бўлади”¹.


Шуниси характерлики, сўз валентлиги ҳар қанча етакчи, бирламчи, асосий бўлмасин, у нутқда – сўзлар орасидаги ўзаро муносабатда, нутқ бирликларининг синтактик алоқасидагина “қудратли кучга” – коммуникациянинг асосига айланади. Шу туфайли сўзлар орасидаги синтактик алоқа сўз валентлигини юзага чиқариши, реаллаштириши, “кўринадиган” ҳолатга ўтказиши билан алоҳида муҳим аҳамиятга эгадир. Демак, сўз валентлигидаги валентлик муносабатига киришган сўзларда икки томонлама алоқа, боғлиқлик бўлиши табиий ва айни вактда зарурӣ ҳолдир. Бинобарин, валентлик бир томонлама ҳодиса эмас, балки икки томонлама – ҳам семантиқ, ҳам синтактика ҳодисадир. Коммуникация жараёни лисоний планда семантиқ – синтактика жараён, сўзлар орасидаги семантиқ – синтактика алоқа сифатида баҳоланади.

Шундай қилиб, сўзлар орасидаги синтактика алоқа асосида сўзниң валентлик имкони ётади. Синтактика алоқа сўзниң валентлик қобилиятига эгалигини, валентлик умумий хусусиятининг нутқда, сўзлар орасидаги турлича боғланишларда – хусусийликда намоён бўлишини кўрсатадики, бу аслида “умумийлик ва хусусийлик, моҳият ва ҳодиса диалектикасининг воқе бўлишидир”².

Айтилганлардан маълум бўлдики, сўз валентлиги икки томонлама алоқани талаб қиласди. Валентлик факат ҳоким, бошқараувчи сўз (масалан феъл) билангина эмас, балки тобе, бошқарилувчи сўз (масалан, от) билан ҳам – сўзларнинг ҳоким ва тобе алоқаси билан белгиланади. Чунки ҳоким сўз (феъл) семантиқ курилишида тобе сўз (от) яширин мавжуд бўлади. Нутқда эса ушбу сўз (от) ҳаракатга келиб, муайян грамматик шаклда қатнашади, синтактика конструкцияларни тузишда фаол иштирок этади. Қиёсланг: қолмоқ феълининг семантиқ валентликлари – бу феъл бевосита синтактика алоқага киришган, унинг семантиқ валентликларини намоён қилувчи сўз ва сўз формалари – Мен ўз юртимда Ватанимни севганим учун, халқимга астойдил меҳнат қилиш учун қолдим.

¹ Ўша асар, ўша бет.


² Ўша асар, ўша бет.



Кўринадики, қолмоқ валентлик субстанциал хусусиятига кўра агенс, ўрин, сабаб ва мақсад каби валентликларга эга бўлиб, уларнинг ифодаловчилари (реализаторлари) билан семантик–сintактик алоқага киришган. Ушбу гапда агенс, ўрин, сабаб ва мақсад каби феъл семантикасининг мантиқий бўлаклари – семантик қатнашувчилар (актантлар) феълдаги қолиш хабарининг – феъл денотатив маъносининг намоён бўлиши учун хизмат қилмоқда.

Қолмоқ феъли билан синтактик алоқага киришиб, предикатив ва номинатив бирликни ҳосил қилган конструкцияларда – номинатив бирликларда тобе компонентнинг ҳоким компонентга мослашиши, муайян грамматик шаклга кириши юз берганки, бу бевосита феъл ҳоким компонентнинг талабига, шундай “тортиш кучи”га эгалигига, тобе компонентларнинг эса “тортилиши” хусусиятига эга бўлиш қобилиятига кўра содир бўлган.

Яна қиёсланг: *Мен китобни ўқии учун қутубхонадан бугун олдим.*



Айтилган фикр ва мисоллардан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш лозимки, сўзларнинг синтактик алоқасида реаллашувчи сўз семантик валентлигининг моҳияти шундаки, бунда сўзлар (валентлик ташувчи сифатида) муайян семантик белгиларга эга муайян нутқий иштирокчиларни, қатнашувчиларни талаб қиласи ва бошқа семантик белгили нутқий иштирокчиларни “тан олмайди”. Улар маъносига, муайян семантик белгиларига кўра танлаб олинган қатнашувчилар гурухи томонидан очик ўринларининг (позицияларининг) тўлдирилишини бошқаради. Ўзига мувофиқ нутқий иштирокчиларнинг танланиши ва номувофиқ нутқий қатнашувчиларнинг инкор қилиниши ҳар иккала нутқий қатнашувчилар семантик белгиларининг қўшила олиши ёки қўшила

олмаслиги асосида амалга ошади, бу ўз навбатида объектив борлық ҳодисалари билан тасдиқланади¹.

Шуни айтиш лозимки, тилшуносликда сўзниң семантик валентлиги тушунчаси билан бир қаторда ташқи валентлик², ички валентлик³, формал валентлик⁴, синтактик валентлик⁵, логик валентлик⁶, воситали семантик валентлик, шакл семантикаси валентлиги⁷, эмотив валентлик⁸ ва бошқа валентликлар ҳам борки, буларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Бу валентликларнинг бири муайян сўзниң семантик тузилишидан, яна бири сўз ва формантларнинг ўзаро бирикаолиш маъно имкониятидан, бошқаси феъл предикатнинг шаклланишидан – унинг муайян сўз формасида келишидан, яна бошқаси сўз (феъл) маъносида воқеланувчи актантнинг мантикий характеристи кабилардан келиб чиқади.

Сўз семантик валентлигининг муайян кўриниши феъл валентлиги ҳисобланади. Чунки валентлик назарияси даставвал феълнинг гап конструкциясида қўлланишининг маҳсули сифатида феълнинг бошқарув хусусиятларини ўрганиш жараёнида шаклланади⁹. Чунки феъл, акад. В.В.Виноградов таъкидлаганидек, “...бошқа барча сўз турқуми категорияларига нисбатан энг конструктив туркумдир. Феълли конструкциялар отли сўз бирикмалари ва гапларга фаол таъсир қилиш кучига эгалиги билан характерланади”¹⁰. Демак, феълнинг энг муҳим хусусияти шундаки, у гапнинг семантик структурасида марказий ўринни эгаллайди¹¹. Шунга кўра Л.Тенъер тобелик грамматикасида гапни тузилиш

¹ Степanova М.Д., Хельбиг Г. Ўша асар, 156-бет.

² Степanova М.Д. Теория валентности и валентный анализ, 36-бет.

³ Степanova М.Д. Ўша асар, 36,38-бет

⁴ Кацнельсон С.Д. К понятию типов валентности... 21 бет. Степanova М.Д. Теория валентности и валентный анализ.38, 82-бет; Кибардина С.М. Категории субъекта и объекта в языках различных типов. Л., 1982. 25-бет.

⁵ Степanova М.Д. Теория валентности и валентный анализ, 68-бет. Степanova М.Д., Хельбиг Г. Части речи и проблема валентности в современном немецком языке, 154-163-бетлар; Қаранг: Филичева Н.И. Понятие синтаксической валентности в работах зарубежных языковедов. ВЯ 1967. №2; Акулова К.П., Пашевская Т.Л. К вопросу о системности валентных свойств синонимичных глаголов. Системное описание лексики германских языков. Вып. 4. Л., 1981. 20-бет.

⁶ Степanova М.Д., Хельбиг Г. Части речи и проблема валентности в современном немецком языке, 154-163-бетлар. Кибардина С.М. Категории субъекта и объекта и теория валентности, 41-бет.

⁷ Миртоҗиев М. Ўзбек тилидаги феъл валентликлари. Т.,2007. 63-бет.

⁸ Мухамедова С. Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантик ва валентлик хусусиятлари. АДД. Т., 2007. 28-бет.

⁹ Қаранг: Кўчкортоев И.К. Сўз маъноси ва унинг валентлиги, 72-бет.

¹⁰ Виноградов В.В. Русский язык. Грамматическое учение о слове. М.1972, 337-бет.

¹¹ Васильев Л.М. Семантика русского глагола, 35-бет. Феълнинг гапда марказий позицияда бўлишини ўз вақтида А.А. Потебня, А.М. Пешковскийлар ҳам айтишган.

жихатидан таҳлил қилиш жараёнида гапнинг тузилиш асоси сифатида феълга таянади.

“Феъл валентлигининг специфик хусусияти шундаки, феъл (аникроғи-предикат, валентлик ташувчи...) гапнинг структурасини белгилайди”¹. Феълнинг гап конструкциясининг тузилишини белгилаши, бизнингча, унинг потенциал семантик имконияти бўлиб, феълни бошқа сўз туркумларидан ажратувчи энг муҳим хусусияти ҳисобланади. Бу ўринда С.Д. Кацнельсоннинг қўйидаги фикрини келтириш мақсадга мувофиқдир; “Мазмун планида феъл предикат фақат лексик маънодангина иборат бўлмайди. У муайян маъно ифодалагани ҳолда айни вақтда ўзида бўлажак гапнинг макетини сақлади”².

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, таъкидлаш мумкинки, феъл фақат ҳаракат, ҳолатнигина эмас, балки ситуацияни ҳам бир бутун ҳолда англатади, у шу ҳаракат, ҳолат – ситуациянинг барча актантларини (қатнашувчиларини) ҳам ифода этиш қобилиятига эгадир. Феълнинг ана шу қобилияти унинг семантик валентлиги сифатида белгиланади³. Демак, семантик валентликка эга феъл ҳаракат, ҳолат, нутқ, кўриш, эшитиш жараёнларини ҳам шу жараёнларнинг зарурӣ актантлари орасидаги муносабатларни ифодалайди. Тилшунос С.Н.Иванов таъбирича, “амалга ошиши мумкин бўлган алоқаларнинг миқдорига кўра... феъллар турли валентликларга эга бўлади. Қиёсланг: ўқидим (ким, нимани, қаерда, қачон), сұхбатлашим (ким, ким билан, нима ҳақда, қаерда, қачон)”⁴.

Хуллас, феъл валентлик имкониятига эга бўлиб, бу имкониятнинг юзага чиқиши, тасдиғи нутқда содир бўлади. Феъл гапда валентлик ташувчилиги билан, бошқа сўзларни ўзига биритира олиш қобилиятига эга энг асосий конструктив бирлик эканлиги билан ажралиб туради.

Феъл семантик валентлиги ҳам ўз навбатида кенг бўлиб, феъл валентликларида ҳолат феъллари семантик валентлиги марказий ўринлардан бирини эгаллайди.

Юқорида гапнинг семантик ва структур маркази предикат ҳисобланишига кўра гап ҳақидаги таъриф – тавсифлар, фикр –

¹ Кибардина С.М. Категории субъекта и объекта и теория валентности, 24-бет.

² Кацнельсон С.Д. Типология языка и речевое мышление, .Л., 1972. 88-бет.

³ Долинина И.Б.Маркировка субъектно – объектных отношений у валентностных категорий английского глагола //Категория субъекта и объекта в языках различных типов, 68-бет.

⁴ Иванов С.Н. Категория залога в определительных сочетаниях с формой на-ган в узбекском языке// ВЯ.1957. №2 106-бет.

мулоҳазалар, изчил илмий – назарий хулосалар передикат асосида изоҳланиши – предикат табиатига кўра эса гаплар феълли гаплар ва отли гапларга бўлиниши мақсадга мувофиқлиги айтилади. Шундан келиб чиқиб, биз феълли гаплар, аниқроғи, ҳолат феъли асосли гаплар валентлиги¹ ҳақида тўхталашиб. Чунки, биринчидан, феъл асосли гаплар туркий тилларда от асосли гапларга нисбатан кенг тарқалган бўлса, иккинчидан, феъл предикатликни ифодалаш учун кўпроқ хослангандир².

“Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси” монографиясида шундай дейилади: “Пропозициянинг бирламчи ифодаси бўлган грамматик тўла шаклланган феъл асосли (кесимли – Р.Р.) гапларда феълдан ифодаланган синтаксема икки хил вазифа бажаради: 1) гап элементларини ташкил этиш (боғлаш), 2) гапни гап қилиб шакллантириш. Биринчи вазифаси феъл синтаксемаларнинг “бўш ўринлари”ни тўлдириш (валентлик) асосида, иккинчи вазифаси эса предикатив шакл орқали реаллашади. Феъл синтаксемаларнинг семантик ва синтактик валентликлари ҳали ҳеч қайси бир тилда тўлиқ аниқланмаган”³.

Сўзнинг (феълнинг) семантик валентликлари унинг лексик маъноси билан боғлиқлиги сабабли Ю.Д.Апресян “Лексическая семантика” номли монографиясида семантик валентликнинг 25 та типини кўрсатса⁴, И.Кўчқортоев нутқ феълларининг валентлигига бағишлиланган ишида ушбу феълларнинг 6 та валентлигини ажратади⁵.

Биз ҳолат феълли гапларнинг валентлик тадқиқи ва таҳлилидан келиб чиқиб, айни феълларнинг 7 та семантик валентлигини аниқладик.

Ҳолат феълларининг семантик валентликларини ёритишдан аввал, умуман, ҳолат феъллари ҳақида, уларнинг ички лексик – семантик гуруҳлари ҳақида фикр юритиш, уларни аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Айтиш лозимки, умум тилшуносликда феъл категорияси ҳақида фикр юритилган манбаларнинг деярли барчасида ҳаракат феъллари билан параллел равища ҳолат

¹ Отли гаплар валентлиги алоҳида тадқикни талаб этади.

² Каранг: Нурмонов А ва. б. Ўша асар, 58-бет.

³ Ўша асар, ўша бет.

⁴ Апресян Ю.Д.Лексическая семантика. Синонимические средства языка. -М., 1974, 125-,133-бет.

⁵ Кўчқортоев И.К. Валентный анализ глаголов речи в узбекском языке.- Т., 1977, 15-бет.

феъллари ҳам алоҳида тилга олинади, уларнинг ўзига хос хусусиятларга эгалиги таъкидланади¹.

Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари моддий асосига кўра табиат ва жамиятдаги, ўсимликлар ва ҳайвонот оламидаги, инсон биологияси, физиологияси ва «психик»аси билан боғлиқ муайян жараёнларни ўз ичига олади. Демак, ҳолат феъллари моддий асосига (объектига) кўра кенглиги ва мураккаблиги, предметга хос турлича ҳолатларни ўзига “жойлаштириши” билан бошқа семантик майдонга кирувчи феъл лексемалардан ажралиб туради.

Ҳолат феъллари маъносида реаллашувчи ҳолат муайян мантиқий субъект доирасидагина содир бўлиши, ундан ташқарига чиқмаслиги, унда қолиши билан характерланади. Ҳолат феъллари ҳолат ифодалайди, кимдир (нимадир) муайян ҳолатда бўлади.

Ҳолатнинг реаллиги, объективлиги, унинг муайян шахс ёки предметда “тўпланиши”, унда “моддийлашиши” билан боғлиқ экан, демак, мантиқий субъектнинг мавжудлиги фақат унинг мутлақ ҳаракати билан эмас, балки унинг “мутлақ” ҳолати билан ҳам ўлчанади. Аниқроғи, ҳолат ҳам материянинг яшаш шаклидир, усулидир. Аммо ҳолат нисбийлиги билан, ҳаракат эса мутлақлиги билан ажралиб туради. Феъл маъносидаги мантиқий субъект ҳолати қанчалик давом этмасин, қанчалик яққол ва турлича бўлмасин, у нисбийдир, унинг нисбийлиги мутлақдир. Чунки ҳар қандай ҳолат асосида ҳаракат мавжуддир. Аммо бу ҳаракат қўзга аниқ ташланмаслиги, яширинлиги билан характерланади. Демак, ҳолат феълларида ифодаланган ҳолат – юз берган ҳолат жараёни, ўзгариши мантиқий субъектнинг ички, нисбатан фаолсиз ҳаракатидан содир бўлади, «ҳаракат натижаси» саналади. Тилшунос Ш.Балли таъкидлаганидек, “ҳолат биз томондан бевосита ҳаракат кетидан эргашувчи сифатида идрок қилинади”².

Айтилганлардан келиб чиқиб, ҳолат феълида ифодаланган ҳолат ҳаракатга нисбатан кучсиз, суст бўлса-да, уни ҳам жараён

¹ Қаранг: Мещанинов И.И.Глагол. -Л., 1982. 108-бет. Виноградов В.В.Русский язык, 372-бет.Баскаков Н.А.Алтайский язык. М.,1958. 37-39-бет. Бондарко А.В., Буланин Л.Л.Русский глагол. Л.,1967. 11-27-бет; Русская грамматика. Т.1.М.,1980. 582-бет.Авилова Н.С.Вид глагола и семантика глагольного слова.М.,1976, 86-91-бет. КибардинаС.М. Категории субъекта и объекта и теория валентности, 31-бет. Гак В.Г.Сравнительная типология французского и русского языка.М.,1983, 132-бет; Гуломов А.Ф.Феъл. Тошкент, 1954, 3-бет; Ҳожиев А. Ўзбек тилида кўмакчи феъллар. Тошкент, 1966. 35-бет; Оразов М.Семантика казахского глагола. АДД- Алма-Ата, 1983. 13-бет. Семантические типы предикатов.-М., 1982. 342-бет. Кибардина С.М. Одновалентные глаголы и их семантические типы в современном немецком языке.АКД.-Л., 1977; Содикова М.Феъл стилистикаси.-Т., 1975, 78-82-бетлар.Кучкартаев И.К. Семантическая классификация глаголов в узбекском языке //Актуальные вопросы русской и узбекской семасиологии. Сборник научных трудов.№656. Ташкент, 1981, 29-бет ва б.

² Балли. Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. -М., 1955, 52-53-бет.

сифатида тушуниш мантиқий – фалсафий түғри бўлади. Шунга кўра манбаларда “феъл мустақил сўз туркуми бўлиб, предметнинг ҳаракат ва ҳолатини жараён сифатида ифодаловчи сўзларни бирлаштиради¹”, дейилади.

Объектив борликдаги нарса – предметларга, шахсга, ҳайвонга хос турлича ҳолатларни ифодаловчи ҳолат феъллари нутқда фаол ишлатилиши ва мураккаб маъно тузилиши билан ажралиб туради. Ҳолат феъллари семесининг архисемаси “ҳолат” бўлиб, у ҳолат феълларини бир макросистемага бириктиради. Чунки архисема ҳарактеридаги “ҳолат” семаси асосида ҳолат феълларининг семантик майдони юзага келади². Демак, архисема лексема семесининг моҳиятини ифодалайди. Айни вақтда у шу семантик майдонга хос хусусиятларни ҳам ўзида акс эттиради.

Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари архисемадан бошқа дифференциал семалари билан ҳам характерланади. Бу – табиий, мантиқий. Чунки ҳолат феъллари муайян дифференциал семаларига кўра нутқда аниқ денотатив маънога, умумийликдан нисбий ажралишга эга бўлади³. Дифференциал семалар ҳолат феълларининг мустақиллигини кўрсатувчи семантик белги сифатида хизмат қиласи. Уларда лексема семесининг ўзига хос белгиси, эмоционал – экспрессив бўёғи, нутқий хосланиши акс этади⁴.

Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари архисема ва дифференциал семадан бошқа семага ҳам эгадир. Бу сема «ҳолат» архисемали ва муайян дифференциал семали ҳолат феълларининг ички семантик грухлари учун умумийдир. Бу турдаги семалар архисема билан дифференциал семалар ўртасида туради, ўзига хос хабар ташийди. Бундай семалар манбаларда интеграл сема сифатида қайд этилади⁵. Интеграл семалар ҳам нисбий мустақил бўлиб, дифференциал семаларга нисбатан ҳажм жиҳатдан кенг, яъни бирор ЛСГга оид сўз маъноларига умумий хос белги – хусусиятларни ўз ичига олади. Аммо интеграл сема архисемага нисбатан ҳажм жиҳатдан тор,

¹ Современный русский язык. 1. М., 1980. 241-бет. Яна қар: Современный русский язык. П.М., 1981.156-бет.

² Феъл категориясига оид муайян семантик майдоннинг муайян семантик компонент асосида юзага келишини тилшунос А.М.Кузнецов ҳам алоҳида таъкидлайди. Қаранг: Кузнецов А.М. О применении метода компонентного анализа в лексике //Синхронно – сопоставительный анализ языков разных систем. -М., 1971. 260-бет; Яна қаранг: Цветков Н.В.К методологии компонентного анализа// ВЯ., 1984, 67-бет.

³ Қаранг: Расулов Р. Образли ҳолат феъллари. Т., 1982. 5-бет; Цветков Н.В. К методологии компонентного анализа, 67-бет.

⁴ Қаранг: Киселева Л.А. Коммуникативные языковые функции и семантическое строение словесного значения. Проблемы семантики, 72-73-бет.

⁵ Қаранг: Киселева Л.А. Ўша асар, ўша бет.

чунки у факат муайян микросистемага (семантик гурухга) оид лексема семемаларининг семалари билан боғланади. Архисема эса лексеме семемасининг ҳажм жиҳатдан энг катта, мазмун жиҳатдан бой мантиқий қисмидир.

Архисемаси “ҳолат” семали феълларнинг ҳар бир ички ЛСГ ўзига хос интеграл семаларга эга бўлади. Бу интеграл семалар бир – биридан товуш материяси ва мазмун жиҳатига кўра фарқли, аммо номлаш аспектидагина бир хиллик касб этади.

Дихотомик принципга кўра сўз семемалари даставвал умумий ва фарқли семаларга бўлинади. Умумий сема ўз ичида архисема ва интеграл семаларга ажralади. Архисема билан интеграл сема дифференциал семага нисбатан умумий сема ҳисобланади. Интеграл сема ҳам даставвал архисема таркибида бўлиб, таҳлил натижасида ажратилади. Бири иккинчисига нисбатан қиёсан олинганда ҳолат феъллари семемаси архисемасининг умумийлиги кенг, максимал даражада бўлиб, у (архисема) ўзбек тили доирасида ҳолат феълларига хос индентификацияловчи сема саналади. Интеграл семанинг дифференциал семага нисбатан умумийлиги архисема умумийлигига нисбатан иккинчи даражали ҳисобланади. Интеграл сема ҳам архисемага ўхшаш, аммо доимо архисемадан сўнг юзага келадиган, аниқланадиган, архисема ифодасининг доирасини нисбатан торайтириб берадиган сема сифатида бирор ЛСГни ташкил қилувчи микросистемаларни аниқлайди. Интеграл семанинг умумийлиги дифференциал семага нисбатан биринчи даражали бўлиб, у (интеграл сема) ҳолат феълларининг у ёки бу ЛСГ ларини ҳосил қиласди.

Ҳар қандай умумийлик хусусийликдан, алоҳидалиқдан, уларнинг мантиқий ички боғланишидан юзага келади ва вазиятга қараб хусусийлик орқали воқелашибади, “яшайди”. Ҳолат умумийлик сифатида, унга хос белги хусусиятлар эса хусусийлик сифатида намоён бўлади. Улар нисбий мустақилликка, алоҳидаликка эгадир. “Ҳолат” архисемали феълларнинг дифференциал семаси ҳолат феълларининг мустақиллигини, алоҳидалигини таъминловчи, тил ва нутқ бирлиги бўлиб изоҳланишига хизмат қилувчи сема ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш керакки, лексема семемаларининг структурал – семантик компонентларини (семаларини) миқдор жиҳатдан чегаралаш нисбий характерга эга. Асосан дикқат-эътибор лексема семемасининг энг муҳим, характерли семаларига –

дифференциал семаларга қаратилади. Лексема семемаларининг семалар таркибида эса дифференциал семалар одатда биттадан ортиқ бўлади. Бундай ҳолларда текшириш объектининг характеристидан, талабидан, мақсадидан келиб чиқиб, дифференциал семалардан энг зарурийси, муҳими олинади, бошқаси имконият сифатида сақланади. Демак, ҳолат феълларининг маъно тузилишидаги муҳим, зарурий дифференциал семаларни аниқлаш мақсадга мувофиқдир.

Ҳолат феълларининг архисемаси -“ҳолат” интеграл ва дифференциал семаларда конкретлашиб, аниқ ифодага эга бўлади. Интеграл ва дифференциал семалар семанинг конкретлаштирувчи структур – семантик компонентлари сифатида архисема билан диалектик бирликни ташкил қиласди.

Архисема, интеграл сема ва дифференциал семаларнинг ифода бирликлари асосида тузилган синтактик конструкциялар ҳолат феъли семемасининг изоҳи бўлади.

Ўзбек тилидаги ҳолат феълларини, компонент эътиборига кўра, таҳлил қилишда бу семантик майдоннинг қўйидаги ЛСГ лардан ташкил топиши аниқланди:

I. Давомли ҳолат феъллари. «Давомли» ҳолат феъллари вақт жиҳатдан чегараланмаган, қачон тугалланиши ноаниқ бўлган давомий ҳолатни ифодалайди. Мантиқий субъект ўз ҳолатининг давомийлиги, чўзиқлиги билан ажralиб туради. Бу ҳолда давомийлик белгиси шахс ёки предмет ҳолатининг муҳим, характеристири томони, таркибий қисми бўлиб кузатилади. «Давомли» ҳолат феъллари қўйидагилар: *турмоқ*, *ўтирмоқ*, *қолмоқ*, *ётмоқ*, *тунамоқ*.

II. Ҳаракат натижаси бўлган ҳолат феъллари. «Ҳаракат натижаси» бўлган ҳолат феълларида ифодаланган ҳолат «ҳаракат натижаси»да, ҳаракатнинг тугалланишидан юзага келади, яъни ҳаракатнинг давоми бўлади. У муайян ҳаракат кетидан келишига кўра ажralиб туради.

«Ҳаракат натижаси» бўлган ҳолат феълларида ҳолатга фаол ҳаракатдан ёки муайян ҳолатдан ўтилади. Бир ҳолатдан иккинчи бир ҳолатга ўтиш ҳам аслида ҳаракат туфайли содир бўлади. «Ҳаракат натижаси» бўлган ҳолат феъллари қўйидагилар: *ёришмоқ*¹

¹ Айрим ҳолат феълларининг бир неча семантик гурухда учраши сабабли уларнинг такрор қўлланишини асослаш мақсадида ушбу ҳолат феълларининг ҳар бир ЛСГ да қайси маъноси билан қатнашишини кавс ичидаги айтиб ўтишни лозим топдик.

(ёрг бўла бормоқ)¹ қораймоқ (қора тусга кирмоқ, қоронгилашмоқ), қизармоқ (қизил тус олмоқ), қуюқлашмоқ (қуюқ ва қалин тортмоқ), тугамоқ, қорангилашмоқ, совимоқ (совуқ ҳолга келмоқ), исимоқ (иссиқ ҳолга келмоқ), илимоқ, оқармоқ (оқ тусга кирмоқ), булутланмоқ, камаймоқ (миқдори озаймоқ), абадийлашмоқ, ботмоқ, тинмоқ (ҳаракат, овоз, ёнгин кабилардан тўхтамоқ ва тиниқлашмоқ), бўшамоқ, жсимимоқ, қўймоқ, қуримоқ (қуруқ ҳолга келмоқ ва тамом бўлмоқ), тиниқлашмоқ, кўпаймоқ (миқдори ортмоқ), чўккаlamоқ, қалинлашмоқ (зичлашмоқ, кўпаймоқ), саргаймоқ (сариқ тусга кирмоқ), туташмоқ (туташи бўлмоқ), сўймоқ (нурсизланмоқ ва иссиқ, ёрг бермай қўймоқ), ўрнашмоқ, кўкармоқ (кўк тусга кирмоқ), тўлмоқ, тинчимоқ (ҳаракат, овоз кабилардан тўхтамоқ), қатқалоқланмоқ, димиқмоқ, қотмоқ (қаттиқ ҳолда бўлмоқ), сийраклашмоқ, нурамоқ, тўймоқ (озуқа – минералга қонмоқ), ёмонлашмоқ, қизимоқ (қаттиқ исимоқ), тўқнашмоқ, яхламоқ (яхга айланмоқ), мовийлашмоқ, лаблан(ёкилаш)моқ, яқинла (-ш)моқ, ёлгизламоқ, гўзаллашмоқ, заарланмоқ, равшанлаш (ёки-лан)моқ (равшан, ёрг бўлмоқ), ёрқинлашмоқ, ёргулашмоқ, майшимоқ, бўшашимоқ (юшиоқ ҳолга келмоқ), узунлашмоқ, тўхтамоқ, зангламоқ, ўчмоқ (овоз, иссиқлик, ёргулик кабиларни беришдан тўхтамоқ ва хирадашишмоқ), йўқолмоқ, битмоқ, ёпишмоқ, бойимоқ, ивимоқ, музламоқ (музга айланмоқ), эскирмоқ, катталашмоқ (ҳажми ортмоқ), пишмоқ (истеъмол учун тайёр бўлмоқ), бўкмоқ, озаймоқ, хиран (ёки-лаш)моқ (ёритиши ва кўриниш даражаси камаймоқ), юшамоқ (юшиоқ ҳолга келмоқ), оммалашмоқ, қонмоқ (суюқликка тўймоқ), қопламоқ, тамомламоқ, оғирлашмоқ (вазни, оғирлиги ошмоқ), танҳоланмоқ.

III. Ижро ҳолати феъллари. Ижро ҳолати феъллари субъект (асосан шахс) ижроси натижасида юзага келган ҳолатни ифодалайди. Субъект ҳолати ижро компонентига эга бўлади. Ижро муайян ҳолатнинг юзага келишида асос, ҳолат эса асосланувчи – натижа саналади. Ижро ҳолатнинг мухим томонини ташкил қиласади. Ижро ҳолати феъллари қуйидагилар: *сақламоқ, асраломоқ, ўқталмоқ, қўриқламоқ, пойламоқ, салқинламоқ*.

IV. Ҳаракатнинг ҳолати феъллари. Ҳаракатнинг ҳолати феълларида ҳолат ҳаракатнинг доимий белгиси, унинг мавжудлиги, “яшаш” усули, аммо тугалланмаган, давомли белгиси

¹ Ушбу изоҳлар асосан “Ўзбек тилининг изоҳли лугати” дан (Москва, 1981, 1-, 2; ва Тошкент, 2005-2008. 1-5 томларидан) олинди.

бўлиб кўринади. Чунки ҳолатнинг йўқолиши ҳаракатнинг тугаши билан юз беради, яъни ҳаракат ҳолатнинг манбаи, асоси сифатида мавжуд бўлади. Бошқача айтганда, мантикий субъект ҳолати ҳаракат билан биргалиқда, бир бутун ажралмас ҳолда муайян предметни ҳарактерловчи муҳим белги – хусусият бўлиб кузатилади. «Ҳаракатнинг ҳолати» феъллари қуидагилар: *оғирлашмоқ* (қийинлашмоқ), *кучаймоқ*, *пасаймоқ*, *қизимоқ* (авжига чиқмоқ), *сусаймоқ*, *камаймоқ* (ўша маънода), *сустлашмоқ*, *бўшашмоқ* (кучи кесилиб, *пасаймоқ*), *секинлашмоқ*, *кўпаймоқ* (ўша маънода), *мулойимлашмоқ*, *зўраймоқ*, *енгиллашмоқ*, *касадланмоқ*, *майинлашмоқ*, *хиралашмоқ* (эшиитилиши тиниқлиги йўқолмоқ, *пасаймоқ*).

V. Малака ҳолати феъллари. Малака ҳолати феъллари жонли мавжудотда бирор ҳаракат – ҳодисага, предметга нисбатан пайдо бўлган муайян муносабатни, шаклланиб, мустаҳкамланиб доимий, давомий хусусиятга айланган кўникма, ўзлаштирилган одатни англатади. Бундай кўникма, одатлар асосан инсонга хос муҳим хусусият сифатида баҳоланади. Улар инсон ҳарактерининг бир кўриниши, воқе бўлишидир. «Малака ҳолати» феъллари қуидагилар: *одатланмоқ*, *кўникмоқ*, *ўрганмоқ*.

VI. Образли ҳолат феъллари. «Образли» ҳолат феъллари объектив борлиқдаги предмет – ҳодисалар, улар орасидаги муносабатлар ҳақида муайян хабар беришига, эмоционалликка, экспрессивлик даражасининг ортиклигига кўра ажралиб туради. «Образли» ҳолат феъллари қуидагилар: *алангламоқ*, *қаққаймоқ*, *гавдаланмоқ*, *пишмоқ* (чиниқмоқ ва ишлатиш учун тайёр), ёнмоқ, *чақнамоқ*, *чўғланмоқ*, *нурланмоқ*, *оловланмоқ*, *қотмоқ* (мутлақо ҳаракатсиз), *пўрсилламоқ* (кўпчимоқ), *сўлмоқ* (ғам – ташвишдан ўзини тўла олдирмоқ), *жонланмоқ*, *порламоқ*, *милтирамоқ*, *мудрамоқ* (ҳаракатсизликка берилмоқ), *чараламоқ*, *шалтаймоқ*, *шумшаймоқ* (хунук кўринмоқ), *шалваймоқ*, *шалвирамоқ*, *қапишмоқ*, *кумушланмоқ*, *ҳалқаланмоқ*, *жилмаймоқ* (нур сочиб, табассум қилмоқ), *жилваланмоқ*, *мўлтилламоқ*, *яшнамоқ*, *майинлашмоқ* (юмшамоқ), *етилмоқ* (экиш учун тайёр), *ярқирамоқ*, *ҳўмраймоқ*, *бўзармоқ* (гира – шира ёришмоқ), *кўпчимоқ* (етилиб кўтарилмоқ), *қуримоқ* (тугамоқ, йўқолмоқ), *сўнмоқ* (фаоллиги йўқолмоқ), *жилоланмоқ*, *ястанмоқ*, *гулламоқ* (обод бўлиб, чирой очмоқ), *симобланмоқ*, *қовушимоқ*, *йилтирамоқ*, *тўлқинланмоқ*, *қакрамоқ*, *тормозланмоқ*, *дўмпаймоқ*, *олтинланмоқ*, *кўз* – *кўзламоқ*,

қалинлашмоқ (яқин дүст бўлмоқ), ялтирамоқ, дўрдаймоқ, қавармоқ (бўртиб чиқмоқ), қовжисрамоқ (дард – аламдан адо бўлмоқ), кашпаймоқ, қўнқаймоқ, товланмоқ, қонсирамоқ, қўққаймоқ, кеккаймоқ (тиккаймоқ), хўrozланмоқ, ёришмоқ (хурсандлик пайдо бўлмоқ ва енгил тортмоқ), юмшамоқ (совуқ таъсири анча пасаймоқ), ҳувилламоқ.

VII. Биологик ҳолат феъллари. «Биологик» ҳолат феъллари кенг маънодаги тирик, жонли организмнинг ҳаёти, ўсиши, ривожланиши кабилар билан боғланади. Улар тирик организмда табиий, зарурий содир бўлувчи «биологик» жараён ҳолатларнинг тилдаги (нутқдаги) рамзи бўлиб келади. «Биологик» ҳолат феълларининг мазмун жиҳатида акс этувчи ирсий ҳодиса – ҳолатлар шахс, ҳайвон ва ўсимликларнинг ҳолат белгиси бўлади. «Биологик» ҳолат феъллари қуйидагилар: *кексаймоқ, қаримоқ, ўлмоқ, сувсамоқ, сувсирамоқ, чанқамоқ, очиқмоқ, ёшармоқ, чўлламоқ, улгаймоқ, қуримоқ (сўлиб ўсишдан тўхтамоқ), саргаймоқ (ўша маънода), етилмоқ (пишмоқ), қизармоқ (ўша маънода), бўртмоқ (кўкара бошламоқ), кўкармоқ (ўша маънода), пишмоқ (етилмоқ), гулламоқ (гул очмоқ), чиримоқ, кўкламоқ, сўлинқирамоқ, қовжисрамоқ (қуриб бужмаймоқ), сўлмоқ (доимий ўсиб турган ҳолатини йўқотмоқ ва суви қочиб қуриша бошламоқ).*

VIII. Физиологик ҳолат феъллари. «Физиологик» ҳолат феъллари шу феъллар семантик майдонининг энг катта қисмини ташкил қиласди. Улар инсон ва ҳайвон организмининг (аъзоларининг) жисмоний ҳолатини ифодалайди. Бу ҳолат феъллари маъносида жонли мавжудотлар организмида, уларнинг муайян аъзоларида юзага келган яққол физиологик ўзгаришлар акс этади. Бу «физиологик» ўзгаришлар жонли мавжудотларда:

1. Жисмоний ўзгариш натижасида: ҳурпаймоқ, қутурмоқ, қонсизланмоқ, сўлгинлашмоқ, чарчамоқ... 2. Жисмоний жараён ҳолатида: ҳансирамоқ, сузилмоқ, гилайлашмоқ, жимиirlамоқ... юз беради. «Физиологик» ҳолат феъллари қуйидагилар: ухламоқ, чарчамоқ, шилтиқланмоқ, толиқмоқ, оғримоқ, сулаймоқ, ориқламоқ, озмоқ, иситмаламоқ, безраймоқ, йиғламсирамоқ, мизгимоқ, совқотмоқ, намиқмоқ, касалланмоқ, семирмоқ, йўғонлашмоқ, тўлишмоқ, мажсолизланмоқ, чиниқмоқ, элимоқ, ҳоримоқ, дармонизлаш (ёки-лан) моқ, серраймоқ, шишинқирамоқ, чўққаймоқ, шумшаймоқ (қовоғини солмоқ, тўрсаймоқ), толмоқ, зирқирамоқ, шифоланмоқ, ҳолсизланмоқ, қораймоқ (қора тусга

кирмоқ), тузалмоқ, қалинлашмоқ (қалин тортмоқ), бақраймоқ, яхламоқ (совқотмоқ), заифлашмоқ, гердаймоқ (виқор билан күкракни кериб турмоқ), шишишмоқ (ўша маънода), оқармоқ (қонсизланмоқ), қавармоқ (ўша маънода), қамашимоқ, ғилтилламоқ, олаймоқ, диккаймоқ, анграймоқ, жсимирламоқ, кенгаймоқ, қизармоқ (ўша маънода), қизимоқ (ҳарорати, иссиғи ошмоқ), уюлмоқ, бўзармоқ (ранги қув ўчиб оқармоқ), қуруқшамоқ, жунжисимоқ, киртаймоқ, совимоқ (ўша маънода), хиралан (ёки-лаш)моқ (кўриш қобилияти пасаймоқ), туманлашмоқ, кулимсирамоқ, ачишимоқ, кўкармоқ (ўша маънода), лўқилламоқ, тундлашмоқ, буришимоқ, бўшашибмоқ (тинка – мадори қуримоқ), синиқмоқ, чақчаймоқ, саргаймоқ (ўша маънода), салқимоқ, кўпчимоқ (бўртмоқ), катталашибмоқ (йириклиашмоқ), қурушибмоқ, пўрсилламоқ (бўртиб қаваринқирамоқ), вазминлашмоқ, шилқилламоқ (ҳолдан тоимоқ, бўшашибмоқ), қонсизланмоқ, жуфтланмоқ, ўчинқирамоқ, қотмоқ (музламоқ, совқотмоқ), сўлжаймоқ, равшанлашибмоқ (яхши кўрадиган бўлиб бормоқ), чимирмоқ, гувилламоқ, ганграмоқ, зингилламоқ, чўнқаймоқ, жиддийлашибмоқ, акашакланмоқ, юпқалашибмоқ, кўпикламоқ, тинмоқ (кўз олди хира тортмоқ), буқчаймоқ, тўймоқ (овқатга, сувга қонмоқ), увушибмоқ, кичраймоқ, яллигламоқ, қадоқланмоқ, маймашибмоқ, таранглиашмоқ, сирқирамоқ, бужмаймоқ, тиришибмоқ, гезармоқ, исимоқ (ўша маънода), қуримоқ, қовжисирамоқ (қурушибмоқ), заҳиллашибмоқ, унниқмоқ, бўртмоқ (туртиб чиқмоқ, шишинқирамоқ), туташибмоқ (ўша маънода), ғилайлашибмоқ, мункилламоқ, тортшишибмоқ, тетикланмоқ, қуюқлашибмоқ (қалин тортмоқ), пахмаймоқ, музламоқ (совқотмоқ), шангилламоқ, пишиқмоқ, тўмтайдимоқ, чангакланмоқ, елимлашибмоқ, сузилмоқ, сўлгинлашибмоқ, ўткирлашибмоқ, тўрсаймоқ, жилмайдимоқ (кулимсирамоқ), илжаймоқ, тиржаймоқ, ишишаймоқ, иржаймоқ, иришаймоқ, лўмбилламоқ, қонталашибмоқ, тиниқмоқ, сирқовланмоқ, жонсизланмоқ, ёшланмоқ, нурсизланмоқ, терчирамоқ, ҳурпайдимоқ, мункайдимоқ, кўтирмоқ, ўчмоқ (ранги оқармоқ, бўзармоқ), кирламоқ, уринмоқ, қутурмоқ, тўпламоқ, буқраймоқ, қақшамоқ, оғирлашибмоқ (тузалиши маҳол бўлиб қолмоқ, гангимоқ), тўлиқмоқ, ёмонлашибмоқ, ҳасталанмоқ, бетобланмоқ, қонланмоқ, жунжисикмоқ, гангимоқ (боши қотмоқ).

IX. Психик ҳолат феъллари. «Психик» ҳолат феъллари инсон руҳий фаолиятини, руҳий ҳолатини ифодалайди. Ушбу феъллар инсонда юз берган ёқимли ёки ёқимсиз туйғуларни,

кувониш ва ғазабланиш, қўрқув ва шодлик¹ каби ижобий ҳамда салбий эмоционал ҳолатларни ифода этиши билан бошқа лексик – семантик гуруҳ ҳолат феълларидан ажралиб туради. «Психик» ҳолат феъллари қўйидагилар: ўнгайсизланмоқ, қўрқмоқ, ажабланмоқ, завқланмоқ, севинмоқ, суюнмоқ, ачинмоқ, чўчимоқ, қизиқмоқ, уялмоқ афсусланмоқ, асабийлаш (ёки-лан)моқ, қувонмоқ, гердаймоқ (манманлик қилмоқ, керилмоқ), юшишамоқ (жсаҳлдан тушимоқ), қизармоқ (уялмоқ), ачиқланмоқ, ранжисимоқ, бўшашимоқ (ҳовуридан тушимоқ), мудрамоқ (мудроқ босмоқ), ҳавотирланмоқ, зерикмоқ, газабланмоқ, таажжубланмоқ, ҳаяжонланмоқ, ўпкаланмоқ, иккиланмоқ, ийманмоқ, совимоқ (кўнгли қолмоқ), ўкинмоқ, дадиллан (ёки-лаш)моқ, туташимоқ (қизишмоқ), жиiddийлашмоқ, гижинмоқ, ижрганмоқ, эсанкирамоқ, сергакланмоқ, огринмоқ, қайгурмоқ, исимоқ (кўнгли тортмоқ), талмовсирамоқ, маъюсланмоқ овунмоқ, ирганмоқ, ташвишланмоқ, нафратланмоқ, ўксимоқ, довдиррамоқ, гарансирамоқ, гумонсирамоқ, шодланмоқ, ҳавфсирамоқ, шишинмоқ, безмоқ, зорланмоқ, магрурланмоқ, гангимоқ (эсанкирамоқ, саросимага тушимоқ), ҳомушланмоқ, кеккаймоқ (ўзини юқори туттмоқ), юпанмоқ, шубҳаланмоқ, тортинмоқ, дўгаймоқ, сиқилмоқ, тинчсизла(-н)моқ, истигеноланмоқ, безовталанмоқ, тоқатсизланмоқ, сабрсизланмоқ, хотиржамланмоқ, тинчимоқ (енгил тортмоқ, тинчланмоқ), шавқланмоқ, бетоқатланмоқ, тинчимоқ (енгил тортмоқ, тинчланмоқ), жирканмоқ, мулойимлашмоқ, тўймоқ (тоқати тоқ, безорижон бўлмоқ), босинкирамоқ, таъсирланмоқ, умидланмоқ, шиддатланмоқ, қизишмоқ, қониқмоқ, зирилламоқ, ёмонламоқ, ўртамоқ, ғўдаймоқ, қонмоқ (кўнгли тўлмоқ), ҳайратланмоқ, тарааддуудланмоқ, қийналмоқ, қаноатланмоқ, тутамоқ, тортинмоқ, ҳадиксирамоқ, чидамоқ, тинчланмоқ, алаҳсирамоқ, эсанкирамоқ, телбаланмоқ, даҳшатланмоқ, орзиқмоқ, фахрланмоқ, ҳайиқмоқ, каловланмоқ, тетикланмоқ, гашланмоқ, саргаймоқ (зориқиб кутмоқ), зуурурланмоқ, қувнамоқ, ёқмоқ, мароқланмоқ, куймоқ, эринмоқ, ҳавасланмоқ, койинмоқ, ҳаволанмоқ, куйинмоқ, чиранмоқ, умидсизланмоқ, согинмоқ, қимтихимоқ, бетинчланмоқ, чулгамоқ, жиiddийлашмоқ, лаззатланмоқ, қаҳрланмоқ, мириқмоқ, қизганмоқ, қўмсамоқ, уйқусирамоқ, огирашмоқ (ноқулай, қийин бўлиб қолмоқ, бўшашимоқ).

¹ Каранг: Иванов И.П. Умумий психология Тошкент, 1967. 13-бет.

Қайд этилган ЛСГларда “холат” архисема, «давомли», «харакат натижаси», «ижро», “харакат”, “малака”, «образли», «биологик», «физиологик» ва «психик» каби семантик компонентлар интеграл сема ҳисобланади.

Англашилишича, ўзбек тилидаги ҳолат феълларида реаллашувчи мантиқий субъект ҳолати «давомли», «харакат натижаси», «ижро», «харакатининг ҳолати», «малака», «образли», «биологик», «физиологик» ва «психик» ҳолат каби кўринишларда содир бўлади. Демак, борликдаги турлича ҳолатларни акс эттирувчи ҳолат феъллари семантикасининг мураккаб характеристики мантиқий равишда ҳолат феълларининг назарда тутилган 9 туридан иборат семантик гурухланишига олиб келди.

Биз ҳолат феълларининг валентликларини тасвиrlашда феъл маъносидаги актантларининг мавқеи, фаоллиги ва қайд этилиши даражаси кабилардан келиб чиқиб, ҳолат феълларининг агенс, контрагент, локалис, объект (тўғри объект), адресат, ҳолат ва сабаб каби семантик валентликларини аниқладик¹.

Ушбу тадқиқотда қайд этилган лексик – семантик гурухларга оид ҳолат феълларининг нутқда муайян дифференциал семаларда келиши жараёнида, функционал – семантик фаоллигига, агенс, контрагент, локалис, объект, адресат, ҳолат ва сабаб каби семантик валентликларининг моҳияти, табиати, ўзига хос хусусиятлари, ёндош ҳодисалар билан бўлган муносабати кабиларни тил ва нутқ диалектикаси асосида атрофлича ёритдик.

¹ Ўзбек тилидаги ҳолат фелларининг семантик валентликлари сифатида яна восита ва манба валентликларини ҳам кўрсатиш мумкин. Аммо бу тип семантик валентликлар микдор жихатдан кам, сифат жихатдан эса характеристи бўлмагани, шунингдек, улар ҳолат феълларининг баъзи семантик гурухларигагина хос бўлганлиги учун ишда уларни ҳам ёритишни лозим топмадик.

ФЕЛЬ АСОСЛИ ГАПЛАР ВАЛЕНТЛИГИ

I БОБ ХОЛАТ ФЕЛЬ АСОСЛИ ГАПЛАРНИНГ АГЕНС ВАЛЕНТЛИГИ

Фельда ифодаланувчи муайян хабар бевосита ўз субъектига эга бўлади. Чунки фель информацияси аслида мантикий субъектнинг фаолияти бўлиб воқелашиди. Г.А.Золотова таъкидлаганидек, “...объектив борлиқда ҳаракат (шунингдек ҳолат – Р.Р.) ўзича мавжуд бўлмайди, у субъект функцияси сифатида амалга ошади”¹. Шунга кўра фель шахс ёки предметнинг турлича фаолиятига хос жараёнларни англатиши билан характерланади.

Фель маъносидаги ҳолатнинг субъекти, айтилганидек, доимо агенс бўлиб кузатилади. Фель семантик майдонининг ҳар бир маъно гурухини ташкил қилувчи тил бирликлари агенси билан муҳимдир. Чунки объектив турлича жараёнларни аслида агенс юзага келтиради. Агенс фельдаги, хусусан ҳолат фельларидағи ҳолатнинг манбаи, уни ўзида моддийлаштирувчи логик субъект – семантик актантдир².

Агенс ҳолат фельлари доирасида ўзига хос хусусияти билан ажralиб туради. Унинг ўзига хослиги бевосита ҳолат фельларининг семантик моҳиятидан, асосан, ўтимсизлигидан³ келиб чиқади. Шунга кўра С.Д.Кацнельсон “Кўпгина фельлар (“ўтимсиз фельлар” деб юритилувчилар) бирламчи тўғри объект (воситасиз тўлдирувчи –Р.Р.) билан бирикмайди”, дейди. Бинобарин, ҳолат фельлари бирор объектни талаб қилмайди, ундаги ҳолат муайян объектга йўналмайди, унинг талаб кучи агенс актанди билангина чегараланади⁵. Ҳолат фельларининг доимий ўтимсизлиги ҳолат ва унинг агенси орасидаги муносабатда яққол кўринади. Ҳолат муайян субъектда амалга ошиб, шунда тугаши билан характерланади. Демак, логик субъект бир вақтда ҳам

¹ Золотова Г.А. Коммуникативные аспекты русского синтаксиса, 163-бет. Яна қаранг: Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка, 52-53-бет.

² Қаранг: Ахманова О.С.Словарь лингвистических терминов.- М., 1966. 31-бет. Золотова Г.А. Ўша асар, 44-бет.

³ Ўтимсиз фельларнинг, асосан, ҳолатни англатиши ҳақида қаранг: Баскаков Н.А.Залоги в каракалпакском языке. –Тошкент, 1951. 14-15-бет. Гецадзе И.О. , Гайдарова Ф.А. О выражении субъекта и объекта в языках различных типов, 166-175-бет. Кацнельсон С.Д. Типология языка и речевое мышление, 44-бет ва б.

⁴ Кацнельсон С.Д. Ўша асар, 44-45-бет.

⁵ Яна қаранг: Кибардина С.М. Категории субъекта и объекта и теория валентности, 33-бет.

ҳолатнинг агенси, ҳам объекти бўлиши билан ажралиб туради¹. Бу ҳолда агенс актантининг муайян ҳолат билан алоқасига кўра икки босқичли жараённи ўзида акс эттириши муҳимдир.

Агенс, бир томондан, ҳолатнинг бажарувчиси сифатида динамик куч, иккинчи томондан, уни (ҳолатни) ўзига “жойлаштиришига”, ташқарига чиқармаслигига кўра эса статик куч бўлиб воқелашибди, ҳолат бевосита агенснинг ўзида қолади. Кўринадики, ўтимсиз ҳолат феълларининг алоҳида объекти йўқ. Шунинг учун улар объект валентлигига эга эмас. Уларнинг семантик имконияти, айтилганидек, бажарувчисига кўра фақат агенс билан чегараланган. Шунга қарамасдан ўтимсиз ҳолат феълларининг объект валентлиги эмас, объект актанти бор. Бу логик – семантик универсалликка эга ҳам субъект, ҳам объект бўлган агенс – ҳолатли шахс ёки предметдир. Демак, мантиқан объект бор. Аммо грамматик жиҳатдан эса фақат агенс валентлиги мавжуд. У объект валентлиги ҳолатида эмас. Агенснинг объект сифатида кўриниши фақат мантиқий – семантик жиҳатдан бўлиб, бу (объект) грамматик мустақилликка, алоҳида товуш шаклига эга ҳолда реаллашмайди. Агенснинг объект вазифасига ҳам эга бўла олиши унинг потенциал имкониятидир.

Шуниси ҳам муҳимки, агенснинг ҳолатни бажарувчи сифатидаги фаолияти асосий, бирламчи бўлса, унинг юзага келган ҳолатни ўзида акс эттириш ҳам асосий, аммо иккиламчидир. Чунки бажариш жараёни натижасида ҳолат юзага келади. Аммо буларни амалга ошиши ва юзага келиши нуқтаи назаридан ажратиб бўлмайди. Чунки булар ўзаро диалектик боғлиқ бўлиб, бирга юз беради.

Агенснинг бажарувчи сифатидаги фаолиятидан юзага келган ҳолат табиий ҳолда муайян предметда тўхташи керак. Акс ҳолда у таъсир қилиш кучини йўқотади. Демак, натижа ҳолат ўтимсиз ҳолат феълларида ўз бажарувчиси –агенси доирасидан четга чиқмайди. Чунки агенс ҳолатни ўзида “тўплаш” қобилиятига ҳам эга². Айни вақтда агенснинг муайян предмет сифатида муайян ҳолатда воқеланиши қонуният. Айтилганидек, ҳолат ҳам материянинг яшаш, мавжудлик шаклидир.

Агенснинг объект ҳам бўлиши ҳолат феъллари доирасида типик. Чунки, маълум бўлганидек, ҳолат феъллари асосан

¹ Каранг: Мартынов В.В. Категории языка, 17-25-бет.

² Яна каранг: Кибардина С.М. Категории субъекта и объекта и теория валентности, 31-бет.

ўтимсизлиги билан ажралиб туради. Бинобарин, ўтимсизлик ҳолат феъллари мазмун жиҳатининг доимий семантик белгисидир.

Ҳолат феъллари баъзан ҳолатни агенси ва алоҳида объект актанти билан ифодалашига кўра ҳам характерланади. Ўтимли ҳолат феъллари ҳам мавжуд бўлиб, уларда субъект фаолиятидан юзага келган ҳолат алоҳида объект билан боғланади. Бу ҳолда агенс актанти фақат бажарувчи сифатида келиб, мустақил объект актанти билан ҳолат феъли маъноси орқали зарурий, мантикий муносабатга киришади.

Агенс объект бўлган ўтимсиз ҳолат феълларининг семантик имконияти ўтимли ҳолат феълларининг семантик имкониятидан қолишмайди. Чунки ўтимсиз ва ўтимли ҳолат феълларининг ҳар иккиси ҳам объект актантига эга. Аммо у (объект) ўтимли ҳолат феълларида мустақиллиги, алоҳида сўз маъносига ифодаланиши билан, ўтимсиз ҳолат феълларида эса объект агенснинг ўзи эканлиги, агенсда яширганлиги, ундан ажралмаслиги, алоҳида сўзда қайд этилмаслиги билан характерланади. Чунки бунда объект вазифаси агенсга юклатилганлиги, агенснинг ўзи объект ҳам эканлиги билан муҳимдир.

Демак, ҳолат феълларининг агенси объект вазифасини ўташи, баъзан агенснинг фақат ўз функциясида – агенс функциясида бўлиши ҳолат феълларининг ўтимсиз ва ўтимли хусусияти билан боғлиқдир.

Феъл маъносидаги ҳолатнинг бажарувчисини англатувчи сўз агенс валентлигининг реализатори ҳисобланади¹. Агенснинг нутқий реализатори синтактик конструкцияларда ҳолат феълининг (асосан, предикатив ядронинг) семантик – синтактик бирикувчи, айни вақтда гапнинг тема характеристидаги асосий структур бирлиги бўлиб, у, айтилганидек, агенс² валентлигини реаллаштирувчи саналади.

Ўзбек тилидаги ҳолат феълларининг агенсини реаллаштирувчи тил бирликлари (сўз) гапда асосан бош келишикда (номинативда) кузатилади³. Бу асосий бўлса-да, мутлақ эмас, нисбийдир. Нисбийлик агенсни ифода этувчи сўзниң баъзан шаклан типик ҳолатидан чекинишида, яъни келишикли сўз шаклида бўлишида кўринади.

¹ Қаранг: Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов, 31-бет.

² Баъзи ишларда агенс термини ўрнига субъект термини ҳам ишлатилади. Қаранг: Апресян Ю.Д. Лексическая семантика, 125-бет.

³ Золотова Г.А агенс актантини англатувчи сўзниң рус тилида ҳам номинативда келишини алоҳида таъкидлайди. Қаранг: Золотова Г.А. Коммуникативные аспекты русского синтаксиса, 44-бет.

Агенс реализаторининг нутқий қўлланишига кўра формал – синтактик ва функционал универсаллиги маъно жиҳатдан унда ифодаланган муайян актантнинг субъект – объект ёки соф субъект характеристини ўзгартирмайди. Бундай ҳолда семантик – синтактик симметрия ва асимметрия юзага келади.

Ўзбек тилидаги ҳолат феълларининг семантик майдонидаги «давомли», «ҳаракат натижаси», «ижро», “ҳаракат”, “малака”, «образли», «биологик», «физиологик» ва «психик» интеграл семали ҳолат феъллари агенс валентлигига кўра алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу ЛСГ ҳолат феълларининг агенслари синтактик конструкцияларда сўз ва сўз формаларида келишига кўра агенсни ифода этувчи лисоний бирликлар турли гап бўллаги бўлиши билан ҳам диққатга сазовордир.

Ҳолат феъллари гап конструкцияларида асосан аниқ нисбатда келади. Уларнинг бошқа нисбат шаклларда келиши ҳам муҳимдир.

Ўзбек тилидаги ҳолат феъли асосли гапларнинг агенс валентлигини, унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, уни (агенсни) семантик ва синтактик жиҳатдан тўла таҳлил қилиш, агенс қайд этилган сўзларнинг нутқий, формал – структур реаллашиши ва, айниқса, гап бўлакларига бўлган муносабати, улар билан умумий ва фарқли томонлари кабиларни ёритиш мақсадида қўйидаги тартибда иш олиб бордик:

1. Агенс валентлиги реализаторининг эга вазифасида келиши.
2. Агенс валентлиги реализаторининг эга-кесим қолипидан бошқа конструкцияларда келиши¹.

АГЕНС ВАЛЕНТЛИГИ РЕАЛИЗАТОРИНИНГ ЭГА ВАЗИФАСИДА КЕЛИШИ

Семантик – синтактик мувофиқлик агенсни ифода этган сўзнинг гапда эга вазифасида келишида кўринади. Ҳолат феъллари агенси реализаторининг бош бўлак сифатидаги синтактик – функционал фаоллиги типиклиги билан характерланади. Бу типиклик агенсни ифодалаган сўзнинг асосан бош келишида кузатилиши билан ҳам тасдиқланади. Шунга кўра ҳолат феъллари

¹ Ушбу бўлимга оид ҳодисалар ишга бевосита алоқадор эмаслиги, мақсад кесими ҳолат феълли гапларнинг валентлигини (мас., агенс, контрагент, локалис... валентлигини) ёритиш, таҳлил қилиш бўлганлиги сабабли айни ҳодисанинг баёнига тўхтамадик. Бу хақда тўлиқ маълумот олиш учун қўйидаги монографияларга Каранг: Расулов Р. Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. -Т., 1989; Расулов Р. Глаголы состояния в узбекском языке и их валентность -Т., 1991.

агенсининг реализатори формал – синтактик жиҳатдан эга билан ўхшаш бўлади¹. Чунки эганинг бош келишикда келиши унинг семантиқ – синтактик табиатига мос грамматик қонуниятдир. Бу шакл унинг мутлақ ҳокимлик ҳолатини кўрсатувчи грамматик белгилардан биридир².

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, агенсни англатувчи сўз билан эга орасидаги муайян ўхшашлик мутлақ эмас, нисбийдир. Агенсни реаллаштирувчи сўзнинг гапдаги ўрни эгага нисбатан эркиндир. Агенс реализатори эгадан фарқли фақат предикатив марказгагина эмас, баъзан у қаратқич аниқловчи вазифасида келганда эга, тўлдирувчи ва ҳол вазифасидаги ўз аниқланмишига (ҳоким компонентига) ҳам бирикади, улар орқали семантиқ жиҳатдан кесимга боғланади. Шунингдек, агенсни ифодаловчи сўз гап конструкцияларида кесим³ тўлдирувчи ва ҳол вазифасида келиши билан ҳам ажралиб туради.

Агенсни реаллаштирувчи сўзнинг гапда номинативда, тил бирлиги шаклида қўлланиши синтактик қонуниятга биноан унинг эга, коммуникатив жиҳатдан эса тема бўлишига имкон беради. Шунга қўра агенсни реаллашитирувчи лексема семемаси билан ҳолат феъли семемаси муносабатидан муайян семантиқ синтагма тузилади. Аниқроғи, кесим вазифасидаги ҳолат феъли тема компонентини қайд этиб, тема позициясидаги агенсга хос муайян ҳолат белгисини англатади, уни характерлайди. Агенс реализатори билан ҳолат феълининг валентлик алоқаси тема-рема муносабатининг асоси бўлади.

Ўзбек тилидаги ҳолат феълларининг агенси гапда от, олмош, сон ва субстантив бирликларда ифодаланади.

Қўйида ҳолат феъллари семантиқ майдони доирасидаги «давомли», «ҳаракат натижаси», «ижро», “ҳаракат”, “малака”, «образли», «биологик», «физиологик» ва «психик» интеграл семали ҳолат феъллари агенс актантларини кўриб чиқамиз:

Турмоқ, ўтиromoқ, қолмоқ, ётмоқ, тунамоқ «давомли»; *тўхтамоқ, яқинлашмоқ, чўқкаلامоқ, тинчимоқ, кўпаймоқ, камаймоқ, озаймоқ, абадийлашмоқ, яккалагомоқ, сергалмоқ, ёлғизламоқ, сийраклашмоқ, ўрнашмоқ, йўқолмоқ, димиқмоқ, бойимоқ, тинмоқ, жсимимоқ, тўқнашмоқ, танҳоланмоқ* «ҳаракат

¹ Қаранг: Кучкартаев И.К. Валентный анализ глаголов речи в узбекском языке, 22-бет.

² Фуломов А.Ғ., Аскарова М.А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. -Т., 1965, 85-бет.

³ Қиёсланг: Бу – баҳор күёшидан кўкарған дала (Альманах).

натижаси»; *салқынламоқ* «ижро»; *күникмоқ*, *одатланмоқ* “малака”; *хұрзланмоқ*, *қотмоқ*, *пишмоқ*, *гавдаланмоқ*, *шалваймоқ*, *шалтаймоқ*, *шалвираламоқ*, *қаққаймоқ*, *алангаланмоқ*, *қовжираламоқ*, *ёришмоқ*, *қалинлашмоқ*, *сұлмоқ*, *гулламоқ* «образли»; *үлмоқ*, *кексаймоқ*, *қаримоқ*, *сувсамоқ*, *сувсирамоқ*, *чанқамоқ*, *очиқмоқ*, *ёшармоқ*, *чұлламоқ*, *улгаймоқ* “«биологик»”; *ухламоқ*, *сулаймоқ*, *жунжикмоқ*, *чарчамоқ*, *тиржаймоқ*, *мункилламоқ*, *мункаймоқ*, *терламоқ*, *түймоқ*, *օғримоқ*, *озмоқ*, *ориқламоқ*, *кулимсирамоқ*, *совқотмоқ*, *мунгаймоқ*, *иситмаламоқ*, *қотмоқ*, *түмтаймоқ*, *мизгимоқ*, *огирлашмоқ*, *касалланмоқ*, *семирмоқ*, *йүғонлашмоқ*, *тұлишмоқ*, *гезармоқ*, *ишишаймоқ*, *мажсолсизланмоқ*, *жайлаймоқ*, *чиникмоқ*, *элимоқ*, *ҳоримоқ*, *иржаймоқ*, *дармонсизланмоқ*, *оқармоқ*, *бұзраймоқ*, *уринмоқ*, *серраймоқ*, *чүққаймоқ*, *шумшаймоқ*, *толмоқ*, *шифоланмоқ*, *тұлиқмоқ*, *илжаймоқ*, *бұзармоқ*, *ҳолсизланмоқ*, *тузалмоқ*, *тұрсаймоқ*, *унниқмоқ*, *сирқовланмоқ*, *безраймоқ*, *қизимоқ*, *жунжимоқ*, *ёмонлашмоқ*, *ийгламсирамоқ*, *иршаймоқ*, *музламоқ*, *бетобланмоқ*, *гердаймоқ*, *чүнқаймоқ*, *заифлашмоқ*, *бұшаشмоқ*, *анграймоқ*, *тетикланмоқ*, *түмпаймоқ*, *толиқмоқ*, *хасталанмоқ* “«физиологик»” ва *үнәйсизланмоқ*, *қүркмоқ*, *ажабланмоқ*, *завқланмоқ*, *севинмоқ*, *суюнмоқ*, *ачинмоқ*, *чүчимоқ*, *қизиқмоқ*, *уялмоқ*, *ағсусланмоқ*, *асабийлашмоқ*, *қувонмоқ*, *юшамоқ*, *қизармоқ*, *аччиқланмоқ*, *ранжимоқ*, *бұшашмоқ*, *мудрамоқ*, *газабланмоқ*, *ҳавотирланмоқ*, *зерикмоқ*, *таажжубланмоқ*, *ҳаяжонланмоқ*, *үпкаламоқ*, *иккиланмоқ*, *иіманмоқ*, *совимоқ*, *ўқинмоқ*, *даидилланмоқ*, *жиддийлашмоқ*, *зижинмоқ*, *ижирғанмоқ*, *эсанкирамоқ*, *сергакланмоқ*, *օғринмоқ*, *туташмоқ*, *қайғурмоқ*, *уйқусирамоқ*, *талмовсирамоқ*, *тараддуудланмоқ*, *маңюсланмоқ*, *овунмоқ*, *ирганмоқ*, *ташвишланмоқ*, *нафратланмоқ*, *ўксимоқ*, *довдирамоқ*, *гарангсирамоқ*, *жирканмоқ*, *гүмөнсирамоқ*, *шодланмоқ*, *хавфсирамоқ*, *безмоқ*, *зорланмоқ*, *түймоқ*, *ҳадиксирамоқ*, *мағурулланмоқ*, *ғангимоқ*, *ҳомушланмоқ*, *кеқкаймоқ*, *юпанмоқ*, *ҳайиқмоқ*, *тортинмоқ*, *огирлашмоқ*, *дүгаймоқ*, *сиқилмоқ*, *тинчсизланмоқ*, *истиғноланмоқ*, *безовталаңмоқ*, *тоқатсизланмоқ*, *сабрсизланмоқ*, *хотиржамланмоқ*, *шавқланмоқ*, *бетоқатланмоқ*, *мұлойимлашмоқ*, *босинқирамоқ*, *тингимоқ*, *таъсирамоқ*, *умидланмоқ*, *шиддатланмоқ*, *қизишмоқ*, *қониқмоқ*, *қимтинимоқ*, *зирлламоқ*, *тутақмоқ*, *ғұдаймоқ*, *қонмоқ*, *ҳайратланмоқ*, *қийналмоқ*, *қаноатланмоқ*, *чиダメоқ*, *тингланмоқ*, *алаҳсирамоқ*,

ҳаволанмоқ, эсанкирамоқ, телбаланмоқ, даҳшатланмоқ, орзиқмоқ, фахрланмоқ, каловланмоқ, тетикланмоқ, гашланмоқ, исимоқ, саргаймоқ, ғуурланмоқ, қувнамоқ, мароқланмоқ, куймоқ, эринмоқ, ҳавасланмоқ, койинмоқ, куйинмоқ, чиранмоқ, гердаймоқ, согинмоқ, бетинчланмоқ, шишинмоқ, умидсизланмоқ, лаззатланмоқ, ганграмоқ, хавфланмоқ, тўлқинланмоқ, роҳатланмоқ, қаҳрланмоқ, мириқмоқ, шубҳаланмоқ «психик» интеграл семали ҳолат феълларининг агенс¹ актанти шахс бўлади. Назарда тутилган ҳолатлар шахсда юзага келади. Шахс ушбу ҳолатларни ўзида ташийди, айни ҳолатларга эга бўлади. Бинобарин бундай ҳолатларнинг агенси инсон бўлиши мантикийдир. Бу, бизнингча, ҳолат феълларининг семантик имкониятига кўра ҳолатнинг агенси сифатида шахсни бевосита талаб қилишидан келиб чиқади. Чунки ҳолат феълининг семантик структурасида “шахс” семаси асосийлиги билан ажралиб туради. Ҳақиқатан, объектив борлиқда қайд этилган ҳолатларда бўлиш имкони асосан инсонга хосдир. Демак, синтактик конструкцияларда ҳолат феълларининг агенси бўлиб шахснинг келиши логик – семантик қонуниятга асосланади.

Шуниси муҳимки, айниқса «ижро» ҳолати феълларининг агенси бошқа барча ЛСГ ҳолат феълларидан фарқли инсонлиги, «ижро» ҳолати фақат инсонга хос психо-»физиологик» жараёнлиги билан ўзига хос хусусиятга эгадир. Қиёсланаётган феъллардаги ҳолатнинг агенси инсон бўлиши, бундай ҳолат фақат у (шахс) томонидан амалга оширилиши, шундай ҳолатда инсондан бошқа бирон предмет бўла олмаслиги билан изоҳланади. Яна қиёсланг: *асрамоқ, сақламоқ, паналамоқ*.

Тўғри, малака, «физиологик» ва «психик» интеграл семали ҳолат феъллари ҳам агенсининг асосан шахс эканлиги билан фарқ қилади. Аммо айни вақтда бу ҳолатларда инсондан бошқа жонлилар (ҳайвон, қуш) ҳам бўлиши билан улар (ҳолат феъллари) ўзаро ўхшаш бўлса, «физиологик» ҳолатнинг агенси сифатида киши аъзоларининг ҳам кузатилиши уларнинг ўзаро фарқланишига олиб келади.

Қисқаси, ҳолат феълли гап конструкциясининг тузилиши – предикатив бирикма компонентларининг ўзаро алоқаси, боғланиши “шахс” классемасига кўра юз беради. Масалан: *Нигора қимирламай*

¹Агенс термини тилшунослиқда асосан шахс ифодаси учун ишлатилади. Биз ишда агенс терминини кенг маънода олиб, шартли равища жонли ва жонсизларга – шахс ва предметларга нисбатан кўлладик. Агенс сифатида шахс ва кенг маънодаги муайян предмет келганда улар муайян ҳолатга эга, ҳолат юзага келган, ҳолатни ўзида ташувчи, ҳолатни, “бажарувчи” мантикий субъектлар бўлиб реаллашади.

турарди (С.Аҳмад). Муқаддас тўхтади (О.Ёқубов) Аям ҳам кўниқди (А.Қаҳҳор) *Муҳаммадражаб семирган* (А. Қодирий) ва бошқалар. Кўринадики, феъл маъноларидағи ҳолатнинг агенси (шахс) айни вақтда обьект характеридадир, обьекти ҳам унинг (агенсининг) ўзидир.

Шу нарса характерлики, *тамомламоқ*, *яккаlamоқ* ёлғизламоқ «ҳаракат натижаси»; *сақламоқ*, *асрамоқ*, *ўқталмоқ*, *паналамоқ*, *қўриқламоқ*, *пойламоқ* «иижро»; *ўрганмоқ* *малака*; *чимирмоқ*, *ёшламоқ* «физиологик» ва *ўртамоқ*, *қизғанмоқ*, *қўмсамоқ* «психик» интеграл семали ҳолат феълларининг ҳам агенси вазифасида шахс кузатилади. Аммо у ўзига хос хусусияти билан ажралиб туради. Шуниси қизиқки, ушбу ўтимли ҳолат феъллари агенсининг фақат ҳолатнинг субъекти бўлиб келиши мутлақ эмас, нисбийдир.

Тамомламоқ, *яккаlamоқ*, *ёлғизламоқ* «ҳаракат натижаси»; *сақламоқ*, *асрамоқ*, *ўқталмоқ*, *паналамоқ* «иижро»; *чимирмоқ*, *ёшламоқ* «физиологик» ва *ўртамоқ* «психик» интеграл семали ҳолат феълларининг агенси (шахс) ушбу феълларнинг ўтимлилигига кўра ҳолатни бажарувчи саналади. Айни вақтда у ҳолатнинг обьекти эмаслиги, обьект ҳам бўлиш унинг вазифасига кирмаслиги билан фарқ қиласиди. Аниқроғи, текширилаётган ўтимли ҳолат феълларининг обьекти агенс бўлмай, балки обьект бутунлай бошқалиги, алоҳидалиги, синтактик конструкцияларда муайян сўз формасида воқелашиши билан мустақилдир. У агенс (шахс) юзага келтирган муайян ҳолатнинг обьекти (обьект ҳолати) сифатида характерланади. Демак, бу ҳолда агенс эмас, балки обьект муайян ҳолатга ўтади. Шунга кўра ўтимли ҳолат феълларининг агенси (шахс) обьект бўлмайди. Масалан: *Чол тўр ямашини тамомлади* (Ўз. ҳалқ эртак). *Бой ҳам отини эҳтиёт қилиб сақлайди* (Ғ.Жаҳонгиров). *Бўронбек тўппончасини... ота – болага ўқталди* (Ҳ.Ғулом). *Муаттар қошини чимирди* (А.Қаҳҳор).

Пойламоқ, *қўриқламоқ* «иижро»; *ўрганмоқ* “малака” ва *қизғанмоқ*, *қўмсамоқ* «психик» интеграл семали ҳолат феъллари ҳам алоҳида обьект актантига эгалиги билан юқоридаги ўтимли ҳолат феълларидан фарқ қилмайди. Аммо шунга қарамасдан уларнинг агенси (шахс) фақат ҳолатни “ҳосил қилувчи” бўлмайди. Бунда ҳолат юзага келган обьект ҳам унинг ўзи(агенс ҳисобланади). Шунга кўра у (агенс) ўтимсиз ҳолат феълларининг агенси обьект типи билан муайян умумийликка эга бўлади. Ушбу ўтимли ҳолат феълларининг обьект актанти гапда алоҳида сўз шаклида

реаллашишига, семантик – синтактик мустақил бўлишига қарамай, у, аввалги типдагидек, шахс юзага келтирган ҳолатда бўлмайди. Чунки у (объект) ҳолатни ўзига олиш, ҳолатли бўлиш имконига эга бўлмаслиги билан ажралиб турди. Аниқроғи, у агенс юзага келтирган ҳолатга ўтувчи, шу ҳолатда қўринувчи объект бўлмай, балки агенсдаги муайян ҳолатнинг юзага келиши қандай предмет билан боғлиқ ҳолда, таъсирида содир бўлишини аник қўрсатиб турди. Қиёсланг: *Орлов қишилоқ йўлларини қўриқлаётиди* (Х.Ғулом). *Искандар уни қаттиқ қизғанди* (Ойбек). Демак, ўтимли ҳолат феълларининг шахс актанти агенс ва объект (агенси объект) бўлиб келишидан қатъий назар феълдаги ҳолат доимо муайян объект билан бевосита муносабатда кузатилади.

Ҳолат феълларининг шахс сифатидаги агенси, юқорида қўрганимиздек, синтактик конструкцияларда эгалик қўшимчали ва аффиксоидли сўз формаларда ҳам ифода этилиши билан ажралиб турди. Шунга кўра ҳолат феъллари агенсининг реализатори денотатив- коннотатив маъноли семантик “модел”га эга бўлади. Яна қиёсланг: *Раҳбархон уйғоқ ётди* (Х.Назир). *Ҳозир эса менинг Гулнорам ёнимда ўтирибди* (О.Ёқубов) ва б.

Ҳолат феъллари учун агенс ифода этилган сўзларнинг гапда эгалик қўшимчали, аффиксоидли, изоҳловчили *Турғун ота жим ўтириди*. (М.Исмоилий), уюшиқли ёки бирикмали келиши факультативдир. Чунки назарда тутилган ҳолат феъллари шахс маъноли лисоний бирликларнинг сўз ёки сўз формасида келишини талаб қиласди. Бу семантик қонуниятга асосланади. Аммо айни вақтда шахс маъноли от ёки бошқа сўзларнинг гапда формал – структур турлича шаклланиши нутқ факти сифатида синтактик қонуниятга асосланади. Бу бевосита коммуникация билан, коммуникантлар орасидаги муносабат билан, аниқроғи, сўзловчининг хоҳиш – иродаси билан, унинг шахс ифодали отларни қандай шаклда бериши билан, агенсга (шахсга) бўлган муносабати, уни қай жиҳатдан характерлаши, аниқлаши билан боғлиқ юзага келадиган индивидуал – нутқий ҳодисадир, семантика ва синтаксиснинг диалектик муносабатидир. Демак, шахс ифодали отларнинг структур – позицион турличалиги, синтактик турлича шаклларда бўлиши маъно жиҳатдан уларнинг бир мазмун планига – шахс актантига, уни ифодалашга хизмат қилиши билан чегараланади.

Ўзбек тилидаги турмоқ, ўтирмоқ, қолмоқ, ётмоқ, тунамоқ «давомли»; тўхтамоқ, тинчимоқ, бўшамоқ, яқинлашмоқ, ўрнашмоқ, ивимоқ «ҳаракат натижаси»; сақламоқ, асрамоқ, пойламоқ, қўриқламоқ, салқинламоқ «ижро»; ўрганмоқ, одатланмоқ, кўникуммоқ “малака”; пишмоқ, шалвирамоқ, шалваймоқ, шалпаймоқ, ёнмоқ, сўлмоқ, қотмоқ «образли»; қаримоқ, кексаймоқ, ўлмоқ, чанқамоқ, чўлламоқ, сувсамоқ, ёшармоқ, улгаймоқ «биологик»; чарчамоқ, ухламоқ, озмоқ бўшашишмоқ, иситмаламоқ, шумшаймоқ, толмоқ, толиқмоқ, ҳоримоқ, шифоланмоқ, ҳолсизланмоқ, қораймоқ, тузалмоқ, анграймоқ, оғримоқ жунжисимоқ, бўзраймоқ, тўлиқмоқ, совқотмоқ, тўлишишмоқ, музламоқ, гердаймоқ, заифлашишмоқ, тетикланмоқ, ёшламоқ, хасталанмоқ «физиологик» ва ўнгайсизланмоқ, қўрқмоқ, ажабланмоқ, завқланмоқ, севинмоқ, суюнмоқ, ачинмоқ, чўчимоқ, қизиқмоқ, уялмоқ, афсусланмоқ, асабийлашишмоқ, қувонмоқ, гердаймоқ, юмишамоқ, қимтишмоқ, қизармоқ, ачиқланмоқ, ранжисимоқ, бўшашишмоқ, мудрамоқ, газабланмоқ, ҳавотирланмоқ, зерикмоқ, шишинмоқ, таажжубланмоқ, ҳаяжонланмоқ, ўпкаламоқ, иккиланмоқ, ийманмоқ, совимоқ, ўқинмоқ, дадилланмоқ, жиддийлашишмоқ, гижинмоқ, ижирганмоқ, сергакланмоқ, оғринмоқ, қайғурмоқ, уйқусирамоқ, талмовсирамоқ, тараддуудланмоқ, мавжалнмоқ, овунмоқ, ирганмоқ, ташвишланмоқ, нафратланмоқ, ўксимоқ, довдирамоқ, гарангсирамоқ, жирканмоқ, гумонсирамоқ, шодланмоқ, ҳавфсирамоқ, безмоқ, зорланмоқ, ҳадиксирамоқ, мағурланмоқ, гангимоқ, ҳомушланмоқ, кеккаймоқ, юпанмоқ, ҳайиқмоқ, тортишмоқ, дўғаймоқ, сиқилмоқ, тинчсизланмоқ, истигеноланмоқ, безовталаанмоқ, тоқатсизланмоқ, хотиржамланмоқ, шавқланмоқ, бетоқатланмоқ, мулойимлашишмоқ, босинқирамоқ, таъсиранланмоқ, умидланмоқ, шиддатланмоқ, қизишмоқ, қониқмоқ, зирилламоқ, ғўдаймоқ, қонмоқ, ҳайратланмоқ, қийналмоқ, қаноатланмоқ, тортишмоқ, чидамоқ, тинчланмоқ, алаҳсирамоқ, ҳаволанмоқ, эсанкирамоқ, телбаланмоқ, даҳшатланмоқ, орзиқмоқ, фахрланмоқ, каловланмоқ, тетикланмоқ, ғашланмоқ, саргаймоқ, ғурурланмоқ, қувнамоқ, мароқланмоқ, куймоқ, эринмоқ, ҳавасланмоқ, койинмоқ, куйинмоқ, чиранмоқ, соғинмоқ, бетинчланмоқ, лаззатланмоқ, ганграмоқ, ҳавфланмоқ, тўлқинланмоқ, роҳатланмоқ, қаҳрланмоқ мириқмоқ каби «психик» интеграл семали ҳолат феълларида ифодаланган ҳолатларнинг агенси – шахс кишилик, ўзлик, сўрок, жамловчи ва гумон

олмошларида ҳам “кўринади”. Шунга кўра олмошлар отлар билан мувофиқ бўлади, от ўрнида келади. Айни вақтда олмошнинг от ўрнида келиши унинг доимий лексик-семантик хусусиятларидан бўлиб, бу имконият гап конструкцияларида воқе бўлади¹. Демак, агенс функциясидаги шахснинг олмош орқали берилиши ҳам нутқий ҳодиса саналади, коммуникацияда юз беради. От ва олмош лексемалар шахс англатишига кўра ўзаро фарқ қилади. Аниғи, олмошларда ифода этилган шахс отлардагидан фарқли мавхум бўлади. Мавхумлик даражаси жамловчи, айниқса, гумон олмошларида кучли бўладики, бу бевосита шундай олмошларнинг семантик табиати билан, уларнинг шундай ифодага бевосита (узул) эгалиги билан боғлиқдир. Масалан: *У жимгина ўтирибди* (Альманах). *Колхознинг қовунини ким пойлайди* (С.Абдулла). *Гўдаклик чөгимда сенга ўргандим* (Ҳ.Олимжон). *Кейин қолган бари ўлди* (Алпомиш). *Бурчакда кимдир шумшайиб туради* (М.Исмоилий).

Турмоқ ва ўтирмоқ «давомли» ҳолат феълларининг агенси шахс баъзан миқдор ва жамловчи сонларда ҳам ифодаланади: Бўши залда фақат иккимиз турадик (О.Ёқубов). *Иккови ҳам индамай ўтираверди* (Лайли ва Мажнун).

Ҳолат феълларининг агенси (шахс) субстантив бирликларда ҳам реаллашади. Нутқ жараёнида муайян сўз фақат доимий, узуал маъносига келмай, балки отлашган ҳолда ҳам келади. Гапда у от бажарадиган семантик – синтактик вазифада бўлади, предмет тушунчасини ифодалайди, конкретлашади. Шуниси характерлики, бу ҳолда субстантив сўз маъносига ҳам предмет, ҳам шу предметга хос муайян белги – хусусият, миқдор кабилар ифодаланади. Чунки отлашган сўзниң денотатив маъноси (белги, миқдор кабилар) предмет денотатив маъносисиз, унга боғлиқ бўлмаган ҳолда англашилмайди. Унда ифодаланган белги доимо муайян предмет билан алоқада бўлади. Бизнингча, шунга кўра бу предмет – унинг реализатори нутқда муайян сабабга (масалан, тежамкорлик принципига, бирикмани ихчамлаш кабиларга) кўра эркин тикланиш шарти билан туширилади², эллипсисга учрайди. Чунки нутқда унинг қўлланиши факультатив бўлиб, доимо синтактик реаллашиши зарурий саналмайди. У тема сифатида мантиқан

¹ Қаранг: Виноградов В.В. Русский язык, 17-бет.

² Қиёсланг: Иванова И.П., Бурлакова В.В., Почепцов Г.Г. Теоретическая грамматика современного английского языка, 37-бет.

англашилиб туради. Аниғи, логик ургу олган бошқа сўз маъноси, одатда, унинг аниқловчиси уни (аниқланмишни) ҳам билдириш имконига эга бўлади. Шу сабабли унинг мавжудлиги факультативдир. Демак, бу ҳолда гап конструкциясида муайян сўзнинг синтактик қайд этилмаслиги формал жиҳатдан, аммо семантик жиҳатдан у ҳамма вақт мавжуд бўлади. Бундай лисоний “операция” нутқий ҳодиса сифатида баҳоланади, нутқий метонимия саналади.

Субстантив бирликларнинг предмет тушунчасини ифодалаши фақат семантик жиҳатдан бўлиб¹, товуш материали уларнинг отдан бошқа туркумга оидлигини аниқ кўрсатиб туради. Демак, субстантивацияда отдан бошқа туркумдаги сўзнинг товуш (материал) томони эмас, мазмун томони асос бўлиб ҳисобланади. Албатта, бу фикрдан сўзнинг маъно томони бирламчи, товуш томони эса иккиламчи деган хулоса келиб чиқмайди. Сўзнинг товуш томони тингловчи нуқтаи назаридан ҳамма вақт бирламчи бўлиб, шундан келиб чиқувчи маъно томони эса иккиламчи ҳисобланади².

Бизнингча, муайян сўзнинг нутқ фаолиятида отлашиб келиши нутқ маҳсули сифатида табиий, айни вақтда доимий ҳодиса саналиши керак. Унинг доимийлиги тил (нутқ) эгаси бўлган жамиятнинг мавжудлигидан келиб чиқади. Жамиятнинг мавжудлиги эса тилнинг (нутқнинг) мавжудлигини, реаллигини кўрсатади. Нутқда эса бир грамматик категориядаги сўзнинг маъно қобилиятига кўра бошқа лексик – семантик туркумга ўтиб туриши (баъзан вақтинча, баъзан бутунлай, яъни кўчиши) диалектик жараёндир.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳолат феъллари агенсининг субстантив бирликларда реаллашишида ҳам семантик – синтактик мутаносиблик тўла сақланади. Чунки отлашган сўздаги шахс маъно жиҳатдан ҳолатнинг агенси бўлса, унинг реализатори ҳақли равишда синтактик жиҳатдан эга бўлади. Бу семантик – синтактик мувофиқликнинг асосини ташкил қиласи.

Ўтирмоқ, қолмоқ «давомли»; кўтаймоқ «ҳаракат натижаси»; ухламоқ «физиологик»; ранжимоқ, қўрқмоқ, қуймоқ, газабланмоқ каби «психик» интеграл семали ҳолат феълларининг агенси

¹ Қаранг: Золотова Г.А. Коммуникативные аспекты русского синтаксиса, 243-бет.

² Қиёсланг: Сўзловчи нуқтаи назаридан эса аксинча, яъни сўзловчидаги олдин муайян фоя, тушунча пайдо бўлади, сўнг шу тушунча муайян товуш материалида “кўринади”.

субстантив сифатда келади. Бу ҳолда субстантив сўз шахсни кўпинча миқдорий ортиқ маъноси билан англатади. Маълумки, бунда агенсни ифода этувчи отлашган сифатлар узуал маъносини ҳам тўла сақлайди. Чунки агенс реализатори маъносида шахс ва унинг муайян белгиси ифодаланади. Қиёсланг: *Катталарап уйда қолди* (Ўз. халқ эртак). – *Почча, Ҳусайн Бойқаро замонида ёмонлар кўпайган* (Ойбек). *Сепган сувлари етмагани учун пастдагилар газабланар* (О.Ёқубов).

Турмоқ «давомли»; ўлмоқ «биологик» интеграл семали ҳолат феълларининг агенси (шахс) субстантив сонда қайд этилади. Бу ҳолда у препозитив компонентига кўра конкретлашади. Масалан: *Мана, ўн саккизга кирганлардан бири хаёлчан турибди* (С.Аҳмад) *Йигитларнинг бири уч кундан кейин ўлди* (М.Исмоилий).

Қолмоқ «давомли»; ўлмоқ «биологик» интеграл семали ҳолат феълларининг агенси субстантив сифатдошда кузатилади. Ушбу атрибутив форма шахсни ажратиш, таъкидлаш маъноси билан ҳам ифода этади: *Қариндошлидан кетадигани кетди, қоладигани қолди* (А.Қаҳхор). *Ўлган ўлди, қолганга қийин* (С.Аҳмад). Демак, субстантив сўз семемаларининг ҳам феъл семесаси билан ўзаро боғланиши “шахс” классемасига кўра юз беради.

Ўзбек тилидаги турмоқ, ўтирмоқ, ётмоқ «давомли»; тинмоқ, кўймоқ, тўхтамоқ, кўпаймоқ, камаймоқ «ҳаракат натижаси»; кўникуммоқ “малака”; ўлмоқ, қаримоқ, чанқамоқ «биологик»; чарчамоқ, совқотмоқ, ҳоримоқ, тўймоқ, касалланмоқ, кўпикламоқ, ёмонламоқ, ҳолсизланмоқ, озмоқ, кўтирмоқ, ухламоқ, ориқламоқ, қутурмоқ, семирмоқ «физиологик»; чўчимоқ, эринмоқ, иккиланмоқ, мудрамоқ «психик» интеграл семали ҳолат феълларининг агенси вазифасида жонлилар – қуш ва ҳайвон кузатилади. Ушбу ҳолат феъллари семантик имкониятига кўра ҳолатнинг агенси сифатида шахсдан бошқа жонлиларни ҳам талаб қиласди. Чунки объектив борлиқда улар ҳам муайян ҳолатда бўлади, ҳолат феълларининг агенс актанти саналади. Аммо жонлиларнинг қайд этилган ҳолатларда бўлиш имконининг шахсга нисбатан сифат ва миқдор жиҳатдан фарқланиши, чегараланиши мантиқийдир. Бу, бизнингча, шахснинг турлича ҳолатда бўла олиш имконига тўла эгалигидан, шахснинг ҳар қандай ҳолатни бажариши унинг ақлий қобилияти томонидан бошқарилишига кўра юз беради.

Назарда тутилган гап конструкциялари сўз семемаларининг “қуш” ва “ҳайвон” классемаларига кўра боғланишидан тузилади.

Масалан: *Айиқ қочмасдан бемалол турарди* (Ф.Жаҳонгиров). *Тинди шохчадаги қуиша ҳам бийрон* (А.Орипов). *Оққуиша одамларга кўникуди* (Шухрат). *Уришиқоқ қўчкор* қариган эди (О.Мухторов). *От ҳам чарчади* (Н.Норматов). *Ҳўтиқ сувдан чўчиди* (Х.Назир). Демак, «давомли», «ҳаракат натижаси», «иҷро», “ҳаракат”, “малака”, «образли», «биологик», «физиологик» ва «психик» интеграл семали ҳолат феълларининг жонлиларда реаллашган агенси айни вақтда объектлиги билан характерланади.

Ўзбек тилидаги *турмоқ*, *қолмоқ* «давомли»; *қоронглашмоқ*, *ёргулашмоқ*, *ёришмоқ*, *равшанлашмоқ*, *кўпаймоқ*, *камаймоқ*, *тўлмоқ*, *совимоқ*, *исимоқ*, *нурамоқ*, *битмоқ* «ҳаракат натижаси»; *қўнқаймоқ* «образли» интеграл семали ҳолат феълларининг агенс актанти қурилма бўлади. Ушбу ҳолат феъллари агенсининг қурилма билан боғланиши ҳам мантиқийdir. Чунки қурилма ҳам қайд этилган ҳолатларда бўлиши билан ажралиб туради, оптик таъсир қилади. Шунга кўра улар феъл маъноларидағи ҳолатнинг аегнси саналади. Аммо қурилмаларнинг давомий, ҳаракат натижаси, образли каби турлича ҳолатларда бўлиши, албатта, жонлиларга нисбатан пассив, чегаралангандир. Айни вақтда бундай актантлар ҳолати шахс ва бошқа жонлилар давомий ҳолатига нисбатан анча чўзиқлиги, “абадий”лиги билан ўзига хосдир. Бу уларнинг жонсиз предмет, қурилма эканлигидан, бевосита, ўзича жонлилар каби ўзгариш, бошқа кўриниш, ҳолат ёки ҳаракатга ўтиш қобилиятига эга эмаслигидан келиб чиқади.

Шуни айтиш керакки, ҳолат феъллари агенсининг қурилма ёки шу каби предметлар бўлиши аслида уларнинг феъл маъноларида биринчи даражали, асосий агенс бўлган шахс ва бошқа жонлиларнинг турлича давомий, ҳаракат натижаси, образли каби ҳолатлари билан қиёсланиши, ўхашлиги, муайян умумийликка эгалиги асосида юз беради. Улар (предметлар) ҳам ҳолат феълларининг семантик структурасига киради, уларнинг иккинчи даражали агенслари саналади. Демак, бу типда ҳам сўзловчи семантик қонуниятга асосланган ҳолда шахс ва бошқа жонлилар каби турлича ҳолатда бўла олиш имконидаги ва шу жиҳати билан шахсга, жонлиларга ўхаш нарса – предметларни “қидириб” топади, муайян ҳолатнинг уларга ҳам хос эканлигини аниқлайди. Шунга кўра коммуникантлар нутқ жараёнида ҳолатнинг агенси вазифасида қурилма кабилардан ҳам эркин фойдаланади. Улар қурилмаларнинг муайян ҳолатда бўлиш имконидан келиб

чиқиб, нутқда уларни феъл маъносидаги ҳолатни “юзага келтирувчи” – агенс сифатида қайд этади. Шу сабабли гап конструкциялари семантикасининг таъсири ортади. Бундай гаплар ўзига хослиги билан ажралиб туради. Масалан: ...*қасрлар тургандир қатор* (А.Орипов). *Шаҳримизда янги уйлар кўпайди* (Тошкент оқшоми). *Уй қоронгуланди* (А.Қодирий). *Ҳужра ёнбошида кичкинагина ўчоқбоши қўнқайган* (Ҳ.Ғулом). Демак, гап конструкцияларида сўзларнинг предикатив бирикмани тузуви “қурилма” классемасига кўра содир бўлади. Шунингдек «давомли», «ҳаракат натижаси» ва «образли» интеграл семали ҳолат феълларининг қурилмада кузатилган агенси объектdir.

Ўзбек тилидаги *турмоқ*, *қолмоқ* «давомли»; *қораймоқ*, *қуюқлашмоқ*, *қалинлашмоқ*, *огирлашмоқ*, *тўймоқ*, *қонмоқ*, *қопламоқ*, *зарарланмоқ* «ҳаракат натижаси»; *товланмоқ*, *қапишмоқ*, *мудромоқ*, *кеқкаймоқ*, *кўз* – *кўзламоқ*, *шалпаймоқ* «образли»; *гулламоқ*, *қуримоқ*, *сўлмоқ*, *саргаймоқ*, *кўкармоқ*, *қизармоқ*, *бўртмоқ*, *сувсамоқ*, *чиримоқ*, *сўлқинқирамоқ*, *қовжирамоқ* «биологик» интеграл семали ҳолат феълларининг агенси функциясида ўсимликнинг келиши ҳам мантиқийдир. Чунки ушбу ҳолатларнинг объективлиги, реаллиги бевосита ўсимликка кўра ҳам юз беради. Ўсимликлар ҳам муайян ҳолатда бўлиш имкони билан таъсир қилиш кучига эгадир. Бу хил семантик актантлар синтактик конструкцияларда кўпинча муайян ҳолатнинг объекти, баъзан фақат агенси сифатида ажралиб туради, ҳолат юзага келган объект бошқа бўлади. Шунга кўра *қопламоқ* ва *кўз* – *кўзламоқ* ҳолат феъллари гапда объект валентлиги билан реаллашади. Предикатив бирикма “ўсимлик” классемасига кўра тузилади. Масалан: *Бир дарахт турарди йўл чеккасида* (Зулфия). *Ховузнинг ичини супурги, сассиқкана, тўзғанмия қоплаган* (А.Қаҳхор). ... *паркларда, боғларда атир гуллар ранглар нафосатини кўз* – *кўзлайди* (М.Исмоилий). *Хазон бўлиб, боғда гуллар сўлибди* (Ф.Йўлдош). Демак, «давомли», «ҳаракат натижаси», «образли», «биологик» интеграл семали ҳолат феълларининг агенси объект, баъзан фақат агенс бўлган ўсимликда кузатилади.

Ўзбек тилидаги *қолмоқ* «давомли»; *тўқнашмоқ*, *қотмоқ* «ҳаракат натижаси»; *ёнмоқ*, *нурланмоқ*, *оловланмоқ*, *алангалаңмоқ*, *дўрдаймоқ*, *сўлмоқ*, *ёришмоқ*, *қовушмоқ*, *шалвирамоқ*, *йилтирамоқ*, *пишмоқ*, *тормозланмоқ*, *қақрамоқ*, *тўлқинланмоқ*, *қаппаймоқ* «образли»; *қизармоқ*, *оқармоқ*, *қораймоқ*, *шишимоқ*, *қавармоқ*,

оғримоқ, қамашишмоқ, олаймоқ, толмоқ, диккаймоқ, жимирлашмоқ, зирқирамоқ, қизимоқ, қонталашмоқ, қонланмоқ, кенгаймоқ, уюлмоқ, тинмоқ, бўзармоқ, қуруқшамоқ, шилтиқланмоқ, жунжисикмоқ, киртаймоқ, хиранланмоқ, оғирлашмоқ, заифлашмоқ, нурсизланмоқ, чарчамоқ, ачишмоқ, туманлашмоқ, налиқмоқ, пўрсилламоқ, кўкармоқ, лўқилламоқ, толиқмоқ, ҳурпаймоқ, тундлашмоқ, буришмоқ, бўшашишмоқ, синиқмоқ, чақчаймоқ, саргаймоқ, салқимоқ, кўпчимоқ, гилтилламоқ, бўртмоқ, катталашишмоқ, қурушшишмоқ, терчирамоқ, қонсизланшишмоқ, жуфтланшишмоқ, исимоқ, мажсолисизланшишмоқ, ўчмоқ, қақшамоқ, сўлжайшишмоқ, ўчинкирамоқ, равшанлашишмоқ, зингилламоқ, жиддийлашишмоқ, юпқалашишмоқ, кўпикламоқ, буқраймоқ, буқчаймоқ, тўлишишмоқ, қалинлашишмоқ, терламоқ, шишинкирамоқ, увушишмоқ, кичрайшишмоқ, ялигламоқ, жонсизланшишмоқ, тузалмоқ, маймашшишмоқ, қадоқланшишмоқ, таранглашишмоқ, кирламоқ, бужмайшишмоқ, гувилламоқ, сирқирамоқ, совимоқ, кўпирмоқ, тиришишмоқ, гезармоқ, қуримоқ, қовжиррамоқ, захиллашишмоқ, унниқмоқ, гилайлашишмоқ, музламоқ, туташшишмоқ, пишиқмоқ, тиниқмоқ, тортишишмоқ, тўймоқ, қуюқлашишмоқ, совқотмоқ, паҳмайшишмоқ, яхламоқ, чангакланшишмоқ, ўтқирлашишмоқ, елимлашишмоқ, сузилмоқ, гангимоқ, ганграмоқ, шангилламоқ «физиологик» интеграл семали ҳолат феълларидағи ҳолатнинг агенси киши аъзоларида кузатилади. Агенс объект характерида бўлади. Гап конструкцияси “аъзо” классемасига кўра тузилади. Масалан: *Шунда кўзлар тўқнашиди* (М.Исмоилий). *Кўзлар ўтдай ёнган* (Ғ.Ғулом). *Қовоқлари шишиган, юzlари бўртган* (А.Қодирий). *Кўп юрсам толарди тиззам, оёгим* (Ўз.халқ эртак).

Поэтик нутқ – шеърият ўзига хос қонуниятларга эгадир. Шеърий талабда, шеърий бирликлар муносабатида, яъни улар орасидаги формал – структур мувофиқлик, семантик алоқадорликнинг ўзига хос йўсинда воқе бўлишида ҳеч қандай сунъийлик йўқ. Аксинча, бу табиийлиги, шеъриятга хослиги билан ажralиб туради. Шу жиҳатдан А.Ориповнинг қуидаги шеърий мисраларида агенснинг (киши аъзосининг) реаллашиши ўзига хослиги билан дикқатни жалб қиласиди:

Ерда қолган, о, таним маним.
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Қолмоқ «давомли» ҳолат феълининг агенси реаллашган таним сўзи нутқий жойлашишига кўра тобе компоненти (аниқловчи)нинг ўрнини эгаллаган. Аниқроғи, шеърий қофиялар талабига кўра

инверсия юз берган. Гап шундаки, бу синтактик конструкцияда агенсни ифода этувчи сўзнинг тобе компоненти қаратқич келишигига қўлланишдан чекиниб, у агенсни реаллаштирувчи сўз билан шаклан бир хил бўлиб қолган. Фонетик фарқ фақат сўзларнинг биринчи товушларида (-т-м) кузатилади. Бошқача айтганда, агенс реализаторини шакллантирган –им форманти тобе компонент таркибида ҳам қайд этилган, аффиксал тақрор юз берган. Бу шаклий ўхшашлик маъно умумийлиги билан ҳам характерланади, яъни бирикма компонентларининг ҳар иккиси ҳам тегишлилик ифодалайди. Бинобарин, шу мазмун планига хос ифода (товуш) планига ҳам эга бўлади. Шуниси муҳимки, тобе компонентдаги –им қўшимчаси семантик универсалликка эга. Айтмоқчимизки, унинг эгалик маъноси сақлангани, асосий бўлгани ҳолда айни вақтда у -нинг қўшимчасининг вазифасида келади. –Им аффикси контекстуал –нинг форманти билан синтактик синонимни ҳосил қиласи. Буларнинг синонимик муносабати мазмун жиҳатига кўра тасдиқланади. Эгалик формантининг нутқда қаратқич келишиги вазифасида келиши унинг потенциал имконияти бўлиб, бу имкониятнинг юзага чиқиши окказионал жиҳатдандир.

Шуниси ҳам муҳимки, аффиксал тақрор ғализликни, сунъийликни эмас, аксинча, табиийликни, шеъриятдаги “гўзаллик қонунига” монандликни, экспрессивликни, қатъийликни, таъкидлашни, муайян тегишлиликни юзага келтирган, яқинлик, муҳаббат, хурмат каби коннотатив маънога ҳам эга бўлган.

Бизнингча, содда бирикма қисмлари доимий синтактик позицияда қўлланиб, доимий товуш қиёфасини сақлаганди, фаол ижобий коннотация кучсизланган, анча камайган бўларди. Аниғи, бирикма компонентларининг қаратқич – қаралмиш (*менинг таним*) кўринишида асосан индивидуал тегишлилик тушунчаси англашилади. *Таним маним* формали синтактик конструкцияда информация ҳам, коннотация ҳам етакчилиги, реаллиги билан ажralиб туради. Коннотатив маънонинг ҳам асосийлиги шеърдаги кейинги мисраларда ҳам тасдиқланади. Демак, сўз бирикмасида иштирок этган агенс валентлигини реаллаштирувчи сўзнинг бундай формал – позицион ўзгариши поэтик услугга хослиги, нутқий экспрессивликни ҳосил қилиши билан диққатга сазовордир.

Хуллас, «давомли», «ҳаракат натижаси», «образли» ва «физиологик» интеграл семали ҳолат феълларининг агенси объект характеристидаги инсон аъзоларидир.

Ўзбек тилидаги қолмоқ «давомли»; тинмоқ, камаймоқ, кўпаймоқ, тиниқлашмоқ, қуримоқ, тўлмоқ, тугамоқ, исимоқ, яхламоқ, музламоқ, илимоқ, совимоқ, саргаймоқ «ҳаракат натижаси»; товланмоқ, жилваланмоқ, мўлтилламоқ, ҳалқаланмоқ, симобланмоқ «образли» интеграл семали ҳолат феълларидағи ҳолатнинг агенси суюқлик бўлади. Предикатив бирикма “суюқлик” классемасига қўра тузилади. Масалан: Унинг қўзларида аччиқ ёши қолди (Г.Нуруллаева). Дарё суви камайган (М.Осим). Сув тиниқлашди (“Фан ва турмуш”). Сув яхлади (“Саодат”)..... кўзида ёши ҳалқаланди (Ў.Хошимов). Демак, ушбу ҳолат феълларининг агенси объект характеридаги суюқликдир.

Турмоқ, қолмоқ «давомли»; эскирмоқ, саргаймоқ, тўлмоқ, зангламоқ, кўпаймоқ, бўшамоқ, катталашмоқ, огирашмоқ, совимоқ, камаймоқ, қизимоқ, майшимоқ, қораймоқ «ҳаракат натижаси», қаппаймоқ, товланмоқ, шалтаймоқ, шалвирамоқ «образли» интеграл семали ҳолат феълларининг агенси буюм бўлади. Сўз семемалари учун классема вазифасини “буюм” семаси ўтайди. Масалан: Ҳовуз бўйида кресло турибди (У.Назаров). Кийимлари эскирган (М.Осим). Қумғон оловдан қорайиб кетган (Ўз.халқ эртак). Кўйлаги қуёшда чамандек товланар эди (Ойбек). Демак, айни ҳолат феълларининг агенси объект характеридаги буюмдир.

Ўзбек тилидаги турмоқ «давомли»; тўхтамоқ, эскирмоқ, тўлмоқ, яқинлашмоқ, кўпаймоқ, камаймоқ, тўқнашмоқ «ҳаракат натижаси» интеграл семали ҳолат феълларининг агенси транспорт воситаси бўлади. Гап конструкцияси “машина” классемасига қўра тузилади. Масалан: Мактабнинг олдида автомашина турибди (Н.Фозилов). Газик тўхтади (С.Аҳмад). Посёлкада автомобиллар кўпайган (“Тош.оқшоми”). Демак, «давомли» ва «ҳаракат натижаси» интеграл семали ҳолат феълларининг агенси объект характеридаги транспорт воситасидир.

Ўчмоқ, тинмоқ «ҳаракат натижаси»; пасаймоқ, мулойимлашмоқ, майинлашмоқ, кучаймоқ, хиралашмоқ “ҳаракат” ва ўртамоқ «психик» интеграл семали ҳолат феълларининг агенси объект, баъзан фақат агенс бўлган овоздир. Предикатив қўшилма компонентлари семемаларининг ўзаро боғланиши “овоз” классемасига қўра юз беради. Масалан: Краннинг овози ўчди (С.Аҳмад). Унинг товуши пасайди (А.Мухтор). Элликбошининг товуши мулойимлашди.(Ойбек). Қалбимни ўртади аллақандай сас

(А.Орипов). Демак, қайд этилган ҳолат феълларининг агенси объект ва фақат агенс характерида бўлади.

Тинмоқ «ҳаракат натижаси»; ва пасаймоқ, «ҳаракатнинг ҳолати» интеграл семали ҳолат феълларининг агенси ҳаво оқимиdir. Гап- нутқ бирлигининг компонентлари “ҳаво оқими” классемасига кўра ўзаро боғланади. Масалан: *Кейин тўсатдан шамол тинди* (Ў.Хошимов). *Кечаги изғирип пасайган* (О.Ёқубов). Демак, «ҳаракат натижаси» ва «ҳаракатнинг ҳолати» феълларининг агенси (ҳаво оқими) объект ҳисобланади.

Қалинлашмоқ, тинмоқ, катталашмоқ, туташмоқ, тўхтамоқ, кўпаймоқ, қопламоқ «ҳаракат натижаси»; зўраймоқ, кучаймоқ, сустлашмоқ «ҳаракатнинг ҳолати» феълларининг агенс актанти ёғин бўлиб, у асосан объектлиги, баъзан объект эмаслиги (фақат субъектлиги) билан характерланади. Предиктив бирикма “ёғин” классемасига кўра тузилади. Масалан: *Ёмғир кечаси тинибди* (Ў.Хошимов). *Йўлларни юпқагина қор қоплаган* (А.Мухтор). *Ёмғир сустлашиб, майда зарраларга айланди* (У.Назаров). Тўхтамоқ, тугамоқ, битмоқ «ҳаракат натижаси»; оғирлашмоқ, бўшаимоқ, қизимоқ, секинлашмоқ, кўпаймоқ, камаймоқ, кучаймоқ, енгиллашмоқ “ҳаракатнинг ҳолати” феълларининг агенс актанти ҳаракат билан боғланади. Бу ҳолда ҳаракат ўз манбаига кўра шахс, аъзо ва суюқлик кабиларнинг жараёни сифатида кузатилади. Айни вақтда ҳолатнинг обьекти ҳам ушбу логик субъектларнинг ўзи – уларнинг ҳаракати бўлади. Гап тузилишида “ҳаракат” семаси классема вазифасини ўтайди. Масалан: *Ўйин тўхтади* (С.Юнусов). *Тун қорайиб, юриши оғирлашиди* (Ҳ.Ғулом). *Йўлда қатнов яна ҳам кучайди* (Ҳ.Ғулом).

Ўзбек тилидаги булутланмоқ, қоронгилашмоқ, қораймоқ, ёришмоқ, тўлмоқ, мовийлашмоқ, қизармоқ, хиралашмоқ, оқармоқ «ҳаракат натижаси»; ҳўмраймоқ «образли» интеграл семали ҳолат феълларининг обьект характеридаги агенси ҳаво қатламиdir. Гап конструкцияси “ҳаво қатлами” классемасига кўра тузилади. Масалан: *Осмон қорайди* (Альманах). *Осмон қора, ҳўмрайган* (Ойбек).

Сўнмоқ, хираланмоқ, кўпаймоқ, қизармоқ, ёргулашмоқ, тўлмоқ, камаймоқ, ёрқинлашмоқ, сийраклашмоқ, ёришмоқ, қораймоқ, равшанлашмоқ, ботмоқ «ҳаракат натижаси»; чароқламоқ, порламоқ, милтирамоқ ёнмоқ, жилмаймоқ «образли» интеграл семали ҳолат феълларининг обьект бўлган агенси

сифатида планета кузатилади. Предикатив бирикма семемалари учун классема функциясини “планета” семаси ўтайди. Масалан: *Юлдузлар мудраб – мудраб охиро сўнди* (У.Хошимов) *Офтоб чарақлайди* (С.Аҳмад).

Қотмоқ, қораймоқ, музламоқ, оқармоқ, қатқалоқланмоқ, қизимоқ, юшиамоқ, қуримоқ, бўшаимоқ «ҳаракат натижаси»; қўпчимоқ, қавармоқ, етилмоқ, қақрамоқ «образли» интеграл семали ҳолат феъллари маъносидаги ҳолатда тупроқ қатлами иштирок этади. Агенс объект саналади. Предикатив бирикма “тупроқ” классемасига кўра тузилади. Масалан: *Ер тақатак қотган* (Мирмуҳсин). *Қор, музлар эриб, ер хамирдек қўпчиған*.

«Ҳаракат натижаси» бўлган катталашимоқ, камаймоқ, қизимоқ, қўпаймоқ, ўчмоқ, қораймоқ, ёпишимоқ, қуюқлашимоқ, музламоқ, сийраклашимоқ, қалинлашимоқ, йўқолмоқ ва қопламоқ; «образли» жилоланмоқ ҳолат феълларининг агенси модда бўлади. Агенс объект, баъзан фақат агенс ҳисобланади. Предикатив синтагма семемалари “модда” классемасига кўра ўзаро боғланади. Масалан: *Осмонда булутлар қўпайди* (Тош оқшоми). Ундан чапроқда эса гўри Амир минораларининг тилларанг бўёқлари жилоланаарди (О.Ёқубов).

«Ҳаракат натижаси» бўлган яхламоқ, музламоқ, катталашимоқ; «биологик» пишимоқ, етилмоқ, сўлмоқ, чиримоқ, саргаймоқ ва қизармоқ ҳолат феълларининг агенси объект характеридаги мевадир. Гап конструктив бирликлари “мева” классемасига кўра ўзаро бирикади. Масалан: *Қаттиқ совуқдан қондаги бодринг, сабзи яхлабди* (Ўзб.халқ эртак). Эртаги узум гарқ пишган эди (С.Юнусов).

«Ҳаракат натижаси» бўлган пишимоқ, қизармоқ, қуюқлашимоқ, қўкармоқ, оғирлашимоқ, тугамоқ ҳолат феълларининг агенси таом (емиш); исимоқ, совимоқ ҳолат феълларининг агенси ҳаво бўлади. Агенс объект сифатида келади. Сўз семемаларининг семантик синтагма тузуви “таом (емиш)” ва “ҳаво” классемалрига кўра юз беради. Масалан: *Қизлар, овқат пишиди* (Ў.Хошимов). *Бугун эрталабдан кун ҳам исиди* (Ҳ.Ғулом).

«Ҳаракат натижаси» бўлган сўнмоқ, ёруғлашимоқ, равшанлашимоқ ва ўчмоқ ҳолат феълларининг агенси объект характеридаги аланг ва ёритқич бўлади. Масалан: ... *печкадаги ўт сўнган* (А.Қаҳҳор). *Кўчадаги чироқлар бирданига ўчди*

(Ў.Хошимов). Демак, сўз семемаларининг боғланиши учун “аланга” ва “ёритқич” семалари классема вазифасини бажарган.

«Образли» интеграл семали яшнамоқ, товланмоқ, гавдаланмоқ, гулламоқ, ҳувилламоқ, пўрсилламоқ ҳолат феълларининг объект характеридаги агенси сифатида сатҳ (ўрин-жой) келади. Гап бирликлари “сатҳ” классемасига кўра ўзаро бирикади. Масалан: *Крим яшнаган эди* (Ш.Тошматов). *Адирлар гуллади, гуллади диёр* (Файратий). *Кўчалар алланечук ҳувиллаган* (П.Қодиров).

«Образли» жилмаймоқ, майинлашмоқ ва юмшамоқ ҳолат феълларининг агенси объект характеридаги борлик бўлади. Предиктив бирикма “борлик” классемасига кўра тузилади: *Оlam бепарво гўдакдай жилмаяди жим* (А.Орипов). *Тунов кунги бўрон ва изгириналардан сўнг табиат гўё қаҳридан тушган майинлашган* (О.Ёқубов).

«Образли» ястанмоқ, гулламоқ ҳолат феълларининг агенси ўрнида фасл, жилваланмоқ, ёнмоқ ҳолат феълларининг агенси ўрнида ёғду, қуримоқ феълининг агенси позициясида жаҳл (нафрат) маъноли сўзлар келади. Агенс объект бўлади. Предиктив бирикма компонентларининг ўзаро семантик алоқаси “фасл”, “ёғду”, “куч-қувват”, “тонг” ва “жаҳл” классемаларига кўра юз беради. Масалан: *Кимнингдир кўнглида баҳор гуллади* (Ў.Хошимов). *Қуёшининг илк нурлари ҳовлидаги икки туп мирзатеракнинг учларида жилваланар* (О.Ёқубов). *Оҳ тортсам, қурийди танамда дармон* (“Балогардон”). *Тонг бўзарди* (Шухрат). *Унинг тўсатдан газаби сўниб, эсанкирагандай жилмайди* (С.Анорбоев).

Ўзбек тилидаги тиниқлашмоқ, тинчимоқ, тўхтамоқ, жимимоқ “ҳаракат натижаси”; товланмоқ, мудрамоқ, симобланмоқ, ёришмоқ «образли»; гулламоқ «биологик»; ухламоқ, қизармоқ, оқармоқ, унниқмоқ, бўзармоқ, қўкармоқ, қораймоқ, буқчаймоқ «физиологик» ва қайғурмоқ «психик» интеграл семали ҳолат феълларининг агенслари ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Ушбу ҳолат феъллари ўтимсиз бўлишига қарамай, уларнинг агенси объект ҳисобланмайди. У фақат агенс, яъни назарда тутилган ҳолатларни “бажарувчи” саналади. Шунга кўра улар юқорида фикр юритилган типлардан фарқланади. Айтилганлардан ҳолат юзага келган объектнинг бошқалиги тушунчаси келиб чиқади. Аммо, шуни таъкидлаш керакки, юқорида келтирилган ҳолат феъллари агенсининг объектлиги асосийдир. Чунки агенснинг объект характери, биринчидан, ҳолат

феълларининг семантик тузилишидан, яъни ўтимсизлигидан, иккинчидан эса, уларнинг семантик валентлигига кўра агенсни бевосита талаб қилишидан, муайян объект билан боғланмаслигидан содир бўлади.

Қайд этилган ҳолат феъллари агенсининг объект эмас, балки фақат агенс – “бажарувчи” бўлиб келиши ўзига хос бўлиб, бу нутқ фаолиятида юз беради. Агенснинг айни вақтда объект эмаслиги, фақат агенслиги (субъектлиги) унинг нутқда қандай характердаги предметда реаллашишига, бу предметнинг нималигига, қандай хусусиятларга эгалигига кўра аниқланади. Агенснинг объект сифатида ҳам вокеланишига семантик синтаксис, семантик принцип йўл қўймайди.

Назарда тутилган ҳолат феъллари агенсининг фақат “бажарувчи” бўлиб реаллашиши агенс вазифасида ҳолат феъллари бевосита талаб қилган предмет эмас, балки унинг ўрнида талаб қилинган предмет бевосита алоқадор, шу предметнинг (асосий агенснинг) “манбаи” бўлган бошқа предметнинг қўлланишидан келиб чиқади. Бошқача айтганда, бевосита талаб қилинувчи қайд этилмаган предмет гапда агенс функциясидаги қайд этилган предметнинг функционал доирасига киради, аслида у билан “яшайди”, фаол куч бўлади. Шунга кўра нутқда ҳолатнинг “юзага келтирувчиси” сифатида иштирок этган предмет агенс ҳисобланади. Аммо шу ҳолатнинг обьекти унинг ўзи эмас, балки унинг муайян қисми, масалан, киши аъзоси кабилар, яъни ҳолат феъли бевосита талаб қилган асосий предметлар бўладики, унинг характеристи, моҳияти, табиати синтактик конструкциядан англашилиб туради. Аникроғи, обьектнинг нималиги у тегишли бўлган нутқий “ҳоким” предметдан (агенсдан) маълумлиги, англашилганлиги сабабли, демак, нутқий вазиятда асосий агенс синтактик реаллашмаган бўлади. Бу гапни ўзига хос услубда тузиш, фикрнинг тез етиши ва таъсирини ошириш, ихчамликка эришиш, асосий агенсни “яшириш” мақсадида у (агенс) “генетик” боғлиқ бўлган муайян предмет келтирилади. Шунингдек, қайд этилмаган агенс нутқда жамланган- реаллашган агенсда ифодаланиб тургани сабабли унга алоҳида эътибор қилинмайди, логик ургу берилмайди. Шу жиҳатдан у (агенс) синтактик ярусда иккинчи планга ўтади. Аммо семантик жиҳатдан асосийлигини, етакчилигини асло йўқотмайди.

Демак, предметлар орасидаги мантиқий, табий алоқа бирининг ўрнига иккинчисини қўллаш имконини берадики, бу ҳодиса метонимик алоқа сифатида маълумдир. Бундай нутқий метонимия эллипсис натижасида содир бўлади¹. Аниги бу ҳолда бирикма конструкциясининг ҳоким компоненти, аниқланмиш (асосий агенс) муайян сабабга кўра туширилиб, унинг тобе компоненти (аниқловчиси) туширилган компонентнинг маъносини, у ифодалаган предметни ҳам англатиш имконига эга бўлади. Шунга кўра туширилган компонентга, у англатган предметга кўпда эътибор қилинмайди. У нутқий етакчилигини йўқотади, яъни эллипсис содир бўлади. Демак, бирикмадан туширилган компонентдаги предмет ифодаси унинг синтактик реаллашган тобе компонентига кўчиб ўтишига кўра бу компонент ҳолат феъли агенс валентлигининг реализациори сифатида ҳолат юзага келган объекти ҳам англатиб туради. Кўринадики, бу тип агенснинг фақат “бажарувчи” сифатида объекти ҳам билдириб туриш қобилияти семантик принципга асосланади. Айни вақтда бу принципнинг объективлиги синтактик планда амалга ошади, исботланади.

Асосий агенс ўрнида у билан зарурий боғлиқ бошқа предметнинг агенс сифатида келиши ўз-ўзидан унинг фақат ҳолатнинг бажарувчиси эканини кўрсатади. Чунки нутқда қайд этилган агенсни ифода этувчи сўз семантик имконига кўра ҳолатнинг манбайнин ва синтактик реаллашмаган асосий агенсни англата олувчи сифатида унинг қандай предметлигини билдиради, холос. Шунга кўра нутқий агенс айни вақтда объект ҳам бўла олмайди. Унинг объект бўла олиши учун ҳолат феъллари томонидан бевосита талаб қилинмоғи, биринчи даражали семантик актант бўлмоғи лозим. Ваҳоланки, феъл маъноси уни эмас, балки унга “тегишли” предметни талаб қиласи. Чунки бу предмет юқорида қайд этилган ҳолат феълларидағи ҳолатни бевосита юзага келтиради ва шу ҳолатга унинг ўзи “жойлашади”. Шу сабабли ҳолат юзага келган объект ўз-ўзидан нутқда қайд этилмаган асосий агенснинг ўзи бўлади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, синтактик конструкцияларда асосий агенснинг берилмаслиги, у боғлиқ бўлган бошқа предметнинг агенс бўлиши ва унинг фақат ҳолатни “юзага келтирувчи” характеристи гапда ифодаланаётган

¹ Қаранг: Капанадзе Л.А. Русская разговорная речь. М., 1973, 429-бет; Миртоҗиев М. Эллипсислар ва кўчма маъно Ўзбек тили ва адабиёти. 1, 1973., 57-61-бетлар;

фикрнинг мантиқийлигига таъсир қилмайди, фикрнинг тўла, аниқ етиб боришига ҳалал бермайди. Аксинча гап мазмунини, фикр объектини конкретлашга, асосий агенсдан ташқари у бевосита боғлиқ предметлар ҳақида ҳам хабар боришига кўра диққатга сазовор бўлади. Акад.И.И.Мещанинов таъкидлаганидек, “гапнинг мувофиқ бирон бўлагининг туширилиши англашилаётган муносабатларни бузмайди”¹.

Хуллас, гап конструкцияларида синтактик қайд этилмаган асосий агенснинг, айни вақтда объектнинг нималиги у бевосита алоқадор бўлган синтактик реаллашган агенсдан англашилиб туради.

Жимимоқ «ҳаракат натижаси»; ухламоқ «физиологик» ва қайғурмоқ «психик» интеграл семали ҳолат феълларининг агенси ўрин-жой, обьекти шахс бўлади. Гап конструкцияси “шахс” классемасига кўра тузилади. Масалан: *Кулгилар билан гуркираб турган гузар бирдан жимиди* (М.Исмоилий). *Тошкент ухлар ширин уйқуда* (Шукрулло). *Рустам Ботировнинг вафотидан бутун юрт қайғурди* (Ҳ.Назир).

Тиниклашмоқ «ҳаракат натижаси», товланмоқ, симобланмоқ «образли» интеграл семали ҳолат феълларининг агенси ўзан (канал), обьекти сув бўлади. Предикатив бирикма аъзолари семемалари учун классема вазифасини “сув” семаси ўтайди. Масалан: *Анҳор бирдан тиниклашди* (Ў.Хошимов). Қиёсланг: *Анҳорнинг суви* (ёки анҳордаги сув)...тиниклашди. *Зўр дарё товланмоқда инсон қўлида* (Ҳ.Олимжон).

Мудрамоқ «образли», гулламоқ «биологик» интеграл семали ҳолат феълларининг агенси ўрин – жой, обьекти ўсимлик (даражт) бўлади. Гапнинг тузилишида классема вазифасини “даражт” семаси ўтайди: *Шимол гўзал, ўрмон мудраг, юз товланиб бир ёнда* (Т.Ҳамид). *Боғлар гуллаб, шаҳарлар ўсди* (А.Орипов).

Ёришмоқ «образли», оқармоқ, қизармоқ, кўкармоқ, бўзармоқ, унниқмоқ, қораймоқ «физиологик» интеграл семали ҳолат феълларидағи ҳолатнинг агенси шахс, обьекти унинг аъзоси (юз) бўлади. Сўз семемаларининг ўзаро боғланиши “аъзо” классемасига кўра юз беради. Масалан: *Мурzin худди бу сўроқни кутиб тургандек, ёришиб кетди* (Шухрат). *Ёши котиб бир нафасда ҳам оқарди, ҳам қизарди* (Ойбек). *Угоҳ қизарар, гоҳ бўзарар* (М.Осим).

¹ Мещанинов И.И. Структура предложения. М-Л., 1963, 6-бет.

*Тинчимоқ «ҳаракат натижаси» бўлган ҳолат феълининг агенси жой ва темир йўл араваси, обьекти шовқин бўлади. Предикатив бирикма “шовқин” классемасига кўра тузилади. Масалан: *Ҳозир тун ўрмон анча тинчиган* (Ҳ.Назир). *Вагон ҳийла тинчиб*, энди шовқин – сурон ўрнини пассажирларнинг “нишиши” и эгаллади (Ҳ.Назир).*

*Тўхтамоқ «ҳаракат натижаси» бўлган ҳолат феълининг агенси буюм, обьекти овоз бўлади. Предикатив бирикма компонентлари учун классема вазифасини “овоз” семаси ўтайди: *Карнай-сурнай бирдан тўхтади* (М.Исмоилий).*

*Касодланмоқ “ҳаракатнинг ҳолати” феълининг агенси жой, обьекти савдо-сотик бўлади. Предикатив бирикманинг тузилиши “савдо-сотик” классемасига кўра юз беради. *Кундан кун бозор касодланиб, харидор озайди* (А. Қахҳор).*

Букчаймоқ «физиологик» ҳолат феълининг агенси шахс, обьекти белдир. Предикатив бирикма учун классема вазифасини “бел” семаси ўтайди: *Энди у букчайган, аммо ҳануз жангда ўзи от сурар* (Ойбек). Кўринадики, гапларда агенс реализаторининг эллипсис сабабли кўчма маънода келиши айни вақтда образлиликни ҳам юзага келтиради. Чунки ҳар бир маъно кўчиши асосида образлилик ётади. Образлилик маъно кўчиши билан бевосита боғлиқ бўлиб, шунга кўра таъсирчанлик, ифодалилик каби маъно оттенкалари юзага келади.

Ўзбек тилидаги *сақламоқ* «ижро», *хасталанмоқ* «физиологик» ва *ачинмоқ*, *қўрқмоқ*, *мириқмоқ*, *роҳатланмоқ* «психик» интеграл семали ҳолат феълларининг агенсини реаллаштирувчи от аввалги типдан фарқли метафора натижасида юз берган кўчма маънода қўлланади. Аникроғи, ушбу отда ифодаланган муайян предмет жонлантирилади (персонификация), унга жонли белги берилади. Нутқ фаолиятида у жонли сифатида тушунилади.

Персонификация натижасида юзага келган жонли ифодаси ижобий бўёқقا ҳам эга бўлади. Бундай коннотатив маъно агенсни англатувчи сўздаги асосий маъно билан бирлашиб, экспрессивликни, эмоционалликни ҳосил қиласи. Гап семантикасининг ўзига хослиги учун хизмат қиласи. Демак, гап конструкциясида ҳолат феълининг агенси қайд этилган сўз “асар” узуал, “жонли” окказионал маънода келади. Масалан: *Шеърим менга меҳрини сақлаган* (Б.Бойқобилов). Предикатив бирикма семемаларининг ўзаро боғланиши “жонли” классемасига кўра юз

беради. Яна қиёсланг: *Ортиқ қалблар сақлайды жафо* (Х.Олимжон).

«Физиологик» ва «психик» интеграл семали ҳолат феълларининг жонлантирилган агенси киши аъзоси бўлиб, у айни вақтда ҳолат юзага келган объект ҳам саналади. Сўз семемалари “жонли” классемасига кўра ўзаро боғланади. Масалан: *Мажруҳ дилим сизни кўриб, баттар хасталанди* (П.Қодиров).она юраги шу аҳволда ҳам боласига ачинади (М.Исмоилий). *Сукунатдан қўрқади юрак* (Г.Нуруллаева). *Чанқаб келгандаку, бирор ташна лаб, албатта, сув ичар, мириқар, тўяр* (А.Орипов). *Соҳилларни айланиб, ўтирамиз оқшомлар, кеч лаззатига қониб роҳатланади танлар* (Т.Тўла). Демак, қайд этилган гапларда формал – семантик асимметрия юзага келади. Агенс валентлигини реаллаштирувчи отнинг нутқда ўз товуш қиёфаси билан боғланган доимий маънони эмас, балки шу товуш қиёфасида фақат нутқдагина реаллашувчи, вақтинча характери билан ажралиб турувчи, қуршов компонентлари билан семантик – синтактик муносабатидан юзага келган нотипик маънони билдириши аҳамиятлидир. Бу маъно ўзининг шахсий товуш комплексига эга бўлиб, у орқали ифодаланганидагина узуал характерда бўлади, типик саналади.

Хуллас, 1) «харакат натижаси», “харакат”, «образли», «биологик», «физиологик» ва «психик» интеграл семали ҳолат феълларининг турли предметларда кузатилган агенс актанти ушбу ҳолат феъллари ўтимсиз бўлишига қарамай, объект ҳисобланмайди, объект бошқа бўлади. Агенс фақат ҳолатни юзага келтирувчи сифатида кузатилади. Объект эса метонимик алоқага кўра аниқ англашилиб туради; 2) «ижро», «физиологик» ва «психик» интеграл семали ҳолат феъллари агенсининг реализатори метафора (персонификация) натижасида юзага келган қўчма маънода қўлланади.

X

X

X

Ҳаракат, ҳолатнинг логик субъект ва объектга муносабатини ифодалаш ҳам феъл маъносининг бош вазифаларидан биридир. Гап шундаки, бу аспекталогик-проблематик масала бевосита феъл нисбати категорияси билан боғланади, унинг моҳиятини ташкил қиласиди.

Шуни айтиш керакки, нисбат алоҳида грамматик категория сифатида феълни, унинг барча микросистемаларини тўла қамраб олади. Аникроғи, нисбат категориясидан ташқарида қолувчи феъллар йўқ¹, бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки нисбат категорияси ҳам феъл туркумининг доимий, “туғма” грамматик белгиси, семантик имконияти саналади. Шунингдек, феълларнинг ўтимли ва ўтимсиз турларга ажратилиши ҳам нисбат категорияси билан зич боғлиқдир².

Ҳаракат, ҳолат билан субъект, объект орасидаги муносабат турличадир. Бир нисбат шаклида логик субъект ҳаракатининг, ҳолатининг бевосита объект билан боғланиши ифодаланса, бошқасида субъект ҳаракати, ҳолати унинг ўзида қолганлиги, яъни ҳаракатининг, ҳолатнинг обьекти ҳам субъекти ҳам бажарувчининг ўзи эканлиги англашилади³. Бошқача айтганда, феълнинг даража шакли ўзгариши билан ҳаракатнинг субъект ва обьектга бўлган муносабати ҳам ўзгаради⁴. Ҳаракат, ҳолат билан субъект ва обьект орасидаги ўзаро муносабат қандай бўлишидан қатъий назар ҳаракат, ҳолат логик субъект ва обьект доирасидан ташқари чиқмайди, шуларга хос динамик ёки статик белги сифатида баҳоланади, улар билан бирга “яшайди”. Субъект ва обьект орасидаги турлича муносабат феълнинг нисбат шаклларида келиши билан мантиқий характерда бўлади.

Ҳаракат, ҳолат, субъект ва обьект орасидаги турлича муносабатлар феълнинг семантик структурасида, унинг гапда муайян шаклда қўлланишида ифодаланади ва бу шаклнинг ҳар бири муайян нисбат билан боғланади. Нисбат шаклининг нисбат категориясини ҳосил қилиши – нисбат категориясининг турли феъл нисбати шаклида келиши, яъни ҳаракат, субъект, обьект орасидаги муносабатни ифода этиш учун нисбат категорияси феълнинг турли нисбат формасидагина реаллашишига “мажбур қилиб қолмай”, балки нисбат формали гап конструкцияларининг ҳам ўзига хос грамматик қолипда намоён бўлишига ундайди (қиёсланг: актив ва пассив конструкция муносабати).

Нисбат категорияси феълнинг предметга (обьектга) кўра семантик универсаллигини ҳам орттиради. Айни вақтда нисбат феълнинг фонетик, лексик – семантик, морфологик ва синтактик

¹ Русская грамматика. 1, 614-бет.

² Ўша асар, ўша бет; Современный русский язык. II, 181-бет.

³ Каранг: Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент. 1975, 182-бет.

⁴ Ҳожиев А. Феъл. Тошкент. 1973, 91-бет.

табиатига ҳам фаол таъсир қилади. Айтилганларга кўра нисбат категорияси тилшуносликнинг алоҳида чуқур ўрганишни талаб қиладиган муҳим ва мураккаб масалаларидан бири сифатида қаралмоғи лозим.

Нисбат қўшимчали феълларнинг гапда қўлланишини, ўрни ва ролини, семантик имкониятини, бошқа нутқ бирликлари билан бўлган муносабати, вазифаси кабиларни ўрганиш, ўзига хос хусусиятларини аниқлаш нисбат категориясининг табиатини илмий ёритишга ёрдам беради, амалий талабларга жавоб беришга шарт – шароит ҳозирлайди.

Ўзбек тилидаги ҳолат феълларининг нисбатга бўлган муносабати ўзига хосдир. Ҳолат феъллари, асосан, ўтимсиз бўлишига қарамай, уларда ўзбек тилида мавжуд нисбат формаларининг барчаси кузатилади. Ҳолат феъллари гапда аниқ, ўзлик, орттирма, мажхул ва биргалик нисбатларида келиб, нутқда муайян семантик синтактика вазифада бўлади.

Аниқ нисбатли ҳолат феълларининг агенс валентлиги. Ўзбек тилидаги «давомли», «ҳаракат натижаси», «ижро», “ҳаракат”, “малака”, «образли», «биологик», «физиологик» ва «психик» интеграл семали ҳолат феъллари, юқорида қўрганимиздек, нутқда кўпинча аниқ нисбатда қўлланиб, шу катеториал формада агенсни ифода этувчи сўз билан бирикади, актант муносабатига киришади. Бу ҳолда маълумки, аниқ нисбат шаклидаги ҳолат феълларининг агенси, асосан, обьект сифатида кузатилади. Масалан: *Дадам икки кечаю кундуз дастархонанинг эшиги олдида ўтироди* (А.Қаҳҳор). *Ёмғир тинди* (Гулистон).

Аниқ нисбат шаклидаги «ҳаракат натижаси», «ижро», «образли», «физиологик» ва «психик» интеграл семали муайян ҳолат феълларининг агенси обьект эмаслиги, обьект бутунлай бошқалиги, гапда муайян сўз шаклида келиши билан ажралиб туради. Агенси обьект эмаслиги фақат агенс (субъект)лиги шу бобда кўриб ўтилган аниқ нисбатдаги ҳолат феълларининг ўтимлилигидан келиб чиқади. Масалан: Бой ҳам отини эҳтиёт қилиб сақлайди (Ғ.Жаҳонгиров). *Қиз юрак бағримни ўртади* (“Саодат”).

Аниқ нисбатдаги «ижро», “малака”, «психик» интеграл семали айрим ўтимли ҳолат феъллари алоҳида синтактик реаллашган обьектга эга бўлса ҳам, уларнинг агенси факат ҳолатни юзага келтирувчи бўлмай, балки ҳолат юзага келган обьект ҳам

унинг ўзи (агенси объект) ҳисобланади. Ўтимли ҳолат феълларининг объект актанти агенс актанти юзага келтирган ҳолатда бўла олмайди. У ҳолатни ўзига олиш, ҳолатли бўлиш имконига эга эмаслиги билан ажралиб туради. У (объект актанти) агенсдаги муайян ҳолатнинг юзага келиши қандай предмет таъсирида содир бўлишини аниқ кўрсатиб туради¹. Масалан: *Саҳарлаб йўлимни пойлар онажон* (О.Хожиева). ...*уйда гўдагингиз қўмсайди кўкрак* (Зулфия).

Ўзлик нисбатли ҳолат феълларининг агенс валентлиги. Ўзлик нисбатининг асосий хусусияти объектли феълни объектсиз феълга айлантиришdir. Бу ҳолда грамматик объект тушунчasi йўқолади². Аммо грамматик объектнинг йўқолиши нисбий, миқдорий бўлиб, бу ҳолда у фактат алоҳида қўлланишини йўқотади. Аслида у йўқолмайди.

«Ижро», «физиологик» ва «психик» интеграл семали ҳолат феъллари ўзлик нисбатида шаклланганда, улар объектсизланиши туфайли объект актанти агенс актантига кўчади. Агенс объект характерида бўлади³, яъни ҳолат феълларининг объект актанти агенснинг ўзи бўлиб қолади. Шунга кўра грамматик объектнинг йўқолиши нисбийдир. Бунда ҳолатни юзага келтирувчи семантик жиҳатдан ҳам агенс, ҳам объект саналади. Аниқроғи, агенс феълдаги ҳолатни юзага келтирибгина қолмай, балки шу ҳолатга ўзи эга бўлади. Агенс ўзи учун ўзи хизмат қилади. Демак, объектнинг характери ўзгариб, у агенс позициясига кўчади. Айни вақтда объект мантиқан сақлангани ҳолда унинг грамматик ифодаси (тўлдирувчи) синтактик реаллашмайди, потенциал имкониятга айланади.

Агенс актанти объект бўлгани ҳолда агенсни реаллаштирувчи сўз синтактик эга бўлади, семантик – синтактик жиҳатдан қисман симметрия юзага келади.

Ўзлик нисбатли ҳолат феълларининг агенси объект бўлишига кўра ушбу ҳолат феъллари аниқ нисбатдаги ўтимсиз ва айрим ўтимли, биргалик нисбатидаги ўтимсиз ҳолат феъллари билан

¹ Ушбу айтилганлар ҳақида тўла маълумот олиш учун “Агенс валентлиги реализаторининг эга вазифасида келиши” бўлимига қаранг.

² Хожиев А. Феъл, 93-бет.

³ Қаранг: Ғуломов А.Ф. Феъл, 59-бет. Неъматов X.F. Феъл нисбатларининг муносабати ҳақида. //Ўзбек тили ва адабиёти. 1970, №3, 39-бет; Миртоҷиев М. Нисбат категориялари семантикаси ва улар фомантлари генезиси. Ўтимсизлик ва ўзлик нисбати.// Ўзбек тили ва адабиёти, 1983, №2, 33-бет; Қаранг: Серебренников Б.А., Гаджиева Н.З. Сравнительно – историческая грамматика тюркских языков. М., 1986. 202-бет.

семантик жиҳатдан умумий бўлади. Чунки бу ҳолат феълларининг ҳам агенси обьект характеридадир.

Ўзбек тилидаги «ижро», «физиологик» ва «психик» интеграл семали ҳолат феъллари ўзлик нисбатли шаклда, асосан, отда реаллашган агенс валентлигига эга бўлади.

Сақланмоқ “ижро ҳолати” феълининг агенси шахс бўлади: *Эстетик туйгуси кучли одам бировларнинг турмушини заҳарлашдан сақланади* (М.Исмоилий). *Ёшлиланмоқ* «физиологик» ҳолат феълининг агенси киши ва ҳайвон аъзосида воқелашибади: *Чолнинг кўзлари ёшлиланган эди* (Ўз. халқ эртак). *Сигирнинг тиник кўзлари ёшлиланган* (Н. Норматов).

Намланмоқ, шикастланмоқ «физиологик», *эзилмоқ, азобланмоқ, эркаланмоқ* «психик» ҳолат феъллари аслида узуал ҳаракат маъноли *намланмоқ, шикастламоқ, эзмоқ, азобламоқ, эркаламоқ* лексемаларига –н ва –ил аффиксларининг бирикишидан юзага келади. Бу ҳолда ўзлик нисбатигина ясалмасдан, балки нутқий ҳолат маъноси ҳам ифодаланади. Яъни –н ва –ил кўшимчалари ўзининг доимий семантик вазифасидан ташқари феъл семесида “ҳолат” семасини ҳам ҳосил қиласди.. Бундай феълда ифодаланган ҳолатда киши аъзоси ва инсон бўлади. Масалан: *Ўпкаси тўлиб, кўзи намланади* (М. Исмоилий). *Жангчининг оёги шикастланган эди* (Гулистон). *Йўлчининг кўз олди қорайди, руҳан чуқур эзилди* (Ойбек). *Хотини индамади у индамаган сайин Қодир азобланар эди* (А.Қаҳхор).

Орттирма нисбатли ҳолат феълларининг агенс валентлиги. Ҳолат феъллари орттирма нисбатда бўлганда, субъект ва алоҳида обьект муносабати юзага келади. Чунки орттирма нисбат форманти шундай муносабатни юзага келтириш имконига эгадир.

Ҳолат феълларининг орттирма нисбат кўрсаткичи билан келиши уларнинг ўтимлилигини кўрсатади. Ўтимсиз ҳолат феъллари маъносида ушбу нисбат қўшимчаси таъсирида ўтимлилик ҳосил бўлади¹. Ўтимлилик эса феълда ифодаланган ҳолатнинг муайян обьект билан боғланишини қайд этади. Бу обьект, юқорида фикр юритилган типдагидек, агенснинг ўзи эмас, балки ундан бутунлай бошқа, мустақил обьектлиги билан ажралиб туради.

¹ Қаранг: Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. М.Л., 1960, 193-бет. Ҳожиев А. Феъл.96-бет.; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили, 186-бет; Немматов Ҳ.Ф. Феъл нисбатларининг муносабати хақида, 38-бет;

Аниғи, ўтимли ҳолат феълларининг агенси объект ҳам бўлиш вазифасидан “қутулади”. Чунки орттирма нисбатли сўз формасининг ясалиши билан ҳолатнинг агенси эмас, ҳолатли объект юзага келади. Демак, бунда агенс фақат ҳолатни юзага келтирувчи вазифасида қолади. Шунга кўра орттирма нисбатли ҳолат феъллари агенс ва алоҳида объект актанти билан характерланади. Шу жиҳатдан орттирма нисбатли ҳолат феъллари аниқ нисбатдаги муайян ўтимли ҳолат феъллари билан умумий, ўхшаш бўлади.

Ўзбек тилидаги «давомли», «ҳаракат натижаси», “ҳаракат”, «биологик», «физиологик» ва «психик» интеграл семали ҳолат феъллари орттирма нисбатда келиб, агенсни реаллаштирувчи от билан муайян семантик синтагмани тузади.

Қолдирмоқ «давомли», ўчирмоқ «ҳаракат натижаси», пасайтирмоқ “ҳаракат”, ўлдирмоқ «биологик», ухлатмоқ «физиологик» ва зериктирмоқ «психик» интеграл семали ҳолат феълларидаги ҳолатларнинг агенси инсон бўлади. Қиёсланг: Ўқтам қишлоққа боришни эрталабга қолдирди (Ҳ.Назир) *Марғуба... радиони ўчирди* (А.Қаҳҳор). Иқбол хола овозини пасайтириди (Ў.Хошимов). Мени ўлдирдилар Шоҳимардонда юртимнинг қонини текин сўрганлар (А. Орипов). Эҳсон иши ҳақида сўзлаб зериктиради (А.Қаҳҳор).

Мажхул нисбатли ҳолат феълларининг агенс валентлиги. Феълнинг мажхул нисбат шаклида диққат – эътибор, фикрнинг йўналиши агенсга эмас, балки объект билан ҳаракат, ҳолатнинг ўзига қаратилади¹. Чунки бу ҳолда объект ва ҳаракат (ҳолат) муносабати асосий бўлиб, биринчи ўринга, агенс иккинчи ўринга ўтади. Унинг фаоллиги кучсизланади, аммо у йўқ бўлмайди. Агенс маъноси имплицитланиб, ноаниқ ёки умумий характер касб этади². Бу мажхул нисбатнинг – пассив конструкциянинг моҳиятини ташкил қиласи. Шунга кўра мажхул нисбатли феъл бошқа, айниқса, ўзлик нисбатли феълдан фарқ қиласи.

Мажхул нисбатда асосий диққат эътиборнинг объект ва ҳолат орасидаги муносабатга қаратилиши қонунийдир. Бу нисбатдаги кесимдан тузилган гапдан мақсад объектни характерлаш, унга хос

¹ Карап:Ғуломов А.Ғ. Феъл, 58-бет, Ҳожиев А. Феъл, 99-100-бетлар; Турсунов У., Мухторов Ж., Рахматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили, 183-бет; Шубик С.А. Структура и функционирование залоговых конструкций в немецком языке.Структура и объем предложения и словосочетания в индоевропейских языках, Л., 1981, 78-бет. Типология пассивных конструкций. Диатезы и залоги; Л., 1974;

² Щубик С.А. Структура и функционирование залоговых конструкций в немецком языке, 76-бет; Карап: Иванов С.Н. Родословное древо тюрок.. 134-бет.;

муҳим белги хусусиятларни аниқлаш, конкретлаш ва шу асосда муайян хабар беришдир. Кўринадики, информациянинг юзага келиш сабаби объект, унинг (объектнинг) мажхул нисбатли феълда ифодаланган ҳолатга ўтганлиги, яъни муайян жараён амалга ошганлигидир. Шунинг учун бўлса керак, пассив конструкцияли гапларда логик субъект қўпинча ўзининг лисоний ифодасига эга бўлмайди. Чунки унинг қўлланишига зарурият ҳам сезилмайди. Бизнингча, бу ҳам нутқий тежамкорликнинг ўзига хос бир кўриниши ҳисобланмоғи лозим. Бундай гаплар натижа актини ифодалаши билан, натижа акти эса объект ва ҳолат мунсабатида кузатилиши билан характерланади. Агенс факультативлигининг сабаби ҳам шунда. Аммо агенснинг қандай даражада бўлмасин мавжудлиги қонуният. Чунки ҳар бир ҳаракат, ҳолат, нутқ, кўриш, эшитиш, сезиш кабилар бевосита ўз бажарувчисига, индивидуал субъектига эга. Субъект фаолияти эса феълда қайд этилган вазиятларда реаллашади, бу – аксиома. Фарқ шундаки, бундай (яъни пассив) синтактик конструкцияларда агенс фикран тикланишига кўра минимал аниқ бўлади. Актив конструкцияларда эса агенс максимал аниқлиги, алоҳида мавжудлиги билан ажралиб туради. Актив конструкцияда ҳам, пассив конструкцияда ҳам агенс битта бўлади. Предикатив марказ билан боғланишига – предикатнинг қандай нисбат шаклида келишига кўра агенснинг фаол ёки фаолсизлиги аниқланади. Шунга кўра агенсни реаллаштирувчи сўзлар нутқ бирлиги сифатида гапнинг бош ёки иккинчи даражали бўлаги саналади, синтактик – функционал универсаллиги семантик жиҳатдан фақат агенслиги – агенс актантини ифода этиши билан чегараланади.

Ўзбек тилидаги «ҳаракат натижаси», «ижро», «ҳаракат» интеграл семали ҳолат феъллари мажхул нисбатли сўз шаклида агенс валентлигига эга бўлади.

Мажхул нисбатли ўчирилмоқ «ҳаракат натижаси», сақланмоқ «ижро» ва кучайтирилмоқ «ҳаракатнинг ҳолати» каби феъллар аслида ўтимли ҳолат феълларидан –ил ҳамда –н формантларининг қўшилишидан ясалади.

Шуниси характерлики, ушбу лексик–семантик гурӯҳ ҳолат феълларида ифодаланган ҳолатнинг агенси ҳам, объекти ҳам алоҳида бўлиб, улар (ҳолат феъллари) шунга кўра аниқ, ўзлик ва биргалик нисбатли ўтимсиз ҳолат феълларидан фарқ қиласади. Айтилганидек, аниқ, ўзлик ва биргалик нисбатида келаган ўтимсиз

ҳолат феълларининг агенси айни вақтда объект бўлиб, уларнинг қиёсланаётган типдагидек алоҳида, мустақил объект актанти бўлмайди.

Мажхул нисбатли ҳолат феълларининг агенс ва объектга эгалиги уларнинг ўтимлилиги, орттирма нисбат шаклидан мажхул нисбатли шаклга ўтганлиги, шу жиҳатдан объектни ҳам, агенсни ҳам ўзида саклаб қолганлиги билан изоҳланади. Аниқ ва биргалик нисбатларида эса ўтимсиз ҳолат феъллари туб ҳолда олинишига кўра, ўзлик нисбатида эса ўтимли феъл ўтимсизланиб, уларнинг объектсизлиги – агенси объект характерида реаллашади. Аммо мажхул нисбатда ҳолат феълининг агенс актанти ҳам, объект актанти ҳам алоҳида бўлса-да, фикр объект ва ҳолат муносабатига қаратилгани учун, айтилганидек, агенс актанти қўп ҳолларда синтактик қайд этилмайди.

Шуниси муҳимки, гап конструкциясида агенсни қайд этувчи сўзга хос типик шаклланишга эга нутқ бирлиги бундай ҳолларда агенс валентлигининг реализатори саналади. У шаклан бош келишикда бўлишига кўра агенс валентлиги реализатори билан ўхшашдир. Аслида у феъл кесимда ифодаланган ҳолатдаги объектни англатади, шу сабабли объект валентлигининг реализатори ҳисобланади. Шунингдек, у синтактик жиҳатдан эга бўлишига кўра ҳам агенсни англатувчи сўзга ўхшайди. Аммо мазмун жиҳати унинг объект ифодасига эгалигини тасдиқлаб туради. Демак, ташқи, товуш плани билан мазмун плани орасида дифференциация юзага келади. Объект актантини реаллаштирувчи сўзнинг формал – структурал агенсни қайд этувчи сўзга ўхшашлиги, синтактик эга бўлиб келиши семантик жиҳатдан унинг объектни билдиришига кўра чегараланади. Бошқача айтганда, пассив конструкцияда гапнинг эгаси агенс актантини ифода этувчи сўз бўлмайди. Бунда эга феъл кесимда ифодаланган ҳолат йўналган предмет, яъни объект бўлади¹.

Демак, синтактик конструкцияда логик объектни ифодаловчи сўз эга саналса, агенс актантини ифодаловчи нутқ бирлиги шахс семемали (классемали) синтактик реаллашмаган аналитик

¹ Қаранг: Иванов С.Н. Родословное древо тюрок, 125-бет; Иванова И.П., Бурлакова В.В., Почепцов Г.Г. Теоретическая грамматика современного английского языка, 75-бет; Аристова Е.Б. Категория субъекта и агентивные синтаксемы в современном английском языке. Категория субъекта и объекта в языках различных типов, 46-бет; Падучева Е.В. О семантике синтаксиса. М., 1974, 217-бет.

формадан (улар томонидан)¹ бўлиб, у синтактик реаллашганда воситали тўлдирувчи вазифасида кузатилади². Шу сабабли семантик – синтактик асимметрия юзага келади. Қиёсланг: *Кечга бориб ёнгин ўчирилди* (Ф.Жаҳонгиров). *Кечга бориб улар томонидан ёнгин ўчирилди*. Ушбу синтактик конструкция нутқ акти учун характерли эмас. Яна қиёсланг: *Бу нодир совгалар ҳозирги кунда Ўзбекистон кино санъати музейида сақланмоқда* (Тошкент ҳақиқати). *Бўлимда шу кеча – кундуз гўзани сугориш ҳам кучайтирилган* (Маърифат).

Биргалик нисбатли ҳолат феълларининг агенс валентлиги. Биргалик нисбатидаги феъл шакли агенснинг бирдан ортиқ бўлишини талаб қиласи. У бир неча агенс биргаликда, параллел бажарган ҳолатни ифода этади. Бунда формал – семантик симметрия юз беради. Ушбу феъл формасининг ўзига хос хусусияти шундаки, субъект ҳаракат, ҳолатнинг ҳам бажарувчиси, ҳам обьекти саналади³. Демак, ҳолат феълларининг биргалик нисбатида ҳам (ўтимсиз ва айрим ўтимли ҳолат феълларининг аниқ нисбатдагидек) субъект ва обьект муносабати агенснинг ўзида юз беради. Агенси обьект характерида кузатилади. Шунга кўра аниқ ва биргалик нисбатларидағи ўтимсиз ҳолат феъллари ўзаро мувофиқ, мос бўлади.

Биргалик нисбатли сўз формаси «ижро», «малака», «физиологик» ва «психик» интеграл семали ҳолат феълларида учраб туради.

Ўтиришишмоқ «давомли», салқинлашмоқ «ижро», одатланишишмоқ “малака”, қорайшишмоқ «физиологик», қўрқишишмоқ «психик» интеграл семали ҳолат феълларининг, асосан, от ва олмошда кузатилган агенси сифатида шахс келади. Масалан: Эр хотин индамай ўтиришарди (С.Аҳмад). *Кун иссиғида сада соясида салқинлашади* (С.Юнусов). Кўчманчи қирғизлар идиши – товоқни турли материаллардан ясашига одатланишиган (“Фан ва турмуш”). ...денгиз шамолларида қорайишди (Шуҳрат). Биласан-ку, уйингдагилар дадамдан қўрқишиади (Ҳ.Назир).

¹ Қаранг: Нигматов Х.Г. Залоги глагола в восточнотюркском языке XI-XII вв СТ; 1973 №1, 55-бет; Щербак А.М.Грамматический очерк языка тюркских текстов в X-XIII вв из Восточного Туркестана. М-Л., 1961, 167-бет.

² Қаранг: Храковский В.С. Диатеза и референтность (К вопросу о соотношении активных, пассивных, рефлексивных и реципрокных конструкций). Залоговые конструкции в разноструктурных языках. Л., 1981, 5-бет; Ахмедов А. Ўзбек тилида пассив конструкциянинг тараққиёти. //Ўзбек тили ва адабиёти. 1986, №1, 19-бет.

³ Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка, 188-бет; Ахманова О.С.Словарь лингвистических терминов, 74-бет.

Хуллас, 1) ҳаракат, ҳолатнинг мантиқий субъект ва объектга муносабатини ифодалаш ҳам феъл маъносининг бош ва энг муҳим вазифасидир. Нисбат алоҳида грамматик категория сифатида феълни, унинг барча микросистемаларини тўла қамраб олади. Нисбат категориясидан ташқарида қолувчи феъл лексемалар йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас; 2) ҳаракат, ҳолат билан субъект ва объект орасидаги ўзаро муносабат қандай бўлишидан қатъий назар, ҳаракат, ҳолат агенс ва объектдан ташқари чиқмайди; 3) нисбат феълнинг фонетик, лексик – семантик, морфологик ва синтактик табиатига фаол таъсир қилади; 4) ўзбек тилидаги ҳолат феъллари гап конструкцияларида аник, ўзлик, орттирма, мажхул ва биргалик нисбати шаклларида келади. «давомли», «ҳаракат натижаси», «ижро», «малака», «ҳаракат», «образли», «биологик», «физиологик» ва «психик» интеграл семали ҳолат феъллари нутқда аник нисбатда бўлади. Уларнинг агенси асосан обьекти характеристида кузатилади.

Аник нисбат шаклидаги «ҳаракат натижаси», «ижро», «образли», «физиологик» ва «психик» интеграл семали ҳолат феъллари ўтимли бўлишига кўра агенс актанти объект вазифасида келмайди. Объект бутунлай бошқалиги, гапда муайян сўз шаклида келиши билан ажралиб туради.

Аник нисбатдаги «ижро», «малака» ва «психик» интеграл семали айрим ўтимли ҳолат феъллари алоҳида обьект актантига эга бўлса ҳам, бу ҳолат феълларининг агенси фақат ҳолатни юзага келтирувчи бўлмай, балки ҳолат юзага келган обьект ҳам унинг ўзи (агенс обьект) ҳисобланади. «Ижро», «физиологик» ва «психик» интеграл семали ҳолат феъллари ўзлик нисбатли шаклда бўлади. Агенси обьекти саналади. Агенсни қайд этган сўз фақат эга сифатида кузатилади, семантик-синтактик жиҳатдан қисман симметрия юзага келади. Ўзлик нисбатли ҳолат феълларининг агенси обьекти бўлишига кўра ушбу ҳолат феъллари аник нисбатдаги ўтимсиз ва айрим ўтимли, биргалик нисбатидаги ўтимсиз ҳолат феъллари билан маъно жиҳатдан умумий бўлади. Бу ҳолат феълларининг ҳам агенси обьект характеристидадир.

«Давомли», «ҳаракат натижаси», «ижро», “ҳаракат”, «образли», «биологик», «физиологик» ва «психик» интеграл семали ҳолат феъллари орттирма нисбатда келади. Бу ҳолда субъект ва алоҳида обьект муносабати юзага келади. Агенс обьект бўлмайди.

Шу нүктада орттирма нисбатли ҳолат феъллари аниқ нисбатдаги муайян ўтимли ҳолат феъллари билан умумий бўлади.

«Ҳаракат натижаси», «ижро» ва «ҳаракатнинг ҳолати» каби ҳолат феъллари мажхул нисбатли сўз шаклида агенс валентлигига эга бўлади. Бунда объект ва ҳолат муносабати асосий бўлиб, биринчи ўринга, агенс иккинчи ўринга ўтади, унинг фаоллиги кучизланади. Бу мажхул нисбатнинг – пассив конструкциянинг моҳиятини ташкил қиласи. Мажхул нисбатда ҳолат феълининг агенси ва обьекти алоҳида бўлса-да, дикқат эътибор обьект ва ҳолатга қаратилгани учун агенс кўп ҳолларда синтактик берилмайди. Пассив конструкцияда гапнинг эгаси логик обьектни қайд этувчи сўз бўлади. Агенс синтактик реаллашмаган аналитик формада ифодаланади. Ушбу тип сўз формаси синтактик реаллашганда воситали тўлдирувчи вазифасини бажаради, семантик – синтактик асимметрия юзага келади. Мажхул нисбатли ҳолат феълларининг агенси (орттирма ва аниқ нисбатдаги муайян ўтимли ҳолат феълларидагидек) обьект эмаслигига кўра улар аниқ, ўзлик ва биргалик нисбатли ўтимсиз ҳолат феълларининг агенсидан фарқ қиласи.

«Давомли», «ижро», “малака”, «физиологик» ва «психик» интеграл семали ҳолат феъллари биргалик нисбатида келади. Бу нисбатли ҳолат феълларининг агенси обьект характерида бўлишига кўра у аниқ ва ўзлик нисбатли ўтимсиз ҳолат феълларининг агенси билан бир хил бўлади.

П БОБ ХОЛАТ ФЕЪЛИ АСОСЛИ ГАПЛАРНИНГ КОНТРАГЕНТ ВАЛЕНТИЛИГИ

Тилшунос Ч.Филлимор томонидан киритилган контрагент термини¹ (1969) феълда қайд этилган жараённинг иккиласи бажарувчисини ифода этади. Контрагент сўзи маъносида феълдан англашилган ҳолатни (ёки ҳаракатни) юзага келтирувчи шахс ифодаланади. Демак, бу ҳолда контрагент билан агенс моҳиятан ўзаро мос, мувофиқ бўлади. Ҳақиқатан ҳам бажарувчи характердаги бу паралеллик мантиқий асосга эгалиги билан

¹Қаранг: Апресян Ю.Д. Лексическая семантика, 127-бет.

ажралиб туради, яъни феъл маъносида қайд этилган ҳолатнинг бажарувчиси (процессори) факат агенс эмас (агенс акти), шунингдек, контрагент ҳамдир (контрагент акти). Агенс ва контрагент ҳолатнинг бажарувчиси, уни ўзида моддийлаштирувчи актант бўлиб реаллашади. Аникрофи, агенс ва контрагент – субъект, айни вақтда, объект характерида ҳам бўлади. Аммо агенс ва контрагентнинг феълда акс этган жараённинг бажарувчи сифатидаги ўхшаш фаолияти – контрагентнинг мантиқий – семантик жиҳатдан агенсга ўхшашлиги коммуникатив жиддий фарқ қилишига кўра ўзига хос аҳамиятга эга бўлади. Шунга кўра улар бошқа – бошқа актанлар сифатида баҳоланади.

Ю.Д.Апресян таъбири билан айтганда, “...бу икки актантнинг (агенс ва контрагентнинг – Р.Р) фаолияти бир – бирига мос келмайди: предикат контрагент фаолиятини эмас, бутунлай факат субъект (агенс Р.Р.) фаолиятини тасвирлайди”¹. Чунки субъект ва предикат муносабати ҳукмнинг асосидир. Қолаверса, бу муносабат грамматик эга ва кесим алоқасидир, гапдир. Бизнингча, шунга кўра предикат субъект (агенс) фаолиятини характерлайди.

Агенс ва контрагент орасидаги фарқ қуйидаги фикрда яна ҳам аниқ баён этилади: “Контрагент валентлиги қўрсатувчи шахс... агенс валентлиги қайд этувчи шахсдан фарқли ҳолда мустақил эмас”². Демак, контрагент мантиқий – семантик жиҳатдан ҳукмнинг – гапнинг асосини (ядросини) бевосита ташкил қилувчи ҳисобланмайди. Унинг коммуникатив фаоллиги ўз – ўзидан иккинчи даражали аҳамият касб этади. Бу семантик – грамматик жиҳатдан қатъий тасдиқланади. Контрагент валентлигини реаллаштирувчи сўз синтактик жиҳатдан феъл предикатни характерловчи бўлак (тобе компонент) сифатида мустақилликка эга бўлади.

Кўриниб турибдики, контрагент валентлигига эга феъл кесимили синтактик бирликлардан мақсад агенснинг ҳолатини кўрсатиш – унинг феълда ифодаланган ҳолатнинг асосий бажарувчиси эканлигини қайд этиш, тема характеридаги мантиқий субъект (агенс) – бош бўлакка хос рема характеридаги белги – хусусиятларни “кўрсатиш”, тема – рема муносабатини конкретлаш ва шу ҳақда муайян ахборот беришдир. Демак, агенс ва ҳолат

¹ Апресян Ю.Д. Лексическая семантика, 127-бет. Яна каранг: Н.А.Слюсарева. Проблемы функционального синтаксиса современного английского языка, 107-бет.

² Кучкартаев И.К. Валентный анализ глаголов речи в узбекском языке, 30-бет.

орасидаги алоқа фаол, кучли бўлса, контрагент ва ҳолат орасидаги алоқа эса унга нисбатан фаолсиз, кучсиздир. Агенс етакчи, контрагент агенсга эргашувчи, унга “тақлид қилувчи”дир. Агенс фикрнинг диққат марказидаги асосий, етакчи актант бўлса, контрагентнинг етакчилиги нисбийдир. У агенсга нисбатан “тобе”, аммо локалис, объект, адресат, ҳолат ва сабаб каби актантларга нисбатан эса “ҳоким”дир. Контрагентнинг фаоллиги агенс фаоллигининг давоми сифатида юзага келади. Шунингдек, контрагент агенсга “тегишли” – у билан биргаликда реаллашишига кўра характерланади. Бошқача айтганда, агенс ҳолати контрагентга “намуна” сифатида воқе бўлади. Анифи, агенс ҳолати мантиқан контрагентга ўтади, унда давом этади. Аммо аксинча эмас.

Ўзбек тилидаги ҳолат феълларида агенсни англатувчи сўз бош келишикда (номинативда), контрагентни қайд этувчи сўз эса от (баъзан олмош) + билан қолипидаги аналитик шаклда келишига кўра ажralиб туради. Кўринадики, агенс валентлигининг реализатори бош бўлак, контрагент валентлигининг реализатори эса иккинчи даражали бўлак бўлишига кўра ҳам ўзаро фарқланади.

Агенс валентлигини реаллаштирувчи сўз нутқий жойлашишига кўра контрагентга нисбатан пропозицияда, контрагент валентлигининг реализатори эса доимо постпозицияда келишига кўра ҳам фарқ қиласди.

Агенс феъл предикатда ифодаланган ҳолатнинг субъекти (предикатив бирикма) – синтактик гапдаги мутлақ ҳоким компонент бўлса, контрагент ҳам феъл предикатдаги ҳолатнинг субъекти, аммо синтактик кесимга нисбатан мутлақ тобе компонент (объектли бирикма) ҳисобланади.

Агенс ва контрагент актантлар фаолиятида актив, асосий бажарувчига нисбатан асосий агенс¹, унга нисбатан пассив, асосий бўлмаган агенсга – контрагентга нисбатан иккинчи даражали агенс терминини қўллаш унинг логик – семантик ва грамматик моҳиятига тўла мос келади.

Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари контрагент валентлигининг реализатори – аналитик тузилишдаги нутқ бирлиги семантик жиҳатдан акад. А.Н.Кононов таъбирича “комитатив муносабат” ифодалайди². Контрагентни реаллаштирувчи сўз агенс ҳолатини

¹ Асосий агенс термини О.С.Ахманованики. Қаранг: Ахманова О.С.Словарь лингвистических терминов, 31-бет.

² Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка, 359-бет.

биргаликда, ҳамкорликда амалга оширган, шу жараёнда фаол қатнашган шахсни билдиради. Қиёсланг: *Тожихон болалари билан турибди* (А.Қаҳхор). Демак, комитатив¹ муносабат контрагент валентлиги реализаторининг семантик асосини ташкил қиласи. Бу ҳам экстралингвистик, ҳам семантик – синтактик тасдиқланади.

Шуниси характерлики, аналитик формада – контрагент валентлиги реализаторида ифода этилган биргалик маъноси бевосита ҳолат феълининг биргалик нисбати билан семантик муносабатга киришади. Аниғи биргалик маъносини англатувчи феълнинг биргалик нисбати ва комитатив муносабатнинг нутқий ифодаси мазмун планига кўра ўзаро боғланади. Бундан эса контрагент валентлиги реализатори билан биргалик нисбатидаги ҳолат феълининг ўзаро муносабати масаласи юзага келади.

Шуни таъкидлаш керакки, биргалик маъносига эга контрагент реализаторини маъно имконига кўра бириктирувчи ҳолат феъллари нутқда фақат аниқ нисбатда қўлланишига кўра характерланади. Демак, валентлик муносабати феълнинг муайян нисбат шаклида бўлишига кўра юзага келади. Кўринадики, аниқ нисбатдаги ҳолат феълигина контрагент валентлигига эга бўлади. Қиёсланг: *Хотини ўлиб, икки ёш бола билан қолибди* (С.Аҳмад).

Контрагент валентлиги реализатори билан биргалик нисбатидаги ҳолат феълининг ўзаро боғланиши формал – назарий жиҳатдангина, семантик – синтактик жиҳатдан эса ушбу семантик синтагмаларда ҳолат феълининг биргалик эмас, балки аниқ нисбатда бўлиши қонунийдир. Чунки контрагент валентлиги реализаторининг – аналитик форманинг биргалик маъносини ифодалashi унинг нутқда билан кўмакчили шаклланишидан юзага келади. Айтмоқчимизки, комитативлик маъноси ҳолат феълининг биргалик нисбатида келиши билан боғлиқ эмас. Шунингдек, контрагент асосий агенс ҳам эмас. Биргалик нисбатидаги феъл асосий агенс билан – унинг бирдан ортиқ типи билангина боғланади. Чунки унинг бош, асосий вазифаси агенсни тасвиrlаш, унинг рема қисмини ҳосил қилишdir.

Демак, ҳолат феълининг биргалик нисбатида қўлланиши контрагентни эмас, балки агенс реализаторининг қўплик шаклида келишини талаб қиласи. Феъл биргалик нисбатининг мантиқийлиги бевосита асосий агенснинг миқдорий ортиклиги билан ўлчанади.

¹ Комитатив – ҳамкорлик, биргалик

Чунки феълнинг биргалик нисбати агенс вазифасидаги логик субъектларнинг биргаликдаги фаолиятини ифода этади.

Контрагент валентлигини реаллаштирувчи сўзнинг биргалик маъноси эса, айтилганидек, бевосита унинг аналитик формада шаклланишидан юзага келади. Контрагент фаолияти агенс фаолиятига нисбатан қўшимча, иккинчи даражали аҳамият касб этади. Айни вақтда, контрагент реализаторидаги биргалик маъноси агенс фаолиятига қиёсан олинганда, яна ҳам конкретлашади. Шунинг ўзи ҳам контрагентнинг феъл предикатда ифодаланган ҳолатга муносабати агенсга нисбатан фаолсизлигини кўрсатади. Чунки контрагентнинг фаолияти агенс фаолиятига кўра, у орқали, дикқатга сазовор бўлади.

Агенснинг ҳолат феълли синтактик конструкцияларда фаоллиги, миқдоран минималлиги, контрагентнинг ҳам етакчисига “мослашиши” ва аналитик тузилишда келиши уларнинг ҳолат феълининг бирдан ортиқ, аммо тенг ҳуқуқли бўлмаган актантлари эканлигини кўрсатади. Айтилганидек, биргалик нисбатидаги ҳолат феъли мантикий равишда агенснинг бирдан ортиқлигини талаб қилади. Бу – аксиома, аммо контрагент аналитик тузилишда – комитатив муносабатда – реализаторида ифодаланган шахснинг миқдоридан қатъий назар биргалик нисбатидаги ҳолат феъли, шунингдек, аниқ нисбатдаги ҳолат феъли билан бевосита боғланади. Унинг семантик- морфологик ўзгариши шарт эмас. Чунки контрагент иккинчи даражали бажарувчиdir. Қиёсланг: *Турди иккита бола билан турибди* (Ф. Мусажонов)... *Турди (ва Аҳмад) иккита бола билан туришибди*.

Феъл биргалик нисбатида қайд этилса, унга бирикувчи агенс ва контрагент валентликларининг реализаторлари у билан семантик – грамматик мослашадиган бўлса, бу ҳолда контрагент йўқолади, яъни аналитик форманинг *билан* компоненти эллипсисга учрайди. Контрагент реализатори эса бош келишикли шаклда агенсга ўтади. Гапда у каби мутлақ ҳоким компонент саналади, феъл предикат томонидан характерланади. Бу ҳолда семантик – грамматик тенг ҳуқуқли бирдан ортиқ фаол бажарувчилар юзага келади. Уларнинг реализатори биргалик нисбатидаги ҳолат феълининг бирдан ортиқ (“уюшган”) агенсини ифодалайди. Шундагина семантик – синтактик тўғри, фикр ифодалаш жараёнига тўла мувофиқ нутқ бирлиги (гап) юзага келади. Қиёсланг: *У онаси билан ... қолди* (Мирмуҳсин). *У, онаси ... қолишиди*.

Демак, феъл биргалик нисбатида шаклланганда, агенс полисубъект характерида бўлиши ёки контрагент агенсга ўтиши, грамматик бош келишикда қайд этилиши шарт. Бу ҳолда агенс ва контрагент (агенс) фаолияти биргаликда амалга ошиши, муайян ҳолатни биргаликда, ҳамкорликда бажариши билан ажралиб турди. Бу эса ўз-ўзидан ҳолатнинг бир неча шахс томонидан бажарилишини агнлатувчи биргалик нисбатининг семантик асосини ташкил қиласи. Бинобарин, биргалик нисбатида ифода этилувчи ҳолатнинг бирдан ортиқ шахс иштирокида бажарилиши аслида агенсга – синтактик эгага қаратилган фикрdir.

Шуниси характерлики, контрагентни ифода этувчи сўзлар гапда доимо синтактик реаллашган бўлади. Уларнинг синтактик реаллашмаслиги мумкин эмас. Чунки контрагентнинг гап конструкцияларида синтактик реаллашмаслиги контрагент валентлигини бутунлай йўқотади. Предикат эса, асосан, агенсни характерлагани учун нутқда қайд этилмаган контрагентни ифодаламайди. Демак, контрагентнинг синтактик реаллашиши шарт, мутлақо зарурдир.

Контрагент валентлигига эга ҳолат феълли синтактик конструкцияларда агенс баъзан ифодаланмайди. Аммо унинг ким ёки нималиги, қайси шахслиги предикатдан – шахсли феълдан англашилиб турди. Синтактик реаллашмаган агенс потенциал имконият бўлиб, тема характеридаги пресуппозицияни ҳосил қиласи. Демак, агенс феъл предикатдан унинг субъекти сифатида муайян ҳолати билан англашилиб турди.

Сўз, баъзан сўз бирикмаси орқали реаллашувчи контрагент актанти ўзбек тилидаги «давомли», «ижро» ва «физиологик» интеграл семали ҳолат феълларида кузатилади. Чунки бу лексик – семантик груп ҳолат феъллари семантик имкониятга кўра контрагент (шахс) билан боғланишига кўра ажралиб турди. Ушбу ҳолат феъллари гап конструкцияларида кесим вазифасини ўтайди.

Ўтиримоқ, ётмоқ, қолмоқ, турмоқ «давомли», *қўриқламоқ* «ижро» ва *қизармоқ, терламоқ* «физиологик» интеграл семали ҳолат феълларининг шахс актантли контрагенти отда кузатилади. От баъзан кўплик ва эгалик қўшимчаси билан шаклланишига кўра миқдорий ортиқ ва тегишлилик маъносини ҳам беради. Объектли бирикма компонентларининг бирикуви учун “шахс” семаси классема вазифасини ўтайди. Масалан: *Чол ўғли билан ўтирибди* (Ўз. халқ эртак). ...*дивандада Шукур Альфия билан ётарди*

(Н.Нормуродов). У тун бўйи мижжса қоқмай қишилоқни айланди, дружинаси билан йўлларни... қўриқлади (Ҳ.Гулом). Савдогар икки ўғли билан терлаб кетибди (Ўз. халқ эртак). У дўстининг болалари билан бирга кўчада турибди (Ғ.Жаҳонгиров). У онаси билан бирга қолди (Мирмуҳсин).

Охирги гап конструкциясида комитатив муносабатни кучайтириш, таъкидлаб кўрсатиш, субъектнинг дикқат – эътиборини шунга тортиш мақсадида контрагент валентлигининг реализатори билан контакт постпозицияда бирга сўзи қўлланади¹. Бундай гапларда контрагент валентлиги реализатори – аналитик форма биргалик тушунчасини кучли, ортиқ даражада англатишига кўра характерланади. Биргалик маъноси давомийлик хусусиятга ҳам эга бўлади. Чунки бирга сўзи “бир бўлиб”, “қўшилишиб”, “биргаликда”² каби маънолар билан келади. Яна қиёсланг: *Улар билан бирга майдонда турибди* (Тошкент оқшоми).

«Давомли» интеграл семали ётмоқ феълининг контрагенти вазифасидаги шахсни билдирувчи от атрибутив бирикмада келиб, изоҳланмиш сифатида шахс маъноли изоҳловчига эга бўлади. Бунда изоҳловчи + изоҳланмиш бир бутун ҳолда контрагент валентлигининг реализатори ҳисобланади. Масалан: *Мана бугун ҳам Мансур ўз ўртоги Славка билан қирғоқда ётибди* (Шуҳрат).

«Давомли» интеграл семали турмоқ ҳолат феълининг контрагенти реаллашган от бирдан ортиқ сўз формасида ҳар бири шахс маъноли изоҳловчига эга бўлади. Бундай синтактик конструкцияда реаллашган контрагент (шахс) агенсга тегишлилиги ва таъкидланиши билан ажralиб туради. Ушбу маъно муносабати изоҳланмиш сифатидаги эгалик аффиксли сўз формасидан, гап мазмунидан ифодаланиб туради. Бу ҳолда ҳам биргалик маъноси кучаяди. Масалан: *У хотини Малика, ўғли Қосим билан ташқарида ... турибди* (С.Юнусов).

Турмоқ ҳолат феълининг шахс актантли контрагенти кишилик олмошларида ҳам қайд этилади. Баъзан айни олмошлар кўплик аффиксли шаклда ҳам келади. Масалан: *Сен билан турибман бу кун бетма – бет* (А. Орипов). Улар билан бирга майдонда турибди (Тошкент оқшоми).

¹Яна қаранг: Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка, 299-бет. Шоабдурахмонов Ш., Аскарова М., Ҳожиев А., Расулов И., Дониёрөв Ҳ. Ҳозирги ўзбек адабий тили, 406-бет.

² Ўзбек тилининг изоҳли лугати, 1 том, 117-бет.

Юқорида таҳлил объекти бўлган контрагент валентлигига эга ҳолат феълларига – обьектли бирикмаларга бошқарув алоқаси нуқтаи назаридан ёндошиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Чунки феъл бошқарувида кучли ва кучсиз бошқарувни фарқлаш қабул қилинган¹.

Тилшуносликка проф. А.М.Пешковский томонидан киритилган кучли ва кучсиз бошқарув² жиҳатидан *турмоқ*, *қолмоқ*, *ётмоқ*, *ўтирмоқ* «давомли», *қўриқламоқ* «ижро», *қизармоқ* ва *терламоқ* «физиологик» интеграл семали ҳолат феъллари (ҳоким компонент) контрагентнинг реализациатори – аналитик форма (тобе компонент) билан кучсиз бошқарувда бўлади. Чунки ҳоким компонентлар (ҳолат феъллари) билан тобе компонентлар (контрагент реализациатори) орасидаги ўзаро боғланиш, алоқа зарурий ҳисобланмайди. Бу боғланиш ҳоким компонентларнинг – ҳолат феълларининг лексик – грамматик хусусиятларидан бевосита келиб чиқмайди³. Бошқача айтганда, кучсиз бошқарувда ҳоким ва тобе сўзлар орасидаги муносабат факультатив характерда бўлади. Чунки *турмоқ*, *ётмоқ* *қолмоқ* *ўтирмоқ*, *қўриқламоқ*, *терламоқ* каби феълларнинг лексик маъноси уларда тобе компонентнинг (масалан, контрагент валентлиги реализациаторининг) бор ёки йўқлиги билан белгиланмайди⁴. Демак, тобе компонентнинг (отнинг ...) феъл билан ана шундай боғланиши, алоқаси кучсиз бошқарув ҳисобланади⁵. Яна қиёсланг: *У эшик тагида укаси билан турибди* (Ўз. халқ. эртак.).

Хуллас, 1) контрагент валентлигининг реализациатори маъносида ҳолатни бажарувчи шахс ифодаланади. У агенсга нисбатан иккинчи даражали бажарувчи саналади; 2) ўзбек тилидаги ҳолат феълларининг контрагентини реаллаштирувчи сўзнинг от (баъзан олмош) + билан моделли аналитик формада шаклланиши типик бўлиб, у (контрагент реализациатори) синтактик жиҳатдан воситали тўлдирувчи ҳисобланади; 3) контрагент валентлигининг реализациатори агенсга нисбатан доимо постпозицияда келишига кўра феъл кесим билан боғланиб, обьектли бирикмани тузади; 4) контрагент валентлигини реаллаштирувчи аналитик форма *комитатив* муносабат ифодалайди; 5) контрагент валентлигига эга

¹ Русская грамматика. П, 25-бет.

² Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении. М., 1956, 285-бет.

³ Карап:Розенталь Д.Э., Теленкова М.А. Словарь-справочник лингвистических терминов.- М., 1976, 500-бет.

⁴ Карап:Современный русский язык, П.М.,1979, 13-бет. Яна қаранг: Коннов А.Н.Грамматика языка тюркских runических памятников (VII-IX вв). Л., 1980, 216-бет.

⁵ Карап: Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении, 286-бет.

ҳолат феъллари факат аниқ нисбатда келади; 6) *комитатив* муносабат ифодаловчи контрагент валентлигининг реализатори ва ҳолат феълининг биргалик нисбати орасидаги муносабат ўзига хосдир; 7) гапда контрагентни ифода этувчи аналитик форма доимо синтактик реаллашган бўлади. Унинг синтактик реаллашмаслиги контрагент актантининг бутунлай йўқолишига олиб келади; 8) ўзбек тилидаги «давомли», «ижро» ва «физиологик» интеграл семали ҳолат феллари контрагент валентлигига эгадир. Ушбу ҳолат феълли бирикмалар кучсиз бошқарувни ҳосил қиласди.

III БОБ

ХОЛАТ ФЕЛЬИ АСОСЛИ ГАПЛАРНИНГ ЛОКАЛИС ВАЛЕНТЛИГИ

Ўзбек тилидаги ҳолат феълларининг локалис¹ актанти агенс (баъзан контрагент) ҳолати билан бевосита боғлиқ бўлади. У муайян ҳолатдаги агенсга “хизмат қилади”, у билан диалектик боғлиқликда кузатилади. Аникрофи, локалис валентлигини реаллаштирувчи сўзда ўрин ифодаланишига кўра ушбу сўз агенс ҳолати юз берган ўринни англатади. Шу жиҳатдан локалис актанти мустакил саналади. Локалис валентлигининг реализатори феъл маъносидаги ҳолатни ўрин муносабатига кўра характерлаши, локал муносабат² ифодалashi билан семантик – функционал фаол бўлади.

Локалис валентлигини реаллаштирувчи сўзнинг гапда, асосан, ўрин келишиги (локатив)³ да келиши табиийдир. Чунки локативли сўз шаклидан англашилган предмет агенс ҳолатининг муайян ўрин – жойда юз беришини аниқ билдиради⁴, яъни локалис актанти бўлади. Демак, ўрин келишиги ҳолат феълларининг локалис актантини реаллаштирувчи сўзни нутқда шакллантиради, Сўз формаси – нутқ бирлиги ҳосил бўлади. Асосан шу келишиқдаги нутқ бирлиги феълда ифода топган жараённинг бажарилиш ўрни билан бевосита боғланади. Бошқача айтганда, ўрин келишиги қўшимчаси феъл бошқарувли объектли бирикмани тузади, локал муносабат англашилади.

Шуниси ҳам характерлики, ҳолат феъллари локалис валентлигининг реализатори доимий сўз формасидан бошқача шаклланишда ҳам кузатилади. У гапда қўмакчили формаларда қўлланади. Ушбу ҳолда қўмакчи воситалар от ва феъл маъноларини

¹ Локалис термини ўрин маъносини англатади. Бу термин Н.И.Кондаковнинг Логический словарь М.1971. 279-бет. Д.Э.Розенталь, М.А.Теленковаларнинг Словарь справочник лингвистических терминов М.1976, 169-бет китобларидан олинди. Қаранг: Ахманова О.С.Словарь лингвистических терминов, 222-бет. Апресян Ю.Д. Лексическая семантика, 125-бет.

² Локал муносабат термини О.С. Ахманованинг Словарь лингвистических терминов, 222-бет. Д.Э.Розенталь, М.А.Теленковаларнинг Словарь справочник лингвистических терминов, 169-бет асарларидан олинади. Яна қаранг: Кацнельсон С.Д. Типология языка и речевое мышление, 43-бет.

³ Локатив ҳақида қаранг:Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов, 222-бет. Иванова И.П., Бурлакова В.В., Почепцов Г.Г. Теоретическая грамматика английского языка, 245-246,бетлар.

⁴ Ўрин келишикли сўз формасининг ўрин тушунчасидан бошқа тушунчаларни ҳам бериши ҳақида қаранг: Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка, 101-,102-бетлар. Бокарев Е.А. Локативные и нелокативные значения местных падежей в дагестанских языках. Язык и мышление XI. М.Л., 1948, 56-, 68-бетлар. Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. Тошкент, 1978, 93-бет; Ўзбек тили грамматикаси. И. Тошкент. 1975. 242-,248-бетлар; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили, 138-,139-бетлар; Ўзбек тили грамматикаси. П.Тошкент. 1976, 154-, 155-бетлар.

бириктирувчи ифода беради. Семантик синтагма (локатив синтагма) тузилади.

Гап конструкцияларида синтактик турлича тузилишига қарамай, синтетик ва аналитик формадаги нутқ бирликлари ўрин маъносини тўла ифодалайди. Айни вақтда локалис валентлигини реаллаштирувчи кўмакчили формалар нутқий фаоллиги билан ажралиб туради. Шу жиҳатдан улар локалис актантини реаллаштирувчи доимий сўз формаси билан контекстуал синонимни ҳосил қиласди.

Ҳолат феълларининг локалис актанти гапларда, асосан, отда реаллашади. Ушбу туркум бирликлари гапда доимо қайд этилган бўлади, ўрин ҳоли вазифасини ўтайди. Локалис валентлигига эга ҳолат феъллари гапда муайян позицияда кесим, баъзан аниқловчи вазифасида келади.

Локалис валентлиги ўзбек тилидаги «давомли», «ҳаракат натижаси», «иижро», «образли», «физиологик» ва «психик» интеграл семали ҳолат феълларида кузатилади.

Локалис валентлигининг отда реаллашиши. «Давомли», «ҳаракат натижаси» ва «иижро» интеграл семали ҳолат феълларининг локалис актантлари отда реаллашади. Шунга қўра у (от) семантик – коммуникатив жиҳатдан аниқ бўлиб, маконнинг маълум қисми, нуқтаси билан бевосита боғланиб туради. Бу эса отning шундай семантикага узуал эгалигидан келиб чиқади.

Турмоқ, тунамоқ, ётмоқ, қолмоқ, ўтиromoқ «давомли», тўхтамоқ «ҳаракат натижаси», салқинламоқ, пойламоқ «иижро» интеграл семали ҳолат феълларининг локалис актанти сатҳ (ўрин - жой) бўлади. Чунки агенсда юзага келган, агенс эга бўлган ушбу ҳолатлар бевосита муайян ҳолатларнинг содир бўлишида бирламчи ташқи асос саналади. Унинг муҳимлиги маконлигидан, материянинг мавжудлик, яшаш манбаи эканлигидан ва бу қонун кучига эгалигидан келиб чиқади. Масалан: *Шу болхонада тунади* (Шухрат). У *айвонда ётар* (Х.Назир). Уйда гўзал жувон билан иккимиз қолдик (С.Аҳмад). *Батальон қишилоқда тўхтади* (Тошкент оқшоми)... У *богда салқинлади* (Ўз. халқ. эртак.). Кўринадики, феъл бошқарувли бирикма компонентлари семемалари учун классема вазифасини “сатҳ” семаси ўтайди.

Ўтиromoқ ва ётмоқ «давомли» интеграл семали ҳолат феъллари локалис валентлигининг реализатори агенс ҳолатининг сув йўлига тегишли жойда, унинг муайян қисмида юз беришини

англатади: Ариқ лабида бирпас ўтири (Ф.Мусажонов). *Полвон ота яйлов этагидаги ёйилиб оқаётган сой лабида ётибди* (Ҳ.Назир). Кўринадики, гап конструкцияларида локалис валентлигини реаллаштирувчи муайян аъзони ифодаловчи от, метафорик қўчма маънода, ўрин – жой маъносига келади. Бу нутқ факти, нутқ ҳодисаси саналади. Унинг сатҳ ифодасини бериши синтактик шаклланишига, тобе компонентидаги муайян предмет билан боғланишига, у билан бутун ва қисм муносабатига киришишига, агенс ҳолатининг содир бўлиш ўрнини англатиш мақсадида қўлланишига кўра юз беради.

Ўзбек тилидаги ҳолат феълларининг локалис актанти (сатҳ) қўмакчи отларда ҳам ифодаланади. Аниқроғи, ҳолат феълларининг локалис валентлиги от+қўмакчи от+да моделли синтактик бирликларда реаллашиб, ўзига хос семантик хусусиятларга эга бўлади.

“Сатҳ” архисемасига кўра умумлашувчи қўмакчи отлар синтактик конструкцияларда доимо препозитив компоненти билан келиб, у билан тегишлилик муносабатини ифода этувчи аниқловчи +аниқланмиш алоқасига киришиб, синтактик бутунлик сифатида ҳолат феъллари локалис валентлигининг реализатори ҳисобланади. Айни вақтда ушбу нутқ бирликларида қатнашган қўмакчи отларнинг муайян келишикли шаклда рема компоненти билан алоқаси гапнинг ҳолат феълли кесими талабига кўра юз беради. Бу бевосита қўмакчили формаларнинг гапнинг конструктив бирлиги бўлишини, гап семантикасининг мантиқийлиги ва ижтимоий характерини юзага келтиради.

Фикримизча, сўз юритилаётган типда ўрин ифодасининг аниқлиги якка сўздан англашилган шу ифодага нисбатан кучлироқ, тўлароқ юзага чиқади. Яъни автосемантик + синсемантик сўз қолипидаги нутқ бирликларида сатҳ ифодаси қўмакчи компонентда умумий (мавҳум) бўлиб, унинг конкретлашиши бевосита препозициядаги сўз воситасига юз беради. Чунки у мустақил сўз сифатида гапда муайян позицияда конкретлашириш вазифасини бажариш имконига эга бўлади. Аниқроғи, у гапда ҳам назарда тутилган мақсадда қўлланади. Бу семантик ва синтактик – позицион планда ҳам исботланади. Шу сабабли қўмакчили нутқ бирликларида ҳолат юз берган сатҳ анча аниқ англашилиб туради. Кўриниб турибдик, қўмакчи отлар маъносидаги умумий сатҳ нутқий вазиятда, “бирикмада” реаллашишига, от препозитив (тобе)

компонентига кўра “индивидуаллашади”. Демак, кўмакчи отларда қайд этилган сатҳ синтактик бирликда реаллашиши туфайли муайян предмет билан бевосита боғланиб, унга тегишлиги таъкидланиб, биргалиқда ўрин – жой сифатида келиши жиҳатидан юқорида фикр юритилган типдан (отдан) фарқ қиласи. Бошқача айтганда, агенс ҳолати кўмакчили сўз формасидаги предметнинг муайян қисмида, муайян сатҳда содир бўлади.

Ўзбек тилидаги «давомли», «ҳаракат натижаси», «образли», «физиологик» ва «психик» интеграл семали ҳолат феълларининг локалиси от кўмакчили синтактик бирликлар орқали воқелашибади.

Турмоқ «давомли», тўхтамоқ «ҳаракат натижаси», гавдаланмоқ «образли» ва уялмоқ, ўнгайсизланмоқ «психик» интеграл семали ҳолат феълларининг локалиси олдида компонентли анализатор формада кузатилади. Ушбу типда агенс ҳолатининг қопқа (мослама), сатҳ, киши аъзоси ва шахс кабилар олдида юз бериши ифодаланади. Масалан: *Эшик олдида бир жувон турарди*. (С.Аҳмад). *Хароба баъзан обод кўчалардан юриб, атрофи ёғоч панжарали каттакон бир ҳовли олдида тўхтадик*. (А.Қаҳҳор). *Кўз олдида Арслон гавдаланади* (Мирмуҳсин). У ўртоқлари олдида уялади (Альманаҳ).

Турмоқ, ўтирмоқ, қолмоқ «давомли» интеграл семали ҳолат феълларининг локалиси устида, бўйида, тагида, ўртасида, бошида, ёнида ичида, ичра ва узра компонентли нутқ бирликларида реаллашишига кўра ўзига хос семантик хусусиятларга эга бўлади.

Устида кўмакчили синтактик бирликларда агенс ҳолати жонли ёки жонсиз нарсаларнинг уст қисмида бажарилади. Бунда бир предметнинг пастки қисми бошқасининг устки қисмига – бир-бирига тегиб туради, бирикади¹. Масалан: *Отнинг устида бир йигит турибди* (“Гулихромон”). *Саккиз қиррали олтин таҳт устида Ҳусайн Бойқаро ўтирибди* (Ойбек).

Ўзбек тилшунослигига оид айрим манбаларда бўйи кўмакчиси асосан “...вақт билдирувчи сўзлар билан бирга келиб, ҳаракат – ҳолатнинг шу сўзлар ифодалаган вақт доирасида «давомли»лиги маъносини билдиради...”² дейилса, бошқаларида у “баъзан пайт билдирувчи сўзлардан бошқа сўзлар билан келганда, макон – жой

¹ Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка, 323-бет.

² Ўзбек тили грамматикаси, 1. 550-бет. Қаранг: Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили, 240-бет

маъноси билан бирга вақт – пайт маъноси ҳам ифодаланади...¹” деб таъкидланади. Демак, манбаларда бу кўмакчининг, асосан, вақт, баъзан ўрин маъноли сўзлар билан келиши ва ҳар икки ҳолда ҳам вақт маъносини ифодалаши алоҳида қайд этилади.

Шуниси муҳимки, ҳолат феълларининг локалис актантини реаллаштирувчи кўмакчили форманинг етакчи қисми ўрин-жой маъноли сўзлардан бўлиб, уни синтактик жиҳатдан шакллантирган бўйи кўмакчиси гапда –да форманти билан келиб, семантик жиҳатдан бутунлай ўрин маъносини англатиш учун хизмат қиласди. Шунга кўра у ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Аникрофи, биринчидан, бўйи кўмакчиси ўрин – жой маъноли сўз билан аналитик форма тузишига, иккинчидан, у локативда бўлишига, учинчидан, бу нутқ бирлиги ҳолат феъли билан боғланишига (у томондан бошқарилишига) –ҳолат феъли локалис валентлигининг реализатори бўлишига, яъни ҳолат феъли семантик имконига кўра ўрин актантини бевосита талаб қилишига, тўртинчидан, гапда ифодаланган фикрнинг мантиқий – объектив йўналишига кўра от+ бўйи (-да) моделли нутқ бирлиги ўрин – жой маъносини ортиқ даражада аниқ ифода этади. Демак, бу ҳолда агенс ҳолатининг ҳаракатланиш чизиғи ва ўзан четида содир бўлиши англашилади. Қиёсланг: *Йўл бўйида гишт ташиган самосвал турарди* (С.Аҳмад). *Ўлтирибман дарё бўйида* (Зулфия).

Тагида компонентли анализатори формада агенс ҳолати вертикал вазиятдаги қурилманинг пастки қисмида, унинг қуйи нуқтасига энг яқин жойда ёки бевосита унинг таг (остки) қисмида юз беради: *Зинанинг тагида турибди* (А.Қаҳҳор). *Соябон тагида учбурчак қилиб қўйилган иккита скамейка турибди* (О.Ёқубов).

Тагида сўзи билан асосий маъносига кўра бир хил *остида* синоним бирлик ҳам агенс ҳолатининг бевосита муайян предметнинг *таг*, *ост* қисмида юз беришини билдиради. Аммо кўпроқ адабий тилга хос остида сўзи “кўпинча умумий – ноаниқ маъно ифодалаши”² билан шундай маънони ўзига нисбатан аниқроқ англатувчи, асосан, сўзлашув услубига хос *тагида* сўзидан фарқ қиласди. *Тагида* сўзи маъносига муайян предметнинг бевосита ички таг қисми тушунилиши қатъийдир, аниқдир.

¹ Шоабдураҳмонов Ш., Аскарова М., Ҳожиев А., Расулов И., Дониёров Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили, 412-бет.

² Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка, 321-бет.

*Турмоқ «давомли» интеграл семали ҳолат феълининг локалис актанти ўртасида компонентли аналитик формада ҳам қайд этилади. Агенс ҳолати қурилма марказида (ўрта қисмида) содир бўлади: *Нигора уйнинг ўртасида қимирламай турарди* (С.Аҳмад).*

*Бошида компонентли нутқ бирликларида агенс ҳолати қурилма ва майдоннинг бошланишида, энг юқори қисмида (тепасида) юз беради: *Мен кўпrik бошида бирпас турдим* (А.Қаҳхор). *Мозорнинг бошида турмакдадурман сарҳисоб айлаб* (Ғ.Ғулом).*

Турмоқ «давомли» ҳолат феълининг локалиси ёнида кўмакчили формада реаллашганда, агенс ҳолати қурилма ёнида, унга жуда яқин горизонтал йўналишдаги ўринда содир бўлади: *Челак печка ёнида турибди* (Ғунча) «давомли» ҳолат феълининг локалиси реаллашган аналитик формада от қўмакчи ёнбошида вариантида ҳам келади. Денотатив маъносига кўра бир хил ёнида ва ёнбошида сўзларидан кейингиси агенс ҳолатининг қурилмага жуда яқин жойда, деярли у билан бирор томонига кўра туташган нуқтасида, қурилманинг юқори (бош) тарафида юз беришини англатиши ва нутқда кам қўлланишига кўра ажралиб туради. Шунингдек, бу ҳолда предметларнинг горизонтал жойлашиши, мослиги бузилади. Киёсланг: *Уйнинг ёнбошида челак турибди* (Ўз.халқ эртак).

Турмоқ «давомли» ҳолат феълининг локалиси ичидаги компонентли нутқ бирлигида ҳам реаллашади. Агенс ҳолати қурилма ва ёпинчиқнинг ич қисмида юз беради: *Арслон хона ичидаги нима қилишини билмай турди* (Мирмуҳсин). Чиммат ичидаги соқоли селкиллаган бир чол тиржайиб турибди (О.Мухторов).

Турмоқ «давомли» ҳолат феълининг локалиси ичра кўмакчили аналитик формада ҳам қайд этилади. Локатив синтагмада агенс ҳолатининг муайян территорияда – очиқ, сайҳон ер ичидаги содир бўлиши англашилади. Бунда ўрин маъносига предметнинг қайси нуқтаси, сатҳи билан боғланишига кўра нисбий аниқлиги билан ажралиб туради. Асосан поэтик услугуга хос бундай кўмакчили формада кўтаринкилик, экспрессивлик кузатилади, сўзловчининг ижобий муносабати ҳам ифодаланади. Шунга кўра ичра кўмакчили нутқ бирликлари-да формантли ва ичидаги варианти синоним нутқ бирликларидан фарқ қиласи. Киёсланг: *Эмас осон бу майдон ичра турмоқ....* (Навоий). *Эмас осон бу майдонда турмоқ.* *Эмас осон бу майдон ичидаги турмоқ.* Яна қиёсланг: *Киличлашиб майдон ичра ўлмадим* (Фольклор).

Акад. А.Н.Кононов яратган ўзбек тилининг илмий грамматикасида узра кўмакчисининг ҳозирги ўзбек тилида жуда кам учраши, асосан поэтик асарлардагина қайд этилиши алоҳида таъкидланади ва унинг адабий тил, сўзлашув нутқи учун одатий саналувчи устига, устида кўмакчилариға мос келиши айтилади¹. Бу фикр кесими ҳолат феълли гапларга ҳам тўла мувофиқдир. Яъни қолмоқ ва ўтироқ «давомли» ҳолат феъллари локалис валентлигининг реализатори сифатида узра кўмакчили формалар ҳам келади. Улар нутқ бирлиги сифатида кўпинча шеърий мисраларда учраб туради, агенс ҳолатининг муайян предметнинг (буюмнинг) устки қисмида юз беришини англатади. Масалан: *Икки жумла ёзилган шу хат стол узра... қолди* (Г.Нуруллаева). Ушбу гапда узра устида кўмакчили билан синонимик алоқа ҳосил қиласди. Устида сўзини гапга киритиш ундаги муайян хабарга ҳалал бермайди, гапнинг мазмуни тўла сақланади. Аммо бу ҳолда аввалги синонимик нутқ бирлигига нисбатан ўрин–жой маъноси яна ҳам конкретлашади. Чунки уст (-ида) кўмакчисида ўрин – жой маъноси узуал ортиқ, яққолдир. Демак, бу кўмакчиларни алмаштириш ўрин – жой маъносининг ортиқ даражада конкретлашишига олиб келади. Қиёсланг: *Икки жумла ёзилган шу хат стол устида қолди*. Аммо бу вариандада экспрессивлик-ифодалилик даражаси аввалгисидан фарқли сезиларли камаяди, “тораяди”. Узра кўмакчили синонимик формада эса ҳам информация, ҳам коннотация ифодаланади. Устида сўзлашув нутқига, узра поэтик нутқка ҳослиги, поэтик оҳанги билан ажралиб туради. Шунга кўра шеър муаллифи келтирилган мисраларда фақат хабарни эмас, шунингдек, экспрессивликни, ижобий эмоционал муносабатни ҳам бериш мақсадида узра сўзидан оқилона фойдаланади. Яна қиёсланг: *Не баҳтдир МГУнинг кафедрасида шогирдлик курсиси узра ўлтириши* (Ғ.Ғулом).

Айрим манбаларда узра “ҳаракат предметнинг уст қисмига йўналганлигини, бирор нарса воситасида бажарилишини билдиради”², деб таъкидланади. Бу фикрнинг “ҳаракат... бирор нарса воситасида бажарилишини билдиради” қисмининг тасдиғи сифатида Ғ.Ғуломнинг юқоридаги бир банд шеъри келтирилади.

¹ Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка, 307-бет, Қаранг: Ўзбек тили грамматикаси, 1. 543-бет; Шоабдурахмонов Ш., Аскарова М., Ҳожиев А., Расулов И., Дониёров Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили, 411-бет.

² Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили, 240-бет.

Кўринадики, фикр муаллифи гапда ҳаракат тушунчасининг ифодаловчиси сифатида ҳолат феълининг архаик формасини келтиради. Ў(л)тирмоқ «давомли» ҳолат феъли сифатида ҳолат маъносини англатади. Синтактик конструкцияда эса от+узра моделли аналитик форма ҳаракатнинг бирор нарса воситасида бажарилишини эмас, балки давомий ҳолатнинг от маъносида реаллашган буюмда содир бўлишини билдиради. Шунингдек, кўмакчили форманинг ўрин-жой маъносида қайд этилиши қўйидаги синтактик конструкция орқали, аналитик форма билан контекстуал синонимни ҳосил қилувчи типик келишикли сўз формасини келтириш орқали ҳам исботланади. Киёсланг: *Не баҳтдир МГУнинг кафедрасида шогирдлик курсисида ўлтириши.*

Тўхтамоқ «ҳаракат натижаси» ҳолат феълининг локалиси орасида компонентли “сўз бирикмасида” қайд этилади. Бунда агенс ҳолати буюмлар орасида (оралиғида) содир бўлади. Масалан: *Қори Ниёзий парталар орасида ... тўхтаб ...* (А.Қаххор).

Туташмоқ “ҳаракат натижаси” бўлган ҳолат феълининг локалиси томонидан кўмакчили шаклда келишига кўра характерланади. Бунда агенс ҳолати ҳаракатланиш чизигининг маълум қисмида юз беради. Масалан: “Союз 35” кемаси станцияга ўтиши бўлмаси томонидан туташди (Рўзнома). Бу ҳолда локалисни англатувчи сўз бирикмасининг кўмакчили бўлаги –дан аффиксли бўлишига кўра ҳолатнинг муайян ўрин-жой яқинида (томонида кўмакчили бирикмада шундай маъно муносабати ифодаланади) эмас, балки муайян предметнинг ўзида, унинг муайян нуқтасида содир бўлишини ифодалайди. Киёсланг: “Союз 35” кемаси станцияга ўтиш бўлмаси томонида туташди. Синтактик бирликларда мустақил сўз билан келган *томон* кўмакчиси ўзининг асосий йўналиши маъноси¹ билан бирга макон белгисига ҳам эгадир. У мавхум ҳолда ўрин-жой билан боғланади. Ундаги макон маъноси сўзнинг –дан қўшимчаси билан қўлланишидан ва феълга бирикишидан юзага келиб, гапнинг мазмун жиҳатига кўра кучаяди, нутқий бўртади. Айни вақтда кўмакчи билан келган препозитив (“тобе”) қисм ҳам факультатив жой маъносига эгадир. Демак, локалис валентлигининг ифодаловчиси- “бирикма” конструкцияси ўрин маъносини аниқ ифодалайди. Контекстда чиқиши келишиги-

¹ Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка, 306-бет. Ўзбек тили грамматикаси, 1. 551-552—бетлар.

даги сўз доимий маъно вазифасидан чекиниб, вақтинча, нутқ ҳоди-саси сифатида агенс ҳолатининг юзага келиш ўрнини билдиради.

Ўзбек тилшунослигига оид кўпгина манбаларда *оғзи (-да)* от кўмакчиси тилга олинмайди, у ҳақда бирор фикр билдирилмайди. Ваҳоланки, бу сўз мустақил маъноли бўлишидан ташқари, баъзан ёрдамчи-кўмакчи бўла олиши билан ҳам ажралиб туради. У нутқда, курсов бирликлари билан семантик-синтактик воқелашишда бинар семантик муносабатда бўла олиш имконига эгадир. У ҳам кўпинча от кўмакчилар каби препозициядаги сўз (от) билан атрибутив алоқага киришиб, феълнинг талабига кўра ўрин келишиги билан келади. Унинг кўмакчи от табиати нутқий вазиятда (контекстда), препозициядаги от билан локал муносабатни ифодаловчи локатив синтагмани тузишда юзага чиқади. Шунга кўра у кўмакчи сифатида ўрин-жой ифодали препозициядаги отда реаллашган предметни – маконнинг нисбатан аниқ нуқтасини англатишига кўра баҳолайди. Демак, унинг локал муносабатни ифода этиши, биринчидан, ўрин келишиги билан шаклланишига, иккинчидан, сўз формаси ҳолида препозитив от билан семантик-синтактик боғланишига, учинчидан, атрибутив “бирикма”да ифодаланган маънога кўра феъл маъносидаги ҳолатни – ҳолат юз берган ўринни аниқ англатиши билан ҳосил бўлади. У гапда маълум ўринлардагина кўмакчи сифатида қўлланади.

Оғзида сўз формасининг нутқий кўмакчи вазифасида келиши унинг гапдан тушиб қолганда, “бирикмада” ифодаланган тушунчага – гапнинг умумий мазмунига таъсир қилмаслигида кўринади. Унинг синтактик реаллашмаслиги факат от маъносидаги ўрин-жойнинг умумий қайд этилишига, яъни ҳолатнинг предметнинг қайси нуқтасида юз беришининг мавҳумланишигагина олиб келади. Ҳолат юз берган ўрин-жой ифодаси тўла сақланади. Демак, бу ҳолда кўмакчи отнинг қўлланиши сатҳнинг яққол, аниқ ифодаланишига олиб келади. Бу аниқлик эса ўз навбатида гапда ифодаланган фикрнинг аниқланишига, тингловчига муайян ҳодиса, ҳолат, ҳаракат кабилар содир бўлган ўрин-жой ҳақида тўлиқ хабар берилишига хизмат қиласи.

Чўнқаймоқ «физиологик» ҳолат феъли локалис валентлигининг реализатори – кўмакчили форма шахс жисмоний ўзгариш ҳолатининг сув чуқурчасининг очиқ қисмига (тешикка) энг яқин жойда, унинг юқори қисмида (устида) содир бўлишини ифодалайди. Қиёсланг: *Суҳроб ташнов оғзида чўнқайиб,... Суҳроб ташнов устида чўнқайиб...*

Хуллас, 1) ҳолат феълларининг локалис қатнашувчиси агент (баъзан контрагент) ҳолатининг содир бўлиш ўрни сифатида воқелашибади, локал муносабат ифодаланади; 2) локалисни қайд этувчи сўзлар гапда кўпинча ўрин келишикли ва кўмакчили шаклларда келади. Ушбу келишик кўрсаткичи ва муайян кўмакчилар от ва феъл маъноларини бириктирувчи вазифа бажаради, феъл бошқарувли сўз бирикмаси тузилади; 3) «давомли», «ҳаракат натижаси» ва «ижро» интеграл семали ҳолат феълларининг отда қайд этилган локалиси сатҳ бўлади; 4) «давомли», «ҳаракат натижаси», «образли», «физиологик» интеграл семали ҳолат феълларининг локалиси от+ кўмакчи от+да қолипида тузилган аналитик формаларда келиб, муайян маъно хусусиятлари билан ажралиб туради. 5) «давомли», «ҳаракат натижаси» «образли» интеграл семали ҳолат феълларининг локалиси олдида, «давомли» интеграл семали ҳолат феълларининг локалиси *устида, бўйида, тагида, ўртасида, бошида, ёнида, ичида, ичра* ва *узра*, «ҳаракат натижаси» интеграл семали ҳолат феълларининг локалиси *орасида, томонидан*, «физиологик» интеграл семали ҳолат феълининг локалиси *оғзида* (ўзбек тилшунослигига оид қатор манбаларда *оғзида* сўзи от кўмакчи сифатида, умуман, тилга олинмайди) каби кўмакчили шаклларда келади.

Ўзбек тилидаги ҳолат феълларининг локалис актанти вазифасида баъзан сатҳдан бошқа предметлар ҳам келади. Бундай локатив синтагмаларда ҳам локал муносабат ифодаланиб, агент ҳолати ўрин объектига кўра конкретлашади.

Гап конструкцияларида «давомли», «образли» интеграл семали ҳолат феълларининг локалиси сифатида киши аъзоси, буюм ва ўсимликлар ҳам иштирок этади.

Шу ҳам характерлики, киши аъзоси, буюм ва ўсимлик маъноли лексемаларда ўрин маъноси окказионал, факат нутқда, яъни сўзнинг локатив аффикси билан шаклланишига, феъл билан объектили бирикмани тузишига, агент ҳолати амалга ошган ўринни англатиш мақсадида қўлланишига кўра юзага келади. Шунингдек, локалис валентлигини ифода этувчи ушбу сўзлар нутқ фаолиятида ўрин маъносини ҳам бериш имконига эга бўладики, бу имкониятнинг воқе бўлиши синтактик қуршов қисмларининг таъсирида, феълнинг гап мазмунига, унинг амалий бирликларининг муайян маъно билан реаллашишига фаол таъсир қилиши билан боғлиқ ҳолда юз беради. Айни вақтда фикр юритилаётган типда

агенс ҳолати содир бўлган ўриннинг конкрет англашилиши бевосита киши аъзоси, буюм ва ўсимликларнинг аниқлигидан шу предметларни ифодаловчи тил бирликларининг тасаввурда муайян предмет билан бевосита боғланишидан келиб чиқади.

Қолмоқ «давомли» ва гавдаланмоқ «образли» интеграл семали ҳолат феълларининг локалис актанти вазифасида киши аъзоси келади. Агенс ҳолати шахснинг муайян аъзосида юз беради. Масалан: *Калит унинг қўлида қолди* (А.Қаҳхор). ...*Пешонасига теккан майин соч толалари, мулойим табассуми кўз олдимда бир зум гавдаланар* (О.Ёқубов). Унинг кўз олдида *Арслон гавдаланади* (Мирмуҳсин).

Ўтироқ «давомли» интеграл семали ҳолат феълларининг локалис иштирокчиси буюм бўлади. Агенс ҳолати муайян буюмда юз беради: *Аббосхон ўрнидан қўзгалгиси келмай, эски духоба креслода ўтирарди* (Мирмуҳсин). ...дивандада *Шукур ётарди* (Н.Нормуродов).

Ўтироқ «давомли» ҳолат феълининг локалиси вазифасини ўсимлик ҳам ўтайди. Агенс ҳолати муайян ўсимликда содир бўлади. Қиёсланг: *Дарахтларда бойқушлар кўзларини чақчайтириб ўтиришибди* (Мирмуҳсин).

Шундай қилиб, ҳолат феълларининг локалис актанти вазифасида баъзан сатҳдан бошқа предметлар ҳам келади. «давомли» ва «образли» интеграл семали ҳолат феълларининг локалис актанти сифатида киши аъзолари, «давомли» интеграл семали ҳолат феълининг локалис актанти бўлиб, буюм ва ўсимликлар қатнашади.

Ўзбек тилидаги «давомли» ва «ижро» интеграл семали ҳолат феъллари локалис валентлиги баъзан сифат⁺ да қолипдаги сўзда ва ўрин равишида ҳам реаллашади, агенс ҳолати юз берган сатҳ ифодаланади.

Локалисни ифодаловчи отларда ўрин маъноси аниқлиги ва хусусийлиги билан, ушбу сўз формаларида эса ўрин маъноси мавҳумлиги ва умумийлиги билан ажралиб туради¹. Аникроғи, фикр юритилаётган типда агенс ҳолати юз берган жой-томон ишора қилиниши, умумий тарзда кўрсатилиши билан характерланади. Демак, локалис валентлигининг реализатори вазифасидаги тил ва нутқ бирликларида ҳам агенс ҳолатининг муайян ўринда юз бериши англашилади. Аммо бу ўрин маконнинг муайян қисми,

¹ Каранг: Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўша асар, 143-бет.

нұқтаси билан аниқ боғланмаслигига, у кенглигига, ноаниқлигига күра ажралиб туради.

Қолмоқ «давомли» интеграл семали ҳолат феълининг локалиси йироқ жой бўлади. Агенс ҳолати олис жойда содир бўлади: *Қурбонлар дафн қилинаётганда биз қабрдан яна ҳам узоқда қолдик* (А.Қаҳҳор). *Она элинг узоқда қолди* (Э.Воҳидов). *Ажисб болалигим қолди узоқда* (А.Орипов).

Аниқликдан ортиқ даражада чекиниш, мавхумлик, умумийлик каби маънолар сўзнинг –лар қўшимчасини олиши билан яна ҳам кучаяди, бўртади. Чунки –лар ноаниқликни оширади, фикрнинг муайян ўрин билан боғланишини “бутунлай” тарқатади. Бу –лар аффиксининг кўплик маъносини ифодалашидан келиб чиқади. Бунда фикрнинг , диққат – эътиборнинг муайян ўрин – жой билан боғланиши анча “хиралашади”. Аммо, шунга қарамасдан, айни вақтда ижобий бўёқ, экспрессивлик юзага келади. Бу ҳолда –лар қўшимчасининг доимий маъноси сақланиб, шу маъно асосида узуал ифоданинг “ўсиши” юз беради. Аникроғи, -лар аффикси нутқий полифункционал характерда бўлиб, маъно жиҳатдан универсаллашади: ҳам миқдорий ортиқлик, ҳам экспрессивлик ифодалайди. Қиёсланг: *Узоқларда қолди тугилган уйим* (А.Орипов). *Узоқларда қолди диёрим* (Э.Воҳидов).

Салқинламоқ «ижро» интеграл семали ҳолат феъли локалис валентлигининг реализатори агенс ҳолатининг муайян сатҳда – сатҳнинг бирон нұқтасида юз беришини ифода этади: *Унда фил ўз болаларини салқинлатиб*, (Ҳ.Назир).

Хуллас, ҳолат феълларининг локалис актантини қайд этувчи тил ва нутқ бирликлари ўрин маъносини мавхум, умумий ҳолда ифода этади. Шу жиҳатдан улар ҳолат феълларининг локалис валентлигини реаллаштирувчи отлардан фарқ қиласи.

Юқорида фикр юритилган локалис валентлигига эга *турмоқ*, *тунамоқ*, *ётмоқ*, *қолмоқ*, *ўтиromoқ* «давомли», *тўхтамоқ*, *туташмоқ* «ҳаракат натижаси», *салқинламоқ*, *пойламоқ* «ижро», *гавдаланмоқ* «образли», *чўнқаймоқ* «физиологик», *ўнгайсизланмоқ*, *уялмоқ* «психик» интеграл семали ҳолат феъллари валентлик имконига кўра очиқ позицияларини тўлдириб келувчи нутқ бирликларини бошқаруви, яъни бошқарув қобилияти жиҳатидан ҳам характерланади. Улар шу нұқтада контрагент валентлигига эга ҳолат феълларидан ажралиб туради. Бошқача айтганда, локалис

валентлигига эга ушбу ҳолат феълларида бошқарувнинг ҳар икки тури – кучли ва кучсиз бошқарув кузатилади.

Турмоқ, тунамоқ, ётмоқ, қолмоқ, ўтиromoқ «давомли», *тўхтамоқ* «ҳаракат натижаси», *салқинламоқ, пойламоқ* «иҷро», *гавдаланмоқ* «образли» интеграл семали ҳолат феъллари (ҳоким компонент) локалис валентлигининг реализатори (тобе компонент) билан кучли бошқарув муносабатига киришади. Чунки ушбу ҳолат феъллари билан бошқарилувчи (тобе) сўзларда ифодаланган маъно муносабатлари орасидаги алоқа жонли, реал алоқа, кучли боғланиш ҳисобланади¹. Шунингдек, айни алоқа, кучли боғланиш бевосита ҳоким сўзлар –ҳолат феъллари, улар маъноларининг талаби, тортиш кучи билан юзага келади. Шунга кўра назарда тутилган ҳолат феъллари билан локалисни ифода этувчи бошқарилувчи сўз формалари орасидаги боғланиш кучли боғланишдир. Яна қиёсланг: *Жимжит, бўм-бўши хоналарнинг бирида, диванда у ечинмаган ҳолда ётарди* (Мирмуҳсин). *Йўл бўйида бугун куни билан бизга гишит ташигани самосвал турарди* (Сайд Аҳмад). *Мунира кафтлари билан юзини тўсганича каравотда хомуши ўтирибди* (У.Назаров). *Бу тоғларда ёлғиз қолдим “Лайли ва Мажнун”.* *Бир оқшом довон ошиб, тоғнинг ёнбағрида, кичкина булоқ бўйида тунабди* (С.Юнусов) ва бошқалар.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, айрим ҳолларда ҳолат феъллари гапда зарурий тобе компоненти – бошқарилувчи сўз формасисиз (масалан, локалис валентлигининг реализаторисиз) қўлланганда ҳам, ўрин муносабатини бевосита ифода этиш семантик (валентлик) қобилиятига кўра феълларнинг ўзи локалисларни ифодалаб туради. Бу ҳолларда локалис актанти муайян вазиятдан, контекстдан умумий тарзда бўлса-да, аниқ англашилиб туради² қиёсланг: *Башорат ёлғиз қолди* (С.Аҳмад). *Мен ўзимни қаттиқ ухлаганга солиб ётавердим* (С.Юнусов). *Хушисиз ётибди* (У.Назаров). *Узоқ ўтиреди* (М.Исмоилий). *Иккови ҳам индамай ўтираверди “Лайли ва Мажнун”.*

Шундай қилиб, кучли бошқарув валентлик муносабатига киришган нутқ бирликлари орасидаги зарурий, “мажбурий” алоқа сифатида намоён бўлади. Аникроғи, кучли бошқарув шундай алоқаки, бунда ҳоким (бош) сўз лексик –грамматик хусусиятига кўра ўз қуршовида ўзи бевосита талаб қилган шаклда – муайян

¹ Каранг: Скобликова Е.С. “Современный русский язык”. Синтаксис простого предложения. М., 1979, 62-бет. Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении, 287-бет.

² Каранг: Скобликова Е.С. Ўша асар, 62-бет.

грамматик формада муайян тобе (эргаш) сўзниң иштирок этишини қатъий талаб қиласди. Чунки айни сўз формаси ҳоким сўз (феъл) маъно томонини очиш, изоҳлаш, аниқлаш унинг маъно имкониятларини кўрсатиш кабилар учун хизмат қиласди. Бинобарин, ана шундай алоқа зарурий алоқа, зарурий боғланиш кучли бошқарув сифатида баҳоланади¹. Айтилганлардан келиб чиқиб, кучли бошқарув синтактик бирликлар орасидаги зарурий, кучли алоқанинг мавжудлиги билан ўлчанса, белгиланса, кучсиз бошқарув эса синтактик бирликлар орасида айни алоқанинг – кучли зарурий алоқанинг мавжуд эмаслиги, йўқлиги билан белгиланади. Демак, кучсиз бошқарувда синтактик бирликлар орасидаги алоқа, ушбу бирликларнинг бир-бирини тортиш кучи, талаб қилиши семантик планда бўш, кучсиз, етарли даражада аҳамиятли бўлмайди. Шунга кўра *турмоқ*, *тунамоқ*, *ётмоқ*, *қолмоқ*, *ўтирмоқ* «давомли», *тўхтамоқ*, «ҳаракат натижаси», *салқинламоқ*, *пойламоқ* «ижро», *гавдаланмоқ*, «образли» интеграл семали ҳолат феълларидан (кучли бошқарувдан) фарқли туташмоқ «ҳаракат натижаси», чўнқаймоқ «физиологик» ва ўнғайсизланмоқ, уялмоқ “психик” интеграл семали ҳолат феъллари локалис валентлигининг реализатори билан кучсиз бошқарув муносабатида бўлишига кўра ажralиб туради. Чунки айни ҳолат феълларининг лексик маъноси (денотатив маъноси) тобе компонентнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги билан белгиланмайди². Шунга кўра ушбу ҳолат феълларининг локалисни ифодаловчи сўз билан боғланиши зарурий, “мажбурий”, органик боғланиш ҳисобланмайди. Яна қиёсланг: Зовур колхоз ерига боғ томонидан туташган. (“Тошкент ҳақиқати”). У чуқурнинг оғзига чўнқайди (Ўз.халқ эртак). Ўқитувчилари олдида бироз ўнғайсизланди.

Хуллас, «давомли», «ҳаракат натижаси», «ижро», «образли», «физиологик» ва «психик» интеграл семали ҳолат феъллари локалис валентлигининг реализатори билан боғланиш хусусиятига кўра кўпинча кучли бошқарувни ҳосил қилиши жиҳатидан контрагент валентлигига эга ҳолат феълларидан фарқ қилса, бальзан улар (ҳолат феъллари) локалис валентлигини ифодаловчи сўз формалари билан кучсиз бошқарув муносабатида бўлишига кўра контрагентга эга ҳолат феъллари билан ўхшаш бўлади.

¹ Қаранг: Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении, 285-бет. Кононов А.Н. Грамматика языка тюркских рунических памятников (VII-IXвв). Л., 1980, 216-бет. Современный русский язык, П, 12-бет. Русская грамматика, П, 25-30-бет. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов, 487-бет. Розенталь Д.Э., Теленкова М.А. Словарь справочник лингвистических терминов, 500-бет.

² Қаранг: Современный русский язык, П, 13-бет. Скобликова Е.С. Современный русский язык, 62-бет.

IV БОБ

ХОЛАТ ФЕЛЬИ АСОСЛИ ГАПЛАРНИНГ ОБЪЕКТ ВАЛЕНТЛИГИ

Ўзбек тилшунослигига, умуман туркологияда, ҳолат феъллари ҳақида фикр юритилган илмий асарларда ҳолат феълларининг ўтимли гурухи мавжудлиги мутлақо тилга олинмайди. Ваҳоланки, ўзбек тилидаги ҳолат феъллари фақат типик характердаги ўтимсизлиги билангина эмас, балки ўтимлилиги билан ҳам ажралиб, ўзига хос семантик хусусиятларга эга бўлади. Демак, ўтимли ҳолат феъллари объект (тўғри объект) валентлигига ҳам эга бўлиб, ушбу валентлик зарурий ҳисобланади.

Ҳолат феълларининг ўтимли типи семантик жиҳатдан объект актантини бевосита талаб қилишига кўра жиддий аҳамиятга эгадир. Чунки ҳолат феълларининг шу актанти асосида объект валентлиги ва каузативлик муносабати юзага келади. Бу эса ўтимли ҳолат феъллари семантик имкониятининг объектига кўра кенглигини, бойлигини кўрсатади.

Синтактик бирликларда объект иштирокчиси вазифасидаги предмет муайян ҳолатдаги предмет сифатида кузатилади. Унинг ҳолатга эга бўлиши, ҳолатни ўзида “ташиши” агенснинг объектга бевосита таъсиридан юзага келади. Қиёсланг: *асрамоқ, сақламоқ, қопламоқ, ўртамоқ*.

Ҳолат феъли асосли гапларда объект актанти агенс ҳолатининг қандай предмет таъсирида юз беришини ҳам кўрсатади. Бунда фикр юритилган типдан фарқли ҳолат агенсники бўлади¹. Агенс ҳолати муайян предмет таъсирида юзага келади. Объект вазифасидаги предмет агенс ҳолатининг манбаи бўлиб воқелашибади. Шунга кўра бунда агенснинг предметга (объектга) таъсири бўлмайди. Қиёсланг: *пойламоқ, қўриқламоқ, қўмсамоқ*.

Демак, ўтимли ҳолат феълларининг объект қатнашувчиси ҳам муайян ҳолатдаги предмет, ҳам агенс ҳолатининг предмети, манбаи бўлиш имконига кўра хос хусусиятига эгадир.

Ўтимли феъллардан англашилган ҳолат агенс ва объект билан боғланиши жиҳатидан ўтимли ҳолат феъллари семантик имкониятига (семантик валентлигига) кўра агенс ва объект валентликларига эга бўлади. Демак, ҳолат феълларининг агенс билан бир қаторда объектни ҳам талаб қилиши уларнинг

¹ Кибардина С.М. Категории субъекта и объекта и теория валентности, 31-бет.

ўтимлилигидан келиб чиқади. Ўтимлилик муайян ҳолат феълларининг ўзига хос семантик имконияти бўлиб воқелашибади¹.

Ўзбек тилидаги ўтимли ҳолат феъллари талаб қилувчи объект актанти турлича предметларни англатувчи сўзларда ифодаланади. Шуниси муҳимки, бу тил бирликлари (лексемалар)нинг гапда фақат тушум келишиги қўшимчаси билан қатнашиши, ушбу келишикли сўз формасини тузиши типик ҳисобланади. Бу – мантикий. Чунки ҳар бир ўтимли феъл тўғри объект валентлиги реализаторининг, асосан, тушум келишигида келишини талаб қиласиди². Бу бевосита семантик талабдан келиб чиқади. Тушум келишикли сўзда ифодаланган предмет феълдан англашилган ҳолат билан бевосита боғланади. Демак, ҳолат феъллари объект валентлиги реализаторида тушум келишиги қўшимчаси сўз маъноларини бириктирувчи вазифа бажаради. Шу қўшимча асосида феъл ва от (баъзан ҳаракат номи, олмош) зарурый семантик – синтактик муносабатга киришади. Нутқ бирлиги – феъл бошқарувли объектли бирикма ҳосил бўлади. Айни вақтда бундай бошқарув кучли бошқарувлиги билан ажралиб туради. Чунки кучли бошқариш қобилияти, асосан, ўтимли феълларга тегишли бўлади³.

Демак, қопламоқ, тамомламоқ, яккаламоқ, ёлгизламоқ, сақламоқ, асрамоқ, ўқталамоқ, паналамоқ, ўрганмоқ, кўз – кўзламоқ, чимирмоқ, ёшламоқ, чулгамоқ, ўртамоқ, қўриқламоқ, пойламоқ, қизғанмоқ ва қўмсамоқ ўтимли ҳолат феъллари кучли бошқарувга эга феъллар бўлишига кўра улар гап конструкцияларида бошқарилувчи (тобе) компонент – тушум келишигида шаклланган сўз билан қайд этилади. Чунки, айтилганидек, айни келишиқдаги сўз ифодаланган предмет феълдан англашилган ҳолат билан бевосита, заруран боғланади, муайян ҳолатга ўтади, ҳолатлашибади.

Юқорида юритилган фикрларни умумлаштириб, айтиш мумкинки, агенс таъсиридан юзага келган ҳолатдаги объектни реаллаштирувчи нутқ бирликлари муайян предметни ифодалашига, воситасиз тўлдирувчи бўлишига кўра ўзаро ўхшаш. Аммо улар ҳолатни қандай предметди марказлаштиришига кўра фарқлидир.

¹ Қаранг: Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка, 199-бет; Ўзбек тили грамматикаси, П. 65-бет.

² Қаранг: Фуломов А.Ф., Аскарова М.А. Ҳозирги ўзбек адабий тили, 25-бет. Ҳожиев А. Феъл, 4-бет. Ўзбек тили грамматикаси, 1. 365-бет

³ Розенталь Д.У. Теленкова М.А. Словарь справочник лингвистических терминов, 500-бет; Яна қаранг: Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении, 288-бет; Русская грамматика, П, 26-бет

Ўзбек тилидаги «ҳаракат натижаси», «ижро», “малака”, «образли», «физиологик» ва «психик» интеграл семали ўтимли ҳолат феъллари объект валентлигига (актантига) эгадир.

Қопламоқ, тамомламоқ, яккаламоқ, ёлғизламоқ «ҳаракат натижаси», *сақламоқ, асрамоқ, ўқталмоқ, паналамоқ* «ижро», кўз кўзламоқ «образли», *чимирмоқ, ёшламоқ* «физиологик», *чулғамоқ, ўртамоқ* «психик» интеграл семали ҳолат феълларининг объект актанти ушбу феълларда ифодаланган ҳолатдаги предмет бўлиб, объект ҳолати агенс таъсирида юзага келади.

Қўриқламоқ, пойламоқ «ижро», *ўрганмоқ* “малака” ва *қизғанмоқ, қўмсамоқ* «психик» интеграл семали ҳолат феълларининг объекти эса агенс ҳолатининг предмети (манбаи) бўлиши билан ажралиб туради.

Айтилганларни қуидагича ҳам кўрсатиш мумкин:

$$\begin{array}{ccc} A \longrightarrow O & & O \longrightarrow A \\ & A \rightleftharpoons O & \end{array}$$

Кузатилишича, биринчи типда ($A \rightarrow O$) объект актанти ҳолатни ўзида моддийлаштиради (объект ҳолати). Иккинчи типда ($O \rightarrow A$) эса объект актанти ҳолатни ўзгада “яратувчи” ҳисобланади (агенс ҳолати). Бунда актант “грамматик (семантик – Р.Р.) жиҳатдан объект бўлса – да, таъсир эътибори билан объектлик хусусияти бўшашади”¹. Қиёсланг: *патирни сақламоқ, йўлимни пойламоқ*.

Қуида қайд этилган ўзбек тилидаги ўтимли ҳолат феълларининг объект² актантларини алоҳида кўриб чиқамиз.

Қопламоқ, яккаламоқ, ёлғизламоқ «ҳаракат натижаси», *сақламоқ, пойламоқ* «ижро» ва *чулғамоқ, ўртамоқ, қизғанмоқ, қўмсамоқ* «психик» интеграл семали ҳолат феълларининг объекти вазифасида шахс келади. Феъл бошқарувли бирикма аъзолари “шахс” классемасига кўра ўзаро бригади. Масалан: *Жамоа ишчилари извогарни яккаладилар* (“Тош.оқшоми”). У болани *сақлади* (Ўз.халқ.эртак.). *Шоирни чулгайди ўйлар дафъатан* (А.Орипов). *Остингда юз алвон ўйнайди отинг, Душманни ўртайди шаъни шавкатинг* (Алпомиш). *Искандар уни қаттиқ қизғанди* (Ойбек). *Мен йўлингизга жовдираиман, сизни қўмсайман* (М.Исмоилий).

¹ Ўзбек тили грамматикаси, П. 67-бет.

² Объект (пациенс) термини ҳам агенс термини каби шахс ва кенг маънодаги предметларга нисбатан ишлатилади.

Пойламоқ “интеграл” семали ҳолат феълининг объектини реаллаштирувчи ўртоқ сўзи эгалик кўшимчасини олиши билан характерланади. Бу ҳолда ушбу сўз шахс ифодасини бериб, унинг (шахснинг) ҳолат субъектига (агенсига) тегишлигини билдиради. Бунда объект (шахс) агенс ҳолатини юзага келтирувчигина эмас, балки бевосита агенсга тегишлигига кўра ҳам ўзига хос хусусиятга эгадир. Шунга кўра агенс ҳам ҳолат “эгаси”, ҳам объект “эгаси” бўлади. Масалан: *Хилват бир жойга яшириниб, ўртоғини бозор йўлида пойлади* (М.Исмоилий).

Қопламоқ «ҳаракат натижаси» интеграл семали ҳолат феълининг объекти қиз (гўзал қиз) кўчма маънода қўлланган офтоб лексемасида ҳам ифодаланади. Сўз бирикмасида реаллашган объект (шахс) ажратилиб, таъкидлаб кўрсатилади. Бунда объектнинг реализатори поэтик парафраза бўлишига кўра ажралиб туради: *У офтобни (гўзал қизни – Р.Р.) булутлар қоплаган* (Ойбек).

Шуниси характерлики, кўпинча поэтик нутқда сақламоқ феълининг объекти (шахс)ни реаллаштирувчи сўз синтактик қайд этилмайди. У потенциал имкониятга айланади. Бу ҳолда объектнинг мавжудлиги, қайси шахслиги гапнинг мазмунидан, ҳолат феъли маъносидан аниқ сезилиб туради. Демак, унинг (объект актантининг) мавжудлиги фикран бўлиб, у синтактик жиҳатдан фақат тушум келишигидаги олмошда қайд этилиши билан ҳам характерланади. *Йигирма йил сақладим дилда* (Э.Воҳидов). “Ёмон кўздан сақласин омон”- деб қўяди қайтишида яна (Г.Нуруллаева). *Уч балодан сақласин, чархи балокаши бўлмасин* (Э.Воҳидов).

Ўзбек тилидаги қопламоқ «ҳаракат натижаси», *сақламоқ, асрамоқ, паналамоқ* «ижро», *чимирамоқ, ёшламоқ* «физиологик» ва *ўртамоқ* «психик» интеграл семали ҳолат феълларининг объекти вазифасида киши аъзолари келади. Объектли бирикманинг таркиб топиши “аъзо” классемасига кўра юз беради. Масалан: *Кўксини қоплаган қордай оқ соқол* (Тошпўлат Ҳамид). *Ука, ҳар қалай ўзингни тут, асабингни сақла* (Мирмуҳсин). *Мен кўзимни паналадим* (*Альманаҳ*).. *Муаттар қошини чимиреди* (А.Қаҳҳор). *Отаси кўзини ёшлиди. Қалбини ўртади аллақандай сас* (А.Орипов).

Асрамоқ «ижро» интеграл семали ҳолат феълининг объекти (аъзо) баъзан от ўрнидаги кўрсатиш олмошида реаллашади. Ушбу олмош ҳам муайян аъзони, ҳам кўрсатиш ифодасини беради. Унинг (олмошнинг) қайси предмет ўрнида қўлланиши контекстдан, уни

ўраган қуршов компонентларидан англашилиб туради. Бунда “...олмошнинг қўлланишига сабаб бўлаётган от иштирок этади”¹: *Кўз қадрига етган одам уни ҳар чоғ хас – чўпдан асрайди* (М.Исмоилий).

Қопламоқ “ҳаракат натижаси” ва қўриқламоқ, пойламоқ, сақламоқ «ижро» интеграл семали ҳолат феълларининг обьекти сатҳда реаллашади. Бирикма конструкциясининг тузилишида “сатҳ” классема вазифасини ўтайди. Масалан: *Чор атрофни тоз тизмалари қоплаган* (Н.Норматов). *Ўтап дружинаси билан йўлларни ...қўриқлади* (Х.Гулом). *Саҳарлаб йўлимни поилар онажон* (О.Хожиева). Қопламоқ ҳолат феълининг обьекти (сатҳ) от+кўмакчи от қолипли анализатор шаклда ҳам келади. Бунда препозитив сўз (аниқловчи) сатҳнинг нимага оидлигига, тааллуклигига ишора қиласи: *Бу тўзон ҳовли юзларини ҳам қоплади* (А.Мухтор). *Дарё устини туман қоплади* (Н.Фозилов). Қопламоқ ҳолат феълининг обьекти (сатҳ) тенглашиш муносабатидаги сўз формаларида кузатилади. Бу сўз формалари мураккаб бирикмадан иборат умумий компоненти билан келади. Умумий компонент² обьектга (аниқланмишга) нисбатан аниқловчи саналиб, бирикмали компонентнинг ички ҳоким (обьектга нисбатан тебе) компонентини – обьект валентлигининг реализаторига нисбатан синтактик конструкцияни ҳосил қиласи.

Объектни реаллаштирувчи сўз формаларининг мураккаб бирикмали аниқловчиси қаратқич келишигида бўлишига кўра у (реализатор) эгалик қўшимчасини олади. Аниқроғи, қаратқичли сўз формаси қаралмишнинг (объектнинг) шундай тузилишини талаб қиласи: *ҳовузнинг ич-и-ни, ҳовузнинг бўйлар-и-ни*.

Шуниси характерлики, аниқловчи – умумий компонент обьект маъносига эга уюшган сўз формаларининг ҳар бири билан семантик – синтактик боғланиб, бир бутунликни ҳосил қиласи. Бунда умумий компонент дастлабки сўз формасига нисбатан контакт препозицияда келиб, у билан зич боғланади, биргаликда талаффуз қилинади. Бу ҳолда умумий компонент билан сўз формаси орасида пауза сезилмас даражада бўлади. Бу, бизнингча, умумий компонентнинг қаратқич келишигида обьект билан контакт позицияда келишидан ҳосил бўлади. Айни вақтда умумий

¹ Ўзбек тили грамматикаси. 1.338-бет.

² Қаранг: Алисова Т.Б. Очерки синтаксиса современного итальянского языка. МГУ, 1971. 100-бет. Корди Е.Е., Бердыева Т. Морфологический каузатив в таджикском языке. Типология каузативных конструкций. Морфологический каузатив, 209-бет.

компонент кейинги, дистант позициядаги нутқ бирлигига ҳам тегишли бўлади. Аммо бу тегишлилик нутқ фаолиятида эмас, балки онгимизда амалга ошади. Унинг (умумий компонентнинг) бу объектга ҳам тааллуклиги семантик белги асосида аниқланади.

Умумий компонент сўз формасида қайд этилган объектларни аниқлаштириб қолмасдан, гапдаги фикрга тўлиқлик ва аниқлик киритади, таъсирчанликни оширади, гап мазмунининг тингловчига тўла етиб боришини таъминлайди. Қиёсланг: *Унинг (харобанинг – Р.Р) ўнг томонидаги каттакон ҳовузнинг ичини ва бўйларини қуриб қолган супурги, сассиқкана қоплаган* (А.Қахҳор).

Ҳаракат натижаси бўлган қопламоқ ҳолат феълининг объекти позициясида мавжудот ва ҳаво қатлами, тамомламоқ ҳолат феълининг объекти позициясида ҳаракат келади. Объектли бирикма қисмлари учун классема вазифасини “мавжудот”, “ҳаво қатлами”, ва “ҳаракат” семалари ўтайди. Масалан: ...*тонг ёришиб келаётиди, борлиқни ҳарир туман пардаси қоплаган* (А.Қахҳор). *Бирдан осмонни булут қоплади* (Ў.Хошимов). *Иккинчи сугоришини тамомладик* (Тошкент оқшоми).

Сақламоқ ва *паналамоқ* “ижро” интеграл семали ҳолат феълларининг объекти ўсимлик бўлади. У баъзан таъкидлаш, ажратиб кўрсатиш маъносига эга ҳар элементи билан ҳам келади. Объектли бирикма “ўсимлик” классемасига кўра тузилади. Масалан: *Дам ганимат мўл ҳосилдан тўлсин* план: *Ҳар толасин кўз қораси каби сақла* (Т.Йўлдош). *Қаландар дараҳтларни паналади* (О.Ёкубов).

Кўриқламоқ ва *пойламоқ* “ижро” ҳолати феълларининг объекти қурилма бўлади. Объектли бирикма “қурилма” классемасига кўра тузилади: *Ўтап тун бўйи дружинаси билан саройларни ... қўриқлади* (Ҳ.Ғулом). ...*ташқарида отхонани пойлади* (Ўз.халқ эртак). Кўриқламоқ феълининг объектини (қурилмани) ифодаловчи сўз қўшма гапнинг кейинги компонентида эгалик аффиксли шаклда тегишлилик муносабатини ифода этади. Шуниси муҳимки, объектнинг кимга тегишлигини ифодаловчи қаратқич келишикли нутқ бирлиги қўшма гапнинг биринчи компонентида қўлланиб, объектнинг реализатори билан атрибутив муносабатга киришади. У биринчи содда гапда эганинг аниқловчиси бўлса, кейинги гапда тўлдирувчининг (объект валентлигининг) аниқловчиси бўлиб кузатилади, яъни бу сўз формаси қўшма гап таркибида объектга нисбатан дистант

позицияда келиб, умумий аниқловчи бўлади. Масалан, *Юзбошининг мол дунёси бениҳоят кўп, кечалари уйини ўн икки мерган қўриқлар эди* (А.Қаҳҳор).

Кўриқламоқ ва сақламоқ “ижро” ҳолати феълларининг обьекти бойлик бўлади. Феълли бирикма “бойлик” классемасига кўра тузилади. Масалан: *Мулкимзни қўриқлаймиз* (Ҳ.Ғулом). *Сақлангиз бу меросни сизлар ҳам* (Б.Бойқобилов). Сақламоқ ҳолат феълининг обьекти вазифасида ҳайвон, емиш ва уруғ, пойламоқ ҳолат феълининг обьекти вазифасида полиз меваси келади. Феълли бирикма “ҳайвон”, “емиш”, “урӯғ” ва “полиз меваси” каби классемаларга кўра тузилади. Масалан: *Бой ҳам патирни сақлайди ҳануз* (Г.Нуруллаева). *Ўз меванг данагин сақла* (Ғ.Ғулом). *Колхознинг қовунини ким пойлайди* (С.Абдулла).

Ўқталмоқ “ижро” ҳолати феълининг обьекти қурол бўлади. Феъл бошқарувли бирикма “қурол” классемасига кўра тузилади: *Улар милтиқларини оломонга ўқталди* (М.Исмоилий).

Ўрганмоқ “малака” интеграл семали ҳолат феълининг обьекти позициясида муаммо (проблема) маъноли сўз келади. Объектли бирикма аъзолари “муаммо” классемасига кўра ўзаро боғланади: ...*сизнинг туфайлинигизда кўп масалаларни ўргандим* (Ойбек).

“Образли” интеграл семали кўз-кўзламоқ ҳолат феълининг обьекти позициясида гўзаллик маъноли сўз келади. Объектли бирикма аъзолари “гўзаллик” классемасига кўра ўзаро боғланади: ...*атир гуллар очилиб, ранглар нафосатини кўз кўзлайди* (М.Исмоилий).

“Психик” интеграл семали қўмсамоқ ҳолат феълининг обьекти ичимлик бўлади. Бирикма конструкцияси “ичимлик” классемасига кўра тузилади: *Хотини олдига овқат қўйганда, Сайдгозининг кўнгли ичкилик қўмсади* (С.Анорбоев).

Хулоса қилиб айтганда, 1) ўзбек тилшунослигида, умуман туркологияда ҳолат феъллари ҳақида фикр юритилган илмий асарларнинг бирортасида ҳолат феълларининг ўтимли гуруҳи ҳам мавжудлиги тилга олинмайди. Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари типик характердаги ўтимсизлиги билангина эмас, балки ўтимлилиги билан ҳам ажралиб туради.

Ҳолат феълларининг ўтимли тури маъно жиҳатдан обьект (тўғри обьект) актантини бевосита талаб қилишига кўра жиддий аҳамиятга эгадир. Ушбу ҳолат феълларининг обьект актанти асосида обьект валентлиги ва каузатив муносабат юзага келади; 2)

синтактик бирликларда объект вазифасидаги предмет муайян ҳолатдаги предмет сифатида келади. Унинг ҳолатли бўлиши, ҳолатни ўзида “тўплаши” агенснинг объектга бевосита таъсири натижасида юз беради. Айни вақтда гапда объект қатнашувчиси агенс ҳолатининг қандай предмет таъсирида содир бўлишини ҳам кўрсатади. Бунда ҳолат агенсники бўлади.

Ўтимли ҳолат феълларининг объект актанти ҳам муайян ҳолатдаги предмет, ҳам агенс ҳолатининг предмети, манбаи бўлиш имконига кўра ўзига хос хусусиятга эгадир.

Агенс таъсири натижасида юзага келган ҳолатдаги объектни реаллаштирувчи ва агенс ҳолатини юзага келтирувчи объектни реаллаштирувчи нутқ бирликлари муайян предметни ифодалашига, воситасиз тўлдирувчи бўлишига кўра ўзаро ўхшаш. Аммо улар ҳолатни қандай предметда марказлаштиришига кўра фарқлидир; 3) ўзбек тилидаги ўтимли ҳолат феъллари талаб қилувчи объект турлича предметларни ифода этувчи сўзларда реаллашади. Тўғри объект валентлигини ифодаловчи сўзларнинг гапда тушум келишиги билан қатнашиши типикдир; 4) ўтимли ҳолат феъллари объектни ифода этувчи сўз билан кучли бошқарув муносабатида бўлади; 5) ўзбек тилидаги “ҳаракат натижаси”, “ижро”, “малака”, “образли”, “физиологик” ва “психик” интеграл семали ўтимли ҳолат феъллари тўғри объект валентлигига эгадир; 6) “ҳаракат натижаси”, “ижро”, “образли” “физиологик” ва “психик” интеграл семали ўтимли ҳолат феълларининг объекти ушбу феълларда ифодаланган ҳолатдаги предмет бўлиб, объект ҳолати агенс таъсирида юзага келади. “Ижро”, “малака” ва “психик” интеграл семали ўтимли ҳолат феълларининг объекти агенс ҳолатининг манбаи бўлиши билан ажралиб туради; 7) “ҳаракат натижаси”, “ижро” ва “психик” интеграл семали ҳолат феълларининг объект қатнашувчиси вазифасида шахс, “ҳаракат натижаси”, “ижро”, “физиологик” ва “психик” интеграл семали ҳолат феълларининг объекти сифатида киши аъзолари, “ҳаракат натижаси” ва “ижро” интеграл семали ҳолат феълларининг объекти позициясида мавжудот, ҳаво қатлами ва ҳаракат, “ижро” интеграл семали ҳолат феълларининг объект сифатида ўсимлик, қурилма, бойлик, ҳайвон, емиш, уруғ, полиз меваси ва қурол, “малака” интеграл семали ҳолат феълининг объекти позициясида муаммо, “образли” интеграл семали ҳолат феълининг объекти позициясида

гўзаллик, “психик” интеграл семали ҳолат феълининг объекти позициясида ичимлик кабилар келади.

Ўзбек тилидаги “давомли”, “ҳаракат натижаси”, “ижро”, “ҳаракат”, “образли”, “биологик”, “физиологик” ва “психик” интеграл семали ўтимсиз ҳолат феъллари синтактик конструкцияларда орттирма нисбатли сўз шаклида келишига кўра диққатга сазовордир¹. Чунки қайд этилган лексик – семантик гурухга оид ҳолат феъллари шунга кўра ўтимли бўлади. Уларда морфологик – аффиксал ўтимлилик юзага келади. Маълумки, бунда феъл маъносидаги ҳолатда реаллашувчи алоҳида объект ҳосил бўлади. Кўринадики, ушбу семантик гурух ўтимсиз ҳолат феълларининг орттирма нисбат натижасида ўтимлиликка ўтиши мантиқий равишда ҳолатли объектни юзага келтиради. Демак, муайян ҳолат феълларида ўтимлилик морфологик – синтактик планда содир бўлганда, феъл лексемаларнинг объект актанти фақат ҳолатли предметлиги - агенс таъсирида бўлиши билан ажралиб туради.

Қолдирмок “давомли”, бўшатмоқ “ҳаракат натижаси” интеграл семали ҳолат феълларининг объекти вазифасида буюм келади. Феълли бирикма компонентларининг ўзаро бирикуви “буюм” классемасига кўра юз беради: Бир ёдгорлик қолдирди аждод наслига (Б.Бойқобилов). *Қадаҳни бўшатди* (Ҳ.Ғулом).

Тўхтатмоқ, тинчитмоқ “ҳаракат натижаси”, ўлдирмоқ “биологик”, семиртирмоқ, оздирмоқ, унниқтирмоқ, ухлатмоқ, элитмоқ “физиологик”, сергаклантирмоқ, тинчлантирмоқ, қувонтирмоқ, зериктирмоқ ва асабийлантирмоқ “психик” интеграл семали ҳолат феълларининг объекти шахсда реаллашади. Объектли бирикма “шахс” классемасига кўра тузилади. Масалан: *Домла мени тўхтатди* (А.Қаҳҳор). *Уни фашист отиб ўлдирган* (Ҳ.Назир). *Машина одамни семиртиради* (А.Қаҳҳор). *Бу кишини дарров элитади* (“Тош.оқшоми”). *Бу сўзлар Бобирни сергаклантириди* (П.Қодиров). *Даишт нимаси биландир Шукурни қувонтириди* (Н.Норматов).

Тинчитмоқ “ҳаракат натижаси” интеграл семали ҳолат феълининг объекти эллипсис натижасида метонимик маъно кўчишидан юзага келган отда ҳам қайд этилади. У ўрин

¹ Турли семантик хусусиятларга эга бўлган ва гап конструкцияларида бир нисбатнинг қўшимчаси билан шаклланадиган ҳолат феъллари нисбат кўрсаткичига кўра бир бўлимда эмас, балки семантик хусусиятига кўра турли бўлимларда ўрганилади.

муносабатига кўра ҳаракатерланиб, окказионал шахс билан боғланади: *Акбар ака аранг синфни тинчитди* (Ф.Мусожонов).

Тўлдирмоқ “ҳаракат натижаси”, пиширмоқ, дўртайтирмоқ “образли”, қамаштирмоқ, қақшатмоқ, жунжистмоқ, диккайтирмоқ, қорайтирмоқ физиологик интеграл семали ҳолат феълларининг обьекти шахс ва ҳайвон аъзосидир. Феъл бошқарувли бирикманинг тузилиши “аъзо” классемасига кўра юз беради. Масалан: *Ўпкасини тўлдирди* (Гулистан). *Аёл қўкрагини дўртайтирди* (Альманах). *Қимматбаҳо мебеллар кўзни қамаштиради* (А.Қаҳхор). *Салқин шамол бадани жунжистади* (Х.Ғулом). *От қулоқларини диккайтирди* (М.Осим).

Ўчиримоқ “ҳаракат натижаси”, пасайтирмоқ “ҳаракатнинг ҳолати” феълларининг обьект актанти товуш бўлади. Объектли бирикма “товуш” классемасига кўра тузилади. *Анвар мотоциклни қаттиқ вариллатиб, овозини ўчириди* (Н.Ёқубов). *Иқбол хола овозини пасайтирди* (Ў.Ҳошимов).

Музлатмоқ ҳаракат натижаси бўлган ҳолат феълининг обьекти вазифасида модда келади. Объектли бирикма “сатҳ” ва “модда” классемасига кўра тузилади: *Изгирин музлатар дарёлар четин* (Т.Ҳамид). *Дадам тутунни дарров ўчириди* (А.Қаҳхор).

Салқинлатмоқ “ижро”, тетиклантирмоқ, чўчитмоқ “психик” интеграл семали ҳолат феълларининг обьекти вазифасида ҳайвон келади. Объектли бирикма компонентлари “ҳайвон” классемасига кўра ўзаро боғланади: *Унда фил болаларини салқинлатар эди* (Х.Назир). *Афандининг мулоийм гаплари итларни тетиклантирди* (Латифалар). *Соя тошдек қотган калтакесакларни, қоққан қозиқдек тикка юронларни чўчитди* (А.Мухтор).

Оғирлаштирмоқ, сусайтирмоқ “ҳаракатнинг ҳолати” феълларининг обьект позициясида ҳаракат маъноли сўз келади. Феълли бирикма аъзолари учун классема вазифасини “ҳаракат” семаси ўтайди: *Ерда тунов куни ёқсан ёмғирнинг таъсири бор, жангчиларнинг юришини оғирлаштиради* (Шухрат). *Бу товуш беморнинг ҳаракатини сусайтирди* (Н.Норматов).

Кучайтирмоқ “ҳаракатнинг ҳолати” феълининг обьект актанти позициясида қўрқув ва яқинлик маъноли сўзлар келади. Объектли бирикма компонентлари “қўрқув” ва “яқинлик” классемасига кўра ўзаро боғланади: Қачонлардир эшитган афсона-ю ривоятларни эслаш ваҳимани кучайтиради (Фан ва турмуш). *Аксинча, у дўстликни кучайтиради* (М.Исмоилий).

Қовжиратмоқ ва сўлдирмоқ “биологик” интеграл семали ҳолат феъллариниг обьекти вазифасида ўсимлик келади. Бирикма конструкцияси “ўсимлик” классемасига кўра тузилади: *Тез кунда қуёш эндиғина кўкара бошлаган гиёхларни қовжиратди.* (О.Мухторов). *Қизил гулни ҳазон қилиб сўлдирар* (Ф.Йўлдош).

Хуллас, 1) ўзбек тилидаги “давомли”, “ҳаракат натижаси”, “ижро”, “ҳаракат”, “образли”, “физиологик” ва “психик” интеграл семали ўтимсиз ҳолат феъллари синтактик конструкцияларда орттирма нисбатли сўз шаклида келишига кўра ўтимли бўлади. Бу турда феъл маъносидаги ҳолатда реаллашувчи алоҳида обьект юзага келади. У агенс таъсирида бўлиб, ҳолатли предмет (обьект) сифатида кузатилади; 2) орттирма нисбатдаги “давомли” ва “ҳаракат натижаси” интеграл семали ҳолат феълларининг обьекти вазифасида буюм; “ҳаракат натижаси”, “биологик”, “физиологик” ва “психик” интеграл семали ҳолат феълларининг обьекти функциясида шахс ва хайвон аъзоси; “ҳаракат натижаси” ва “ҳаракат” интеграл семали ҳолат феълларининг обьекти вазифасида сатҳ, модда; “ижро” ва “психик” интеграл семали ҳолат феълларининг обьекти ўрнида ҳаракат, қўркув ва яқинлик; “биологик” интеграл семали ҳолат феълларининг обьекти позициясида ўсимлик кабилар келади.

Ўзбек тилидаги ҳаракат натижаси, ижро, ҳаракатнинг ҳолати ўтимли ҳолат феъллари гап конструкцияларида мажхул нисбатда ҳам қатнашади. Бу ҳолда феъл обьект актантининг реализатори синтактик шаклланишига кўра алоҳида аҳамиятга эга бўлади. У гапда бош келишикда кузатилади. Аникрофи, тушум келишиги қўшимчаси “эллипсисга” учрайди. Шунингдек, тўғри обьектни ифода этувчи сўз тўлдирувчи вазифасидан ҳам қутилади. У формал-синтактик тузилишига мос эга вазифасига ўтади. Демак, тўғри обьект актантининг реализатори синтактик жиҳатдан эга бўлишига кўра семантик – синтактик номувофиқлик юз беради. Бу типда ҳолат феъллари фақат кесим вазифасини ўтайди.

Мажхул нисбатдаги “ҳаракат натижаси” интеграл семали бўшатилмоқ ҳолат феълининг обьект актанти шахс, қопланмоқ ҳолат феълининг обьекти қурилма, ўчирилмоқ ҳолат феълининг обьекти аланга бўлади. Предикатив қўшилма компонентлари “шахс”, “қурилма”, “аланг” классемаларига кўра ўзаро бирикади. Масалан: *У мураббийликдан бўшатилди* (А.Қаҳҳор). *Хона тамаки*

ва наша тутуни билан қолланган (Х.Ғулом). Кечга бориб ёнгин ўчирилди (Ғ.Жаҳонгиров).

*Сақланмоқ “ижро” интеграл семали ҳолат феълининг объекти буюм бўлади. Предикатив бирикма аъзоларининг ўзаро бирикуви учун “буюм” семаси классема вазифасини ўтайди. Масалан: *Бу нодир совғалар ҳозирги кунда Ўзбекистон кино санъати музейида сақланмоқда* (Тошкент ҳақиқати). *Бу хазинада инсон ҳуснининг дурдоналари сақланади* (М.Исмоилий).*

Кучайтирилмоқ ҳаракатнинг ҳолати феълининг объекти позициясида “ҳаракат” маъноли сўз келади. Гап конструкцияси “ҳаракат” классемасига кўра тузилади: *Бўлимда шу кеча – кундуз гўзани сувории ҳам кучайтирилган* (“Тош.ҳақиқати”).

Ортирма нисбатдаги ҳаракат натижаси бўлган ўчирмоқ ҳолат феъли биргалик нисбати шаклида келганда, унинг объект актанти (аланга) синтактик реаллашмаган олмошнинг мазмун томонини ташкил қиласиди: *Одамлар алангага кўрпа, гилам, шолча ёпиб, зўрга ўчиришишибди* (А.Қаххор).

Шундай қилиб, 1) ўзбек тилидаги “ҳаракат натижаси”, “ижро” ва “ҳаракатнинг ҳолати” интеграл семали ўтимли ҳолат феъллари синтактик конструкцияларда мажхул нисбатда ҳам кузатилади. Бу ҳолда феъл обьектини реаллаштирувчи сўз нутқий шаклланишига кўра алоҳида аҳамиятга эга бўлади. У гапда бош келишикда келиб, эга вазифасини ўтайди; 2) мажхул нисбатдаги “ҳаракат натижаси” интеграл семали ҳолат феълларининг объекти шахс, қурилма ва алланга бўлади. “Ижро” интеграл семали ҳолат феълининг объекти ҳаракат бўлади; 3) ҳаракат натижаси бўлган ўчирмоқ ҳолат феъли биргалик нисбатида келганда, унинг объекти вазифасида алланга қатнашади.

X

X

X

Ўзбек тилидаги ўтимли ҳолат феълларининг объект актанти асосида каузатив муносабат ҳам юзага келади. Объектга кўра ифодаланувчи каузатив муносабат ўзига хос хусусияти, туркологияда ҳолат феъллари доирасида текшириш объекти бўлмаганлиги билан алоҳида аҳамиятлидир.

Каузация сабаб – натижа муносабатини ифодалashi маълум. Бизнингча, бу каузацияни кенг маънода тушунишдан келиб чиқади. Аслида каузация термини “сабаб”, “сабабли” деган маънонигина

англатади¹. Унинг семантик структурасида натижа маъноси йўқ. Аммо каузация (сабаб) мантикий алоқасига кўра натижа (ёки оқибат) билан тўғридан-тўғри, бевосита боғланади. Чунки сабаб ва натижа диалектик бирлиқда, боғлиқликда кузатилади. Сабаб дейилганда, сезги аъзолари билан муайян объект сифатида қабул қилинувчи натижанинг асоси, манбаи – унинг юзага келишида восита бўлган предмет, воқеа-ҳодиса тушунилади. Шу жиҳатдан у (сабаб) натижа билан бевосита, мантиқан, зарурон боғланиб, сабаб – натижа жараёнини ўз ичига олади. Демак, бу 1) каузациянинг маълум бир ҳодиса билан бевосита боғланишини, яъни ушбу сўз муайян воқеа-ҳодисананг юзага келиш манбайнини, сабабини ифодаласа, 2) қайд этилган ҳодиса натижа сифатида сабасиз содир бўлмаслигини, сабаб ва натижа ўзаро қонуний боғлиқлигини, натижа сабабнинг мантикий давоми бўлиб келишини англатади.

Каузация ва ўтимлилик предметлар орасидаги муносабатдан, таъсир қилувчи билан таъсирланувчи предметларнинг мавжудлигидан, уларнинг ўзаро алоқасидан ҳосил бўлади. Каузатив муносабатда объект (пациенс) агенс (субъект) таъсирида ҳолатни ўзига олади², ҳолатлашади. Муайян ҳолатдаги объект натижа сифатида қузатилади. Каузация субъект, объект ва ҳолат компонентларига эга бўлади. Улар орасидаги мантикий алоқа объектнинг ҳолатга эга бўлишида субъект таъсири – каузация воситасининг (субъективнинг) фаоллиги (экстравангвистик факторларнинг, фактитивликнинг мавжудлиги) кабилар каузатив муносабат учун зарурӣ, доимийдир.

Каузация ҳам , ўтимлилик ҳам ўзбек тилидаги ҳолат феъллари семантик тузилиши учун типик эмас. Бу, юқорида айтилганидек, ҳолат феълларининг асосан ўтимсизлигидан келиб чиқади.

Каузатив муносабатнинг тилдаги (нутқдаги) ифодаси унинг лисоний бирликларда реаллашиши бўлиб, у (каузатив муносабат) нутқда бир неча усуlda ифодаланади.

¹ Қаранг: Типология каузативных конструкций. Морфологический каузатив. Л., 1969; Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов, 193-бет; Кондаков Н.И. Логический словарь, 211-бет.

² Қаранг: Корди Е.Е. Семантическая и синтаксическая структура предложения со знаменательными каузативными глаголами и оборотами в современном французском языке. Структура и объем предложения и словосочетания в индоевропейских языках, 54-55-бет.

Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари каузативлик муносабатининг асосан қўйидаги кўринишларига эга: 1. Семантик каузатив. 2. Морфологик каузатив¹.

Семантик каузатив. Семантик каузатив маъноли ҳолат феълларининг характерли хусусияти шундаки, булар нутқдан ташқарида (тилда), қуршовсиз олинганда ҳам, нутқда, қуршовли ҳолда ҳам, маъносида каузатив муносабат ифода этади. Каузатив маъноли ҳолат феъллари тил бирлиги сифатида олинганда, улардаги каузатив муносабатни билдирувчи элементлар онгимизда мавжуд бўлиб, улар потенциал имконият тарзида сақланади. Каузатив маъноли ҳолат феъллари нутқда нутқ бирлиги сифатида кузатилганда, улар каузатив муносабатни бевосита ташкил қилувчиларнинг мавжудлиги, алоҳида лисоний ифодага эга эканлиги билан характерланади.

Каузатив ҳолат феъллари маъносидаги ҳолат мантиқан, бевосита муайян объект – пациент билан боғланади. Бунда феълдаги ҳолатни ўзида ташувчи пациент бўлиб, у ҳолат феъли маъносининг доимий моддий компоненти билан боғлиқдир.

Каузатив феъл, одатда, ўтимли бўлади². Аммо ўтимли феъл ҳамма вақт ҳам каузатив маънога эга бўлавермайди³. Каузатив маъноли бўлмаган ўтимли ҳолат феълларида ўтимлилик объект билан боғланиб, ҳолатнинг объектга муносабати билан тугалланса (масалан, қўриқламоқ, пойламоқ), каузатив маъноли ҳолат феълларида (асрамоқ, сақламоқ) пациентнинг субъект – агент таъсирида муайян ҳолатга ўтиши, ҳолатли бўлиши натижа сифатида воқелашибади. Чунки уни (объектни) шу ҳолатга ўтказган субъектнинг роли, актив фаолияти сабаб сифатида изоҳланади ва бу жараёнда каузацияловчининг таъсири асосийлиги билан характерланади. Каузативликда ўтимлиликдан фарқли ҳолатни қабул қилиб, уни ўзида ташувчи пациентгина бўлмай, балки унда муайян ҳолатнинг юзага келишида пациентга фаол таъсир қилувчи, уни таъсирлантирувчи субъект (агент), унинг фаолияти катта аҳамият касб этади. Бундай ҳолларда каузатор фақат фаол таъсир

¹ Бизнинг текшириш обьектимиз, асосан, тил бирлиги – лексема характеридаги ҳолат феъллари бўлганлиги, уларни алоҳида, ўзича олганлигимиз сабабли ишда нутқий – синтактик реаллашадиган, компонентларининг микдори биттадан ортиқ бўлган аналитик каузативга тўхталмадик.

² Қаранг: Алисова Т.Б. Очерки синтаксиса современного итальянского языка. –М.; МГУ, 1971. 100-бет. Корди Е.Е., Бердыева Т. Морфологический каузатив в таджикском языке. Типология каузативных конструкций. Морфологический каузатив, 209-бет

² Қаранг: Корди Е.Е., Бердыева Т. Морфологический каузатив в таджикском языке, 209-бет.

қилувчи бўлиб қолмасдан, пациентда, унга хос белги – хусусиятларда ҳолат ўзгаришининг юзага келишига ундейди, имконият яратади¹.

Пациенснинг каузатор таъсирида ҳолатга ўтишида субъектнинг фаоллиги биринчи даражали ҳисобланади. Пациенс эса ҳолатни ўзига қабул қилувчи, таъсиранувчи пассив элементга айланади. Аммо у таъсиранувчи сифатидагина пассив. Каузатив акт юз бергандан, пациент ҳолатлашгандан, натижা акти аниқ юзага келгандан сўнг каузация объекти пассивлик доирасидан чиқиб, нисбий мустақилликка, фаолликка ўтади. Бундай ҳолларда каузация объектининг фаол бўлиши, мустақиллиги каузатив муносабатни, натижা актини ўзида тўпловчи ва бевосита ифодаловчи ягона предмет эканлиги билан изоҳланади.

Каузатив феълли синтактик конструкцияда мантиқий субъект таъсир қилувчи бўлса, мантиқий объект ҳам таъсиранувчи – ҳолатга эга бўлувчи, ҳам натижা актини ифодаловчи натижা субъекти бўлиб кузатилади. Бунда каузация агенси таъсирининг объекти каузатив муносабатни билдирувчи субъектга (предметга) айланади². Шунга кўра каузация объекти каузатив конструкцияда натижা актини ифодалашда фаол қуч, икки томонлама хусусиятга эга предмет, натижা акти, каузация субъекти таъсирининг тугалланган нуқтаси ва шу таъсирининг натижаси сифатида юзага келган ҳолатнинг информатори бўлиб кузатилади.

Каузатив конструкцияда субъектнинг объектда натижা актини юзага келтириши унинг истаги, майли, хоҳиши – фактитивлик (рухий фактор сифатида) асосида ёки экстралингвистик факторлар таъсирида содир бўлади. Объектнинг субъект таъсирида ҳолатли бўлиши натижা бўлса, субъектнинг фаоллиги (фактитивлик), объектга таъсири ва экстралингвистик факторлар таъсири кабилар сабабдир.

Семантик каузативли ҳолат феъллари каузатив муносабат нуқтаи назаридан гапда натижা актини ифодаловчи нутқ бирлиги

¹ Қаранг: Алисова Т.Б. Очерки синтаксиса современного итальянского языка, 38-бет. Яна қаранг: Сильницкий Г.Г. Семантические типы ситуации и семантические классы глаголов. Проблемы структурной лингвистики. М., 1973, 381-бет. Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка, 193-196-бет. Нигматов Х.Г., Цалкаламанидзе А.А. Семантико –синтаксические группы глаголов и значение залоговых аффиксов в узбекском языке, 51-52-бет.

² Қаранг: Золотова Г.А. Очерк функционального синтаксиса русского языка. М., 1973, 287-бет; Яна қаранг: Корди Е.Е. Семантическая и синтаксическая структура предложения со знаменательными каузативными глаголами и оборотами в современном французском языке, 50-55-бет. Долинина И.Б. Маркировка субъектно – объектных отношений и валентностных категорий английского глагола. Категория субъекта и объекта в языках различных типов, 74-75-бет.

сифатида қатнашади. Улар сабаб ва натижа ўзаро диалектик боғлиқлигини кўрсатади. Семантик каузативда натижа кўрсаткичи билан импликация воситаси каузатив маъноли ҳолат феълларида жамланади. Ҳолат феълларида семантик каузативда каузатив муносабат бир маъно структураси доирасида бўлади. Демак, натижа акти гапдаги семантик каузативда - ҳолат феълида ифодаланади. Натижанинг юзага келиш сабаби, каузация воситаси кўпинча синтактик қайд этилган, баъзи ҳолларда қайд этилмаган¹ бўлади. Каузация усули алоҳида ифодаланмайди, аммо у объектив мавжуд бўлади. Уни ўзида ташувчи предметнинг қандай хусусиятга эгалиги, нималиги нисбатан мавхум бўлиб, уни контекстдан умумий тарзда, нисбий аниқлаш мумкин². Бундай ҳолларда каузация воситаси натижани юзага келтирувчи каузатор сифатида доимо аниқ бўлади.

Гап тузилишида диққат, семантик таъкид натижа актига қаратилади³. Чунки куазатив феълли гапда ифодаланаётган фикрнинг асосий қисмини, моҳиятини, каузатив муносабатни англатувчи, уни ташувчи сифатида гап структурасининг энг зарурий компоненти – натижа акти ҳисобланади⁴. Шунинг учун ҳам натижа элементи каузатив ҳолат феълли синтактик бирликларда ҳамма вақт қўлланади.

Семантик каузативли ҳолат феъллари қатнашган гапларда ҳолатга эга объект – унинг номинатив рамзи синтактик реаллашган бўлади. Бу объект айтилганидек, каузатив маъноли ҳолат феъллари маъносидаги зарурий семантик компонент ҳисобланади. Шу сабабли каузатив ҳолат феълли синтактик конструкцияда объектнинг баъзан синтактик реаллашмаслиги факат формал-грамматик жиҳатдан бўлади, семантик жиҳатдан эса у доимо мутлақ характерга эгадир.

Семантик каузатив ўзбек тилидаги «ҳаракат натижаси», «ижро», «ҳаракат», «образли», «физиологик» ва «психик» интеграл семали ҳолат феълларида кузатилади. Каузатив маъноли ҳолат феъллари гапда кесим вазифасида келади. Асосан, от ва

¹ Каузация воситаси (каузацияловчи) нинг каузатив конструкцияларда формал-структурал қайд этилмаслиги ҳақида яна қаранг: Недялков В.П.Сильницкий Г.Г. Типология морфологического и лексического каузативов, Типология каузативных конструкций. Морфологический каузатив, 7-бет.Корди Е.Е. Семантическая и синтаксическая структура предложения со знаменательными каузативными глаголами и оборотами в современном французском языке, 57-бет.Золотова Г.А.Очерк функционального синтаксиса русского языка, 294-бет.

² Яна қаранг: Корди Е.Е. Ўша асар., 57-бет.Золотова Г.А. Ўша асар, 294-бет.

³ Қаранг:Кўчкортаев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги, 129-бет.

⁴ Недялков В.П., Сильницкий Г.Г., Ўша асар, 7-бет.

олмошларда ифодаланган каузация агенси эга, каузация пациенти¹ воситасиз тўлдирувчи ўрнини эгаллайди. Каузатив ҳолат феълли конструкцияларда каузация агенси реализаторининг бош бўлак, каузация пациенти реализаторининг иккинчи даражали бўлак вазифасида келиши типикдир². Гап конструкцияларида каузация агенси ва пациенти синтактик реаллашган, баъзан синтактик реаллашмаган бўлади.

«Ҳаракат натижаси» интеграл семали ҳолат феълларидан қопламоқ, яккаламоқ, ёлгизламоқ ва тамомламоқ семантик каузативга эга. Ушбу ҳолат феъллари от, сифат+ла қолипидаги ясама феъллар сифатида воқелашибади. Шунга кўра уларнинг семантик структурасида ўтимлилик, каузативлик ҳосил бўлади. Қопламоқ каузатив ҳолат феълининг каузация агенси вазифасида модда, каузация пациенти вазифасида ҳаво қатлами ва планета келади. Масалан: *Бирдан осмонни булут қоплади* (Ў.Хошимов). *Офтоб юзини қорамтири турутун қоплаган* (У.Назаров). *Тамомламоқ каузатив ҳолат феълининг каузация агенси шахс, каузация пациенти ҳаракат бўлади*. Масалан: *Чол тўр ямашини тамомлади* (Ўз.халқ.эртак). Иккинчи сугоришини тамомладик (Тошкент оқшоми). Яккаламоқ, ёлгизламоқ каузатив ҳолат феълларининг каузация агенси ҳам, пациенти ҳам шахс бўлади. Масалан: *Жамоа ишичилари извогарни яккаладилар* (Тошкент оқшоми). Демак, гапда каузация агенси ва пациенти сифатида иштирок этган мантикий субъектлар синтактик эга ва тўлдирувчи бўлаклар маъносининг моддий компоненти ҳисобланади.

Каузатив маъноли ҳолат феъллари «ижро ҳолати» семантик гурухида кўпроқдир. Семантик каузатив маънога эга феълларнинг бу ҳолат феълларида нисбатан кўплиги феъл семемаларининг «ижро» ва “ҳолат” семаларига эгалигидан келиб чиқади. Бундай ҳолат «ижро» натижаси, субъект «ижро»сининг ҳолати бўлиб кузатилади.

Семантик каузативли «ижро» ҳолати феъллари қуйидагилар: *сақламоқ, асраламоқ, ўқталамоқ*. Бу каузатив ҳолат феълларининг каузация агенси шахсда, каузация пациенти мактуб, фото, емиш кабиларда реаллашади. Масалан: *Хатларни Дишиод стол*

¹ Каузация агенси ва пациентининг категориал ифодаланиши ҳақида қаранг: Корди Е.Е. Ўша асар, 55-бет. Золотова Г.А. Ўша асар, 292-бет.

² Каузация агенсини ифодаловчи сўзнинг гапда иккинчи даражали бўлак, каузация пациентини англатувчи сўзнинг бош бўлак бўлиб келиши каузатив феълнинг мажхул нисбатли формада реаллашишига кўра юз беради.

галадонида сақлар (У.Назаров). У бир қизни севиб, суратини күкрагида асраган (О.Матжон). Яна қиёсланг: *Лекин бир патирни сақлайды ҳануз* (Г.Нуруллаева).

Каузатив ҳолат феълли гап конструкциясида баъзан каузатор (агенс валентлиги) ҳам, пациент (объект валентлиги) ҳам синтактик реаллашмайди. Бу ҳолда каузация агенси ва пациентнинг харakterи, нималиги каузатив феъл (предикат)дан, гапнинг умумий мазмунидан аниқланади: *Йигирма йил сақладим дилда* (Э.Воҳидов). Демак, синтактик реаллашмаган каузация агенси ҳам, объекти ҳам онгимизда шахс сифатида гавдаланади.

Ўқталмоқ каузатив феъли бошқа «ижро» ҳолати феълларидан валентлик хусусиятига қўра фарқланади. У тилда ҳам, ўзича, нутқда ҳам, қуршовда, объект билан бирга зарурий характердаги адресатга ҳам эга бўлади. Синтактик бирликларда каузатив феълнинг каузация агенси вазифасида шахс, каузация пациенти вазифасида қурол келади: *Ўттиз чөвлиқ солдат милтиқларини оломонга ўқталди* (М.Исмоилий).

Семантик каузативли «ижро» ҳолати феълларида баъзан каузация агенси синтактик берилмайди. Аникроғи, ҳолат феъли мажхул нисбатда келади, ўтимли феълдан ясалади: *сақланмоқ*. Бу ҳолда, маълумки, дикқат – эътибор, таъкид асосан объект билан ҳолатга қаратилади. Чунки, айтилганидек, мақсад объект ва ҳолат орасида “мутаносиблик” мавжудлигини билдиришдан иборат бўлади. Шунинг учун ҳам мажхул нисбатли синтактик конструкцияларда объект ва ҳолат орасидаги диалектик муносабатни бевосита англатувчи лисоний воситаларгина қатнашади. Шу сабабли асосий дикқат агенс – субъектга (бажарувчига) эмас, балки бажарилиш доирасидан жараён сифатида чиққан, амалга ошган натижа хартеридаги ҳолатга қаратилади. Бу натижа акти каузатив феъл маъносини эгаллайди, унда реаллашади. Демак, бундай ҳолларда мақсад объекти каузация субъекти эмас, балки натижа ҳолат бўлади. Каузация субъекти – агенси эса ушбу агенс синтактик ифодаланган туридан фарқли ҳолда кучсиз даражада бўлади. Шундай бўлса ҳам, у мантиқан мавҳум сезилиб туради¹. Бунда натижа объектини ифода этувчи от мажхул нисбатдаги каузатив феълнинг объект валентлигини қайд этади.

Каузатив маъноли ҳолат феълининг каузация агенси синтактик кузатилмаган турида феъл объект актанти – каузация

¹ Каранг: Ҳожиев А. Феъл, 100-бет.

пациенси функциясида буюм ва модда келади. Масалан: *Бу нодир совгалар ҳозирги кунда Ўзбекистон кино санъати музейида сақланмоқда* (Тошкент ҳақиқати). *Тахмин тўғри чиқди – бунда заҳар сақланаркан* (Мирмуҳсин). Бундай каузатив ҳолат феълли гап конструкцияларида ҳолатнинг каузатори (агенс реализатори) тикланса, у воситали тўлдирувчи вазифасини ўташи маълум.

Семантик каузативли ҳолат феъллари «ҳаракатнинг ҳолати» семантик гуруҳида саноқлидир. Шу характерлики, бу типда нутқ факти сифатида ҳолат феъли функциясида ҳаракат маъноли чўзмоқ сўзи қўлланади. Ҳаракат феълининг ҳолат маъносига келиши вақтинча, яъни нутқ фаолияти билан боғлиқ окказионал ҳодиса. Ҳаракат феълининг нутқда ҳолат феъли вазифасига келиши шу феъл бевосита алоқада бўлган, уни ўраган синтактик қуршовга боғлиқ.

Чўзмоқ ўтимли (объектли) феъл бўлиб, ундаги ҳаракат препозициядаги сўзда реаллашган объектга тўла ўтади. Ҳаракат ўтган объектни ифодаловчи сўз ҳаракат, «ижро» ифодасига эга бўлиб, чўзмоқ сўзида шу «ҳаракатнинг ҳолати» қайд этилади: *Шунинг учун ҳам терговни атайлаб чўзди* (Ҳ.Ғулом). Чўзмоқ феълининг ҳолат ифодалавши унинг тергов сўзи билан боғланишидан, объективли биримларни тузишидан, нутқ бирликларининг ўзаро семантик ва формал – синтактик алоқасидан келиб чиқадиган нутқ ҳодисасидир. Каузатив маъноли чўзмоқ феъли каузатор – агенс таъсирида объектда кузатилган натижа актини билдиради. Натижа каузатив муносабатнинг зарурий давоми сифатида юзага келади. Каузация агенси гапда синтактик реаллашмаган бўлса ҳам, у мантиқан шахс маъноли сўз билан боғланади.

«Ҳаракатнинг ҳолати» феълларида ҳам каузация агенси нутқий қайд этилмаганди, каузатив феъл мажхул нисбат кўрсаткичи билан реаллашади. Каузация пациенти сифатида фикр ифодалаш бирлиги келади: *Гап анча чўзилади* (О.Мухторов).

«Образли» интеграл семали ҳолат феълларидаги каузатив маъноли феъл ясама бўлиб, у муайян формант ёрдамида отдан ҳосил бўлади. От ясама феъл учун мотивловчи вазифани бажаради. Мотивловчи сўз маъносига ҳолат маъносининг, феълга хос хусусиятнинг, каузативликнинг юзага келиши бевосита мотивловчи билан мотивланувчи орасидаги семантик алоқадан ҳосил бўлади. Бунда мотивланувчи ҳолат маъносинигина

ифодаламасдан, ўтимлиликни, каузативликни ҳам билдиради. Бу феъл биргина жуфт феълдир: *кўз – кўзламоқ*.

Каузатив ҳолат феълининг каузация агенси позициясида ўсимлик, каузация пациентси позициясида гўзаллик келади: ...*богларда атир гуллар очилиб, ранглар нафосатини кўз-кўзлайди* (М.Исмоилий).

Семантик каузатив чимирмоқ ва ёшламоқ каби «физиологик» интеграл семали ҳолат феълларида ҳам кузатилади. Бу ҳолат феълларининг каузация агенси шахс, каузация обьекти киши аъзоси бўлади.

Чимирмоқ ва ёшламоқ ҳолат феълли каузатив конструкцияларнинг характерли хусусияти шундаки, каузатив муносабат каузация агенсининг ўзида юз беради. Каузация агенси ҳам, пациентси ҳам шахснинг ўзи бўлади. Аникроғи, каузация агенсининг таъсири унинг ўзига ўтади. Агенс таъсиридаги обьект, ҳолатли обьект агенснинг – шахснинг кўз, қош каби аъзолари бўлади. Демак, агенс – шахс ҳам таъсир қилувчи, ҳам таъсирланувчи, ҳам актив фаолият эгаси, ҳам пассив қабул қилувчи, «физиологик» ҳолат ўзгаришини ўзида акс эттирувчи бўлиб реаллашади.

Чимирмоқ феълида ҳолат жараёни препозициядаги киши аъзосининг ҳаракати натижасида юзага келади. Бундай ҳолларда «физиологик» ҳолат агенснинг – шахснинг муайян ташқи ҳодисага нисбатан салбий муносабати бўлади. Чимирмоқ лексемаси препозициядаги қош лексемаси билан обьектли муносабатга киришади. Каузатив конструкцияда киши аъзоси ҳаракатининг ҳолати бўлиб кузатилувчи натижа акти ифодаланади: *Муаттар қошини чимирди* (О.Мухторов).

Ёшламоқ каузатив феъли отга –ла формантининг қўшилишидан ясалади. Шунга қўра унинг семемасида “ҳолат” семаси ҳосил бўлади. Каузатив феъл семемаси препозициядаги кўз сўзи семемаси билан муайян семантик синтагмани тузиб, у (феъл) киши аъзосининг ҳолатини англатади: *Мен кўзимни ёшладим* (Балогардон).

«Психик» интеграл семали ҳолат феълларидаги семантик каузативли феъллар *ўртамоқ* ва *чулгамоқ*. Синтактик конструкцияларда каузатив ҳолат феълларининг каузация агенси позициясида овоз, довруғ ва руҳий ҳолат маъноли сўзлар келади, каузация пациентси позициясида инсон аъзоси ва шахс маъноли

сўзлар келади. Масалан: *Қалбимни ўртади аллақандай сас* (А.Орипов). *Остингда юз алвон ўйнайди отинг, Душманни ўртайди шаъни – шавкатинг* (Алпомиш). Унинг ўзини қандайдир ҳадик чулгади (Ҳ.Назир). *Йўловчиларни қандайдир қўрқув чулгади* (А.Иброҳимов).

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб, айтиш мумкинки, ўтимли ҳолат феълларининг (умуман, ўтимли феълларнинг) асосий қисми маъносида каузатив муносабат ифода этилади¹. Аниқроғи, юқорида таҳлил обьекти бўлган тил бирлиги характеридаги семантик ўтимлиликка эга 18 та ҳолат феълидан 13 таси каузатив маънолидир. Қиёсланг: ўтимли – каузатив маъноли ҳолат феъллари: *қопламоқ, тамомламоқ, яккаламоқ, ёлғизламоқ, ўқталмоқ, сақламоқ, асрамоқ, паналамоқ, кўз-кўзламоқ, чимирмоқ, ёшламоқ, ўртамоқ, чулгамоқ*. Ўтимли – нокаузатив маъноли ҳолат феъллари: *қўриқламоқ, пойламоқ, ўрганмоқ, қўймсамоқ, қизғанмоқ*. Демак, манбаларда ҳақли равишда таъкидланганидек, “ўтимли туб феъллар билан каузатив туб феъллар (ҳолат феъллари – Р.Р.) обьект валентлигига эгалигига кўра бир хил, лекин каузатив туб феъллар бир предикацияда икки пропозицияни юзага келтириши билан бошқа ўтимли туб феъллардан фарқ қиласи”². Шунга кўра тилшунос Г.А.Золотованинг қўйидаги фикри аҳамиятлидир, “Морфология ва семантиканда ишланаётган каузация тушунчаси синтактик ҳодисалар билан муносабатига кўра катта тушунтириб бериш кучини ўзида яширади”³.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, бизнингча, ўтимли – каузатив маъноли феълларда каузатив муносабат реаллашиш даражасига – максимал ёки минималлигига (актив ёки пассивлигига) кўра ўзаро фарқланиши лозим. Айтмоқчимизки юқорида келтирилган 13 та ҳолат феълида каузатив муносабат ифода этилиш даражасига кўра бинар характерга эга. Аниқроғи, *қопламоқ, тамомламоқ, яккаламоқ, ёлғизламоқ, паналамоқ, ўқталмоқ, чимирмоқ, ёшламоқ* феълларида каузатив муносабат фаолроқ, кучлироқ. *Сақламоқ, асрамоқ, кўз-кўзламоқ, ўртамоқ, чулгамоқ* каби каузатив феълларда эса каузатив муносабат аввалгиларига қиёсан пассивроқ, “ёпиқроқ” ҳолда ифодаланади.

¹ Золотова Г.А. ҳам шу фикрда. Қаранг: Золотова Г.А. Очерк функционального синтаксиса русского языка, 288-бет. А.М.Мухин монографиясида ўтимли феълларни одатда каузатив феъллар деб аталишини алоҳида таъкидлайди. Қаранг: Мухин А.М. Синтаксемный анализ и проблема уровней языка. Л., 1980, 126-бет.

² Миртоҗиев М. Нисбат категорияси формантлари ва улар семантикаси генезиси. Ўтимлилик ва орттирма нисбат категорияси.// Ўзбек тили ва адабиёти. № 4, 1982, 6-бет.

³ : Золотова Г.А. Ўша асар, 278-бет.

Айни вақтда семантик каузативли ҳолат феълларида (умуман, семантик каузативли феълларда) каузатив муносабат реаллашишига кўра қай даражада бўлмасин, у ҳамма вақт морфологик каузативга нисбатан – унда каузатив муносабатининг реаллашиш даражасига нисбатан кучсизроқ, пассивроқ бўлади.

Морфологик каузативда – каузатив нисбат таъсирида юзага келувчи сабаб – натижа маъноси семантик каузативга нисбатан аниқ, яққол англашилади. Морфологик каузативда каузатив муносабатнинг активлиги бевосита каузатив орттирма нисбат таъсиридан юзага келадики, бу ҳақда “Морфологик каузатив” баҳсида фикр юритдик.

Хуллас, семантик каузатив ўзбек тилидаги ҳолат феълларида ўзига хосдир. Каузатив муносабатнинг муайян ҳолат феълларида ифодаланиши каузация агенсининг мавжудлиги, алоҳида товуш томонига эгалиги билан аҳамиятлидир. Ҳолат феълларининг агенс ва объект актантлари каузатив муносабат нуқтаи назаридан гапда марказий ўринни эгаллайди. Каузация каузатив маъноли ҳолат феълининг объект актанти (пациенси) билан белгиланади.

Морфологик каузатив. Морфологик каузатив феъл категориясида, унинг семантик майдонини ҳосил қилувчи барча лексик – семантик гурухларида кузатилади. Ҳолат феълларида каузатив муносабатнинг морфологик ифодаланиши ўзига хос характерга эга. Каузатив муносабатнинг аффиксал юзага келишида феълнинг орттирма нисбат формантлари асосий саналади. Улар каузатив формант сифатида алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Чунки ҳолат феълларига орттирма нисбат – каузатив нисбат¹ формантининг қўшилиши мантикий, зарурӣ равишда феъл маъносида ҳам ўзгариш бўлишига – ўтимлилик, каузативликнинг юзага келишига олиб келади.

Ҳолат феълларида каузатив маънони ҳосил қилувчи орттирма нисбат формантлари асосан ўтимсиз ҳолат феълларига қўшилиши билан характерланади. Орттирма нисбат аффиксининг ўтимсиз ҳолат феълларига қўшилиши, феъл маъносида сабаб – натижа муносабатини, “каузация” семасини юзага келтиради. Феъл орттирма нисбат формасининг ясалиши билан каузация воситаси (агенси) ҳосил бўлади. Ўтимсиз ҳолат феълларига орттирма нисбат формантининг бирикишидан юзага келган каузативда каузатор –

¹ Каузатив нисбат термини О.С.Ахманованики. Каранг: Ахманова О.С.Словарь лингвистических терминов, 194-бет.

агенснинг объектга бўлган бевосита таъсири ифодаланади¹. Демак, пациентса кузатилган ўзгаришларнинг (масалан, ҳолатнинг) асосий, бирламчи манбаи бўлиб, каузатор таъсири, ҳаракати ҳисобланади. Бу каузация типига кўра фактитив каузация² - актив каузация³ саналади.

Каузаторнинг бевосита таъсири натижасида объектда феълдаги ҳолатнинг амалга ошиши контакт каузативdir⁴. Демак, контакт каузативда пациентса ҳолат ўзгариши субъектнинг ҳаракатни бажаришига боғлиқdir, яъни биринчи мазмун акти иккинчи мазмун актини амалга оширади⁵.

Кузатишлар натижасига кўра орттирма нисбатли ҳолат феъли маъносида натижанинг пайдо бўлиши, унинг ифодаланиши ушбу нисбат форманти воситасида реаллашган каузация агенснинг яратилувчи ролида кўринади. Айтилганидек, агенс пациентнинг ҳолатли бўлишида ундаги ҳолатнинг юзага келтирувчиси ҳисобланади, пациент бевосита агенс таъсирида бўлади. Объектнинг агенс таъсирида бўлиши ҳаракат – активлик тушунчasi билан боғланади. Ҳолат феълларига орттирма нисбат формантининг қўшилиши натижасида улар тилшунос X.Неъматов таъкидлаганидек, “активлик маъноси”⁶га эга бўлади, актив жараён юзага келади. Ҳолат феълининг активлик маъносига эга бўлиши, орттирма нисбатда қайд этилиши нуткий фактлиги билан ажralиб туради.

Демак, ҳолат феълларининг тил бирлиги бўлиб, муайян орттирма нисбат аффиксли нутқ бирлигига ўтиши – фонетик тузилишининг ўзгариши бевосита семантик ўзгаришга, ҳолат маъносининг нутқда активлик маъносига кўчишига ҳам олиб келади. Активлик маъноси етакчи бўлади. Аммо ҳолат феълининг ҳолат маъноси узуал бўлиб, у бутунлай йўқ бўлмайди, сақланади, потенциал имкониятга айланади. Бу жараён тил ва нутқ орасидаги

¹ Қаранг: Корди Е.Е., Бердыева Т. Морфологический каузатив в таджикском языке, 218-бет. Яна қаранг: Апресян Ю.Д.Лексическая семантика, 72-бет. Фуломов. Феъл, 63-бет

² Недялков В.П., Сильницкий Г.Г.Типология морфологического и лексического каузативов, 28-бет. Кормушин И.В. О пассивном значении каузативных глаголов. Turcoloqica. К семидесятилетию акад. А.Н.Кононова. Л., 1976, 90-бет.

³ Қаранг: Корди Е.Е. Семантическая и синтаксическая структура предложения со знаменательными каузативными глаголами и оборотами в современном французском языке, 51-52-бет.

⁴ Дистант каузатив семантик ва морфологик каузатив маъноли ҳолат феълларида етакчи эмас. Семантик ва морфологик каузативли ҳолат феъллари нутқда кўпинча контакт каузатив маъноли феъллар бўлиб реаллашади. Чунки улар шундай реаллашишга хос потенциал имкониятга эгадир.

⁵ Миртожиев М. Нисбат категорияси формантлари ва улар семантикаси генезиси, 8-бет.

⁶ Неъматов Х.Г., Цалкаламанидзе А.А. Семантико - синтаксические группы глаголов и значение залоговых аффиксов в узбекском языке, 51-бет

диалектик муносабатнинг аниқ ифодаси, морфологик – семантик кўриниши сифатида ҳам алоҳида дикқатга сазовордир.

Ҳолат феълларининг орттирма нисбат формаси ҳолатнинг бажарувчиси шу сўз формасида реаллашган агенснинг ўзи бўлишини аниқ ифодалайди. Бунда аниқ нисбат формаси “... билдирган ҳаракатнинг (ҳолатнинг ҳам Р.Р.) ким бажариши назарда тутилмайди”¹. Орттирма нисбатда агент актанти аниқлиги, семантик характердалиги билан муҳимдир. Шунга кўра ҳам морфологик каузативли ҳолат феълларида каузатив муносабат яққол ифода этилади. Сабаб-натижа муносабатига киришган предметлар онгда тўлиқ гавдаланади.

Морфологик каузативли синтактик конструкцияда семантик таъкид асосан натижа ҳолатга қаратилган бўлади. Шунинг учун каузация билан пациент ҳолати бир мураккаб амал сифатида тасаввур қилинади ва конструкцияда биргаликда ифодаланади².

Маълум бўлдики, ўзбек тилидаги ҳолат феълларининг ўтимсизлиги нисбий бўлиб, уларга орттирма нисбат формантининг қўшилиши, ҳолат феъли маъносида ўтимлиликни юзага келтириб қолмасдан, балки каузатив муносабатни ҳам ҳосил қиласди. Айтилганидек, каузация субъекти, манбаи реаллашади. Ўтимсиз феъллардан ҳосил бўлган каузатив феъллар факат фактитив маънога эга бўлади³.

Ўзбек тилидаги морфологик каузативли ҳолат феълларида ифодаланган ҳолат қўпинча шахс, баъзан предмет томонидан амалга ошади. Бу тип каузатив ҳолат феълли гапларда ҳам каузация агенси ва пациентнинг ифодаловчиси асосан от ва олмош бўлади. У эга ва воситасиз тўлдирувчи вазифасини ўтайди. Каузация агенси ва пациенти гапда синтактик реаллашган, баъзан синтактик реаллашмаган бўлади.

Ҳар бир феъл муайян валентликка эга бўлиб, бирор сўзни бошқаради. Албатта, каузатив феълнинг асоси нокаузатив – ўтимсиз феъллар ҳам валентлик хусусиятига эга. Ўтимсиз ҳолат феъллари ҳам одатда бир неча валентликка эга бўла олиши билан характерланади. Масалан, *олаймоқ ҳомушланмоқ, турмоқ, қолмоқ*.

Ўтимсиз ҳолат феълларига орттирма нисбат формантининг қўшилиши феълда факат каузативликни (ўтимлиликни) гина ҳосил

¹ Ҳожиев А.Феъл, 97-бет.

² Кўйчортоев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги, 129-бет.

³ Гецадзе И.О., Недялков В.П. Морфологический каузатив в абхазском языке, Типология каузативных конструкций. Морфологический каузатив, 72-бет.

қилмасдан, балки тўғридан – тўғри унинг валентлигига ҳам таъсир қиласди. Каузатив ҳолат феълларидағи валентлик миқдор жиҳатдан битта ортади. Ҳолат феълининг яна бир валентлиги ҳосил бўлади. Демак, каузативлик (ўтимлилик) феъл валентлигини қўпайтиради¹. Бундай ҳолларда грамматик жиҳатдан феъл синтактик актантлари ортади, семантик жиҳатдан феъл маъноси яна ҳам конкретлашади. Агар семантик каузативда шундай хусусиятга эга феъл табиатан, моҳиятига кўра, факат каузатив муносабат нуқтаи назаридан икки валентликка эга бўлса (агенс валентлиги ва объект валентлиги), морфологик каузативли ҳолат феъллари орттирма нисбат форманти қўшилишидан, унинг ҳисобига яна бир валентликка эга бўлади ва бу жиҳатдан семантик каузативга тенглашади. Уларнинг объект валентлиги ҳам юзага келади.

Морфологик каузатив ўзбек тилидаги «давомли», «ҳаракат натижаси», «ижро», “ҳаракат”, «биологик», «физиологик» ва «психик» интеграл семали ҳолат феълларида кузатилади.

Морфологик каузативли ҳолат феъллари моносиллабик ва полисиллабик ҳолат феълларига орттирма нисбат формантининг қўшилишидан юзага келади. Бунда моносиллабик ҳолат феълларига қуйидаги орттирма нисбат қўшимчалари қўшилади: ундош билан тугаган феъл негизига –дир, -киз, -ир: *тиндирмоқ, ётқизмоқ, қотирмоқ*. Полисиллабик ҳолат феълларига эса қуйидаги орттирма нисбат аффикслари қўшилади: 1) унли билан тугаган феъл негизига -т: *музлатмоқ, қовжиратмоқ, ухлатмоқ, эсанкиратмоқ, чўчитмоқ*; 2) ундош билан тугаган феъл негизига тир: *кучайтирмоқ, таажжублантирмоқ, пасайтирмоқ, саргайтирмоқ*². Морфологик каузативли ҳолат феъллари гапда кесим вазифасини бажаради.

Морфологик каузативли ҳолат феъллари «давомли» интеграл семали ҳолат феъллари семантик гурухида кам учрайди: *ётқизмоқ, қолдирмоқ*. Ушбу ҳолат феълларида каузатив муносабатнинг каузация агенси шахс, пациентси шахс ва буюм бўлади. Масалан: *У*

¹ Гецадзе И.О., Недялков В.П. Морфологический каузатив в абхазском языке, 73-бет. Яна қаранг: Розенцвейг В.Г. Семантическая валентность слова, словообразование, синтаксис. Слово в грамматике и словаре. М., 1984, 101-бет.

² Қаранг: Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка, 193-196-бет; Фуломов А.Ф. Феъл, 63-бет; Иванов С.Н. О соотношении грамматического и лексического в узбекских залогах. Ученые записки ЛГУ. 294, сер. Востоковедческих наук. Вып. 12. Л., 1961, 7-бет; Щербак А.М. Очерк по сравнительной морфологии тюркских языков (глагол). Л., 1981, 115-121-бет. Ҳожиев А. Феъл, 96-бет; Буранов Дж. Типологические категории и сравнительное изучение языков. АДД, М., 1979, 41-бет.

қизчасини касалхонага ётқизди (Тошкент ҳақиқати). Бир ёдгорлик қолдирди ажодод наслига (Б.Бойқобилов).

«Харакат натижаси» бўлган ҳолат феълларининг семантик гурухида морфологик каузативли ҳолат феълларнинг: 1) каузация агенси (воситаси) синтактик реаллашган ва 2) каузация агенси (воситаси) синтактик реаллашмаган кўринишлари учрайди.

Каузация агенси реаллашмаган типида каузатор кўпинча синтактик қайд этилган, баъзан қайд этилмаган бўлади. Бу ҳолда унинг мавжудлиги ким ёки нима эканлиги натижа ҳолатидан, каузатив маъноли феълдан англашилиб туради. Умуман, каузация агенси қайд этилган типида натижа актининг юзага келиш сабаби, каузацияловчи аниқлиги билан ажралиб туради. Пациенс ҳолати каузация агенси таъсирининг тугалланган нуқтаси ҳисобланади. Каузатив муносабатда сабаб ва натижанинг жойлашиш тартибида, аввал сабабнинг, сўнг натижанинг келиши объектив факт, қонуниятдир.

Морфологик каузативли «харакат натижаси» интеграл семали ҳолат феълларининг каузация агенси синтактик реаллашган типида *ўчирмоқ*, *тинчитмоқ*, *илитмоқ* каби каузатив ҳолат феълларининг каузация агенси вазифасида шахс, баъзан планета, пациентси вазифасида эса шахс ва модда келади. Масалан: *Дадам тутунни дарров ўчирди* (А.Қаҳҳор). *Хон ўрнидан туриб, одамларни тинчитди* (С.Юнусов). *Қуёш тупроқни илитди* (Ҳ.Ғулом).

Морфологик каузативли «харакат натижаси» бўлган ҳолат феълларининг каузация агенси синтактик реаллашмаган типи биринчисидан фарқ қиласи. Бунда ҳам биринчи типга ўхшаш натижа ҳолат мавжуд. У алоҳида ифода томонига эга. Аммо натижа ҳолатни ифода этувчи сўз мажхул нисбатда қўлланиши билан ажралиб туради. Бундай ҳолларда асосий диққат – эътибор ҳолатни ким бажарганлигига қаратилмаслиги ва бажарувчини кўрсатувчи сўзнинг қўлланмаслигидан қатъий назар, айтилганидек, ҳолатнинг бажарувчиси фикран англашилиб туради. Демак, мажхул нисбат шаклида ҳолатни юзага келтирган синтактик реаллашмаган шахс каузатив маъноли «харакат натижаси» бўлган ҳолат феълида каузация агенси ҳисобланади. Диққат пациентса, натижа ҳолатида бўлганлигидан натижани юзага келтирган каузация агенси қайд этилмайди. Бринчи типдан фарқли у алоҳида нутқий ифодага ҳам эга бўлмайди. Демак, каузация агенси синтактик реаллашмаган ушбу типда ҳам каузатив муносабат ифодаланади.

Каузация агенси синтактик реаллашмаган «ҳаракат натижаси» бўлган ҳолат феъллари –ил форманти билан ясалади: *тўлдирилмоқ*, *тугатилмоқ*, *бўшатилмоқ*, *қуритилмоқ*. Улар гапда кесим вазифасида келади, каузация пациенти реализатори эса эга¹ бўлади.

Каузация агенси синтактик реаллашмаган «ҳаракат натижаси» бўлган ҳолат феълларининг каузация пациенти позициясида тобелик ва шахс кабилар келади. Масалан: *Африка мамлакатларида қуллик тугатилади* (Тошкент ҳақиқати). У *мураббийликдан бўшатилди* (А.Қаҳҳор).

Ушбу синтактик конструкцияларда «ҳаракат натижаси» бўлган ҳолат феъллари ўтимли (каузативли) формада, яъни орттирма нисбатда мажхул нисбат формантисиз берилиши мумкин. Масалан, охирги ҳолат феълли синтактик конструкцияда феъл маъносидаги ҳолат каузатив феълда ифодаланади. У (ҳолат) гапга формал – синтактик киритиш мумкин бўлган обьект актантига боғланади. Объектнинг реализатори вазифасига бундай ҳолларда эга (у) ўтиб, тушум келишиги аффикси билан шаклланиб, феълдаги ҳолатни “олади” ва натижани билдиради. Эга (у) ўрнига мантиқан мавжуд, аммо товуш ифодасига эга бўлмаган агенс – унинг реализатори келтирилади, гапга киритилади. Бу синтактик эга бўлиб, каузатив муносабатнинг агенсини – сабаб воситасини ифода этади. Бунда каузатив муносабат орттирма нисбат формантидаги ҳолат феълида ифодаланади. Демак, бу ҳолда каузатор синтактик реаллашиши билан характерланади. Қиёсланг:

У мураббийликдан бўшатилди.

У мураббийликдан уни бўшатди.

Бу каузатив феълли гап конструкцияларида биргаликда, қиёсан олганда иккита эга, иккита тўлдирувчи, кесим қатнашади. Бундай статистик-синтактик мувофиқлик асосида жиддий семантик фарқ мавжуд. Шуни айтиш керакки, қиёсланаётган нутқ бирликларида семантик ва грамматик ўхашашлик чиқиш келишиги формантли (формал бир хил) сўз – воситали тўлдирувчиларда ҳамда нисбат фарқига эга ҳолат феъллари – кесимларда кўринади. Демак, буларда ҳам семантиқ, ҳам грамматик умумийлик бор. Шунингдек, грамматик бир хиллик каузатив конструкциялардаги бош бўлакларда (эгаларда) ҳам яққол кўриниб турибди. Аммо каузатив муносабат нуқтаи назаридан биринчи каузатив

¹ Қаранг: Ҳожиев А. Феъл, 100-бет; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили, 183-бет.

конструкциядаги эга – учинчи шахс семантик жиҳатдан каузация пациентси, каузацияланувчи, гапдаги фикр моҳиятини ўзида тўпловчи, объект бўлса, иккинчи каузатив конструкциядаги эга – учинчи шахс эса семантик жиҳатдан субъект – агенс ҳисобланади. Бу ўринда синтактик категория билан семантик категория тенг келади, ўзаро мувофиқликни ҳосил қиласди. Каузатив муносабат нуқтаи назаридан эса семантик – синтактик оператор каузация агенси (каузацияловчи) саналади. Каузация агенсининг таъсири (ҳаракати) эса гапда синтактик қайд этилган пациентсга (семантик обьект, синтактик тўлдирувчига) ўтади, у ҳолатлашади. Маълум бўлдики, кейинги каузатив конструкция аввалгисидан каузация агенсининг мавжудлиги – унинг алоҳида лисоний ифодага эгалиги билан, шунингдек, каузация пациентси ҳам синтактик берилганлиги билан фарқланади.

«Ҳаракат натижаси» бўлган ҳолат феълларига ортирма нисбат формантидан сўнг баъзан биргалик нисбати аффикси ҳам кўшилади: ўчиришимоқ. Бунда ҳам «ҳаракат натижаси» бўлган ҳолат феъли каузатив маъноли феъл сифатида ўз агенси ва пациентсига эга бўлади. Каузатив феъл биргалик нисбатида реаллашишига кўра каузация агенсининг бирдан ортиклиги англашилади. Бунда гапдаги каузатив феъл агенсининг реализатори кўплик шаклида келиб, шахс, пациентс реализатори ёнгин маъносини беради: *Одамлар алангага кўрпа, шолча ётиб, (алангани –Р.Р.) зўрга ўчиришибди* (А.Қаҳҳор).

Морфологик каузативли феъллар «ижро» интеграл семали ҳолат феълларида саноқли: *салқинлатмоқ*. Каузатив феълли гапда каузация агенси ҳам, пациентси ҳам шахс бўлиб келади: *Чол ўз болаларини салқинлатибди* (Ўзб.халқ.эртак.).

«Ҳаракатнинг ҳолати» феълларидаги каузатив феъл *сусайтиromoқ*. Ушбу каузатив феълнинг характерли хусусияти каузация агенсини англатувчи сўзнинг “ҳаракат” семасига ҳам эгалигидир. У овоз ҳаракати изоҳида келади. Феълда қайд этилган ҳолат пациентс реализаторидаги қимирлаш ҳаракатининг ҳолат белгиси бўлиб воқелашибди: *Бу товуш беморнинг ҳаракатини сусайтиради* (Н.Норматов).

«Биологик» интеграл семали ҳолат феълларидаги морфологик каузатив маъноли феъллари қуйидагилар: *ўлдирмоқ, сўлдирмоқ*. Айни феълларда каузатив муносабатнинг ифодаланишида каузация агенси шахс, каузация пациентси шахс ва ўсимлик бўлади: *Уни*

фашист отиб олиб ўлдирган (Х.Назир). *Мўмин Мирзо, укам, сени ўлдиридилар* (А.Орипов). *Қизил гулни хазон қилиб сўлдирар* (Ф.Йўлдош).

Каузатив маъноли «биологик» ҳолат феълларида баъзан каузация агенсининг реализатори вазифасидаги сифатдош отлашади, унинг маъно доираси кенгаяди, у шахсни англатади. Пациенс ҳам шахс бўлади: *Мени ўлдиридилар Шоҳимардонда юртимнинг қонини текин сўрганлар* (А.Орипов).

«Физиологик» интеграл семали ҳолат феълларида морфологик каузативли феъллар нисбатан кўп учрайди. Уларда реаллашган ҳолат каузация агенсининг таъсиридан организмда юзага келган ҳолат ўзгариши – натижа ҳолат сифатида кузатилади. Организмдаги ўзгариш ташқи ва ички жисмоний ўзгаришларни, «физиологик» жараёнларни ўз ичига олади.

«Физиологик» ҳолат феълларида каузатив муносабатнинг ифодаланиши ўзига хосдир. Бундай каузатив феълларни каузатив муносабат ифодалашига, натижа ҳолатнинг қандай каузация агенси таъсирида юзага келишига, яъни каузацияловчининг моҳиятига кўра иккига ажратиш мумкин: 1) «физиологик» ҳолатнинг каузация агенсининг (шахснинг) – ундаги фактитивлик ёки муайян аъзонинг ҳаракати натижасида юзага келиши; 2) «физиологик» ҳолатнинг каузация агенсида – шахс организмида (экстравингвистик) факторлар таъсирида юзага келиши.

«Физиологик» ҳолатнинг каузация агенсининг, шахснинг – ундаги фактитивлик ёки муайян аъзонинг ҳаракати натижасида содир бўлишида ҳолат шахс аъзосининг ҳолати билан боғланади. Шахснинг ўзи эса организмнинг бирор қисмида ҳолатни (натижа сифатида) юзага келтирувчи, агенс ҳисобланади. Бунда сабаб-натижа акти шахс организмида кузатилади. Шахснинг ўзига ўзи таъсир қилувчига – каузаторга айланишида ундаги майл, истак, хоҳиш каби руҳий факторлар организмда ҳолатнинг воқе бўлишида, шахсни шунга ундашда етакчи роль ўйнайди.

Биринчи типда феълда ифодаланган ҳолат препозициядаги сўзда ифода этилган киши аъзосининг ҳолати бўлиб, унинг ҳаракати натижасида содир бўлади. Бунда объектнинг ўз аъзосига таъсири, уни ҳаракатга келтириши сабаб, киши аъзосининг муайян жисмоний ҳолатга ўтиши натижа ҳисобланади.

Демак, каузатор каузация агенси бўлишидан ташқари, каузация пациенти (объекти) сифатида ҳам кузатилади¹. Бу каузаторнинг каузация пациенти ҳам бўлиш имконига эгалигидан келиб чиқади.

Чақчайтирмоқ, буриштирмоқ, тириштирмоқ каби каузатив ҳолат феълли синтактик конструкцияларда каузация агенси бўлиб шахс, пациенти бўлиб унинг аъзоси кузатилади. Масалан: *Йигит кўзларини чақчайтирди* (Ўзб.халқ эртак.). *Ўзини ойнага солиб, башарасини буриштирди* (С.Аҳмад). *Бола пешанасини тириштирди* (Гулистон).

Чақчайтирмоқ, диккайтирмоқ, ҳурпайтирмоқ каби каузатив ҳолат феъллари ҳайвон билан боғлиқ «физиологик» ҳолатни ҳам ифодалайди. Жисмоний ҳолат ҳайвон аъзосининг ҳаракати натижасида содир бўлади. Каузация агенси вазифасида ҳайвон, пациенти вазифасида унинг муайян аъзоси келади. Масалан: *Бойқушилар кўзларини чақчайтирибди* (Ўзбек халқ эртак.). *Ит қулоқларини диккайтирибди* (Ўзбек халқ эртак.). *Тўсатдан пайдо бўлган бешта одамни кўриб, ҳўроз патларини ҳўрпайтирибди* (С.Юнусов).

«Физиологик» ҳолатнинг каузация агенсида – шахс организмида ташқи факторлар таъсирида юзага келишида каузация пациенти аввалги типдан фарқли алоҳида, мустақил каузация агенси таъсирида бўлади. Шунга кўра унда ҳолат ўзгариши юз беради. Бунда пациент каузация агенсининг “структурал компоненти” эмаслиги, ундан бутунлай бошқалиги билан ажralиб туради. Бу ҳолда *жунжитмоқ, ҳоритмоқ, ухлатмоқ* каби каузатив феълларнинг каузация агенси ҳаво оқими, жисм, шахс, каузация пациенти киши аъзоси, ҳайвон ва шахс сифатида кузатилади. Масалан: *Салқин шамол танин жунжитади* (Ҳ.Ғулом). *Отимни ҳоритар тоғларнинг тоши* (Балогардон). *У болани ухлатибди* (Ўзбек халқ эртак.).

«Психик» интеграл семали ҳолат феъллари семантик гурухида морфологик каузативли феъллар нисбатан кўп: *газаблантирмоқ, дадиллантирмоқ, уялтирмоқ*. Бу каузатив феълли конструкцияларда каузатив муносабатнинг каузация агенси ўрнида дарак, жами ва фикр ифодалаш бирлиги маъноли сўзлар, каузация

¹ Яна қаранг: Долинина И.Б. Структура предложения с рефлексивными конструкциями в английском языке.// Структура и объем предложения и словосочетания в индоевропейских языках, 38-бет. Долинина И.Б. Маркировка субъектно-объектных отношений у валентностных категорий английского глагола, 74-75-бет.

пациенси ўрнида шахс маъноли сўзлар келади. Масалан: *Кутимаган хабар уни қаттиқ ғазаблантириди* (Ойбек). *Бунинг ҳаммаси Шайбонийхонни дадиллантириди* (П.Қодиров). *Бу гаплар жисддий эмас, ҳазил бўлса ҳам, Дишиодни жуда уялтириди* (М.Исмоилий).

Морфологик каузатив маъноли ҳолат феъллари семантик каузатив маъноли ҳолат феъллари каби каузатив муносабатни қай даражада ифодалашига кўра ҳам характерланади. Аниқроғи, морфологик каузативли ҳолат феълларида каузатив муносабат асосан аниқ, тўлиқ ифодаланади. Қиёсланг: ўчирмоқ, музлатмоқ, диккайтимоқ, ётқизмоқ, илитмоқ, ўлдирмоқ, чақчайтимоқ, ухлатмоқ, ғазаблантиримоқ.

Ўзбек тилидаги семантик ва морфологик каузативли ҳолат феъллари каузатив муносабатни жуда кўп ҳолларда яққол англатишига кўра ҳам ажралиб туради. Бизнингча, морфологик каузативли ҳолат феълларида каузатив муносабатнинг аниқ ифодаланиши ушбу феъллардаги каузатив формантнинг таъсиридан, унинг каузатив муносабатни аниқ англатиш имконига эгалигидан ва бу нутқда лексема типидаги ўтимсиз туб ҳолат феъллари томонидан “қўллаб-қувватланишидан”, шунга кўра морфологик каузативли ҳолат феълларида нутқий ҳаракат – фаоллик маъносининг ҳосил бўлишидан, шунингдек, бу каузатив ҳолат феълларида каузация агенсининг конкрет ифодаланиб туришидан унинг семантик актант характеридан юзага келади. Айтилганларга кўра каузатив муносабат морфологик каузативли синтактик бирликларда семантик каузативли синтактик бирликларга нисбатан ортиқ даражада аниқ ифодаланиб туради.

Семантик ўтимли ҳолат феълларидағи каузатив маъно узуалтил “бирлиги”, тил “факти” саналса, морфологик ўтимли ҳолат феълларидағи каузатив маъно нутқий-нутқ “бирлиги”, нутқ “факти” сифатида баҳоланиши лозим.

Ўзбек тилидаги семантик ва морфологик каузатив маъноли ҳолат феъллари кўп ҳолларда контакт каузативликни, баъзан дистант каузативликни қайд этиш билан ҳам ўзига хос хусусиятга эгадир.

Семантик ва морфологик каузатив маъноли ҳолат феъллари тилимизнинг бойлигини, ўзига хос семантик имкониятларга эгалигини, тил ва нутқ орасидаги диалектик муносабатни ифода этади.

V БОБ

ҲОЛАТ ФЕЪЛИ АСОСЛИ ГАПЛАРНИНГ АДРЕСАТ ВАЛЕНТЛИГИ

Адресат¹ валентлигини қайд этувчи сўз ҳолат феъллари маъноларининг доимий бўлмаган қатнашувчисини (актантини) ифодалаб, семантик – грамматик хусусиятларига кўра ажralиб турди. У агенс ҳолати қаратилган объектни (предметни) англатади². Аниқроғи у (адресат) синтактик бирликларда ўзига қаратилган агенс ҳолатини бевосита қабул қилувчи бўлиб келади. Кўринадики, адресат агенс ҳолатининг ўзига қаратилишига нисбатан объект, аммо қабул қилувчи сифатида субъектдир. Демак, адресат агенс ҳолати йўлланган субъект ҳамдир³. Аммо бу субъект ҳолатнинг агенси типидаги субъектдан шу ҳолатнинг бажарувчиси эмас, фақат қабул қилувчи субъектлиги билан фарқланадики, ушбу дифференциация агенс ва адресат терминларида ҳам яққол ифодаланиб турди. Юқорида айтилганлардан адресатнинг агенсга нисбатан иккиламчи, фақат қабул қилувчи актанлиги келиб чиқади. Чунки адресатнинг қабул қилувчи сифатидаги фаоллиги агенс актанти бажарган ҳолатнинг юз беришига, ўзига йўналишига кўра содир бўлади. Шунга кўра адресат бевосита адресант оппозициясини талаб қиласди. Чунки адресат мантиқан адресант билан боғланади. Адресантнинг адресатга нисбатан жўнатувчи эканлиги эса аксиомадир. Демак, адресатнинг бўлиши учун адресант бўлиши ва, аксинча, адресантнинг бўлиши учун адресатнинг бўлиши мантиқан шарт. Улар диалектик бирликда, боғлиқлиқда бўлади. Бинобарин, маъно жиҳатдан адресатга эга бўлган ўқталмоқ, сақламоқ, ишишаймоқ каби ҳолат феълларида агенс ҳолатнинг фақат бажарувчисигина эмас, балки шу ҳолатни адресатга йўналтирувчи – адресант ҳам бўлади.

¹ Адресат термини “қабул қилувчи” маъносини беради. Қаранг: Апресян Ю.Д.Лексическая семантика, 127-бет. Кучкартаев И.К. Валентный анализ глаголов речи в узбекском языке, 91-бет; Люстрова Л.И.Дерягин В.Я.Друзьям русского языка. М., 1982; 93-94-бет.

² Яна қаранг: Кононов А.Н.Грамматика современного узбекского литературного языка, 96-бет. Ғуломов А.Ф., Аскарова М.А. Ҳозирги ўзбек адабий тили, 125-бет. Шоабдурахмонов Ш., Аскарова М.А., Ҳожиев А., Расулов И., Дониёров Ҳ.Ҳозирги ўзбек адабий тили, 236-бет. Ўзбек тили грамматикаси, 1, 238-бет. Турсунов У., Мухторов Ж., Рахматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили, 133-бет. Решетов Л.В. Категория падежа в языках разных систем. Ташкент, 1982, 95-бет.

³ Қаранг: Апресян Ю.Д.Лексическая семантика, 127-бет.

Агенснинг адресант характери кесими ҳолат феълли гап конструкциясидан, ҳолат феълининг адресат семантик валентлигига ҳам эгалигидан, адресатнинг адресантни талаб қилишидан, адресат ва адресантнинг эса оппозициядагидан, уларнинг диалектик муносабатидан келиб чиқади. Аниғи, адресат ва адресант муносабатида ҳам, уларнинг синтактик конструкцияларда намоён бўлишида ҳам ҳолат феълининг асосий, марказий роли, ушбу актантларни ўзида бевосита ифода қилиш¹ имконияти ўлчов бўлади.

Ҳолат феълларининг адресат валентлигини реаллаштирувчи сўзлар шахс маъносини ифодалайди. Шунга кўра адресат ўзига йўналган агенс ҳолатини кўриш орқали қабул қиласди. Бу жараён дистант ҳолда юз беради. Адресат томонидан ҳолатни қабул қилиш вақтида адресатнинг агенс (адресант) ҳолатига бўлган муносабати ҳам кечади. Бу муносабатнинг салбий ёки ижобий бўлиши гапнинг мазмун жиҳатидан, ҳолат феъли маъносидан, адресат ва адресант “ҳамкорлигидан”- коммуникатив жараёндан англашилиб туради. Ҳолат феъллари адресатининг адресант позициясида ҳам шахс кузатилади.

Ҳолат феъллари адресатида йўналишни қабул қилиш жараёни ҳаракат ва нутқ феъллари адресатидагига нисбатан мавхумроқ содир бўлади. Бу ҳолат феълларининг “ҳолат” архисемасига эгалиги, ҳолатнинг эса ҳаракат, нутқ, кўриш, эшитиш кабиларга нисбатан мавхумлиги билан боғлиқдир. Шунингдек, феъл маъносидаги агенс ҳолатининг адресатга қаратилиши, ҳолат маъноли лексемаларда мавхумроқ бўлиши ҳолатнинг ҳаракатга нисбатан пассивлигидан – ундаги “ҳаракат” аниқ қўзга ташланмаслигидан, ташқи яққол ифодага эга эмаслигидан келиб чиқади. Шунга қарамасдан ҳолат феълларида адресат семантик характерда бўлиб, нисбатан мавхумроқ воқелашибади. Аммо ўтимли ҳолат феълларидаги адресат актанти ўтимсиз ҳолат феълларидаги адресат актантига нисбатан реалроқ бўлади. Чунки ўтимли ҳолат феъли муайян объектдаги ҳолатни ифодалайди, яъни у объектни кўрсатувчи семага ҳам эга бўлади. Бу объект эса субъект таомонидан бевосита муайян шахсга (адресатга) йўналади. Қиёсланг: *ўқтамоқ, сақламоқ, тўрсаймоқ...*

¹ Яна қаранг: Коклянова А.А. Глагольные словосочетания в узбекском языке. В.кн.: Исследования по синтаксису тюркских языков. М., 1962, 77-бет; Тикеев Д.С. Структурные типы словосочетания в современном башкирском языке. АКД. –Уфа, 1975, 25-бет.

Юқорида айтилган фикрлар адресат актантининг қабул қилувчи моҳияти, агенс ҳолатининг унга қаратилиши тушунчаси, қиёсланган ҳолат феълларининг адресатини қайд этувчи сўзниңг жўналиш келишиги (датив)да¹, келишикли бошқарувда бўлишини аниқ ифодалаб турди. Ҳақиқатан, ўзбек тилидаги ҳолат феъллари адресати реализаторининг формал-семантик шаклланишида –га форманти типик саналади. Чунки бу қўшимчаниң асосий вазифаси адресат тушунчасини ифодалашдир. Бошқача айтганда, жўналиш келишигидаги бошқарилувчи сўз (от) ҳолат қаратилган предметни ифода этади², яъни жўналиш келишиги адресат реализаторини синтактик шакллантиради, от ва феъл маъноларини боғловчи ифода беради. Шунга кўра феъл бошқарувли сўз бирикмаси тузилади. Жўналиш келишиги агенс ҳолати қаратилган объектни адресат объектга ўтишини, ўзгаришини тўла таъминлайди. Демак, жўналиш келишиги шу келишикдаги отдан англашилган предметниң агенс ҳолати қаратилган субъект характеристидаги объект эканлигини ифодалайди. Адресатниң асосан от+га, баъзан олмош+га қолипидаги нутқ бирликларида қайд этилиши унинг асосий морфологик белгисидир. Адресатни реаллаштирувчи сўз воситали тўлдирувчи бўлади, тўлдирувчили бирикмани ҳосил қиласди.

Ўзбек тилидаги «ижро» ва «физиологик» интеграл семали ҳолат феъллари адресат валентлигига эгалиги билан ажralиб турди.

Ўқталмоқ «ижро», ишишаймоқ, тўрсаймоқ, бўзраймоқ «физиологик» интеграл семали ҳолат феълларининг шахсдан иборат адресати отда ифодаланади. Ҳолат феълли бирикма компонентларининг ўзаро боғланиши учун “шахс” семаси классема вазифасини ўтайди. Масалан: *Баланд зинапоя устида ўттиз чөглиқ солдат милтиқларини оломонга ўқталди* (М.Исмоилий). *Сергей душманга наган ўқталди* (Ҳ.Ғулом). *Умри Умидга совуқ ишишайди* (Ҳ.Назир).

Ўқталмоқ феъли ўтимлилиги сабабли ўзига хос хусусиятга эгадир. Ушбу сўз маъносида ифода топган ҳолат бир вақтнинг ўзида иккита объектга: курол ва шахсга йўналади. Қиёсланг: Улар милтиқларини оломонга ўқталди (М.Исмоилий). *Сергей душманга наган ўқталди* (Ҳ.Ғулом). Демак, агенс ҳолати объектга (куролга) йўналибгина қолмасдан, балки унга ўтган, уни “эгаллаган”,

¹ Яна қаранг: Золотова Г.А. Коммуникативные аспекты русского синтаксиса, 44-бет.

² Русская грамматика, П, 26-бет.

ҳаракатга келтирган. Бунда агенс билан қурол (объект) орасидаги алоқа, боғланиш контакт ҳолда, ажралмас бўлади. Бу ҳолда биринчи объект агенснинг бевосита таъсирида бўлади, унга бутунлай “бўйсунади”. У агенс хоҳлаган ҳолатга ўтади. Агенс ҳолати қаратилган иккинчи объект эса адресат объект бўлиб, у агенс томонидан “....бевосита таъсирга учрамайди, факат адресат ҳисобланади”¹.

Иккинчи объект биринчи объектга нисбатан “эркинлиги”, нисбий мустақиллиги билан характерланади. У адресатлигига кўра биринчи, яъни объект актантидан – ҳолат бевосита ўтган предметдан фарқ қиласди. Шунингдек, адресат актанти факат шахс бўлиши билан ҳам объект актантидан фарқланади.

Бўзраймоқ ҳолат феълининг отда реаллашган адресати (шахс) изоҳловчи билан келади. Бу нутқ бирлиги ҳолат феъли билан контакт позицияда келиб, объектли биримани тузишига – адресат муносабатини англатишига кўра жўналиш келишиги билан шаклланади. Масалан: *Ўқтам уйқудан чўчиб Салим полвонга бўзрайди* (Ҳ.Назир).

Сақланмоқ «ижро» интеграл семали ҳолат феълининг адресати (шахс) баъзан кишилик олмошида ҳам кузатилади. Бунда сақламоқ феълининг адресати жонлантирилган (персонификация) предмет ҳолати қаратилган шахс бўлади. Қиёсланг: *Шеърим ...менга меҳрини сақлаган* (Б.Бойқобилов). Яна мисол: *Улуғ шоир ноёб китобларни шогирдларига сақлади* (Альманах).

Тўрсаймоқ «физиологик» интеграл семали ҳолат феълининг адресати (шахс) сонда ифодаланади. У (сон) “такрорланиб, отлашади ва келишик формасини олиб, кимга (кимларга –Р.Р.) сўроғига жавоб бўлиб, тўлдирувчи вазифасида келади”². Бунда у агенс ҳолати қаратилган бир нечта шахсни англатади. Шуниси характерлики, бу ҳолда юқорида қайд этилган гап конструкцияларидаги адресатдан фарқли адресант ҳам, адресат ҳам агенснинг ўзи бўлади. Бирдан ортиқ агенслар муайян жисмоний жараён ҳолатида бўлади. Бу ҳолат уларнинг бир – бирига қаратилади. Юқорида фикр юритилган типлардан фарқли бу турда адресант ҳам бошқа-бошқа, алоҳида бўлмайди. У жамланган, “бириккан” бўлиши билан ажралиб туради. Бир нечта агенс актанти орасидаги ўзаро муносабат адресат акт сифатида кузатилади.

¹ Решетова Л.В. Категория падежа в языках разных систем, 96-бет.

² Ўзбек тили грамматикаси, 1, 241-бет.

Демак, бу ҳолда адресант характеридаги агенс айни вақтда адресат эканлиги билан коммуникацияда фаол бўлади. Қиёсланг: *Улар анча вақтгача бир-бирларига тўрсайшиди* (“Санъат”).

Адресат актантига кўра ўзаро умумий бўлган: *ўқталмоқ, сақламоқ* «ижро», *ишишаймоқ, бўзраймоқ, тўрсаймоқ* «физиологик» интеграл семали ҳолат феъллари тобе алоқага – бошқарувнинг характеристига кўра ўзаро ажралиб туради. Аникроғи, қайд этилган ҳолат феълларидан ўқталмоқ лексемаси гап конструкцияларида препозитив компоненти билан кучли бошқарув муносабатида бўлади. Яна қиёсланг: *У болага наиза ўқталди* (Ўзбек халқ эртак.).

Сақламоқ, ишишаймоқ, бўзраймоқ ва *тўрсаймоқ* феъллари эса аввалгисидан фарқли бирикма конструкцияларида тобе компоненти билан кучсиз бошқарув муносабатига киришади. Яна қиёсланг: *Юрак меҳримни сенга сақладим* (Саодат). *У сувоқчига қараб бўзрайди* (Ўзбек халқ эртак.).

Демак, адресат валентлиги оид ҳолат феъллари тобе (бошқарув) алоқанинг ҳар икки турига эгалигига кўра локалис валентлигига эга ҳолат феъллари билан ўхшашдир.

Хуллас, 1) адресат феъл маъносида ифодаланган агенс ҳолати йўналган, қаратилган обьект бўлади. У агенс ҳолатини бевосита қабул қилувчи ҳисобланади. Адресатда агенс ҳолатига нисбатан бирор субъектив муносабатнинг кечиши, бу муносабат қай даражада бўлмасин, мантиқий асосга эгадир; 2) адресат агенс ҳолатининг ўзига қаратилишига нисбатан обьект, аммо қабул қилувчи сифатида субъектдир. Адресатнинг қабул қилувчи фаоллиги агенс бажарган ҳолатнинг юз беришига, ўзига қаратилишига кўра содир бўлади. Шунга кўра адресат бевосита адресантни талаб қиласи; 3) адресат валентлигига эга ҳолат феълларида агенс ҳолатнинг фақат бажарувчисигина эмас, балки шу ҳолатни адресатга йўналтирувчи – адресант ҳам бўлади. Агенснинг адресант характеристи кесими ҳолат феълли гап конструкциясидан, ҳолат феъли маъносининг адресатга ҳам эгалигидан, адресатнинг адресантни талаб қилишидан, адресат ва адресант актантларининг эса ўзаро оппозициядалигидан, уларнинг диалектик бирлигидан келиб чиқади; 4) ҳолат феълларининг адресат валентлигини реаллаштирувчи сўзлар шахс маъносига эга бўлади. Адресат агенс ҳолатини кўриш орқали қабул қиласи; 5) ҳолат феълларининг адресат валентлигини реаллаштирувчи сўзнинг шаклланишида

жўналиш келишиги қўшимчаси типик саналади. Адресатнинг асосан от+га, баъзан олмош+га қолипидаги сўзларда қайд этилиши унинг доимий морфологик белгисидир;

б) ўзбек тилидаги «ижро» ва «физиологик» интеграл семали ҳолат феъллари гап конструкциясида препозитив компоненти билан кучли бошқарув, «ижро» ва «физиологик» интеграл семали ҳолат феъллари эса тобе компоненти билан кучсиз бошқарув муносабатида бўлади.

VI БОБ

ҲОЛАТ ФЕЪЛИ АСОСЛИ ГАПЛАРНИНГ ҲОЛАТ ВАЛЕНТЛИГИ

Ўзбек тилидаги “малака” интеграл семали ҳолат феълларидан бошқа барча ҳолат феъллари ҳолат валентлигига эга. Бунда ҳолат маъносига эга турли сўз туркумига оид тил бирликлари ҳолат феълларининг валентлик иштирокчиси бўлади. Ҳолат валентлиги турли туркумлар орқали воқелашишига кўра агенс, локалис валентликлари билан мувофиқ бўлса-да, аммо у ўзига хос хусусиятлари билан ажralиб туради. Аниғи, ҳолат реализаторининг бошқа (агенс, локалис) актантларнинг реализаторидан фарқли унинг типик синтактик позицияда бўлишида ва семантик жиҳатдан феъл маъносидаги агенс (баъзан контрагент) ҳолатининг кечиш тарзини ифода этишида яққол кўринади. Бошқача айтганда, ҳолат валентлигининг реализатори ҳолат феълидаги агенс ҳолатининг ҳолат белгисини англатади.

Шуни ҳам такидлаш керакки, ҳолат феълида кузатилган ҳолат ҳолат валентлигини реллаштирувчи сўздаги ҳолат билан диалектик боғлиқ бўлади. Чунки феълдаги асосий ҳолат ҳам, ҳолат актанти ҳособланган “тобе” ҳолат ҳам аслида агенс ҳолати сифатида кўринади. Ҳар икки ҳолатнинг ҳам моддийлиги, объективлиги, юзага келиши агенсга кўрадир. “Тобе” ҳолат асосий ҳолатнинг муайян белгиси бўлгани сабабли унинг агенс билан боғланиши асосий ҳолатга кўра юз беради. Чунки агенс даставвал муайян ҳолатда бўлади ва ушбу ҳолат турли тарзда кечади. Демак, мантиқий-фалсафий жиҳатдан ҳар икки ҳолатнинг бажарувчиси, юзага келтирувчиси агенс бўлиб, бу ҳолатлар грамматик жиҳатдан ҳолат феъли маъносида ва унинг валентлик иштирокчисида реаллашади. Демак, агенс ҳолатини ва унинг қандай ҳолда содир бўлишини билдирувчи сўз маъноларининг ўзаро боғланиши ҳолат муносабатли семантик синтагмаларни ҳосил қиласи.

Феълда қайд этилган агенс ҳолати назарда тутилган ҳолатга нисбатан мавхумроқ бўлади. Чунки ҳолат актанти агенс ҳолатини муайян томондан аниқлаштириш вазифасини ўтайди. Бу ҳолда у (“тобе” ҳолат), асосан, оптик таъсир қилиши билан характерланади. Чунки бу ҳолат муайян ҳолатнинг (агенс ҳолатининг) муайян вазиятдаги энг муҳим, характерли белгисини кўрсатишига кўра

ажралиб туради. Қиёсланг: *Аҳмад бой икки ўғли билан терлаб, қизариб...ўлтирибди* (Ғ.Жаҳонгиров).

Кўринадики, феълда ифодаланган ҳолат агенс ҳолати сифатида асосий, “доимий” бўлса, агенс ҳолатининг ҳолат белгиси бўлиб келган ҳолат вақтинчалиги, аниқлиги, фаол таъсир қилиши билан шахсда муайян модал муносабат уйғота олиш имкони билан характерланади. Демак, асосий ҳолат (агенс ҳолати) “доимий”, “мутлақ” бўлса, “тобе” ҳолат унга нисбатан вақтинча, ситуативдир.

Гап конструкцияларида ҳолат феълларининг ҳолат актантини реаллаштирувчи сўз агенс ҳолатининг қандай ҳолда кечишини қиёслаш, ўхшатиш йўли билан ҳам ифода этади. Агенс ҳолатини компаратив усулда аниқлаш муайян ҳолатининг қандай ҳолда содир бўлишидан ўхшатиш белгисига кўра фарқ қиласиди. Қиёсланг: *Унга бирор қараб турмаган бўлса ҳам, юзи лоладек қизарди* (М.Исмоилий).

Айтилганлардан маълум бўлдики, ҳолат феълларининг ҳолат актантини ифода этувчи сўз агенс ҳолатининг кечиш тарзини англатади ва агенс ҳолатини ўхшатиш йўли билан аниқлаштиради.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, феъл маъносида берилган агенс ҳолати ҳолат актани орқали конкретлашса, айни вақтда кейинги ҳолат ўз навбатида ҳолат феъли маъносидаги ҳолат (агенс ҳолати) орқали конкретлашади. Бу ҳолда “тобе” ҳолатининг қандай асосий ҳолатга тегишлиги, қандай ҳолатининг белги-хусусияти эканлиги маълум бўлади.

Ўзбек тилидаги ҳолат феълларининг ҳолат актанти қўпинча равиш, равишдош, шунингдек, от ва сифатларда кузатилади. Ҳолат валентлигининг реализатори гапда равиш ҳоли вазифасини ўтайди. Ҳолат феъллари ҳолат актантини реаллаштирувчи сўзлар билан битишув ва бошқарув муносабатида бўлишига кўра ҳолат феълли релятив ва ҳолат феълли объектли бирикмалар тузилади.

ҲОЛАТ ВАЛЕНТЛИГИ РЕАЛИЗАТОРИНИНГ АГЕНС ҲОЛАТИНИНГ КЕЧИШ ТАРЗИНИ ИФОДА ЭТИШИ

Агенс ҳолатининг кечиши тарзини билдирувчи ҳолатнинг реализатори вазифасида равиш, равишлош, сифат, от ва тақлидий сўзлар келади. Шунга кўра агенс ҳолатининг қандай ҳолда бажарилишини ифода этувчи ушбу морфологик бирликлар семантик-сintактик жиҳатдан ўзига хос хусусиятларга эга бўлади.

Ҳолат валентлигининг равишида реаллашиши. Ҳолат феъллари ҳолат валентлигининг ҳолат (проф. А.Хожиев фикрича тарз¹) равишларида қайд этилиши етакчидир. Ҳолат актантининг кўпинча ҳолат равишларида ифода этилиши, биринчидан, уларнинг ўзбек тилидаги «ижро», “малака” ва «образли» интеграл семали ҳолат феълларидан бошқа барча лексик-семантик гурухларда кузатилиши билан, иккинчидан, ҳолат равишлари феъл маъносидаги агенс ҳолатининг қай тарзда бажарилишини аниқ, яққол ифодалай олиши билан асосланади.

Ҳолат валентлигини реаллаштирувчи ҳолат равишлари маъно жиҳатдан бошқа тур равишларга нисбатан мураккаблиги, нутқда фаол ишлатилиши билан, равишларнинг асосий қисмини шу тип равишлар ташкил қилиши, яъни бошқа тур равишларга киритилмаган сўзлар шу равишига киритилганлиги² билан, ясама равишларнинг аксарияти ҳолат равишлари эканлиги билан, ҳолат равишлари синтактик жиҳатдан бош (кесим) ва иккинчи даражали бўлак (ҳол, аниқловчи) вазифаларида кела олиши³ билан диққатга сазовордир.

Айтилганлардан маълум бўлдики, ҳолат равишлари факат агенс ҳаракатининг эмас, балки агенс ҳолатининг ҳам бажарилиш усулини ифода этишига кўра ажралиб туради. Шу фикр нуқтаи назаридан туркий тилшуносликка оид илмий манбаларга⁴ назар ташласақ, уларнинг кўпчилигига ҳолат равишининг, асосан, иш-

¹ Шоабдураҳмонов Ш., Аскарова М.А., Ҳожиев А., Расулов И.Р., Дониёров Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили, 402-бет.

² Убаева Ф. Ҳол категорияси. -Тошкент, 1971, 114-бет.

³ Яна қаранг: Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили, 142-бет.

⁴ Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили, 142-бет, 1, 583-бет. Ўзбек тили грамматикаси, П, 148-бет. Турсунов У, Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили, 229-бет. Тикеев Д.С. Структурные типы словосочетаний в современном башкирском языке. АКД, Уфа, 1975, 22-бет. Даунов Е.Глагольные словосочетания и способы их образования в современном каракалпакском языке. АКД, -Ташкент, 1966, 19-бет. Абдураҳмонов F., Сулаймонов А., Холиёров X., Омонтурдиев Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1979, 78-79-бетлар.

ҳарактнинг қандай содир бўлиш усулини, бажарилиш сифатинигина англатиши тилга олинади, холос. Ваҳоланки, айтилганидек, ҳолат ҳам материянинг яшаш шаклидир. Ҳолат жараёни ҳам объектив бўлиб, оптик ва акустик қабул қилинар экан, демак, ҳолат актантини ифода этувчи ҳолат равишларининг агенс ҳолатининг бажарилиш тарзини англатиши мантиқий – объектив асосга эгадир. Демак, ҳолат равиши баъзи манбаларда¹ ҳам ҳақли равища таъкидланганидек, ҳаракат ва ҳолатнинг қай тарзада юз беришини, қандай усулда амалга ошишини ифода этишига кўра характеристерланади.

Ҳолат қатнашувчисини реаллаштирувчи ҳолат равишлари ҳолат феълли бирикмаларни тузишда фаол ишлатилади².

Ўзбек тилидаги «давомли», «ҳаракат натижаси», «ҳаракат», «биологик», «физиологик» ва «психик» интеграл семали ҳолат феълларининг ҳолат актантини ифодаловчи сўз ҳаракатсиз маъносини беради. У агенс ҳолатининг қимир этмаган ҳолда юз беришини англатади. Релятив бирикма аъзолари учун классема функциясини “ҳаракатсиз” семаси ўтайди. Масалан: *Бола жим ётибди* (Ўзбек халқ эртак). *Шаҳар жим ухлайди* (Ойбек).

Қолмоқ «давомли» ва чидамоқ «психик» интеграл семали ҳолат феълларининг ҳолат актантини реаллаштирувчи сўз чорасиз маъноси билан келади. У агенс ҳолатининг назарда тутилган ҳолда кечишини билдиради. Сўз бирикмаси “чорасиз” классемасига кўра тузилади. Масалан: *Улар ноилож қолишиди* (С.Аҳмад). ...*ўғил ва қизлар бирорларнинг... хўрлашига ноилож чидар* (П.Турсун).

Ўтироқ, қолмоқ ва турмоқ «давомли» интеграл семали ҳолат феълларининг ҳолат актанти гапирмасдан (овоз чиқармай) бўлади. Ҳолат реализатори агенс ҳолатининг мутлақо товуш чиқармаган ҳолда содир бўлишини англатади. Сўз маъноларининг бирикуви “гапирмасдан” классемасига кўра юз беради. Масалан: *Турғун ота жим ўтироди* (М.Исмоилий). *Анвар билан Раъно жим қолишиди* (А.Қодирий). *Мен индамасдан туравердим* (Ф.Мусажонов). Турмоқ ва ўтироқ «давомли ҳолат» феълларининг қайд этилган ҳолат актанти баъзан равишдошларда ҳам ифодаланади. Бу турда ҳам

¹ Убаева Ф. Ҳол категорияси, 54-бет. Шоабдурахмонов Ш., Аскарова М., Ҳожиев А., Расулов И., Дониёров Х. Ўша асар, 402-бет.

² Равиш+ феъл моделли сўз бирикмалари туркий тилларда кўп кўлланади.

шахс ҳолатининг бирор фикр билдирамаган, гапирмаган ҳолда кечиши англашилади. Масалан: *Арслон индамай тураверди* (Мурмухсин). *Иккови ҳам индамай ўтираверди*¹ (Лайли ва Мажнун). Аммо ҳолат актантининг равишдошда ифода этилиши равишли кўринишидан фарқли ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. (Булар ҳақида қўйироқда алоҳида фикр юритамиз).

Турмоқ ва ўтирмоқ «давомли» интеграл семали ҳолат феълларининг ҳолат актанти биргаликда бўлади. Синтактик бирликларда агенс (шахс) ҳолатининг бошқа шахс билан бирга юз бериши англашилади. “Биргаликда” семаси сўз маъноларининг ўзаро боғланишида классема вазифасини ўтайди. Масалан: *Она бола бирга² кўчада туришиди* (Ҳ.Назир). *Мана, иккиси бирга ўтиришишибди* (О.Мухторов).

Турмоқ «давомли» ҳолат феълининг ҳолат актанти сифатида тикка, ўтирмоқ ҳолат феълининг ҳолат актанти сифатида рўбарў кабилар ҳам кузатилади. Ҳолат феълли бирикмалар: а) агенс ҳолатининг тик ҳолда кечишини ифода этади. Масалан: *Мен унинг ёнида типпа тик турадим* (О.Ёкубов); б) агенс ҳолатининг бошқа шахс билан юзма-юз, тўқнаш ҳолда бўлишини билдиради. Масалан: *Дилдор билан кампир қарама-қарши ўтиришиди* (Ойбек). *Сен билан турибман бу кун бетма-бет* (А.Орипов). Демак, ҳолат муносабатли сўз бирикмаларининг тузилиши “тикка” ва “рўбарў” классемаларига кўра юз беради.

Тўхтамоқ, ўчмоқ, тинмоқ «ҳаракат натижаси», мулойимлашмоқ «ҳаракат» бўшашимоқ «физиологик», сергакланмоқ, жиддийлашмоқ «психик» интеграл семали ҳолат феълларининг ҳолат валентлигини реаллаштирувчи сўз тўсатдан (кутилмаганда) ифодаси билан келади. Бу турда ҳолат актантининг реализатори агенс ҳолатининг кутилмаганда содир бўлишини билдиради. “Тўсатдан” семаси классема вазифасини ўташига кўра бирикма конструкцияси шаклланади. Қиёсланг: Эргаш уйнинг эшигига

¹ Дауенов Е. “Глагольные словосочетания и способы их образования в современном каракалпакском языке”. (Тошкент, 1966) номли номзодлик диссертациясининг авторефератида, (21-бет), ўтирмоқ феълини ҳаракат феъли сифатида қайд этади. Тўғри, ўтирмоқ феъли ҳаракат маъносига ҳам эга, аммо айни вақтда у ҳолат маъносини ҳам беради. Унинг ҳаракат ёки ҳолат феъли эканлиги нутқий фаолиятида маълум бўлади. Шунга кўра авторнинг: (*ол*) ёки боласын қолтығына қысып... букишайип отырды (Дэуқараев Н.Д) келтирган мисолида ўтирмоқ ҳаракат феъли эмас, балки давомли ҳолат феълидир. Унинг ҳолат феъли эканлиги препозитив, тобе компонентига кўра ҳам кўриниб турибди.

² Убаева Ф. “Ҳол категорияси” монографиясида (53-115-бетлар) бирга, биргаликда, ёнма-ён каби равишиларни биргалик равиши (биргалик ҳоли) деб, ҳолат равишиларидан фарқ қиласди. Бундай равишилар биргалик равиши семантик турхини хосил қилас-да, аслида кенг маънода ҳаракат ёки ҳолатнинг бажарилиш тарзи, усулини билдиради.

етганда бирдан тўхтади (Ф.Мусажонов). *Юзларидаги табассум бирдан ўчди* (Ў.Хошимов). ...элликбошининг товуши бирдан мулойимлашиди (Ойбек). *Кейин бирдан бўшашиди-ю...* (Ў.Хошимов). *Йигит қора қушларни кўрди-ю, бирдан сергакланди* (П.Қодиров). *Аввал қиқирлаб кулган Арслон бирдан жиоддийлашиди* (Мирмуҳсин).

Жимимоқ «ҳаракат натижаси», равшанлашмоқ «физиологик» ва совимоқ «психик» интеграл семали ҳолат феъларининг ҳолат актанти тезда бўлади. Релятив бирикмада агенс ҳолвтининг қисқа вақт ичида юз бериши ифодаланади. Феълли бирикма компонентлари “тезда” классемасига кўра ўзаро боғланади. Масалан: ...*иизи-сизи* узоқ давом этмасдан дарров жимиди (А.Қаҳҳор). ...*шу қуининг сайрашини эшишсангиз, кўзингиз дарров равшанлашади* (Ўзб.халқ эртак.). Элёр бирон нарсани тез севиб, тез совирди (У.Назаров).

Тўхтамоқ ва тинчимоқ «ҳаракат натижаси» интеграл семали ҳолат феълларининг ҳолат актанти сифатида “зўр-базўр” келади. Сўз бирикмасида агенс ҳолатининг катта қийинчилик билан амалга ошиши ифодаланади. “Зўр-базўр” семаси классема бўлишига кўра бирикма конструкцияси тузилади. Масалан: *Мамат бува уни зўрга тўхтатди* (Ф.Мусажонов). *Ақбар ака аранг синфи тинчитди* (Ф.Мусажонов). Ўзаро синонимик муносабатдаги ҳолат ифодали аранг ва зўрга лексема семемалари нозик маъно фарқига эга. Асосан адабий тилга хос аранг лексема семемасида “зўр-базўр” қўшимча белги даражаси ортиқ бўлиб, бу сўз “жуда” оттенкасига ҳам эга.

Бўшамоқ «ҳаракат натижаси» бўлган ҳолат феълининг ҳолат актантини реаллаштирувчи сўз аста маъносини англатишига кўра, у агенс ҳолатининг секин, давомий ҳолда кечишини билдиради. Сўз бирикмасининг тузилиши “аста” классемасига кўра юз беради. Масалан: *Сахро аста-секин бўшади* (А.Қаҳҳор).

Саргаймоқ ва кўкармоқ «биологик» интеграл семали ҳолат феълларининг ҳолат актантини (бир хилда) ифода этувчи сўз агенс ҳолатининг бир – биридан фарқсиз, бир текисда амалга ошишини ифода этади. Феълли бирикма “бир хилда” классемасига кўра тузилади. Масалан: *Япроқлари бирдай кўкарган* (Ҳ.Олимжон). *Япроқлар бирдай саргайган* (О.Мухторов).

Кувонмоқ ва ачинмоқ «психик» интеграл семали ҳолат феълларининг ҳолат актанти (чин) дилдан бўлади. Релятив бирикмаларда агенс ҳолатининг чин қўнгилдан (самимий, юракдан)

бажарилиши англашилади. Сўз бирикмаси компонентлари “(чин) дилдан” классемасига кўра ўзаро боғланади. Масалан: *Ўғлимнинг гапини эшишиб, астойдил қувондим, деди у* (О.Ёқубов). *Коронгида таниши овозни эшишиб билан Мажиддин ичидан қувонди* (Ойбек). У ҳозир ич-ичидан ачинди (О.Раупов). Ушбу «психик» ҳолат феълларининг қайд этилган ҳолат актанти отда ҳам реаллашади, объектли бирикмада иштирок этади. Қиёсланг: ...*биринчи марта чин кўнглимдан ачиндим* (О.Ёқубов). *Ёлгиз кўриб, дилдан қувондим* (Т.Ҳамид).

Ҳолат валентлигининг равишдошда реаллашиши. Ўзбек тили грамматикасига оид қатор манбаларда равишдошнинг асосан ҳаракатнинг белгисини билдириши қайд этилади, холос. Шуни таъкидлаш керакки, ушбу функционал форма фақат ҳаракатнинг белгисини эмас, балки ҳолатнинг ҳам белги-хусусиятини тўла англатади. Шу жиҳатдан ҳолат актантини реаллаштирувчи равишдошда ифодаланган ҳолат кесим бўлиб келган ҳолат феълидаги агенс ҳолатининг акад А.Н.Кононов таъбирича “иккиламчи”¹ ҳолатини қайд этади. У асосий ҳолат билан бир вақтда, баъзан ундан олдинроқ бажарилган ҳаракат – ҳолат ифодасини беради, асосий ҳолатнинг бажарилиш тарзини англатади.

Демак, равишдош+ҳолат феъли қолипли нутқ бирликларида равишдош ҳолат феълининг валентлик партнёри сифатида қўлланиши билан характерланади². Ҳолат феълининг равишдош формасидаги феъл билан корреляцияси, семантик синтагмани тузуви ҳар икки феъл маъносининг ўзаро боғлана олиш имконига эгалигига, яъни улар семалар таркибида “ҳолат” классемасининг мавжудлигига кўра юз беради.

Ўзбек тилидаги «давомли», «ҳаракат натижаси», «образли», «биологик» ва «физиологик» интеграл семали ҳолат феълларининг ҳолат валентлиги равишдош орқали берилади.

Ётмоқ «давомли» ва ухламоқ «физиологик» интеграл семали ҳолат феълларининг ҳолат актанти ботган (кўмилган) ҳолда бўлади. Релятив бирикмада агенс ҳолатининг қайд этилган ҳолда кечиши ифодаланади. Бирикма компонентлари “ботган ҳолда” классемасига кўра ўзаро боғланади. Масалан: *Раҳбархон хаёл*

¹ Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка, 239-бет.

² Муайян феъл формасининг бошқа феълнинг валентлик партнёри бўла олиши ҳақида қаранг: Степанова М.Д., Хельбиг Г. Части речи и проблема валентности в современном немецком языке, 189-бет.

гирдобига чўмиб ётаркан (Ҳ.Назир). *Оғир сукунатга чўмиб ухлайди қишилоқ* (Ғайратий).

Турмоқ «давомли» ва мудрамоқ «психик» интеграл семали ҳолат феълларининг ҳолат актанти таянган ҳолда бўлади. Ҳолат актантининг реализатори агенс ҳолатининг бирон предметга таянган (суюнган) ҳолда юз беришини англатади. “Таянган ҳолда” семаси бирикма компонентларининг бирикуви учун классема вазифасини ўтайди. Масалан: ...*Тешабой айвон устунига суюниб узоқ турди* (М.Исмоилий). У креслога суюниб мудради (О.Раҳимов).

Турмоқ ва қолмоқ «давомли» интеграл семали ҳолат феълларининг ҳолат актанти ҳайрон (нима қилишни билмаган) ҳолда бўлади. Бирикма конструкциясида агенс ҳолатининг ҳайрон қолган ҳолда кечиши ифода этилади. “Ҳайрон ҳолда” семаси классема бўлишига кўра феълли бирикма тузилади. Масалан: *Бирпас анграйиб турди* (Ф.Мусажонов). *Шарофат хола тандир олдида аграйиб тураг* (У.Назаров). *Қасд қилса ҳам, ул анқайиб қолади* (“Алпомиш”). Ҳолат актантини реаллаштирувчи равишдошлар –микросемантик гурухнинг компонентлари: *аграймоқ* ва *анқаймоқ* синонимлари асосан сўзлашув нутқига хослиги билан умумийликка, аммо анқаймоқ белги даражасининг (ҳайрон қолишнинг) ортиқроқлигига кўра ағраймоқдан фарқланади.

«Давомли» ётмоқ ҳолат феълининг ҳолат актанти сифатида яшириниб, ўтиromoқ ҳолат феълининг ҳолат актанти сифатида викор билан ва бақрайган ҳолда, турмоқ ҳолат феълининг ҳолат актанти сифатида кулган ҳолда ва ғужанаклашган ҳолда кабилар келади. Релятив сўз бирикмаларида: а) агенс ҳолатининг беркинган ҳолда содир бўлиши англашилади. Масалан: *Шу пайтда Мирхолиқ қайдга писиб ётади* (А.Пўлат); б) агенс ҳолатининг керилган (мағрурланган) ҳолда юз бериши ифодаланади. Масалан: *Муборакхоним супада гердайиб ўтирибди* (А.Қаҳҳор); в) агенс ҳолатининг чақчайган ҳолда бажарилиши ифода этилади. Масалан: ...*дараҳтларда бойқушлар кўзини чақчайтириб ўтирганиши* (Мирмуҳсин); г) агенс ҳолатининг жилмайган, мийиғида кулган ёки ёқимсиз кулган ҳолда кечиши қайд этилади. Масалан: *Қўрқиб кетдим, қўрққанимни қизлардан яшириб, илжайиб туравердим* (С.Абдулла). *Пирмат бобо... кулимсираб турагди* (Ф.Мусажонов). *Чиммат ичидаги соқоли селкиллаган бир чол тиржайиб турибди* (О.Мухторов); д) агенс ҳолатининг қовоғини солган, тўрсайган

холда кечиши ифодаланади. Масалан: *Мамарайим афанди... шумшайиб турарди* (М.Исмоилий). Кўринадики, “яшириниб”, “викор билан”, “бақрайган ҳолда”, “кулган ҳолда” ва “тўрсайган ҳолда” семалари классема бўла олишига кўра бирикма компонентлари ўзаро мантиқий алоқага киришади.

“Кулмоқ” архисемасига кўра ўзаро синонимик муносабатдаги *илжаймоқ*, *кулимсирамоқ* ва тиржаймоқ сўзларидан *илжаймоқ* сўзида белги даражаси *кулимсирамоқ* сўзига нисбатан ортиқ, *тиржаймоқ* сўзида эса салбий ифода кучли бўлиб, у “ёқимсиз” бўёғига эгадир.

Айrim монографияларда ҳолат англатувчи равиш ҳоли турмок феълли “кесим ифода этган ҳаракат билан бир пайтда юз берадиган ҳаракатни кўрсатади”¹, дейилади ва қуйидаги мисол келтирилади: *Ёқут қўлидаги пиёлаларни столга қўймас, афтидан унуган, кўзларини катта очганча қотиб турар эди* (С.Зуннунова). Демак, бу синтактик конструкцияда қотмоқ ва турмоқ феъллари ҳаракат феъллари сифатида тилга олинади. Ваҳоланки, гап конструкциясидаги феъл+феъл моделли релятив бирикма компонентларининг ҳар иккиси ҳам ҳолат маъноли ҳолат феъллари бўлиб, препозитив феъл (мутлақ тобе компонент), постпозитив феълнинг (мутлақ ҳоким компонентининг) валентлик партнёри сифатида уни ҳарактерлайди, аниқлаштиради. Шунга кўра ушбу гапда равиш ҳоли кесим ифода этган ҳолат билан бир пайтда, параллел юз берган ҳолатни кўрсатади, яъни бирикма конструкциясида шахс ҳолатининг бутунлай ҳаракатсиз, қимир этмаган жисмоний ҳолатда кечиши ифодаланади.

«Ҳаракат натижаси» бўлган қотмоқ ҳолат феълининг ҳолат актанти қорайган ҳолда, тўхтамоқ ҳолат феълининг ҳолат актанти қичқирган ҳолда кабилар бўлади. Феълли бирикмалар: а)агенс ҳолатининг қайд этилган рангли ҳолда юз беришини ифодалайди. Масалан: *Миясидан оққан қон ёлида қорайиб қотибди* (Ҳ.Ғулом); б) агенс ҳолатининг кучли овоз чиқарган ҳолда содир бўлишини ифода этади. Масалан: *Ўкириб тўхтади сўнгги замбарақ* (Ғ.Ғулом). Сўз бирикмаси компонентлари “қорайган ҳолда” ва “қичқирган ҳолда” классемаларига кўра ўзаро боғланади.

«Образли» интеграл семали *тovланмоқ* ҳолат феълининг ҳолат актанти сифатида нур сочган ва алангланган ҳолда, *сўлмоқ* ҳолат феълининг ҳолат актанти сифатида сарғайган ҳолда кабилар

¹ Убаева Ф. Ҳол категорияси, 54-бет.

келади. Бунда ҳолат актантининг реализатори: а) агенс ҳолатининг нур таратиб йилтираган ҳолда бажарилишини ифодалайди. Масалан: *Унинг остидаги кошиналар ярақлаб товланади* (У.Назаров); б) агенс ҳолатининг кучли алнга тарқатган ҳолда кечишини англатади. Масалн: ...*беш юз шамлик лампочкалар ёғдусида дараҳтлар улкан гулхан сингари ловуллаб товланарди* (Н.Ёқубов); в) агенс ҳолатининг саргайган ҳолда юз беришини ифода этади. Масалан: *Ҳазон теккан гулдек саргайиб сўлдик* (Ф.Йўлдош). Бирикма компонентлари “нур сочган ҳолда”, “алангаланган ҳолда” ва “саргайган ҳолда” классемаларига кўра ўзаро боғланади.

Пишимоқ «биологик» интеграл семали ҳолат феълининг ҳолат актанди қизарган ҳолда бўлишига кўра унинг реализатори агенс ҳолатининг муайян рангда юз беришини англатади. “Қизарган ҳолда” семаси классема вазифасини ўташига кўра феълли бирикма тузилади. Масалан: *Богимда қизариб пишиди олча* (Ж.Жабборов).

«Физиологик» интеграл семали оғримоқ ҳолат феълининг ҳолат валентлигини реаллаштирувчи сўз “саншиб” ва “қақшаб”, ухламоқ ҳолат феълининг ҳолат валентлигини реаллаштирувчи сўз очик ҳолда маъносини англатади. У бирикма конструкциясида: а) агенс ҳолатининг санчиган ҳолда юз беришини ифода этади. Масалан: *Оғзи тахир, боши лўқиллаб оғрийди* (П.Қодиров). ...*мияси лўқиллаб оғрийди* (М.Осим); б) агенс ҳолатининг қақшаган, сирқираган тарзда бажарилишини англатади. Масалан: *Оёғим зирқираб оғрийди, -деди бирор* (Латифалар). ...*унинг аъзойи бадани зирқираб оғрирди* (Мирмуҳсин); в) агенс ҳолатининг юмилмаган (очик) ҳолда кечишини қайд этади. Масалан: *Қуён кўзини юммай ухлайди* (Н.Фозилов). Релятив бирикмаларнинг тузилишида “саншиб”, “қақшаб” ва “очик ҳолда” семалари классема саналади.

Ётмоқ «давомли» ҳолат феълининг ҳолат валентлиги баъзан сифатдош + кўмакчидан тузилган нутқ бирлигига ҳам кузатилади. Бу аналитик форманинг автосемантик компоненти “кийим билан” ифодасини беришига кўра объектли бирикмада шахс ҳолатининг муайян шаклий- «физиологик» ҳолда кечиши англашилади. “Кийим билан” семаси классема характеридадир. Масалан: *Жим-жит, бўм-бўши хоналарнинг бирида ... у ечинмаган ҳолда ётарди* (Мирмуҳсин).

Демак, агенс ҳолатининг муайян ҳолат белгисини ифода этиши асосан равишдош, базан сифатдош формаларига хосдир.

Шуниси характерлики, ҳолат белгисининг ушбу функционал формаларда ифодаланиши фақат миқдорий фарқланмасдан, балки сифат жиҳатдан ҳам фарқ қиласди, яъни муайян ҳолатнинг кечиш тарзини ифода этувчи бу формаларда – равишдошда ҳолат белгиси фаоллиги, яққол ва аниқлиги билан, инсонда мантиқий субъектнинг муайян ҳолат кўриниши ҳақида аниқ тушунча ифодалashi билан характерланади. Бизнингча, шунинг учун ҳам ҳаракат- ҳолатнинг муайян ҳолат белгисини ифодалашда асосан равишдош қўлланади. Сифатдошда эса ҳолат белгиси равишдошга нисбатан ноаниқроқ, кучсизроқ бўлиб, ҳаракат ёки ҳолатнинг муайян ҳолат белгисини ифодалашда у анализик формадан иборат конструкцияда иштирок этади. Бу ҳолда ёрдамчи сўз кесим позициясидаги феъл маъноси билан сифатдош маъносини ўзаро боғловчи ифода бериб қолмасдан, айни вақтда ҳаракат – ҳолатнинг қай тарзда содир бўлишини, яъни сифатдош маъносига қайд этилган белгили ҳолда кечишини ҳам англатади. Демак, бунда сифатдошда ифодаланганди белгининг (ҳолат белгисининг) муайян ҳолатнинг кечиш тарзини кўрсатиши бевосита мустақил ва ёрдамчи сўз маъноларининг мантиқий бирикуви, ушбу сўзларнинг семантик-синтактик бир бутун ҳолда феъл кесимда ифодаланганди муайян жараённи характерлаши, аниқлаш, унинг ҳолат белгисини ифодаласига кўра юз беради.

Хулосалаб айтиш мумкинки, сифатдошда ифодаланганди ҳолат равишдошда ифодаланганди ҳолат даражасига ўзининг фаоллиги, руҳий таъсир кучи, аниқлик даражасига кўра етмаслиги билан фарқ қиласди.

Ҳолат валентлигининг сифатда реаллашиши¹. Сўзниң ҳақиқий “ҳаёти” нутқ фаолиятида бўлиб, у айни жараёнда моддий, реал факторга айланади, муайян хабар ташийди, инсон руҳиятига таъсир қиласди. Сўзниң нутқий фаоллигининг асосий сабабларидан бири, бизнингча, ҳар қандай сўзниң даставвал нутқда юзага келиши ва муайян семантик-синтактик вазифани бажаришига кўрадир. Шу жиҳатдан сўзни семантик, морфологик ва синтактик-функционал конкрет белгилаш бевосита нутқ акти билан боғлиқ бўлади. Демак, бунда сўз бирикмаси ва гап каби синтактик бирликлар ўлчов вазифасини бажаради.

¹ Феълли бирикмаларнинг тобе компоненти позициясида сифатнинг келиши ҳақида кўшимча қаранг: Нигматов Х.Г., Холмуродов Р.Х. О критериях выделения обстоятельства как члена предложения, ж. “Советская тюрокология”, Баку, 1986, 5, стр. 4, 6, 7.

Айтилганларга кўра ҳолат феълларининг ҳолат валентлигини реаллаштирувчи сўз функциясида сифатнинг келиши, феълнинг маъно имкониятига кўра очиқ позициясини тўлдириши, унинг валентлик иштирокчиси бўлиши, сифат маъноси денотатининг ҳолат феълининг ҳолат актанти бўлиб кузатилиши ўзига хослиги билан ажralиб туради. Чунки сифатларнинг белги билдириш вазифаси отга, унда узуал ифода этилувчи предметларга кўрадир. Шу сабабли сифатларнинг асосий хусуяти предмет белгисини билдиришдир¹. Демак, сифатларнинг предмет белгисини англатиши уларнинг асосий, бош семантик вазифаси ҳисобланади. Чунки муайян предметнинг моддийлиги унинг муайян белгисига кўра тасдиқланади. Бу белги эса лисоний жиҳатдан сифат маъносининг ташқи (экстравангвилик) асосини ташкил қиласиди.

Диалектик фалсафа нуқтаи назаридан объектив борлиқ предмет ва нарса-ходисалари ўзаро боғлиқ, бири иккинчисига ўтиб туришда, ўзгаришда бўлганидек, унинг лисоний белгилари – сўзлар ҳам ўзаро алоқада, бир туркумдан иккинчисига ўтиб туришда, яъни семантик-грамматик ўзгаришда кузатилади. Сўзларнинг бундай ўзгариши нутқда, гап конструкциясида юз беради. Бу эса ўз навбатида сўзларнинг синтактик семантикаси, позицияси ва вазифаси билан ўлчанади.

Сифатнинг типик семантик-синтактик вазифадан “чекиниши” ва гапда нотипик семантик-грамматик вазифада келиши унинг иккиламчи нутқий фаолияти бўлиб, бу унинг ҳолат феъли билан семантик бирикишидан, контакт препозицияда мутлақ тобе компонент позициясида қўлланишидан – феълли релятив бирикмани шакллантиришидан, шунга кўра феъл маъносидаги ҳолатни аниқлаш, унга хос муайян белгини англатишидан юзага келади. Шунингдек, сифатнинг ўзгача вазифада қайд этилиши унинг потенциал имконияти бўлиб, демак, бу имконият нутқда, синтактик қуршовда, қуршов аъзоларининг семантик-синтактик таъсир қилиш, сифат билан ўзаро бирика олиш қобилиятига кўра юз беради. Бошқача айтганда, нутқ актининг тил имкониятининг воқелашибиши эканлиги, тил бирликларининг нутқда ўзаро бирикиши, функционал конкретлиги, муайян информация ташиши, дистрибутив бирликлар таъсирида маъно жиҳатдан категориал ўзгаришга учраши уларнинг (тил бирликларининг) кўпинча типик,

¹ Шоабдураҳмонов Ш., Аскарова М.А., Ҳожиев А., Расулов И., Дониёров Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили, 251-бет.

баъзан нотипик вазифада келишига кўра содир бўлади. Демак, сифатнинг гапда ўзгача, нотипик функцияда бўлиши мантикий асосга эгадир.

Бизнингча, ҳар бир морфологик категория бирликлари ўзининг асосий семантик-сintактик функциясидан ташқари иккиламчи нотипик функцияда ҳам қўллана олиш имкони билан характерланадики, бу имкониятнинг воқелашиши, тасдиғи нутқ фаолиятида юз беради. Маълумки, коммуникацияда ҳар бир сўз семантик-сintактик монофункционал бўлади. Чунки муайян гап конструкцияси ҳар қандай полифункционалликни бутунлай рад этади, яъни сўзлар нотипик семантик-сintактик вазифада келганда ҳам, фақат монофункционал бўлади. Чунки коммуникация акти “туғма” равища фикрий аниқлик ва изчилликни талаб қиласди. Бу эса бевосита нутқ учун хомашё вазифасини ўтовчи тил бирликлари, сўзларнинг семантик-сintактик биришидан, валентлик имконига эгалигидан келиб чиқади. Бошқача айтганда, контекст, гап сўзларни бошқа маънолардан “тозалайди”, муайян семантик-сintактик вазифада бўлишига “мажбур қиласди”.

Демак, ҳолат валентлигининг реализатори функциясида сифатнинг келиши ва унинг равиш ҳоли вазифасини ўташи, ҳолат белгисини ифода этиши сintактик конструкцияга кўра содир бўлади, сintактик қонуният саналади.

Ҳолат феълларининг ҳолат актантини ифода этувчи сифатлар ҳолатнинг (фақат ҳаракатнинг эмас) қандай ҳолда кечишини англатишига, ҳолат белгисини билдиришига кўра равиш ва равишдошларнинг семантик-сintактик вазифасида намоён бўлади.

Сифатларнинг феъл маъносида ифода топган ҳолатни (ҳаракатни) характерлаш, аниқлаш, унинг муайян ҳолат белгисини ифода этиш имконига кўра проф. Н.К.Дмитриев “... сифат феълнинг аниқловчиси сифатида қўлланиши, яъни у равишининг сintактик вазифасини бажариши мумкин. Бу ҳолда туркий ... сифат ҳол вазифасида келиб, рус тилидаги равишга мувофиқ бўлади”¹, дейди. Аммо туркий тилларда² сифатларнинг феъл билан бириши кам учрайди, яъни ҳамма сифатлар ҳам феъл билан ўзаро бириши, валентлик муносабатига киришиш қобилиятига эга эмас. Чунки улар семемаларининг семалар таркибида феъл семемаларининг

¹ Дмитриев Н.К. Грамматика башкирского языка. М.Л., 1948, 81-бет.

² Дауенов Е.Глагольные словосочетания и способы их образования в современном каракалпакском языке, 8-бет. Тикеев Д.С.Структурные типы словосочетаний в казахском языке. Алма –Ата, 1967, 67-бет. Шоабдурахмонов Ш., Аскарова М., Ҳожиев А., Расулов И., Дониёров Х. Ўша асар, 251-бет.

муайян семаси билан бирикувчи, ҳар икки лексема семемалари учун умумий бўлган классема типидаги сема йўқдир. Шу туфайли ҳамма сифатлар ҳам феълнинг аниқловчиси бўла олмайди, феъл билан семантик - синтактик муносабатга киришмайди, бирикма конструкциясини тузмайди.

Проф. М.Б.Балакаев “улар (сифатлар –Р.Р.) ҳаракат ва ҳолатнинг сифат белгисини аниқлаш учун феъллар билан бирикиши мумкин. Бу ҳолда доимо инсон ёки ҳайвонда юз берувчи ички ҳолат, идрок ва ҳаракатни ифодаловчи феълларгина бирикиш имкониятига эга бўлади”¹, дейди. Аммо ҳолат феълларининг ҳолат валентлигини реаллаштирувчи сифатлар, юқорида таъкидланганидек, фақат киши ички (рухий) ҳолатини ифода этувчи «психик» ҳолат феъллари билангина эмас, шунингдек, «давомли», «образли» ва «физиологик» интеграл семали ҳолат феъллари билан ҳам бирикади. Улар шу лексик-семантик гурӯҳ ҳолат феълларининг ҳолат валентлигини қайд этади, феъл маъносидаги агенс ҳолатининг бажарилиши тарзини ифодалайди. Буни қўйида кўриб чиқамиз.

Қолмоқ «давомли» интеграл семали ҳолат феълининг ҳолат валентлиги кўпинча ёлғиз лексемасида реаллашади. Шуниси характерлики, бу сифат равишлашганлиги билан ажралиб туради. Қолмоқ феълининг ҳолат актантини ифода этувчи ушбу сифат равиш характерида бўлишига кўра аниқловчи – ҳолли маъно муносабатини англатади. Анифи, релятив бирикманинг тобе компоненти бўлган сифат танҳо (якка) ифодасини бериб, агенс ҳолатининг якка, бир ўзи иштирокида кечишини билдиради. Феълли бирикма компонентлари учун “танҳо” семаси классема вазифасини ўтайди. Киёсланг: *Бу тоғларда ёлғиз қолдим* (Лайли ва Мажнун). *Биз ... ёлғиз қолдик* (Ф.Мусажонов).

Қолмоқ феълининг ҳолат иштирокчиси баъзан “ажралган ҳолда” ифодали бўлади. Сўз бирикмасида агенс ҳолатининг назарда тутилган ҳолда юз бериши ифодаланади. “Ажралган ҳолда” семаси феъл ва сифат семемаларини бириктирувчи классема ҳисобланади. Масалан: *Олти яшарлигимда отадан етим қолдим* (Фан ва турмуш).

Ётмоқ «давомли» ҳолат феълининг ҳолат валентлигини реаллаштирувчи сўз “бехуш” ва “бетоб” маъносини беради. У сўз бирикмасида: а) агенс ҳолатининг хушини йўқотган ҳолда юз

¹ Балкаев М.Б. Основные типы словосочетаний в казахском языке, 6-бет.

беришини ифода этади. Масалан: *Яраланди. Ҳүшисиз ётибди* (У.Назаров); б) агенс ҳолатининг касалликка чалинган ҳолда кечишини билдиради. Масалан: ... *ахир онам касал ётарди* (Н.Нормуродов). Релятив бирикма “бехуш” ва “бетоб” классемаларига кўра тузилади.

«Образли» интеграл семали *милтирамоқ* ҳолат феълининг ҳолат актанти кучсиз, *жисоланмоқ* ҳолат феълининг ҳолат актанти ҳолсиз кабилар бўлади. Бирикма конструкцияларида: а) агенс ҳолатининг равshan ёритилмаган ҳолда юз бериши англашилади. Масалан: ... *юлдузлар хира милтирас* (Ойбек); б) агенс ҳолатининг ёқимли таъсир қилган ҳолда кечиши ифодаланади. Масалан: ...*Гўри Амир минораларининг тилла ранг бўёқлари нозик жисоланади* (О.Ёқубов); в) агенс ҳолатининг бўшашган, ҳолини йўқотган ҳолда бажарилиши қайд этилади. Масалан: *Саратон ўзи ҳам мудрайди беҳол* (А.Орипов). Феълли бирикма компонентлари учун “кучсиз”, “нафис” ва “ҳолсиз” семалари классема саналади.

Чарчамоқ, оғримоқ «физиологик» ва *таъсирланмоқ*, *босинқирамоқ* «психик» интеграл семали ҳолат феълларининг ҳолат актанти ортиқ даражада (кучли) бўлади. Ҳолат феълли сўз бирикмалари агенс ҳолатининг ҳаддан ортиқ ҳолда, кучли даражада юз беришини билдиради. “Ортиқ даражада” семаси бирикма компонентлари семеси учун классема вазифасини ўтайди. Қиёсланг: *Бугун куни билан тоғ қазиб, қаттиқ чарчаган эдим* (М.Исмоилий). *Боши қаттиқ оғрир* (У.Назаров). *Навоий Гулининг сўзларидан қаттиқ таъсирланади* (И.Султон). *Арслон уйқусида қаттиқ босинқиради* (Мирмуҳсин). Қаттиқ лексема семесида белги даражаси ортиқ бўлиб, асосан сўзлашув нутқига хосдир.

Илжаймоқ ва ишишаймоқ «физиологик» интеграл семали ҳолат феълларининг ҳолат актанти хунук (ёқимсиз) бўлади. Бирикма конструкциясида агенс жисмоний жараён ҳолатининг ёқимсиз ҳолда содир бўлиши ифодаланади. Масалан: *У профессорни кўриб, беўхишов илжайди* (У. Назаров). *Умри ... Умидага совуқ ишишайди* (Х.Назир). Демак, бирикма конструктив бирликлари маъноларининг ўзаро боғланиши “хунук” (ёқимсиз) классемасига кўра юз беради.

«Физиологик» ухламоқ ҳолат феълининг ҳолат актанти сифатида дуруст, олаймоқ ҳолат феълининг ҳолат актанти бўлиб бошқача, кулимсирамоқ ҳолат феълининг ҳолат актанти вазифасида маъюс кабилар келади. Бирикма конструкцияларида ҳолат

актантининг реализатори: а) агенс ҳолатининг тузук, дуруст ҳолда кечишини англатади. Масалан: *Ўша кеча Бобур яхши ухлади* (П.Қодиров); б) агенс ҳолатининг ўзгача, одатдагидан фарқли ҳолда юз беришини ифодалайди. Масалан: *Кўзлари ғалати олайди* (М.Исмоилий); в) агенс ҳолатининг ҳафа ҳолда содир бўлишини қайд этади. Масалан: *Гаффор aka ғамгин кулимсиради* (Н.Норматов). Сўз бирикмаси “дуруст”, “бошқача” ва “маъюс” классемаларига кўра тузилади.

Ҳолат валентлигининг отда реаллашиши. Ҳолат валентлигининг отда реаллашиши аввалги типлардан муайян хусусиятлари билан фарқ қиласи. От + ҳолат феъли қолипидаги сўз бирикмаларида нутқ бирлигининг отдан иборат тобе компоненти – ҳолат валентлигининг реализатори тил бирлиги (лексема) ва нутқ бирлиги (сўз формаси) характерида бўлишига кўра ҳолат феълли мутлақ ҳоким компоненти билан гипотактик алоқаси битишув ва бошқарув (кучизз бошқарув) муносабатида кузатилади. Феълли релятив ва феълли объектли бирикмалар тузилади. Объектли сўз бирикмаларининг шаклланишида тобе компонент таркибида фақат ўрин ва чиқиш келишиги қўшимчаларигина бўлмай, баъзан билан қўмакчиси ҳам келиб, улар феъл ва от маъноларини ўзаро боғлаш вазифасини бажаради.

Демак, бундай ҳолат феълли бирикмаларда ҳолат валентлигини воқелаштирувчи отли тобе компонент формал-синтактик шаклланишига кўра универсаллиги билан ҳолат реализаторини қайд этувчи равиш, равишдош ва сифатдан иборат тобе компонентлардан фарқ қиласи.

Ўзбек тилидаги «давомли», «образли» ва «биологик» интеграл семали ҳолат феълларининг ҳолат валентлиги отда кузатилади.

«Давомли» интеграл семали *турмоқ* ҳолат феълининг ҳолат актанти боғланган ҳолда ва таажжубланган ҳолда, *ўтирмоқ* ҳолат феълининг ҳолат актанти улуғвор ҳолда ва муайян вазиятда (алпозда), қолмоқ ҳолат феълининг ҳолат актанти иккиланган ҳолда кабилар бўлади. Ҳолат феълли сўз бирикмаларида: а) агенс давомий ҳолатининг боғлаб қўйилган ҳолда юз бериши англашилади. Масалан: *Масжиднинг эшиги олдида ... от боғлоқлик туради* (А.Қаҳҳор); б) агенс ҳолатининг ортиқ даражада ажабланган, таажжубланган ҳолда кечиши ифодаланади. Масалан: *Ёнида ҳалойик ҳайратда турар* (А.Орипов); в) агенс ҳолатининг савлат тўккан ҳолда содир бўлиши билдирилади. Масалан: *Ҳусайн*

Бойқаро салобат билан ўтирибди (М.Осим); г) агенс ҳолатининг муайян вазиятда (алпозда) кечиши қайд этилади. Масалан: *Воҳид шу аҳволда узоқ ўтириди* (О.Ёқубов); д) агенс ҳолатининг иккиланган ҳолда юз бериши ифодаланади. Масалан: *Қора Аҳмад ... тараддуудда қолди* (Ойбек). Бирикма конструкцияси “боғлиқ”, “таажжубланиб”, “муайян вазиятда ”, “улуғвор ҳолда” ва “иккиланган ҳолда” классемаларига кўра тузилади.

«Образли» интеграл семали *михланмоқ* ҳолат феълининг ҳолат қатнашувчиси диққат-эътибор қилган ҳолда бўлади. Сўз бирикмасида агенс ҳолатининг бутун вужуди билан берилган ҳолда кечиши қайд этилади. Объектли бирикма “диққат-эътиборли ҳолда” классемасига кўра ҳосил бўлади. Масалан: *Ҳалойик кўзи билангина эмас, бутун фикру зикри билан ҳам мингбошига михланган эди* (М.Исмоилий).

«Биологик» интеграл семали ўлмоқ ҳолат феълининг ҳолат актанти қийналган ҳолда бўлади. Бунда агенс ҳолатининг жуда қийналган ҳолда юз бериши англашилади. Масалан: *Ёмон жинни бўлди, ўзини уриб, тишлаб, не азоб билан ўлди* (А.Қаҳхор). *Ҳовуз четидаги учлик ёғоч от жониворнинг қорнига кириб, азоб билан ўлган* (Мирмуҳсин). Объектли бирикма аъзолари “қийналиб” классемасига кўра ўзаро бирикади.

Ўзбек тилидаги «образли» ва «физиологик» интеграл семали ҳолат феълларининг ҳолат валентлиги тақлидий сўзларда реаллашади.

Товланмоқ ва ёнмоқ «образли» интеграл семали ҳолат феълларининг ҳолат актантини қайд этувчи сўз агенс ҳолатининг нур таратган ҳолда юз беришини билдиради. Масалан: *Сув қуёши нурида ялт-ялт товланади* (Н.Ёқубов). *Осмонда эса бу кеч ҳам ...юлдуз чўглари милт-милт ёнади* (О.Мухторов).

Ухламоқ «физиологик» интеграл семали ҳолат феълининг ҳолат актантини ифодаловчи сўз агенс ҳолатининг пишиллаган ҳолда кечишини англатади. Масалан: *Онаси ҳам пииш-пииш ухлар эди* (М.Исмоилий).

ҲОЛАТ ВАЛЕНТЛИГИ РЕАЛИЗАТОРИНИНГ АГЕНС ҲОЛАТИНИ ЎХШАТИШ ЙЎЛИ БИЛАН ИФОДА ЭТИШИ

Объектив борлиқни билиш усулларидан бўлган таққослашнинг ҳаққонийлиги бевосита предметларнинг ўзаро муносабатига, қиёсланишига кўра юз беради. Таққослаш жараёнида предметлар орасидаги ўхаш ва фарқли нуқталар аниқланади, “ўзлаштирилади”. Шунга кўра таққослашнинг ижтимоий – амалий аҳамияти бекиёсдир.

Объектив борлиқ “вакиллари” орасидаги ўхаш томонларнинг аниқланиши бевосита уларнинг ўзаро қиёсланиши натижаси бўлиб, лисоний йўналишда бундай мантиқий таҳлил қиёсий (компаратив) конструкция номи билан юритилади. Демак, ҳолат феълларининг ҳолат валентлигига ҳолат актанти феълли бирикманинг мутлақ тобе компоненти позициясида қиёс эталони бўлиб келади. Қиёс эталони вазифасидаги от, баъзан сифатдошлар асосан –дек, (-дай) қиёс кўрсаткичлари билан ўхшатиш формасини¹ тузади. Шунга кўра у (от, сифатдош) қиёслаш жараёнининг етакчиси сифатида семантик жиҳатдан бирламчи, асосий бўлса, синтактик-функционал жиҳатдан доимо тобе компонент позициясида бўлиши, равиш ҳоли эканлиги, муайян ҳаракат ва ҳолат (рема) билан боғланишига кўра конкретлашиши билан характерланади. Шунинг учун ҳам у ҳоким компонентда (феълда) ифода топган агенс ҳолатининг қай тарзда бажарилишини ўхшатиш йўли билан англатади. Бунда “ўхшатиш формаси –дек (-дай) аффикси ёрдамида ясалади ва нарса ёки шахсни белги, ҳаракат ва ш.к. жиҳатдан –дек аффиксли сўз билдирган нарсага, шахсга ўхшатади, ўхшашлигини билдиради”². Шунга кўра у агенс ҳолатининг қай тарзда бажарилишини англатувчи нокомпаратив конструкциялардан фарқ қиласи. –дек (-дай) форманти ҳолат феъли билан қиёс эталонини бириктирувчи вазифа бажаради, от (-дек) +феъл моделли компаратив конструкцияни шакллантиради.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, компаратив конструкцияни тузишида баъзан бўл, каби, сингари, қатори каби синсемантик бирликлар (қиёс кўрсаткичлари) ҳам от, баъзан сифатдош билан

¹ Қаранг: Шоабдурахмонов Ш., Аскарова М., Ҳожиев А., Расулов И., Дониёров Ҳ. Ҳозирги ўзбек адабий тили, 250-бет. Бу ўринда биз ҳам А Ҳожиев фикрига тўла қўшилган ҳолда –дек формантли сўзда категориал трансформация юз бермаганлигини қайд этамиз.

² Шоабдурахмонов Ш., Аскарова М., Ҳожиев А., Расулов И., Дониёров Ҳ. Ўша асар, 250-бет.

аналитик формани тузади. Айни вақтда бу нутқ бирлиги (аналитик форма) қиёс эталони вазифасида келади. Демак, ушбу қиёс кўрсаткичлари маъноси –дек (-дай) форманти каби компаратив конструкция компонентлари маъноларини ўзаро боғлаш “хизматини” ўтайди.

Хуллас, синтетик ва аналитик формали компаратив конструкцияларда¹ агенс ҳолатининг қиёс эталонида кузатилган предмет билан ўхшашлиги қайд этилади, компаратив муносабат ифодаланади.

Ўзбек тилидаги «давомли», «ҳаракат натижаси», «ижро», «образли», «биологик», «физиологик» ва «психик» интеграл семали ҳолат феълларининг ҳолат актантини реаллаштирувчи сўз агенс ҳолатининг қай тарзда кечишини ўхшатиш йўли билан ифода этади. Бу ҳолда «давомли», «ҳаракат натижаси», «ижро», «образли», «биологик» ва «физиологик» интеграл семали ҳолат феълларининг қиёс эталони вазифасидаги ҳолат актантини англатувчи сўз –дай (-дек) қиёслаш кўрсаткичи билан келади. Шу жиҳатдан ушбу тип компаратив конструкцияларда компаратив муносабат *каби*, *сингари*, *айниқса*, *бўл*, *қатори* вариантили компаратив конструкцияларга нисбатан кучли, ортиқ даражада қайд этилади. Чунки –дай (-дек) аффиксли сўз формаларида ўхшатиш ифодасининг яққол, аниқ бўлиши бевосита ушбу кўрсаткичларнинг узуал, тил бирлиги сифатида ўхшатиш маъносига эгалигидан келиб чиқади. Улар шу маъносига кўра мустақил саналади.

«Давомли» интеграл семали *турмоқ* ҳолат феълининг қиёс эталони позициясидаги ҳолат актантини қайд этувчи сўз “ёш каби” ифодасини беради. Сўз бирикмасида агенс ҳолати суюқликка (ёшга) ўхшатилади. Масалан: *Булутларга ёндош осмон остида киприкдаги ёшдай турибди дорбоз* (А.Орипов). Кўринадики, “ёш каби” семаси классема бўлишига кўра ҳолат феълли компаратив конструкция тузилади.

Қотмоқ «ҳаракат натижаси» интеграл семали ҳолат феълининг қиёс эталони позициясидаги ҳолат иштирокчиси сифатида “тараша каби” келади. Компаратив конструкцияда агенс ҳолати тарашага ўхшатилади. Компаратив конструкция “тараша

¹ Компаратив конструкциялар ҳакида тўла маълумот олиш учун яна каранг: Черемисина М.М. Сравнительные конструкции русского языка. Новосибирск 1976.

каби” классемасига кўра тузилади. Масалан: ...*қўллари тарашиадек қотган* (О.Мухторов).

Сақламоқ «ижро» интеграл семали ҳолат феълининг қиёс эталони позициясидаги ҳолат актанти “жон каби” бўлиб, унинг реализатори агенс ҳолатининг содир бўлишини жонга ўхшатади. Компаратив бирикма компонентлари “жон каби” классемасига ўзаро боғланади. Масалан: *Шу кўк, шу ер сен билан қондоши, бирга яйра жонингдай сақла* (Зулфия).

Товланмоқ «образли» ва қизармоқ «физиологик» интеграл семали ҳолат феълларининг қиёс эталони вазифасидаги ҳолат актантини қайд этувчи сўз “лола каби” ифодасини беради. Қиёсий конструкция агенс ҳолатининг ўсимликка (гулга) ўхшаш ҳолда кечишини билдиради. Релятив бирикма “лола каби” классемасига кўра тузилади. Масалан: *Унинг эгнидаги қизгиши батист қўйлаги лоладек товланади* (Н.Ёқубов). Унга бирор қараб турмаган бўлса ҳам юзи лоладек қизарди (М.Исмоилий).

Ёнмоқ, чақнамоқ ва сўнмоқ «образли» интеграл семали ҳолат феълларининг қиёс эталони позициясидаги ҳолат иштирокчисининг реализатори “ўт каби” маъноси билан келади. Компаратив нутқ бирликларида агенс ҳолати ўтга ўхшатилади. “ўт каби” семаси классема вазифасини ўтайди. Масалан: *Кўллари қадоқланган, кўзлари ўтдай ёнган* (Ф.Ғулом). Унинг кўзлари ўтдай чақнади (О.Рахимов). Залдаги шовқин сув сепилган ўтдек сўнади (Н.Ёқубов).

«Образли» кўпчимоқ ҳолат феълининг қиёс эталони позициясидаги сўз (ҳолат актанти) “хамир каби”, пишмоқ ҳолат феълининг ҳолат актанти “ҳалим каби”, жислмаймоқ ҳолат феълининг ҳолат актанти “гўдак каби”, қотмоқ ҳолат феълининг ҳолат актанти “тош каби” ва “ҳайкал каби” ифодаси билан қатнашади. Қиёсий конструкцияларда; а) агенс ҳолати хамирга ўхшатилади. Масалан: ...*ер хамирдек кўпчиган* (Мирмуҳсин); б) агенс ҳолати руҳий ҳолатдаги болага ўхшатилади. Масалан: *Кўяпсанми, қандай яшармии олам, бепарво гўдакдай жислмаяди жим* (А.Орипов); г) агенс ҳолатининг тошга ва ҳайкалга ўхшашлиги англашилади. Масалан: *Гулноранинг ранги ўчди, ҳовли ўртасида тошдай қотди* (Ойбек). Тошдай қотдим ўшал они бир тоқатдан айрилиб (А.Орипов). У цехда юз берган фалокатни қоровулдан эшишиб, дарвоза олдида ҳайкалдек қотди (Н.Ёқубов). Демак, компаратив муносабатли сўз бирикмаси компонетларининг

боғланишида “хамир каби”, “ҳалим каби”, “гўдак каби”, “тош каби” ва “ҳайкал каби” семалари классема вазифасини ўтайди.

Ҳолат феълининг ҳолат валентлигини реаллаштирувчи отдан иборат қиёс эталони эллипсисланиб, унинг таркибидаги компаратив кўрсаткич қиёс эталонининг атрибутив формали тобе компонентига (детерминатга) мантикий равишда кўчиб ўтади. Эллипсисга учраган асосий қиёс эталони маъноси унинг тобе компонентида ифодаланади. Анифи, сифатдош атрибутув табиатига кўра муайян синтактик позицияда предметни билдириш имконига ҳам эга бўлади. Чунки аниқлаш жараёнида бевосита муайян предмет назарда тутилади. Бизнингча, шунга кўра қатор манбаларда сифатдош субстанцивацияси алоҳида тилга олинади. Демак, сифатдош қиёс кўрсаткичли сўз формасида бевосита қиёс эталони бўлади, ҳолат феълининг ҳолат актантини ташувчи саналади. Асосий қиёс эталони муайян нутқ бирлигига ўтишига, кўчишига кўра у муайян синтактик конструкцияда – нутқий вазиятда иккинчи даражали аҳамият касб этади.

Айтилганларга кўра «образли» қотмоқ феълининг ҳолат актантини кўрсатувчи сўз “сехрланган одам каби” маъноси билан келади. У агенс ҳолатининг қайд этилган шахс ҳолатига ўхшашлигини билдиради. Компаратив конструкция аъзолари “сехрланган каби” классемасига кўра ўзаро бирикади. Масалан: *Улар сехрлангандек жойида қотибди* (С.Юсупов).

«Биологик» қизармоқ ва «физиологик» шишинқирамоқ ҳолат феълларининг ҳолат актанти сифатида “юзи каби” келади. Компаратив конструкцияда агенс ҳолати муайян аъзога ўхшатилади. Қиёсий конструкция бирликлари “юзи каби” классемасига кўра ўзаро боғланади. Масалан: ...*ўрик япроқлари совуқда ўйнаган ёш боланинг лўппи юзидай қизарди*. (М.Исмоилий). ...*юзи ўша чолнинг юзидай шишинқираган* (О.Мухторов).

«Физиологик» кўпчимоқ ҳолат феълининг қиёс эталони вазифасидаги ҳолат актантини реаллаштирувчи сўз “олхўри каби” ифодаси билан қатнашади. Компаратив конструкцияда агенс ҳолати олхўрига ўхшатилади. Масалан: *Қовоқлари олудек кўпчиган* (А.Қаҳҳор). Демак, “олхўри каби” семаси классема саналишига кўра компаратив конструкция тузилади.

«Давомли», «ҳаракат натижаси» ва «биологик» интеграл семали ҳолат феълларининг қиёс эталони вазифасидаги ҳолат актантининг реализатори бўл кўрсаткичи билан аналитик формани

тузади. Бундай компаратив муносабат –дек (-дай) кўрсаткичли турдагидек кучли, ортиқ даражада англашилмайди, яъни қиёслаш-үхшатиш муносабати кучсизроқ, “хира” ифодаланади. Ўхшатиш муносабатининг кучсизлиги, бизнингча, биринчидан, бўл сўзининг үхшатиш маъносига нутқий (окказионал) эга бўлишидан, иккинчидан, унинг гап конструкциясида от билан “сўз бирикмасини” тузишидан, учинчидан, “бирикма” ҳолида предиктив марказ (феъл) билан боғланиб, унинг маъносида ифодаланган ҳолатнинг кечиш тарзини үхшатиш орқали конкретлашидан содир бўлади, нутқий факт саналади.

Кўринадики, бўл компонентининг үхшатиш формасини тузиши нутқда юз беради. У ўзича, тил бирлиги сифатида назарда тутилган маънога эга бўлмайди. Ўхшатиш ифодаси ушбу сўз маъносида потенциал имконият сифатида мавжуд бўлади. Демак, бу семантик имконият нутқда воқелашибади, фаоллашибади.

«Давомли» *турмоқ* ҳолат феълининг қиёс эталони позициясидаги ҳолат актанти “бездай”, ҳаракат натижаси бўлган *қотмоқ* ҳолат феълининг ҳолат актанти “метиндай”, биологик *сўлмоқ* ҳолат феълининг ҳолат актанти “хазондай” бўлади. Релятив бирикмадан иборат компаратив конструкцияларида: а) агенс ҳолати безга үхшатилади. Масалан: *Тўла без бўлиб тураверди* (М.Исмоилий); б) агенс ҳолатининг метинга үхшашлиги англашиллади. Масалан: ...*у ёқларда аллақачон қор ёғиб, ерлар метин бўлиб қотган* (Мирмуҳсин); в) агенс ҳолати хазонга қиёсланади. Масалан: *Хазон бўлиб боғда гуллар сўлибди* (Алпомиш). Демак, компаратив конструкция компонетларининг бирикуви учун “бездек”, “метиндек” ва “хазондек” семалари классема вазифасини ўтайди.

«Ҳаракат натижаси» интеграл семали ҳолат феълининг қиёс эталони вазифасидаги ҳолат актантини реаллаштирувчи сўз *каби*, «образли» интеграл семали ҳолат феълининг қиёс эталони вазифасидаги ҳолат актантини реаллаштирувчи сўз *сингари*¹ қиёс кўрсаткичлари билан келади. Ушбу ҳолларда компаратив муносабат –дек (дай) кўрсаткичли қиёсий конструкциялар сингари яққол, аниқ қайд этилади. Шунга кўра бундай компаратив конструкциялар бўл қиёс кўрсаткичли қиёсий нутқ бирликларида

¹ Каби ва сингари қиёс кўрсаткичли компаратив конструкциялар ҳақида яна қаранг: Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка, М-Л., 1960, 304-бет; Ўзбек тили грамматикаси, П, Т., 1976, 230-231-бетлар.

ўхшатиш муносабатининг аниқлиги, кучлилиги каби ва сингари синоним кўмакчиларининг узуал ўхшатиш маъносига эгалигидан, нутқда асосан шундай маъно билан қатнашишидан келиб чиқади.

Ёришимоқ «ҳаракат натижаси» интеграл семали ҳолат феълининг қиёс эталони вазифасидаги каби кўмакчили ҳолат актантини қайд этувчи сўз “баҳордек” маъносини ифодалайди. Бунда ҳолат актантининг реализатори агенс ҳолатини муайян фаслга ўхшатади. “Баҳордек” семаси объектли бирикма компонентлари учун классема вазифасини ўтайди. Масалан: *Бир зум баҳор каби ёришиди олам* (А.Орипов).

Чақнамоқ «образли» интеграл семали ҳолат феълининг қиёс эталони вазифасидаги *сингари* компонентли ҳолат актантининг реализатори “ёш боладек” маъноси билан келади. Компаратив конструкцияда агенс ҳолатининг ёш болаларникига ўхшашлиги ифодаланади. “Болаларниkidай” семаси классема саналади. Масалан: *Саодатнинг кўзларида худди гўдакларники сингари севинч учқунлари чақнади* (Тошкент оқшоми).

«Психик» интеграл семали ҳолат феълининг қиёс эталони вазифасидаги ҳолат актантини билдирувчи сўз қатори¹ қиёс кўрсаткичи билан келишига қўра характерланади. Бундай компаратив конструкцияларда компаратив муносабат, биз юқорида кўрган барча типлардан фарқли, мавҳум, ноаниқ бўлади. Шуни ҳам айтиш зарурки, қатори кўмакчисининг ўхшатиш маъносига эгалиги фақат муайян синтатик қуршовда – нутқда юз беради. Шу жиҳатдан бундай қиёсий конструкциялар бўй қиёс кўрсаткичили компаратив конструкциялар билан мос, тенг бўлади.

Қувонмоқ психик ҳолат феълининг қиёс эталони сифатидаги қатори кўмакчили ҳолат актантини реаллаштирувчи сўзда тенгдошлари каби денотати ифодаланади. Компаратив конструкцияда агенс (шахс) ҳолати бошқа шахслар ҳолатига ўхшатилади. Объектли бирикма “тенгдошлари каби” классемасига қўра тузилади. Масалан: *Республика мусобақасида Ўқтам рекорд қўйиб мукофотланганда, ўртоқлари қатори Ортиқ ака ҳам ичичидан қувонган* (Ҳ.Назир).

¹ Ўзбек тилшунослигига оид қатор манбаларда: Усмонов С, Мирзаев М, Расулов И. Ўзбек тили, Т., 1978, 147-бет. Турсунов У, Мухторов Ж, Рахматуллаев Ш. Т., 1975, 541-565-бетлар. Шоабдурахмонов Ш, Аскарова М, Ҳожиев А, Расулов И, Дониёров Х. Ўша асар. 405-424-бетлар, нима учундир қатори сўзи кўмакчи сўз сифатида тилга олинмайди. Шуни таъкидлаш керакки, ушбу сўз автосемантик характеристидан ташқари синсемантик табиятга эгалиги билан ҳам ажralиб туради. Яна қаранг: Ўзбек тилининг изохли лугати, II том, М., 1981, 562-бет.

Бўртмоқ биологик интеграл семали ҳолат феълининг ҳолат валентлиги такорий отда реаллашиб, компаратив муносабат ифодалашига кўра характерланади. Бунда ҳолат актантини (мунчоқ каби) реаллаштирувчи сўз ўсимлик ҳолатини шаклий жиҳатдан баҳолайди, унинг мунчоққа ўхшашлигини англатади. Қиёсланг: *Олча новдалари мунчоқ-мунчоқ бўртиб, ...* (Мирмуҳсин). Шуниси характерлики, айни компаратив конструкцияда ўхшатиш муносабати аввалги типларга нисбатан кучлироқ ифодаланиши билан, таъкидлаш оттенкасига эгалиги билан фарқ қиласди. Бизнингча, бундай компаратив фаоллик редупликатив бирлик аъзоларининг мустақил маъноли характеридан, копулятив муносабатидан, такрорланишидан, шунга кўра маънони кучайтиришидан, редупликатив формада феъл маъносидаги агенс ҳолатини аниқлаш кабилардан келиб чиқади. Шунингдек, такорий тил бирликларининг маънони кучайтириши бу тип компаратив конструкцияларда компаратив муносабатнинг “ўсишига”, таъкидланишига ва қатъийлик оттенкасининг юзага келишига олиб келади.

Демак, тил бирликларининг такрорланган, комплекс ҳолда ўз семантик-синтактик асосига (ремага) бирикиб келиши бундай синтактик конструкциялар семантикасида компаратив муносабатнинг ҳосил бўлишига таъсир қиласди. Агенс ҳолати редупликатив формада ифодаланган предметга ўхшатилади.

Хуллас, 1) “малака” интеграл семали ҳолат феълларидан бошқа барча ҳолат феъллари ҳолат валентлигига эга. Ҳолат феълларининг ҳолат валентлигига ҳолат маъноли тил бирликлари ҳолат феълларининг валентлик партнёри бўлади. Ҳолат актантини реаллаштирувчи сўзниң бошқа тип (агенс, локалис) актантларини реаллаштирувчи сўздан фарқи унинг типик синтактик позицияда бўлишида ва феъл маъносидаги агенс ҳолатининг кечиш тарзини англатишида яққол кўринади; 2) ҳолат феълидаги муайян ҳолат ҳолат валентлиги реализациоридаги ҳолат билан диалектик боғлиқликда кузатилади. Феълдаги асосий ҳолат ҳам, ҳолат актанти бўлган “тобе” ҳолат ҳам агенс ҳолати ҳисобланади. Ҳолат актантининг реализациори белги билдириш имконига эга бўлгани сабабли у асосий ҳолатни конкретлаштиради; 3) гап конструкциясида ҳолат актантини реаллаштирувчи сўз агенс ҳолатининг кечиш тарзини ўхшатиш йўли билан англатади; 4) ҳолат феълларининг ҳолат актанти кўпинча равиш, равишдош,

шунингдек, от, сифат, баъзан тақлидий сўзларда кузатилади. Ҳолат феъллари ҳолат актантини англатувчи сўз билан феълли релятив ва феълли объектли биримани тузади; 5) агенс ҳолатининг кечиш тарзини ифода этишда ҳолат актантининг реализатори вазифасидаги ҳолат равишлари етакчи ҳисобланади. 6) ўзбек тилидаги «давомли», «ҳаракат натижаси», “ҳаракат”, «биологик», «физиологик» ва «психик» интеграл семали ҳолат феълларининг ҳолат валентлиги равиша қайд этилади, холос. Бу функционал форма фақат ҳаракатнинг белгисини эмас, балки ҳолатнинг ҳам белгисини тўла англатади. 7) ўзбек тилидаги «давомли», «ҳаракат натижаси», «образли», «биологик», ва «физиологик» интеграл семали ҳолат феълларининг ҳолат валентлиги равишдошда, баъзан сифатдошда намоён бўлади. Муайян ҳолатнинг кечиш тарзини ифода этувчи равишдошда ҳолат белгиси фаоллиги ва аниқлиги билан ажралиб туради. Сифатдошда эса ҳолат белгиси нисбатан ноаникроқ, кучсизроқ бўлиб, муайян ҳолатнинг ҳолат белгисини ифодалашда у аналитик формада-ёрдамчи сўз билан келади; 8) ҳолат феълларининг ҳолат актантини реаллаштирувчи сўз вазифасида сифатнинг келиши, феълнинг маъно имкониятига кўра очиқ позициясини тўлдириши ўзига хос хусусияти билан ажралиб туради. Сифатнинг типик семантик-синтактик функциядан “чекиниши” ва гапда нотипик семантик-синтактик функцияда қайд этилиши унинг иккиласми – нутқий фаоллиги бўлиб, бу сифатнинг ҳолат феъли билан бирекишидан, препозицияда мутлақ тобе компонент позициясида келишидан, релятив биримани шакллантиришидан, шунга кўра феъл маъносидаги ҳолатни конкретлашидан, унга хос муайян белгини англатишидан юзага келади. Ҳолат актантини реаллаштирувчи сифатлар баъзи манбаларда таъкидланганидек фақат инсон руҳий ҳолатини ифодаловчи «психик» интеграл семали ҳолат феъллари билангина эмас, шунингдек, «давомли», «образли» ва «физиологик» интеграл семали ҳолат феъллари билан ҳам бирекади; 9) ўзбек тилидаги «давомли», «образли» ва «биологик» интеграл семали ҳолат феълларининг ҳолат валентлиги отда реаллашади. Бунда от формал – структурал тил бирлиги (лексема) ва нутқ бирлиги (сўз формаси) характеристида бўлишига кўра ҳолат феълли мутлақ ҳоким компоненти билан битишув ва бошқарув алоқасида кузатилади, 10) ўзбек тилидаги «образли» ва “физиологик” интеграл семали ҳолат феълларининг ҳолат актантини тақлидий сўзда ҳам қайд этилади;

11) объектив борлиқни билиш усулларидан бўлган таққослашнинг ҳаққонийлиги бевосита предметларнинг ўзаро муносабатига, қиёсланишига кўрадир. Таққослаш жараёнида предметлар орасидаги ўхаш ва фарқли нуқталар аниқланади, “ўзлаштирилади”. Объектив борлик элементлари орасидаги ўхаш томонларнинг аниқланиши бевосита уларнинг ўзаро қиёсланиши натижаси бўлиб, лисоний жиҳатдан бундай мантикий таҳлил компаратив конструкция номи билан юритилади; 12) ҳолат феълларининг ҳолат актантини реаллаштирувчи сўз компаратив конструкцияда қиёс эталони бўлиб келади. Қиёс эталони вазифасидаги от, баъзан сифатдошлар, асосан –дек (-дай) қиёс кўрсаткичи билан ўхшатиш формасини тузади; 13) компаратив конструкцияни шакллантиришда баъзан бўл, *каби*, *сингари* ва қатори синсемантик бирликлар ҳам от билан аналитик формани тузади, “бирикма” ҳолида қиёс эталони вазифасини ўтайди. Синтетик ва аналитик формали компаратив конструкцияларда агенс ҳолатининг қиёс эталонидаги предмет билан ўхшашлиги ифодаланади. Ишда қайд этилган қиёс кўрсаткичи компаратив конструкциялар ўзаро қиёсланади, ҳар бирининг ўзига хос хусусиятлари аниқланади; 14) ўзбек тилшунослигига оид қўргина манбаларда қатори сўзи нима учундир кўмакчи сўз сифатида умуман тилга олинмайди. У автосемантик сўз бўлишидан ташқари, баъзан синсемантик сўз бўла олиш қобилияти билан ҳам ажралиб туради; 15) ўзбек тилидаги «давомли», «ҳаракат натижаси», «ижро», «образли», «биологик», «физиологик» ва «психик» интеграл семали ҳолат феълларининг ҳолат актантини реаллаштирувчи сўз агенс ҳолатининг кечишини ўхшатиш йўли билан ифода этади. «Давомли», «ҳаракат натижаси», «ижро», «образли», «биологик» ва «физиологик» интеграл семали ҳолат феълларининг қиёс эталони вазифасидаги ҳолат актантининг реализатори –дай (-дек) кўрсаткичи билан келади. «Давомли», «ҳаракат натижаси», ва «биологик» интеграл семали ҳолат феълларининг қиёс эталони вазифасидаги ҳолат актантини реаллаштирувчи сўз бўл қиёс кўрсаткичи билан аналитик формани тузади. «Ҳаракат натижаси» интеграл семали ҳолат феълининг қиёс эталони функциясидаги ҳолат актантини реаллаштирувчи сўз каби, «образли» интеграл семали ҳолат феълининг қиёс эталони функциясидаги ҳолат актантининг реализатори *сингари*, «психик» интеграл семали ҳолат феълининг қиёс эталони функциясидаги

ҳолат актантини реаллаштирувчи сўз қатори қиёс кўрсаткичлари билан келиб, компаратив муносабат ифодалайди; 16) «образли» интеграл семали ҳолат феълининг ҳолат актантини реаллаштирувчи отдан иборат қиёс эталони эллипсисланишига кўра –дек қиёс форманти қиёс эталонининг сифатдош формали тобе компонентига кўчиб ўтади. Эллипсисга учраган асосий қиёс эталони маъноси унинг тобе компонентида ифодаланади. Сифатдош қиёс кўрсаткичили сўз формасида қиёс эталони бўлади.

VII БОБ

ХОЛАТ ФЕЛЬИ АСОСЛИ ГАПЛАРНИНГ САБАБ ВАЛЕНТЛИГИ

Холат феъли асосли гапларнинг сабаб валентлигини реаллаштирувчи сўз феъл маъносидаги агенс ҳолатининг содир бўлиш сабабини англатади. Муайян ҳолат сабаб нуқтаи назаридан характерланади¹. У (холат) натижа фарқли белгисига кўра, биз юқорида кўрган барча ҳолатлардан ажралиб туради. Агенс ҳолатининг натижа сифатидаги объективлиги воқеа-ҳодисаларнинг ўзаро сабабий боғланишига асосланади. Бошқача айтганда, юз берган муайян ҳолат муайян сабаб билан боғланишига кўра сабаб унинг манбаи ҳисобланади. Демак, сабаб-натижа муносабатининг шу тарзда амалга ошиши аксиома бўлиб, қонуният кучига эгадир. Аммо, бизнингча, оптик, акустик таъсири, давомийлиги, субъектда муайян эмоционал-экспрессив ҳолат уйфота олиши жиҳатидан натижа ҳолат етакчидир. Чунки муайян ҳолатнинг юз беришида сабаб бирламчи бўлса, сабабнинг мантикий давоми бўлган натижа эса амалий фаоллигига, вақт белгисига кўра етакчи саналади. У (натижа) агенс ҳолатилиги билан мустақилдир. Шунга кўра у тема-рема оппозициясида асосан рема компонентини қайд этувчи, тема компонентининг ҳолат белгисини билдирувчи феъл предикатнинг семантик асосини ҳосил қиласи.

Гапда сабаб валентлигининг реализатори ҳолат феълига тобеланиб боғланади. Сабаб актантини ифодаловчи сўзнинг ҳолат феълига бирикиши аслида улар семемаларини бириклирувчи классема характеристидаги семаларига кўра юз беради. Бундай семантик-синтактик алоқа натижасида сабаб актантли (ёки сабаб муносабатли) синтактик конструкциялар - ҳолат феълли сўз бирикмалари тузилади.

Демак, ушбу ҳолат феълли бирикма конструкциялари бошқа (масалан, адресат, ўрин, ҳолат муносабатли) бирикма конструкцияларидан каузатив муносабатанглатишига, шундай муносабатли сўз бирикмасини ҳосил қилишига кўра фарқ қиласи.

Сабаб қатнашган сўз бирикмаларида сабаб-натижа муносабатининг ифода этилиши каузатив маъноли феълларда каузатив муносабатнинг ифода этилишидан семантик, формал-структурал фарқланади. Айтмоқчимизки, семантик ва морфологик

¹ Яна қаранг: Адмони В.Г. Синтаксис современного немецкого языка. Л., 1973, 31-бет.

каузатив маъноли феъллар сабаб-натижа муносабатини якка сўз ҳолида нутқда ҳам, ундан ташқарида – тилда ҳам ифода этса, бирикма конструкцияларида бундай муносабат сабаб ва натижа маъноларига эга алоҳида автосемантик сўзлар орқали, уларнинг боғланиши, бирикуви орқали ҳосил бўлади. Шунга кўра сўз бирикмаларида сабаб-натижа муносабати каузатив феъллардагига нисбатан яққол, аниқ бўлади. Бу бевосита сабаб ва натижанинг, уларни ифода этувчи сўзларнинг алоҳидалигидан, уларнинг ҳар бири назарда тутилган маънога эгалигидан – сўз бирикмаси тушунчаси сўз тушунчасига нисбатан аниқ бўлишидан келиб чиқади. Шунингдек, каузал муносабат ҳолат феълларининг ўтимли – каузативли типларидагина мавжуд. Айни вақтда ўтимли ҳолат феълларининг ҳаммаси ҳам каузатив маъноли феъл бўла олмаслиги бизга “Ҳолат феъли асосли гапларнинг объект валентлиги” бобидан маълумдир.

Каузал муносабатнинг сўз бирикмасида ифодаланишида ҳолат феъли ўтимли ёки ўтимсизлигидан қатъий назар натижани англатади. Чунки ундаги ҳолат препозитив сабаб компонентига эга бўлади.

Каузал муносабатнинг каузатив феълларда реаллашиши семантик ва морфологик факт саналса, бу муносабатнинг ҳолат феълли бирикмаларда реаллашиши семантик-синтактик факт саналади. У бевосита семантик синтаксис аспектига киради.

Семантик ва морфологик каузатив маъноли ҳолат феълларининг объект маъносига эга тобе компоненти мавжуд, аммо унинг нутқда берилиши факультативдир. Чунки у нутқда қайд этилмаса ҳам, каузатив феъллар маъносига кўра каузал муносабат ифода этади. Каузал муносабатли сўз бирикмаларида эса натижанинг сабаби – унинг синтактик берилиши зарурӣ характердадир.

Ўзбек тилидаги «давомли», «ҳаракат натижаси», «ҳаракат», «образли», «биологик», «физиологик» ва «психик» интеграл семали ҳолат феъллари сабаб валентлигига эга. Айниқса, «физиологик» ва «психик» интеграл семали ҳолат феъллари сабаб актантининг реализатори маъно жиҳатдан турлича, миқдоран кўп бўлиб, бу инсондаги жисмоний ва руҳий ҳолатларнинг содир бўлиши бевосита муайян сабаб билан боғланишидан келиб чиқади. Айтмоқчимизки, инсонга бирон воқеа-ҳодиса, предметнинг таъсири, унда табиий равишда жавоб ҳаракатлари реакциясининг

юз беришига – натижа характеридаги жисмоний ва руҳий ҳолатга олиб келади.

Ҳолат феълларининг сўз ва сўз бирикмасида қайд этилувчи сабаб актанти кўпинча от, феъл, баъзан олмошларда ифодаланади. Ушбу туркум бирликлари (от, олмош) асосан келишикли, баъзан кўмакчили шаклланишда келиб, сабаб ҳоли вазифасини ўтайди. Сабаб актантини реаллаштирувчи сўз ҳолат феъли билан обьектли ва релятив сўз бирикмасини ҳосил қиласди.

Сабаб валентлигининг отда¹ реаллашиши. Отларнинг ҳолат феълларининг агент, контрагент, обьект ва адресат семантик валентликларида асосий категориал бирлик сифатида кузатилиши типик бўлиб, унинг бундай вазифаси анъанавий синтаксисда кўпинча эга ва тўлдирувчи, актуал синтаксисда эса кўпинча тема вазифасида бўлиши билан ҳам тасдиқланади. Отнинг назарда тутилган актантларни реаллаштириши ва гапда қайд этилган бўлаклар вазифасида келиши унинг узуал ҳолда – тил бирлиги сифатида шундай вазифани ўташ қобилиятига эгалиги билан асосланади. Айни вақтда отнинг ҳолат феълларининг локалис ва сабаб валентликларида ҳам етакчи морфологик бирлик сифатида келиши – ўрин ва сабаб ҳоли функциясида бўлиши ҳам диққатга сазовордир. Бу бевосита отнинг ҳолат феъллари семантик валентликларида энг асосий, энг муҳим категориал бирлик бўлиб кўлланишидан келиб чиқиб, синтактик жиҳатдан унинг (отнинг) асосий вазифаси қатор манбаларда таъкидланганидек “... кўпинча эга, тўлдирувчи, қаратқич”² гина бўлмай, балки ҳол ҳам бўлишидир³. Аникрофи, отнинг гапда ўрин ва сабаб ҳоли бўлиб келиши ҳам унинг етакчи синтактик вазифаси саналиши керак. Биз бундай хulosага текшириш обьектимиздан келиб чиққанимиз сабабли отнинг гап конструкцияларида эга, тўлдирувчи, ўрин ва сабаб ҳоли функциясини ўташини унинг бирламчи, типик синтактик вазифасидир, деб ҳисоблаймиз⁴.

¹ Сабаб ҳоли функциясида кўпинча турли грамматик формалардаги отларнинг келиши ҳақида яна қаранг: Убаева Ф. Ҳол категорияси, 79-80-бетлар. Ўзбек тили грамматикаси, П, 150-бет. Скобликова Е.С. Современный русский язык. И.М., 1979, 190-бет. Современный русский язык. П., М., 1979, 67-бет. Кацнельсон С.Д. Типология языка и речевое мышление, 43-бет.

² Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили, 83-бет. Яна қаранг: Современный русский язык. П.М., 1981, 93-бет. Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка, 66-бет.

³ Яна қаранг: Ўзбек тили грамматикаси. 1. 124-бет.

⁴ Қиёсланг: Гак В.Г. Сравнительная типология французского и русского языков. М., 1983, 99-бет. Бу манбада қиёсий тилшуносликнинг таникли вакили В.Г.Гак отнинг ўрин ва пайт ҳоли функциясида келишини ҳам унинг асосий вазифаси эканлигини таъкидлайди. Шунингдек, баъзи манбаларда отнинг ҳол бўлиб келиши ҳам унинг бирламчи вазифаси эканлиги айтилса-да, аммо отнинг ҳолнинг аниқ қайси типи бўлиб келиши айтилмайди. Қаранг: Ўзбек тили грамматикаси; Т., 124-бет.

Отнинг сабаб валентлигининг реализатори (сабаб ҳоли) бўлиб келиши, унинг тил бирлиги сифатида эмас, балки локалис валентлигига қўрганимиздек, нутқ бирлиги сифатида – муайян сўз формасида қўлланиши билан боғлиқ ҳолдир. Аникроғи, от келишикли сўз формасида келиб, келишик қўрсаткичи маъноси билан ҳолат феълига боғланиб, феъл маъносидаги агенс ҳолатининг юз бериш сабабини англатади. Ўзбек тилидаги «ҳаракат натижаси», «ҳаракат», «образли», «биологик», «физиологик» ва «психик» интеграл семали ҳолат феълларининг сабаб валентлигини қайд этувчи отлар каузатив муносабатни кўпинча чиқиш, баъзан жўналиш, ўрин келишикли ва кўмакчили нутқ бирликларида англатишига кўра ҳолат феъли билан келишикли ва кўмакчили бошқарувда (кучли ва кучсиз бошқарув муносабатида) бўлади, демак, объектли бирикмалар тузилади.

Отнинг чиқиш келишикли сўз формасида каузал муносабат ифодалаши¹. Диахрон ҳам синхрон синтаксисда чиқиш келишикли сўзларнинг (отнинг) сабаб маъносини англатиш фаоллиги, бизнингча, шундай формали сўз бирикмаларининг сабаб муносабатини, биринчидан, сабаб, сабабли, туфайли каби қўмакчили синтактик бирликлардан сўнг – бошқа келишикли (кўмакчили эмас) бирикма конструкцияларига нисбатан аникроқ, яққолроқ ифодалашига кўра бўлса, иккинчидан, чиқиш келишикли сўзларда сабаб маъносининг нисбий ортиклиги ушбу келишикнинг ҳаракат – ҳолатнинг чиқиш пунктини, бинобарин, сабабнинг келиб чиқиш манбани, асосини билдиришига кўрадир. Аникроғи, чиқиш келишиги қўшимчасининг узуал, “денотатив” маъноси контекстда, от лексема таркибида феъл маъноси билан боғланишига, унда реаллашган муайян ҳолатни характерлашга кўра сабаб маъносига мантиқий равишда “кўчиб ўтади”. Унда нутқий вазиятга кўра қайд этилган маънога ўтиш имкони бошқа келишик аффиксларига нисбатан кучлироқ бўлади. Бу ўринда нутқ фаолияти ўлчов вазифасини бажаради. Чунки чиқиш келишикли сўз формасининг сабаб маъноси нутқда юзага келади. Нутқ эса маълум маънода куршов аъзолари, компонентларининг семантик-синтактик муносабати, бир-бирига ўзаро таъсири ҳамдир.

¹ Яна қаранг: Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка, 362-бет. Дмитриев Н.К. Структуры тюркских языков. М., 1962, 369-бет. Щербак А.М. Грамматика староузбекского языка, М.-Л., 1962, 108-бет. Каримов К. Категория падежей языка «Кутадгу билик», АКД, Ташкент, 1962, 27-бет. Гаипов С. Способы выражения причинных отношений в современном узбекском литературном языке. АКД, Ташкент, 1971, 7-бет. Убаева Ф. Ҳол категорияси, 79-бет.

Демак, чиқиш келишиги қўшимчасининг муайян сўзда сабаб маъносини ҳам ифодалаши унинг шундай потенциал имкониятга эгалиги билан характерланади. Бу имконият нутқда, муайян синтактик қуршовда, ҳолат феъли бирикмаларда юзага чиқади.

Шунингдек, ҳолат феъли бирикма конструкциясида сабаб ифодали нутқ бирлигининг чиқиш, баъзан жўналиш келишикли, кўмакчили формаларда келишини ўз маъно қобилиятига кўра талаб қиласди. Бу ҳолда препозитив тобе бўлак сабаб маъносини тўла ифодалай олиш имкониятига эга муайян келишикли формада қўлланишга, масалан, чиқиш келишиги билан шаклланишга “мажбур” бўлади. Айтилганидек, бу нутқ факти, нутқ ҳодисаси саналади. Демак, нутқнинг универсаллиги, реализация эканлиги, коммуникатив жараёнлиги шундаки, нутқ фаолиятида муайян тил бирлигининг муайян семантик-синтактик имконияти, вазифаси намоён бўлади. Нутқда тил бирликлари семантик ва синтактик ярусда жиддий “синов”дан ўтади, ўзининг коммуникатив планга кўра нималарга “қодир”лигини кўрсатади. Нутқ жараёнида отнинг чиқиш келишикли (баъзан жўналиш ва ўрин келишикли, кўмакчили) сўз формаларида ҳолат феъли билан боғланиб, унинг сабаб актантини билдириши, каузал муносабатни ифодалаши¹ қонуний равишда диалектиканинг сабаб ва оқибат категорияси билан боғланади.

Кўринадики, отнинг сабаб валентлигини реаллаштириши, сабаб предметини ифода этиши мутлақо қонуний бўлиб, бу чиқиш келишиги қўшимчасининг отга бирикишидан, отнинг эса ҳолат феъли томонидан бошқарилишига кўра юз беради.

Чиқиш келишикли от ва феъл маъноларининг бирикувидан тузилган семантик синтагмалар қўйидаги ҳолат феъллари семантик гурӯхларида каузал муносабат ифода этади.

Ҳаракат натижаси бўлган қотмоқ, образли ёнмоқ, пўрсилламоқ, оловланмоқ, физиологик бўртмоқ, толмоқ, увушимоқ, жунжисмоқ, шумшаймоқ, жамирлашмоқ, кўкармоқ ҳолат феъллари сабаб валентлигининг реализатори (чиқиш келишикли от) “ҳарорат” денотатив маъно беради, яъни ушбу ҳолат феълларининг сабаб актанти ҳарорат бўлади. Каузал муносабатли объектили бирикмаларда: а) агенс ҳолатининг хаво ҳароратининг пасайиши сабабли содир бўлиши ифодаланади. Масалан: *Оёқлари совуқдан қотди* (Ўзб.халқ.эртак). *Қўллари совуқдан увишиди* (Гулистон).

¹ Яна қаранг: Кацнельсон С.Д. типология языка и речевое мышление, 43-бет.

Совуқдан бадани жимирилаши (Ойбек). Юзи совуқдан кўкарган эди (М.Исмоилий).

а) пунктидаги каузал муносабат ифодаловчи ...совуқдан кўкармоқ бирикмаси айнан шундай маъно муносабатини англатувчи: *совуқ сабабли кўкармоқ*, *совуқ туфайли кўкармоқ*, *совуқ учун кўкармоқ*, *совуқда кўкармоқ*, каби каузатив бирикмалар билан синонимик муносабатга киришади. Бундай синонимик микросистеманинг структурал бирликлари, улар орасидаги муносабат ўзбек тилшунослигида (умуман, туркий тилшуносликда) илмий жиҳатдан чуқур ўрганилмаган синтактик синонимиянинг текшириш обьекти саналади.

Бирлаштирувчи, умумий маъносига кўра бир хил бўлган ушбу бирикма конструкциялари нозик семантик бўёғига, қўлланиш даражасига кўра ўзаро фарқ қиласди, яъни *совуқ сабабли кўкармоқ*, *совуқ туфайли кўкармоқ* каби кўмакчили бирикмалар сабаб маъносини ортиқ даражада аниқ англатади. Бу бевосита синоним сўз бирикмаларида сабаб маъноли сўзнинг иштирок этишига, унинг тилда ҳам, нутқда ҳам шундай узуал маънода қўлланишига кўра юз беради.

Совуқ сабабли ... аналитик форманинг *совуқ туфайли* бирикмасига нисбатан қўлланиши фаолроқ бўлса ҳам, умуман олганда, у ҳам сўзлашув нутқида кам учрайди, кўпроқ адабий тилга хосдир.

Совуқ учун кўкармоқ типидаги бирикма конструкциясида сабаб маъноси аввалгиларига нисбатан пассивроқ бўлиб, бу учун компонентининг аталганлик асосий маъносини бутунлай йўқотмаганлиги билан изоҳланади.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳозирги ўзбек адабий тилида сабаб маъносини ифодалашда учун кўмакчиси қатнашган конструкциялар, айниқса, сўзлашув нутқида қўп ишлатилади. Шунга кўра улар жонли нутқда фаол бўлган сабаб маъносига эга чиқиш келишикли конструкциялар билан ўзаро мувофиқ ҳисобланади. Айни вақтда каузал муносабат англатувчи учун кўмакчили сўз бирикмалари фақат сўзлашув нутқидагина эмас, балки адабий тилда ҳам кенг кўлланади. Чиқиш келишикли сўз бирикмалари эса, асосан сўзлашув нутқига хос бўлади. Қиёсланг: *иссиқдан бўртмоқ*, *касаллиги учун сақламоқ*, *ўқимагани учун қолмоқ*.

Совуққа кўкармоқ объектли бирикмада сабаб маъноси *сабабли*, *туфайли* кўмакчили ва –дан қўшимчали нутқ бирликларига нисбатан ноанироқ, аммо учун кўмакчили формаларга нисбатан анироқ ифодаланади. Бу типда жўналиш келишги қўшимчасининг “йўналиш” маъноси анча “тарқаган”, “ўчган” бўлади. Сабаб маъносини жўналиш келишикли формада бериш сўзлашув нутқида фаолдир.

Каузал муносабатли объектли бирикмаларда: б) агенс ҳолатининг ҳаво ҳароратининг кўтарилишига кўра содир бўлиши ҳам ифода этилади. Қиёсланг: *Ҳаво иссиқдан ёнади* (Ойбек). Унинг юзи иссиқдан...пўрсиллаган эди (Ойбек). *Юзи иссиқдан бўртган*. *Ўзи иссиқдан толган* (Ф.Йўлдош). Демак, каузатив муносабат англатувчи феълли бирикма компонентлари учун классема вазифасини “ҳарорат” семаси ўтайди.

Ҳаракат натижаси бўлган қоронғилашмоқ ва образли қапишмоқ, ялтирамоқ ҳолат феълларининг сабаб актанти функциясида модда келади. Каузатив конструкцияда: а) агенс ҳолатининг кварц доначаларининг кўтарилиб чангиши сабабли юз бериши ифодаланади. Масалан: *Кум тўзонидан осмон қоронғилашган* (М.Осим); б) агенс ҳолатининг қорсимон зарралардан содир бўлиши англашилади. Масалан: *Панжара орқасидаги печак гуллар тонг қировидан ... қапишган* (А.Мухтор); в) агенс ҳолатининг муайян рангдаги модда сабабли рўй бериши билдирилади. Масалан: *Унинг кийими қора мойдан ялтиради* (Санъат). Демак, ҳолат феълли бирикма компонентларининг семемалари “модда” классемасига кўра ўзаро боғланиб, сабабнатаха муносабатини аниқ ифода этади.

Ёришмоқ «образли», *тетикланмоқ* «физиологик» ва *севинмоқ*, ҳаяжонланмоқ «психик» интеграл семали ҳолат феълларининг сабаб актанти шодлик бўлади. Ҳолат феълли сўз бирикмаларида агенс ҳолатининг юз бериши хурсандчилик, севинч туфайли эканлиги қайд этилади. Объектли бирикма “шодлик” классемасига кўра тузилади. Масалан: *Одамларнинг юzlари ... қувончдан ёришган* (Н.Норматов). *Навоий суюнчдан тетикланиб кетди* (Ойбек). У севинчдан ҳаяжонланарди (С.Юнусов).

Қуримоқ ва *саргаймоқ* «биологик» интеграл семали ҳолат феълларининг сабаб актанти сув билан таъминланмаганлик бўлади. Каузатив конструкцияда агенс ҳолатининг юз бериши суғорилмаганлик натижаси эканлиги англашилади.

“Суғорилмаганлик” семаси объектли бирикма компонентлари учун классема саналади. Масалан: *-Гулзорда сувсизликдан ҳамма гуллар қурибди* (А.Мухтор). *Сувсизликдан ... буталар япроқлари эрта саргайганди* (С.Юнусов).

Чақчаймоқ, тинмоқ, қизимоқ, кўкармоқ «физиологик» ва қўрқмоқ «психик» интеграл семали ҳолат феълларининг сабаб актанти аччиқланиш бўлади. Феълли бирикмаларда агенс ҳолатининг содир бўлиши бирон воқеа-ходисадан ранжишга, аччиқланишга кўралиги қайд этилади. “Аччиқланиш” семаси бирикма компонентлари семемаларини ўзаро бириктирувчи классемадир. Масалан: Эркакларнинг қўзлари газабдан чақчайган (Ойбек). ... аммо газабдан қўзим тинган ... (У.Назаров). ...оппоқ юзи газабдан қизарди (Х.Ғулом). Оқсоқол жаҳлдан кўкарди (С.Аҳмад). Дадам ... Олим буванинг газабидан қўрқиб, ... (А.Қаххор).

Ҳолат феълларининг сабаб валентлигини реаллаштирувчи ғазаб (-дан) ва жаҳл (-дан) отлари айни бир руҳий ҳолатни англатишига кўра синоним бўлса ҳам, коннотатив маъносига қўра ўзаро фарқ қиласди, яъни ғазаб лексема семесида “аччиқланиш” даражаси ортиқ бўлиб, у “кучли даражада”, “қаттиқ” маъно қиррасига ҳам эгалиги билан мустақил тил бирлиги саналади.

«Физиологик» интеграл семали шишимоқ, тўлиқмоқ ва қизармоқ ҳолат феълларининг сабаб актанти вазифасида “ёш тўкиш” келади. Каузал муносабат ифодаловчи сўз формаси агенс ҳолатининг йиғлаш натижасида юз беришини ифода этади. Бирикма конструкцияси “ёш тўкиш” классемасига кўра тузилади. Масалан: Унинг юзи йиғидан шишиган эди (Ўзб.халқ.эртак). Бола йиғидан тўлиқкан эди (К.Аъзамов). Унинг қовоқлари йиғидан ... қизарган эди (А.Қаххор).

Оқармоқ ва қизармоқ «физиологик» ҳолат феълларининг сабаб актанти безовталаниш бўлади. Сабаб валентлигининг реализатори агенс ҳолатининг бирон нарсани ўйлаб ташвишланиши натижасида содир бўлишини билдиради. Объектли бирикма “безовталаниш” классемасига кўра тузилади. Масалан: *Султонмуроднинг ҳаяжондан ранги бироз оқарди* (Ойбек). У ҳаяжондан қизариб кетди (“Тош.оқшоми”).

Мажсолсизланмоқ ва озмоқ «физиологик» интеграл семали ҳолат феълларининг ғам-ғуссадан “тузилган” сабабини реаллаштирувчи от агенс ҳолатининг мусибат натижасида юз беришини ифодалайди. “Ғам-ғусса” семаси классема вазифасини

ўтайди. Масалан: *Султонмурод қайғудан бутунлай мажсолсизланган эди* (Ойбек). У қайғудан ... озган эди (Ойбек).

Сураймоқ ва товламоқ «физиологик» ҳолат феълларининг сабаб актанти оч қолиш бўлади. Феълли бирикмада агенс ҳолатининг юз бериши овқат (таом) истеъмол қилмаганлик натижаси эканлиги ифодаланади. Сўз бирикмаси компонентларининг бирикуви “оч қолиш” классемасига кўра юз беради. Масалан: *Иичилар очликдан сурайган эди* (Х.Ғулом). *Бола очликдан толди* (Т.Йўлдош).

Физиологик қизармоқ ҳолат феълининг сабаб актантлари шапалоқ ва ухламаганлик, қораймоқ шу семантик груп ҳолат феълининг сабаб актантлари ел ва қоракуя кабилар бўлади. Каузатив конструкцияларда а) агенс ҳолатининг юз бериши қўл зарби туфайлилиги англашилади: Масалан: *Боланинг юзи шапатидан қизарди* (Ўзб.халқ.эртак). б) агенс ҳолати уйқусизлик натижасида содир бўлади. Масалан: Унинг кўзлари уйқусизликдан қизарибди; в) агенс ҳолати ҳаво ҳаракатининг таъсирига кўра рўй беради. Масалан: ... юзлари шамолдан қорайган эди; г) агенс ҳолатининг амалга ошиши куйинди зарраларига кўралиги ифодаланади. Масалан: *Қурумдан қорайган манглайи, юзи* (Т.Ҳамид). Демак, ушбу каузатив конструкциялар “шапалоқ”, “ухламаганлик”, “ел” ва “қора куя” классемаларига кўра ҳосил бўлади.

Физиологик қовжиралмоқ ҳолат феълининг сабаб актанти вазифасида жисмоний иш, буришмоқ ҳолат феълининг сабаб актанти функциясида азоб кабилар келади. Объектли бирикмаларда: а) агенс ҳолатининг содир бўлиши жисмоний меҳнат натижасилиги англашилади. Масалан: *Унинг юзи, қўли меҳнатдан қовжираған эди;* б) агенс ҳолатининг дард туфайли юз бериши ифода этилади. Масалан: ... *оғриқдан башараси бурушиди* (Ф.Мусажонов). Демак, “иш” ва “азоб” семалари каузатив бирикма компонентлари семемаларини ўзаро боғловчи классема ҳисобланади.

«Психик» интеграл семали *мағурланмоқ* ҳолат феълининг сабаб актанти вазифасида мақтаб айтилган гап, ўнгайсизланмоқ ҳолат феълининг сабаб актанти функциясида қутлов, ўқинмоқ ҳолат феълининг сабаб актанти функциясида бераҳмлик, қайғурмоқ ҳолат феълининг сабаб актанти вазифасида ўлим, чўчимоқ ҳолат феълининг сабаб актанти функциясида бақирмоқ, қўрқмоқ ҳолат

феълининг сабаб актанти ёмонлик тилаб койиш, қувонмоқ ҳолат феълининг сабаб актанти функциясида ғамхўрлик кабилар келади. Объектли бирималарда: а) агенс ҳолатининг яхши, ёқимли гаплар айтилиши натижасида юз бериши билдирилади. Масалан: *Тиздор мақтovдан магурланибди* (С.Юнусов); б) агенс ҳолатининг содир бўлиши муборакбод этилишига кўралиги ифодаланади. Масалан: *Анвар табриклардан анча ўнгайсизланган эди* (А.Қодирий); в) агенс ҳолатининг мажбуран кезиш туфайли рўй бериши англашилади. Масалан: *Дарбадарликдан.. жуда ўкинар эдим* (Ғ.Ғулом); г) агенс ҳолатининг юз бериши шахснинг бераҳмлиги, золимлиги туфайли эканлиги англашилади. Масалан: *Фашистларнинг шафқатсизлигидан қаттиқ ғазабланибди* (Ҳ.Назир); д) агенс ҳолатининг шахснинг ўлими сабабли содир бўлиши ифодаланади. Масалан: ... *Рустам Ботировнинг вафотидан унинг оиласи, ёрдўстларигина эмас, бутун юрт қайғурди* (Ҳ.Назир); е) агенс ҳолатининг рўй бериши кишиларнинг қичқириғи сабабли эканлиги қайд этилади. Масалан: *От одамларнинг шовқинидан баттар чўчиди* (Ўзб.халқ.эртак). ё) агенс ҳолатининг ёмонлик истаб койиши натижасида юз бериши ифода этилади. Масалан: *Бидъат ўргимчаги ўраб олган оила кишилари кампирнинг қарғишидан қўрқарди* (М.Исмоилий); ж) агенс ҳолатининг юз бериши бошқа шахснинг ғамхўрлиги натижаси эканлиги англашилади. Масалан: *Феруза Норқўзининг ўз бригадаси аъзоларига меҳрибонлигидан қувонди* (Ҳ.Ғулом). Демак, гап конструкцияларидаги каузатив бирималар “тап”, “кутлов”, “кезиш”, “бераҳимлик”, “ўлим”, “бақирмок”, “койиш” ва “ғамхўрлик” классемаларига қўра тузилади.

Шу бўлимда кўриб чиқилган бошқарилувчи позициясидаги чиқиш келишигидаги сўз формаларини (отларни) бошқарувчи қотмоқ, қоронгилашмоқ «ҳаракат натижаси», ёнмоқ, пўрсилламоқ, оловланмоқ, қапишмоқ, ялтирамоқ, ёришмоқ «образли», қуримоқ, саргаймоқ «биологик», бўртмоқ, толмоқ, увушмоқ, жунжисмоқ, шумшаймоқ, жимирлашмоқ, кўкармоқ, тетикланмоқ, чақчаймоқ, тинмоқ, қизармоқ, шишимоқ, тўлиқмоқ, оқармоқ, чарчамоқ, мажсолисизланмоқ, озмоқ, сулаймоқ, толмоқ, қораймоқ, қовжисрамоқ, бурушмоқ «физиологик» интеграл семали ҳолат феъллари гап конструкцияларида кучсиз бошқарувга эга феъллар сифатида реаллашади. Яна қиёсланг:...кўп юрганидан чарчаган эди (Ойбек).

Бошқарилувчи позициясидаги сабаб актантининг реализатори билан *севинмоқ*, *ҳаяжонланмоқ*, *қўрқмоқ*, *мағурланмоқ*, *ўнгайсизланмоқ*, *ўқинмоқ*, *газабланмоқ*, *қайғурмоқ*, *чўчимоқ*, *қувонмоқ* «психик» интеграл семали ҳолат феъллари эса кучли бошқарув муносабатида бўлади. Яна қиёсланг: ...*ўзимнинг симобдай бекарор саёклигимдан ўқинар* эдим (Ф.Гулом).

Отнинг жўналиш келишикли сўз формасида каузал муносабат ифодалаши. Туркий тилшуносликда (ўзбек тилида ҳам) жўналиш келишикли сўз формаларининг (масалан, отларнинг) каузал муносабат ифода этиши¹ ҳам характерлидир. Бу жўналиш келишиги кўрсаткичининг қуршов бирликлари таъсирида назарда тутилган маънони англатиш имконига эгалиги билан боғлиқдир.

Баъзи манбаларда “жўналиш келишигига келган сўз кесим орқали ифодаланган ҳаракатнинг (шунингдек, ҳолатнинг ҳам Р.Р.) сабабини билдириши мумкин. Бундай вақтда жўналиш келишигидаги сўз кўпинча сифатдош ёки инфинитивлардан бўлиши керак”,² дейилади. Бу фикрга қўшилган ҳолда шуни ҳам таъкидлаш керакки, жўналиш келишикли сўз формаларининг субъект ҳолатининг сабабини англатишда отларда келиши ҳам тез-тез учраб туради.

Ўзбек тилидаги «психик» интеграл семали ҳолат феълларининг сабаб валентлиги жўналиш келишикли отларда реаллашади.

«Психик» интеграл семали *ачинмоқ* ҳолат феълининг сабаб ифодаловчиси ноиложлик ва енгилганлик, *қувонмоқ* ҳолат феълининг сабаб иштирокчиси касалланмаганлик, аччиғланмоқ ҳолат феълининг сабаб қатнашувчиси бефаросатлик (бефаҳмлик), *газабланмоқ* ҳолат феълининг сабаб қатнашувчиси бўшлик (лаванглик) каби маъноларда келади. Ҳолат феълли сўз биримларида: а) агенс ҳолатининг юз бериши шахснинг чора-иложсиз қолганлигидан эканлиги англашилади. Масалан: *Навоий унинг ожизлигига ачинади* (Ойбек); б) агенс ҳолатининг спорт баҳсида ютуқни бой берганлиги, мағлубиятга учраганлиги сабабли рўй бериши ифодаланади. Масалан: *Биз командамизнинг*

¹ Қаранг: Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка, 98-бет. Гуломов А.Ғ., Аскарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили, 144-бет. Турсунов У, Мухторов Ж, Раҳматуллаев Ш, Ҳозирги ўзбек адабий тили, 134-бет. Шоабдураҳмонов Ш, Аскарова М, А.Хожиев, Расулов И Дониёров Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили, 239-бет. Гаопов С. Способы выражения причинных отношений в современном узбекском литературном языке, 13-бет. Убаева Ф. Ҳол категорияси, 79-бет.

² Зиёева И. Жўналиш келишикларининг семантикаси. Ўзбек тилининг лексик-грамматик хусусиятлари. ТошДПИ, 1981, 121-бет.

мағлубиятига қаттық ачиндик (Халқ сўзи); в) агенс ҳолатининг бажарилиши шахснинг соғломлигига, касалланмаганлигига кўралиги билдирилади. Масалан: *У қизнинг соғлигига қувонди* (Саодат); г) агенс ҳолатининг шахснинг бефаҳмлиги натижасида юз бериши ифодаланади. Масалан: ... *хотинининг...бетамизлигига ачиланиб...* (Ойбек); д) агенс ҳолатининг шахснинг лаванлигига кўра содир бўлиши ифода этилади. Масалан: ... *акасининг ... бўшилигига газабланиб...* (Ойбек). Демак, гап конструкцияларида ҳолат феълли сўз бирикмасининг тузилиши учун “ноиложлик”, “енгилганлик”, “касалланмаганлик”, “бефаросатлик” ва “бўшлик” семалари классема вазифасини ўтайди.

Каузал муносабат англатувчи *ожизлигига ачинмоқ* сўз бирикмаси *ожизлиги сабабли ачинмоқ, ожизлиги туфайли ачинмоқ, ожизлиги учун ачинмоқ, ожизлигидан ачинмоқ* каби бирикма конструкциялари билан умумий маъно муносабатини англатишига кўра синонимик гурухни ҳосил қиласди.

Қиёсга асос бўлган бирикма конструкциясида каузал муносабат синонимик вариантларига нисбатан мавҳумроқ ифодаланади ва нутқда кам қўлланади. Бу жиҳатдан от+ жўналиш келишиги + феъл қолипли сўз бирикмасига ожизлигидан ачинмоқ варианти teng келади. Аммо бу нутқда нисбатан кўпроқ ишлатилади.

Демак, сабаб муносабатли синтактик синонимларнинг ўзига ҳос хусусияти, биринчидан, уларнинг умумий сабаб-натижа муносабатини турлича аниқликда билдириши, иккинчидан, гап конструкциясида уларнинг бири ўрнига эркин ҳолда бошқасининг қўлланишидир. Бундай ўзгариш семантик жиҳатдан сўз бирикмасида ифодаланаётган асосий, умумий маънога, синтактик жиҳатдан эса уларнинг бир вазифада бўлишига ҳеч қандай таъсир қилмайди. Аммо бу мантикий таҳлилда каузал муносабатнинг кучли ёки кучсиз ифодаланиш даражаси ўзгаради. Шундай бўлсада, умумий маъно муносабати тингловчига кўпинча тўла етиб боради. Умуман, синтактик-синонимик конструкциялар муҳим стилистик восита сифатида ҳам “қадрланади”.

Шуни айтиш керакки, юқорида қайд этилган синонимик гурухга *ожизликда ачинмоқ* сўз бирикмаси семантик бирикиш имконига эга эмас. Унинг мазмун планида каузал муносабат йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки у нутқда муайян коммуникатив вазифа бажармайди. Умуман, бу тип “нутқ бирликлари” формал-

структурал жиҳатдангина бирикма конструкцияларидан фарқ қилмайди. Аммо, айтилганидек, семантик планда коммуникатив талабга жавоб бермайди. Бошқача айтганда, ҳолат феълининг валентлик имкони препозитив компонентнинг локативда бўлишини талаб қилмайди. Демак, каузал муносабат ифодаловчи жўналиш келишикли сўз бирикмасини локативли шакл билан алмаштириш мумкин бўлмайди. Аниғи, бундай ўзгаришга семантик синтаксис мутлақо йўл қўймайди.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, қайд этилган «психик» интеграл семали *ачинмоқ*, *севинмоқ*, *қувонмоқ*, *ачиғланмоқ*, *газабланмоқ* каби ҳолат феъллари тобе компонент вазифасида келаган жўналиш келишигидаги от билан кучли бошқарув муносабатида кузатилади, яъни бирикма компонентлари орасидаги семантик-синтактик боғланиш зарурий боғланиш ҳисобланади. Яна қиёсланг: *Шоҳ аскарларининг мағлубиятига қаттиқ газабланади.* (Ўз.халқ.эртак).

Отнинг ўрин келишикли сўз формасида каузал муносабат англатиши. От+да моделли сўз формаларининг сўз бирикмаси маъносини сабаб ифодасига кўра тўлдириши, бошқа келишикли типларга нисбатан кам учраши манбаларда¹ тўғри таъкидланади. Шунинг учун бўлса керак, локативли отларнинг сабаб маъносини ҳам англатиш коммуникатив функцияси қатор манбаларда² умуман тилга олинмайди. Ўрин келишикли отларнинг сабаб маъносида кам учраши, биринчидан, ўрин келишиги қўшимчасининг сўз формаларида асосий маъносини тўла сақлаб қолиши билан, иккинчидан, бошқа келишик аффиксларидан фарқли окказионал сабаб маъносида ҳам бўлиш имкони чегараланганлиги билан изоҳланади. Айтилганларга кўра у асосий маъносидан бошқа масалан, вақт, сабаб каби маъноларни англатишида ўрин маъносини тарқатмасликка ҳаракат қиласида.

Демак, ўрин келишикли нутқ бирликларининг гапда қуршов аъзолари таъсирида сабаб маъносини ифода этиши характерли бўлиб, бу муносабат (каузал муносабат) ўзбек тилидаги “малака”,

¹ Фуломов А.Ф., Асқарова М.А. Ҳозирги ўзбек адабий тили, 144-бет. Ўзбек тили грамматикаси, П, 150-бет. Акбаров С. Сабаб-натижа муносабатини ифодаловчи сўз бирикмаларининг синтактик синонимикаси масаласи. //Тилшунослик масалалари. ТДПИ, Тошкент, 1970, 62-бет. Гаюпов С. Способы выражения причинных отношений в современном узбекском литературном языке, 17-бет.

² Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка, 100-102-бет. Ҳозирги ўзбек адабий тили, П, 147-148-бетлар. Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили, 93-бет. Ўзбек тили грамматикаси, 242-245-бетлар. Абдураҳмонов Ф., Сулаймонов А., Ҳолиёров Х., Омонтурдиев Ж., Ҳозирги ўзбек адабий тили, 84-бет ва бошқалар

«биологик», «физиологик» ва «психик» интеграл семали ҳолат феълларида кузатилади.

Ўрганмоқ “малака” интеграл семали ҳолат феълининг сабаб иштирокчиси “ёрдамингизда” маъноли сўз бўлади. Объектли бирикмада агенс ҳолатининг юз бериши шахснинг ёрдами, таъсири натижасилиги англашилади. Сўз бирикмаси компонентлари учун классема вазифасини “ёрдамингиз” семаси ўтайди. Масалан: ... сизнинг туфайлигингида... кўп масалаларни ўргандим (Ойбек).

«Биологик» интеграл семали ўлмоқ, «физиологик» интеграл семали сарғаймоқ ва «психик» интеграл семали қуймоқ ҳолат феълларининг сабаб қатнашувчиси “кўнгилдаги ғам-алам (ўкинч)” маъноли сўз бўлади. Сабаб актантини реаллаштирувчи от агенс ҳолатининг содир бўлиши оғир мусибат, қайғу натижаси эканлигини ифода этади. Ҳолат феълли бирикманинг каузал муносабат ифодалашида “ғам-алам” семаси классема вазифасини ўтайди. Масалан: *Хотин ўлди қиз дардида, дозида* (С.Абдулла). *Армонда саргайди гулдайин дийдор* (Балогардон). *Қизим, даданг, энанг ҳасратингда қуийб битди* (Ойбек).

Кўринадики, объектли бирикмаларда ўрганмоқ “малака”, ўлмоқ «биологик», сарғаймоқ «физиологик» ва қуймоқ «психик» интеграл семали ҳолат феъллари ўрин келишикли препозитив компоненти билан кучсиз бошқарув муносабатига киришади.

Отнинг кўмакчили формада каузал муносабат ифодалashi. Сабаб муносабтининг кўмакчили формаларда ифода этилиши келишикли сўз формаларида ифода этилишидан коннотатив маъносига кўра фарқ қиласи, яъни кўмакчили формаларда сабаб муносабати анча аниқ, қоришиксиз ҳолда англашилади. Ушбу маъно муносабтининг гапда аниқ, яққол ифода этилиши унинг сабаб маъноли сўзда реаллашишига кўра юз беради. Кўмакчили формалар формал-структурал жиҳатдан келишикли сўз формаларидан фарқ қилса ҳам, аммо позицион, препозицияда келишига кўра, улар билан мувофиқ бўлади. Бу синтактик қонуният кучига эгадир. Шунингдек, кўмакчили формаларнинг ҳам келишикли сўз формалари каби сабаб маъносига фаол ишлатилиши ўзбек тили грамматикасига оид адабиётларнинг деярли бирчасида таъкидланади.

Ўзбек тилидаги «давомли», «ҳаракат натижаси», «ҳаракат», «образли», «биологик», «физиологик» ва «психик» интеграл семали ҳолат феълларининг сабаб валентлигини реаллаштирувчи отлар

сабаб маъносини англатиша кўпинча билан, баъзан учун, биноан, таъсирида, орқасида ва олдида каби кўмакчилар билан келади.

Ўзбек тилшунослигига оид қатор манбаларда билан кўмакчили форманинг биргалик, восита, пайт, ўрин каби маънолари қайд этилган ҳолда унинг нутқда сабаб маъно муносабатини ифода этиши тилга олинмайди. Ваҳоланки, ҳолат феълларининг сабаб валентлигини реаллаштирган от + кўмакчи қолипли аналитик формаларда сабаб маъносини энг кўп ифода этувчи кўмакчи биландир¹. Шунга қўра айрим манбаларда “..сабаб уносабатини ифодалайдиган кўмакчили конструкцияда билан кўмакчиси учун кўмакчисига қараганда кам учрайди², деган фикрга қўшилиш қийин. Биз текшириш объектимиздан келиб чиқиб, юқорида қайд этилган фикрга акс фикрдамиз.

«Давомли» интеграл семали ётмоқ ҳолат феълининг сабаб актанти амр-фармон бўлади. Каузатив конструкцияда агенс ҳолатининг содир бўлиши шахснинг фармонига, буюришига кўралиги англашилади. Объктли бирикма “амр-фармон” классемасига кўра тузилади. Масалан: ...командирнинг буйруги билан ётқизди (Ойбек).

Оғирлашмоқ «ҳаракатнинг ҳолати» феълининг сабаб актанти вазифасида туҳмат билан бўлади. Сабаб валентлигининг реализатори агенс ҳолатининг туҳмат натижасида юз беришини билдиради. Феълли бирикма “туҳмат” классемасига кўра тузилади. Масалан: *Бойларнинг чақиги билан Йўлчининг иши оғирлашиди* (Ойбек).

«Образли» интеграл семали олтинланмоқ ҳолат феълининг сабаб актанти нурдан бўлади. Феълли бирикмада агенс ҳолатининг нур таъсирида юз бериши ифода этилади. Сўз бирикмаси компонентлари учун класема функциясини “нур” семаси ўтайди. Масалан: *Қуёшининг шуълалари билан олтинланарди* (Ойбек).

Ўлмоқ «биологик» интеграл семали ҳолат феълларининг сабаб актанти бетобланиб бўлади. Бу ҳолда агенс ҳолатининг организмда сув йиғилиши сабабли рўй бериши англашилади. “Бетобланиб”

¹ Билан кўмакчили формаларнинг сабаб маъносини англатиши ҳақида қаранг. Гуломов А. Кўмакчили конструкция ҳақида. 1940, 34-бет. Кононов А.Н. Последоги в современном узбекском литературном языке, 12-бет. Балакаев М.Б. Современный казахский язык. Синтаксис. Алма-ата. 1955, 79-бет. Коклянова А.А. Последоги и служебные имена в узбекском языке. Труды И.Я. АН т.Ш, 1954, 192-бет.

² Акбаров С. Сабаб-натижа муносабатини ифодаловчи сўз бирикмаларининг синтактик синонимикаси масаласи, 65-бет. Яна қаранг: Гаюпов С.И. Способы выражения причинных отношений в современном узбекском литературном языке, 18-бет.

классемасига кўра феълли бирикма тузилади. Масалан: *У киши яқинда истисқо касали билан ўлди* (Ғ.Ғулом).

«Физиологик» интеграл семали қабармоқ ҳолат феълининг сабаб актанти вазифасида жисмоний ишдан, *сарғаймоқ* ҳолат феълининг сабаб актанти сифатида азобдан кабилар келади. Бирикма конструкцияси: а) агенс ҳолатининг оғир, жисмоний ишдан юз беришини англатади. Масалан: *Меҳнат билан қадоқ қўли қабарган* (Б.Бойқобилов); б) агенс ҳолатининг рўй бериши азобуқубатдан, руҳий таъсирланишданлигини билдиради. Масалан: *Ғам билан сарғайди гулдайин дийдор* (“Алпомиш”). Демак, феълли бирикма “жисмоний иш” ва “жаҳл” классемаларига кўра тузилади.

Синтактик синонимиянинг асосий принципларидан бири сўз бирикмасининг формал-структурал турли, яъни келишикли ва кўмакчили қўринишлари воситасида умумий, бир хил денотатив маъно англатиши¹ ҳукмидан келиб чиқиб, каузал муносабатли охирги синтактик конструкциянинг қуидаги нутқий вариантларини келтирамиз: *ғам сабабли сарғаймоқ*, *ғам туфайли сарғаймоқ*, *ғамга кўра сарғаймоқ*, *ғам учун сарғаймоқ*, *ғамдан сарғаймоқ*.

Бу семантик гурухга *ғамда* (ёки *ғамга*) *сарғаймоқ* “бирикмаси” типик маъно муносабатини англата олмаслигига кўра бирикмайди. Бу “сўз бирикмаси”нинг мантикий тушунча англатишга ўтиши, коммуникатив вазифа бажариши учун ҳолат феълли бошқарувчининг талабига кўра от бошқарилувчи юқорида қайд этилган сўз формаларидан бирида келиши шарт. Шундагина у (от) – сўз бирикмаси муайян гапнинг конструктив бирлигига ўтади.

«Психик» интеграл семали *руҳланмоқ* ҳолат феълининг сабаб актанти завқ-шавқ (фаҳрланиш) билан, *бўшаимоқ* ҳолат феълининг сабаб актанти фикри билан, ғурурланмоқ ҳолат феълининг сабаб актанти шу куни билан кабилар бўлади. Каузатив сўз бирикмаларида: а) агенс ҳолатининг ғалаба нашидаси туфайли юз бериши кўрсатилади. “Завқ-шавқ” семаси классема характеристидадир. Масалан: *Подио аскарлари зафар гурури билан руҳланди*. (Ўз.халқ.эртак.); б) агенс ҳолатининг шахс билдирган муайян фикрга кўра содир бўлиши қайд этилади. “Фикр” семаси классема характеристидадир. Масалан: *Офтоб ойим эрининг кейинги сўзи билан анчагина бўшаиди* (А.Қодирий); в) агенс ҳолатининг яшаш пунктигининг ҳозирги аҳволи сабабли содир бўлиши

¹ Яна қаранг: Апресян Ю.Д. Идеи и методы современной структурной лингвистики. М., 1966. 157-бет.

ифодаланади. “Шу куни” семаси классемадир. Масалан: У бу юртнинг ҳозири билан ғурурланади (Ш.Тошматов): *Юртнинг ҳозири билан ғурурланмоқ, юртнинг ҳозири сабабли ғурурланмоқ, юртнинг ҳозири туфайли ғурурланмоқ, юртнинг ҳозирига кўра ғурурланмоқ, юртнинг ҳозири учун ғурурланмоқ, юртнинг ҳозиридан ғурурланмоқ* синонимик конструкцияларда каузал муносабат биз кўрган аввалги типларга нисбатан мавхумроқ ифодаланади. Бу, бизнингча, сабаб маъноли тобе компонентнинг субстантив пайт равишидан бўлишига кўра юз беради. Шунинг учун сўз формасида сабаб маъносига нисбатан пайт маъноси нисбатан ортиқроқ кузатилади. Аниқроғи, у ҳам пайт, ҳам предмет (сабаб предмети) англатади. Шунга кўра бу ҳолларда сабаб маъноси “хиралашади”. Бизнингча, муайян сўз туркумига оид бирлик отлашиб, отнинг вазифасини бажаришида унда ифодаланган предмет отлардагидек аниқ, яққол ифодаланиб турмайди. У қоришиқ ҳолда бўлади. Бу мутлақо мантиқий бўлиб, отлашган сўзнинг нутқда ҳам ўзининг асосий, узуал маъносини, ҳам нутқий юзага келган окказионал маъносини англатишига кўра асосланади. Шунга кўра отлашган сўз маъноларида ифодаланган белги предметли бўлса, предмет белгили бўлади. Шу жиҳатдан на белги, на предмет соғ ҳолда бўлмайди. Отлашиш хусусиятига эга тил бирликлари предмет англатишига қарамай ўзининг доимий, типик маъно хусусиятини мантиқий равишда ортиқроқ даражада сақлайди. Чунки унинг предмет ифодалаши факультатив – нутқий бўлиб, унинг белги ифодалаши асосийлиги, зарурийлиги, тилда ҳам, нутқда ҳам асосан, шу вазифада иштирок этиши билан характерланади. Қиёсланг: *Яхши одамлар ёрдир менга – яхшилар ёрдир менга* (Қўшиқдан). *Йиқилган бола тезда турди – йиқилган тезда турди* (сўзлашув нутқидан).

Таҳлил объектли бўлган «давомли» интеграл семали ётмоқ, «ҳаракатнинг ҳолати» оғирлашмоқ, «образли» олтинланмоқ, «биологик» ўлмоқ, «физиологик» қавармоқ, қизармоқ, саргаймоқ ҳолат феъллари объектли бирикмада билан кўмакчили тобе компоненти билан кучсиз бошқарув, «психик» интеграл семали руҳланмоқ, бўшашибмоқ ва ғурурланмоқ ҳолат феъллари эса препозициядаги анализик форма билан кучли бошқарув муносабатида бўлади.

Ўзбек тилидаги ҳолат феълларининг сабаб валентлигини реаллаштирувчи отнинг учун кўмакчиси билан келиши ҳам

характерли эмас. Бу шу кўмакчили отнинг натижанинг сабабини англатиш маъно имконияти анча чегараланганлигини кўрсатади. Шунингдек, бундай бирикма конструкцияларининг ҳоким компоненти вазифасида “ҳолат” архисемали феълларнинг келишидан, уларнинг эса сабабни ифода этувчи сўзнинг, асосан, сабаб маъносини аниқ, қоришиқиз ифодалаб турадиган кўмакчилар (сабабли, туфайли) билан келишини бевосита талаб қилишидан ҳам юз беради. Отлар учун кўмакчиси билан келиб, сабаб маъноли бўлганда, бу кўмакчи аталганлик маъно қиррасини бутунлай йўқотмайди. Шунга кўра у сабаб маъносини мавхумроқ ифодалайди. Бундай аналитик формалар сабаб, сабабли, туфайли кўмакчили формалардагидек сабаб маъносини ўзича (дистрибуциясиз) эмас, балки феълли бирикмада, феълда ифодаланган ҳолат ўзининг юз бериш сабабига эгалигига, унинг сабабини билдирувчи сўз сифатида отларнинг ҳам қўлланишига – от ва феъл маъноларини мантиқий бириктириш учун хизмат қилишига кўра учун кўмакчили формада сабаб маъноси ҳосил бўлади. Аммо сабаб муносабати аталганлик бўёғи билан англашилади, яъни уялмоқ, ўнгайсизланмоқ «психик» интеграл семали ҳолат феълларининг сабаб актанти хат-саводи йўқлигидан бўлади. Семантик синтагма агенс ҳолатининг ўқиш ва ёзишни билмаганлиги туфайли юз беришини билдиради. “Хат-саводи йўқ” семаси классема саналади. Масалан: *У савдосизлиги учун одамлар олдида ўнгайсизланди, уяди* (Тошкент оқшоми). Демак, «психик» интеграл семали уялмоқ ва ўнгайсизланмоқ ҳолат феъллари сабаб актантининг учун кўмакчили реализатори билан кучли бошқарув алокасида бўлади.

Ҳаракат натижаси *абадийлашмоқ* ҳолат феълининг сабаб актантини ифода этувчи от биноан кўмакчиси билан келади. Шунга кўра бу типда каузатив муносабат бошқаларга нисбатан аниқ қайд этилади. Бу, албатта, кўмакчи сўзнинг сабаб, сабабли маъносига узуал эгалигидан келиб чиқади. Кучсиз бошқарувдаги бирикмада иштирок этган сабаб актантининг реализатори “хукмга кўра” маъносини англатади. Каузатив конструкцияда агенс ҳолатининг раҳбар ташкилот томонидан қабул қилинган фикрга мувофиқ юз бериши ифодаланади. “Хукмга кўра” семаси классема бўлади. Масалан: *Усмон Юсуповнинг мўътабар номи ҳукуматимизнинг қарорига биноан абадийлаштирилди* (Газетадан).

Терламоқ «физиологик» интеграл семали ҳолат феълининг сабаб валентлигини реаллаштирувчи нутқ бирлиги от+таъсирида моделли бўлади. Шуни таъкидлаш керакки, *таъсирида* сўзи от билан биргаликда муайян ҳолатнинг юз бериш сабабини қучли, яққол билдиради. Шунга қўра у сабабли кўмакчиси билан тенглаша олади.

Таъсирида кўмакчили конструкцияда шахс ҳолатининг юқори ҳароратдан содир бўлиши англашилади. “Ҳарорат” семаси классема вазифасида келади. Масалан: *Шоҳидбек.. манти иссиқлиги таъсирида яна обдон терлаган эди* (А.Қодирий). Бу ўринда ҳам ҳоким компонентнинг (ҳолат феълининг) тобе компоненти (аналитик форма) билан боғланиши, бошқарув алоқаси кучсиз бўлади.

Ўзбек тилидаги ҳолат феълларининг сабаб валентлигини реаллаштирувчи от баъзан *орқасида* ва *олдида* кўмакчилари билан ҳам каузал муносабат англатади.

Ўзбек тили грамматикасига оид ишларнинг айримларида¹ от+орқасида моделли анализатор манифести форманинг сабаб маъносини ҳам англатиши айтилса, бошқаларида² бу кўмакчили нутқ бирликларининг сабаб маъносини ҳам ифода этиши тадқиқотчилар эътиборидан четда қолади.

Олдида кўмакчили сўз бирикмаларининг каузал муносабат ифодалавчи эса ўзбек тилига оид дарслик, қўлланма, илмий иш ва мақолаларнинг бирортасида ҳам қайд этилмайди.

Бизнингча, *орқасида* ва *олдида* кўмакчили формаларнинг сабаб муносабатини ифода этишда кам учраши бевосита уларнинг, асосан, от кўмакчи сифатида ўрин маъносини англатишидан келиб чиқади. Чунки уларнинг ўрин маъноси ҳам тилда, ҳам нутқда реаллашувчи асосий ифодадир. Шунингдек, ушбу кўмакчиларда ўрин маъносининг асосийлиги ўзак ва аффикс морфемаларнинг ўрин маъносига узуал эгалигидан англашилиб туради.

¹ Ҳозирги ўзбек адабий тили, 147-бет. Ўзбек тили грамматикаси, П. 151-бет. Абдураҳмонов F., Сулаймонов А., Холиёров X., Омонтурдиев Ж., Ҳозирги ўзбек адабий тили, 84-бет. Акбаров С. Сабаб-натижа муносабатини ифодаловчи сўз бирикмалари синтактик синонимики масаласи, 69-бет. Гаюпов С.И. Способы выражения причинных отношений в современном узбекском литературном языке, 26-бет.

² Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка, 316-бет. Фуломов А.Ф, Аскарова М.А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 561-бет. Турсунов У, Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили, 242 –бет. Шоабдураҳмонов Ш., Аскарова М.А. Ҳожиев А., Расулов И, Дониёров Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили, 421-бет. Убаева Ф. Ҳол категорияси, 79-бет.

Шуни таъкидлаш керакки, айрим манбаларда¹ ҳам тўғри айтилганидек, сабаб валентлигини реаллаштирувчи от+кўмакчи формаларнинг биринчи компоненти мавҳум отлардан бўлади. Демак, орқасида, олдида кўмакчилари асосан мавҳум отлар билан келиб, нутқ бирлигини тузганда, кўмакчи сабаб маъносани англатади, яъни *азобланмоқ* «психик» интеграл семали ҳолат феълининг сабаб актанти ”бўхтон орқасида” бўлади. Унинг (сабабнинг) реализатори агенс ҳолатининг асосиз даъво сабабли юз беришини билдиради. “Бўхтон” семаси классема бўлади. Масалан: *онагина эмас, гуноҳсиз болалар ҳам туҳмат орқасида қаттиқ азобланадилар* (“Соҳибқирон”). *Бўшашимоқ* «психик» интеграл семали ҳолат феълининг сабаб актанти “муайян фикр орқасида” бўлади. Сабаб валентлигининг реализатори агенс ҳолатининг муайян ўй-фикр таъсирида юз беришини ифода этади. “Фикр” семаси классема вазифасини ўтайди. Масалан: ... *шу мулоҳазалар орқасида бир оз бўшашиди* (Ойбек).

Иккilanmoқ «психик» интеграл семали ҳолат феъли сабаби (вазифа олдида) нинг реализатори агенс ҳолатининг содир бўлиши муайян иш, вазифага кўралигини қайд этади. “Вазифа” семаси классема саналади. Масалан: ... *бу кутимаган топшириқ олдида иккиланди* (Ҳ.Назир). Демак, от кўмакчили нутқ бирликлари каузал муносабатни мантиқий равишда ўрин маъно оттенкаси билан ифодалайди.

Кўринадики, *азобланмоқ, бўшашимоқ* ва *иккиланмоқ* «психик» интеграл семали ҳолат феъллари объектли бирикмаларда кучли бошқарувга эгалиги билан ажралиб туради.

Хуллас, таҳлил объектидан келиб чиқиб, ўзбек тилидаги ҳолат феълларининг сабаб валентлигини реаллаштирувчи турли сўз формалари даги отлар ўзлари англатган предметнинг характеристига кўра қўпроқ мавҳум отлар эканлигини, шунингдек, бу вазифада аниқ отлар ҳам учраб туришини алоҳида таъкидлаймиз.

Сабаб валентлигининг феълда реаллашиши. “Энг мураккаб ва энг катта грамматик категория”²... бўлган феълнинг маъно бойликларидан бири унинг гапларда сабаб маъносини ҳам

¹ Закиев М.З. Синтаксический строй татарского языка, 1963, 144-бет. Ўзбек тили грамматикаси, II, 151-бет. Ҳозирги ўзбек адабий тили, II, 147-бет. Абдураҳмонов F., Сулаймонов А., Ҳолиёров X., Омонтурдиев Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тили, 84-бет. Акбаров С. Сабаб-натижа муносабатли сўз бирикмалари синтактик синонимикаси масаласи, 63-бет. Гаюпов С.И. Способы выражения причинных отношений в современном узбекском литературном языке, 26-бет каби ишларда келтирилган гапларда ҳам орқасида кўмакчили форманинг етакчи компоненти асосан мавҳум отдан бўлади.

² Виноградов В.В. русский язык, 337-бет.

англатиш қобилияти бўлиб, унинг объективлиги муайян натижа ҳолат билан диалектик боғлиқликда реаллашганда яққол кўринади.

Феълларнинг ўз маъно вазифаларини функционал шакллари орқали амалга ошириши мутлақо мантиқийдир. Шу сабабли ўзбек тилшунослигига оид қатор ишларда¹ ҳакли равишда сабаб ҳоли вазифасида ҳаракат номи, равишдош ва сифатдош функционал формаларнинг келиши алоҳида таъкидланади. Демак, ўзбек тилидаги ҳолат феълларининг сабаб актантини қайд этувчи феъллар функционал шаклларига кўра каузатив муносабатни ҳам ифода этади.

Сабаб валентлигининг равишдошда реаллашиши.

Равишдошнинг ҳолат феълларининг сабаб валентлигини реаллаштириши сифатдош ва ҳаракат номига нисбатан фаолроқдир. Бунда равишдош + ҳолат феъли қолипли релятив бирикма тузилади. Ушбу ва сифатдош + ҳолат феъли, ҳаракат номи + ҳолат феъли моделли бирикма конструкцияларининг шаклланиши аслида ҳар икки феъл семемаларини семантик синтагма муносабатига киритувчи, “... гап структур схемасининг компоненти...”² га ўтишини таъминловчи классема ҳарактеридаги семанинг мавжудлигидан юз беради. Аниқроғи, мазкур ҳолат феълли бирикмалар асосий феъл валентлик имкониятининг воқелашиши сифатида кузатилади.

Равишдошнинг агенс ҳолатини сабаб белгиси жиҳатдан характерлашида унинг –и (б), баъзан –а, -май, -гач формантли варианлари функционал фаол бўлади. Айни вақтда сабаб маъноси турли формантли равишдошлар орқали ифодаланса ҳам, аммо ҳар бир равишдош шакли типик маънони ифодалашда ўзига хос хусусиятларига, услубий белгиларига, умумий маъно муносабатини англатиш даражасига кўра фарқ қиласи. Бу эса бевосита семантик принципга асосланади.

Равишдошнинг сабаб маъносига кўп қўлланиши унинг бошқа функционал формаларида нисбатан шу маънони англатиш имкони ортикроқлиги билан изоҳланади.

Ўзбек тилидаги «физиологик» ва «психик» интеграл семали ҳолат феълларининг сабаб валентлиги кўпинча –и (б) қўшимчали равишдошларда кузатилади.

¹ Каранг: Фуломов А.Ғ., Аскарова М.А. Ҳозирги ўзбек адабий тили 144-бет. Убаева Ф. Ҳол категорияси, 106-108-бетлар. Ўзбек тили грамматикаси, П, 151-152-бетлар.

² Иванов И.П., Бурлаков В.В., Почепцов Г.Г. Теоретическая грамматика современного английского языка, 200-бет.

*Чарчамоқ, толиқмоқ «физиологик» интеграл семали ҳолат феълларининг сабаб актанти “кўз узмасдан қараб”, “пойлаб”, “харакатланиб”, “ўйлаб” ва “сўзлаб” кабилар бўлишига кўра каузал муносабатли бирикмалар: а) агенс ҳолатининг муайян обьектга узоқ вақт қараб туришидан юз беришини англатади. “Қараб” семаси классема вазифасини ўтайди. Масалан: *Лекин йўлга тикилавериб, кўзлар чарчади* (Ойбек). Яна қар: *Тикилавериб, тикилавериб, кўзлар толиқди* (Н.Норматов); б) агенс ҳолатининг юз бериши бирон шахснинг келишига мунтазирлиги натижасилигини ифода этади. Феълли бирикма аъзолари “пойлаб” классемасига кўра ўзаро боғланади. Масалан: *Бола кутавериб чарчади* (сўзлашув нутқидан); в) агенс ҳолатининг оёқда ҳаракатланиши туфайли юз беришини билдиради. “Ҳаракатланиб” семаси классема бўлади. Масалан: *Лашкарлар кун бўйи юриб чарчаган эди* (Ўз.халқ эртак); г) агенс ҳолатининг муайян жисмни куч воситасида ўйиши сабабли содир бўлишини қайд этади. Каузатив конструкция “ўйиб” классемасига кўра тузилади. Масалан: *Бугун куни билан тоз қазиб, қаттиқ чарчаган эдим* (М.Исмоилий); д) агенс ҳолатининг рўй бериши сўзлаш натижаси эканлигини ифодалайди. Масалан: *Ўғлимга гапиравериб, жагим чарчади* (Саодат).*

а), б), д) пунктларидағи ҳолат феълларининг сабаб актантини ифода этган сўз денотатив маъноси “давомийлик” коннотатив маъноси билан келади. Яъни ушбу типларда сабаб актантининг ифодаловчиси “кўп, ортиқ даражада” маъно қирраси билан бошқа типлардан фарқ қилишига кўра денотатив+коннотатив маъноли семантик “қолип”да бўлади. Шунга кўра улар (сабаб воситалари) факат денотатив маъно берувчи бошқа сабаб валентликлари реализаторларидан – равишдошдан фарқ қиласи.

«Физиологик» интеграл семали ҳолсизланмоқ ҳолат феълининг сабаб актанти “қайт қилиб”, *кўпирмоқ* ҳолат феълининг сабаб актанти “югуриб”, *ухламоқ* ҳолат феълининг сабаб актанти “ҳориб-толиб” кабилар бўлади. Релятив бирикмаларда: а) агенс ҳолатининг кўнгли айниб, қайт этиши натижасида юз бериши ифодаланади. Масалан: *Касал бола қусиб, баттар ҳолсизланди* (Сўзлашув нутқидан); б) агенс ҳолатининг жуда кўп югуриши туфайли содир бўлиши англашилади. Масалан: *От чопавериб, кўпиреб кетган эди* (Ғ.Ғулом); в) агенс ҳолатининг чарчаши натижаси эканлиги қайд этилади. Масалан: *Юракда аллақандай гашлик уйготувчи жимлик бошланганда, у чарчаб ухлаб қолди*

(Н.Норматов). Демак, каузал муносабат ифодаловчи бирикма конструкциялари компонентлари “қайт қилиб”, “югуриб” ва “ҳориб-толиб” классемаларига кўра ўзаро боғланади.

Шуниси характерлики, каузал муносабат ифода этувчи ҳолат феълли бирикмаларда тобе компонент вазифасидаги равишдош сабаб маъносини қоришикроқ англатишига кўра ажралиб турди, яъни бирикма препозитив компонентида сабаб маъноси билан бирга пайт¹ ва ҳолат маъно қирралари ҳам англашилади². Шундай бўлсада, феъл (равишдош) сўз бирикмасида асоан сабабни ифода этади, натижанинг қандай сабабий боғланиш асосида содир бўлишини билдиради. Шунингдек, сўз (равишдош)да сабаб маъносининг етакчилиги, биринчидан, унинг (равишдошнинг) феълда ифодаланган ҳолат билан диалектик боғлиқлигидан, яъни, айтилганидек, натижанинг мантиқий-маънавий жиҳатдан сабаб оппозициясини талаб қилишидан, шунга кўра феъл+феъл қолипидаги бирикма компонентларининг семантик боғланиши каузал муносабатга кўра бўлса, иккинчидан, шу маъно муносабатининг сабаб-натижа сифатида реаллашиши бундай бирикма конструкцияларининг синонимик вариантларини келтириш билан ҳам объектив характерда бўлади, қолаверса, бунда сўроқ бериш усули ҳам объектив усул саналади. Қиёсланг: *Ёш эмасми, эрини соғиниб сиқиларди* (Ўзбекистон овози). ... *эрини соғиниб сиқилмоқ* бирикмаси каузал муносабат ифода этувчи қуйидаги вариантларига эга: *эрини соғингани сабабли сиқилмоқ*, *эрини соғингани туфайли сиқилмоқ*, *эрини соғинганига кўра сиқилмоқ*, *эрини соғингани натижасида сиқилмоқ*, *эрини соғинганидан сиқилмоқ*.

Демак, равишдош+ҳолат феъли моделли синтактик конструкция тобе компонентининг ушбу синонимик вариантларга ўтиши натижасида феълли бирикмаларда каузал муносабат яна ҳам яққол намоён бўлади.

Кўринадики, айни бир маъно муносабатининг қайд этилган грамматик қолипларда кузатилиши – ушбу типлар синтактик синонимиянинг объекти сифатида каузал муносабат ифода этиш учун хизмат қиласи. Бир мазмунга бирдан ортиқ форманинг хизмат қилиши диалектик фалсафа принципига кўра объектив, қонуний

¹Аскарова М.А. Ҳозирги замон ўзбек тилида қўшма гаплар, Тошкент, 1960, 96-бет.

² Равишдошнинг сабаб маъносини пайт ва ҳолат маънолари билан англатиши унинг гапда қўпинча ҳаракат – ҳолатнинг юз бериш вақти, бажарилиш ҳолатини ифодаловчи асосий функционал формалиги билан изоҳланади.

бўлса, бир томондан, иккинчи томондан, объектив борлиқнинг тилдаги инъикоси сифатида бир қанча синтактик конструкцияларнинг бир мазмун планида бўлиши ўзбек тилининг, унинг луғат таркибининг бойлигини, нутқий ифодаларининг кўплигини, тилимизнинг такомилини кўрсатувчи фактор саналмоғи лозим. Шунга қўра “тилнинг грамматик қурилиши ўз тараққиётининг ҳар бир юқори босқичига кўтарилиган сайин оддийликдан мураккабликка, қўйи ҳолатдан юқори ҳолатга Қараб тараққий этиб боради. Бу хил тарихий ўзгариш, шубҳасиз, предмет билан ҳодиса ўртасидаги муносабатни, унинг типи ва ифодалайдиган грамматик воситаларини кенгайтиради, сўз, сўз бирикмаси ва гапнинг тузилишини ундаги лексик-грамматик воситаларни янги тип ва формалар билан бойитади. Тилда содир бўлган бу тарихий ўзгариш бошқа ҳодисалар қаторида маъноси жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган сўзларни, параллел формаларни ва вариантили конструкцияларни ҳам аста-секин шакллантириб боради...¹. Демак, умумий маъноси ва синтактик вазифасига қўра бир хил бўлиб, ўзаро фикр алмашишда бири ўрнида иккинчиси эркин қўлланадиган бундай параллель конструкциялар фикр ифодалашнинг нутқий воситалари сифатида алоҳида аҳамиятга эгадир. Шу сабабли, айтилганидек, уларни кенг доирада илмий асосда ўрганиш ўзбек тилшунослигининг – семантик синтаксиснинг (синтактик синонимиянинг) муҳим вазифаларидан биридир.

Ўзбек тилидаги «физиологик» ва «психик» интеграл семали ҳолат феълларининг сабаб валентлиги баъзан – а қўшимчали равишдошларда ҳам кузатилади.

«Физиологик» интеграл семали *чарчамоқ*, *ҳоримоқ* ҳолат феълларининг сабаб актантини ифода этувчи сўз “тез ҳаракатланиб”, *зерикмоқ* «психик» интеграл семали ҳолат феълининг сабаб актантини реаллаштирувчи сўз “пойлаб” денотатив ва “давомийлик” коннотатив ифода беради. Релятив бирикмаларда” а) агенс ҳолатининг югуриш ва тез юриш натижасида содир бўлиши ифодаланади. “Ҳаракат” семаси сўз бирикмаси аъзоларини ўзаро боғловчи классемадир. Масалан:

¹ Акбаров С. Ўзбек тилидаги синтактик синонимика масаласига доир. Низомий номли ТДПИ. Илмий асарлар, 42-т., 3-китоб, Тошкент, 1964, 251-бет. Синтактик синонимия ҳақида яна қаранг: Сухотин А. Синтаксическая синонимика в современном русском литературном языке М., 1960. Золотова Г.А. Синтаксическая синонимия и культура речи. Изд.наука М., 1971. Идеи и методы современной структурной лингвистики М., 1968. Шендельс Е.П. Понятия о грамматической синонимии. Журн. Филологические науки. 1959, 76- 77-78-бетлар.

Назарқул югурға-югурға чарчади (С.Аҳмад). *Раъно югурға-югурға ҳориди.* Улар йўл юра-юра чарчадилар (Ҳандалар); б) агенс ҳолатининг узоқ вақт пойлаш натижасида содир бўлиши англашилади. Феълли бирикманинг тузилиши “пойлаб” классемасига кўра юз беради. Масалан: *Субҳия кута-кута зерикди* (Мирмуҳсин). Бу конструкцияларда “давомийлик” коннотацияси равишдошларнинг жуфт (такрорий) қўлланиши сабабли, шунга кўра улар (равишдошлар) денотатив маъносидаги ҳаракат ва ҳолат жараёнларининг “чўзилиши”, “узайиши” содир бўлади. Демак, сўз такори бевосита улар маъносида ифодаланган жараённинг давомийлигига олиб келади. Бу эса ўз навбатида ҳоким компонент вазифасидаги феълда ифода топган ҳолат билан боғланиб, каузал муносабатнинг яна ҳам конкретлашишига олиб келадики, шунга кўра бундай сўз бирикмаларида сабаб-натижа муносабати равишдошнинг –и (б) формантли вариантига нисбатан аниқроқ, “тиниқроқ” ифодаланади. Шунингдек, жуфт равишдошда сабаб маъноси пайт ва ҳолат маъно оттенкаларидан ҳам “озод” бўлади. Аммо жуфт равишдошларнинг постпозитив компонентини туширмаган ҳолда –и (б) типидагидек қатор нутқий вариантларини, синонимик конструкцияларни келтириб бўлмайди. Уларнинг жуфт ҳолида қўлланиши бунга монелик қиласиди. Демак, равишдошнинг –а формантли варианти жуфт ҳолда келишига кўра каузал муносабат аниқ ифодаланади. Яна қиёсланг: *Мақтандоқ бола афандини кута-кута зерикди* (Латифалар).

Ўзбек тилидаги «психик» интеграл семали ҳолат феълларининг сабаб валентлиги баъзан равишдошнинг –май қўшимчали бўлишсизлик шаклида ҳам кузатилади. Бу ҳолда *гарансимоқ* ва қийналмоқ ҳолат феълларининг сабаб актанти “фарқлай олмай” ва “ишонч ҳосил қилолмай” кабилар бўлади. Каузатив бирикмаларда а) агенс ҳолатининг муайян шахсларни бошқалардан фарқлай олмасликдан уларни топаолмасликдан юз бериши англашилади. “Фарқлай олмай” семаси феълли бирикма аъзоларини ўзаро боғлайди. Масалан: *қуролсизлантирилган ясовуллар ... турли томонга сочилган халқ ичida дўст-душманни ажратолмай гарансидилар* (А.Қодирий); б) агенс ҳолатининг юз берган воқеа-ходисага ишонч ҳосил қилмаганликдан содир бўлиши қайд этилади. “Ишонч ҳосил қилолмай” семаси классема вазифасини ўтайди. Масалан: *Унинг илтижоларини эшишиб турган қулоқларига ишионаолмай қийналарди* (М.Исмоилий). Яна қиёсланг:

Ўйлайди, ўй суради, ўйларининг тагига етолмай қийналади (М.Исмоилий).

Каузал муносабатли синтактик конструкцияларнинг нутқий варианти сифатида бўлишсиз шаклли сифатдош+келишик кўшимчали кўмакчиларни келтириш мумкин: *душманни ажратолмай гарнгисимоқ, душманни ажратолмагани сабаби гарнгисимоқ, душманни ажратолмаганидан гарнгисимоқ.*

Умуман, -май формантли равищдошларда сабаб маъносининг ифодаланиши –а формантли жуфт типидан пассивроқ, аммо –и (б) формантли типидан активроқдир. Бунинг фаоллиги –май кўшимчали равищдошнинг сабаб маъносини англатиш имконининг нисбий ортиклигидан ҳамда-масдан типли сўзлашув нутқига хос бўлган вариантга жуда яқинлигидан келиб чиқади. Яна қиёсланг: *Бобо гапни нимадан бошлини билмай, бир оз ўнгайсизланди* (Муштум кутубхонаси).

Сабаб валентлигининг сифатдошда реаллашиши.

Сифатдош+холат феъли қолипли синтактик конструкциялар каузал муносабат ифодалашида препозитив сўз чиқиш, жўналиш келишикли ва кўмакчили тузилишига кўра равищдошдан фарқ қилса ҳам, аммо шундай шаклдаги отлар билан ўзаро мувофиқ бўлади.

Холат феълларининг сабаб валентлиги ўтган замон сифатдошининг –ган кўшимчали типида реаллашади.

Ўзбек тилидаги «физиологик» ва «психик» интеграл семали холат феъллари сабаб валентлигининг реализатори (феъл) атрибутив формада чиқиш келишиги кўшимчасини олади.

«Физиологик» интеграл семали қизармоқ холат феълининг сабаб актанти “хижолатдан”, *пишиқмоқ* холат феълининг сабаб актанти “шошганидан”, *ёшланмоқ* холат феълининг сабаб актанти “ухламаганидан”, *чарчамоқ* холат феълининг сабаб актанти “харакатдан” кабиларда кузатилади. Объектли бирикмаларда: а) агенс холатининг содир бўлиши шахснинг ўзини ноқулай сезиши туфайли эканлиги ифодаланади. “Хижолат” семаси классема бўлади. Масалан: *Одил уялганидан қизариб кетди* (Ойбек); б) агенс холатининг юз бериши шошиш натижаси эканлиги қайд этилади. “Шошгани” семаси классемадир. Масалан: *Боланинг юзи ҳовлиққанидан пишиқкан* (Ўз.халқ.эртак.); в) агенс холатининг субъектнинг ухламаганидан юз бериши англашилади. “Ухламагани” семаси классемадир. Масалан: ... *Мижжса*

қоқмаганидан кўзлари ёиланиб туради (Ш.Рашидов); г) агенс ҳолатининг юз бериши «ҳаракат натижаси» эканлиги англашилади. “Ҳаракат” семаси классема вазифасини ўтайди. Масалан: ... кўп югурганидан чарчаган эди (Ойбек).

Демак, сабаб валентлигини реаллаштирувчи сифатдошда эгалик аффикси ҳам қатнашади. Бизнингча, бу қўшимчанинг тушиб қолиши каузатив формада каузал муносабатнинг ифодаланишига ҳеч бир таъсир қилмайди, яъни ғализлик туғдирмайди. Шунга кўра унинг ушбу сўз формаларида қўлланиши зарурий эмас. Қиёсланг: ... уялганидан қизармоқ.

Препозитив сўзда эгалик воситаси қатнашиши сўз маъносидаги ҳолат (ёки ҳаракатнинг) ўз агенси билан боғланишини, унга бевосита тегишлилигини ифода этади, холос. Бинобарин, у сабаб маъноси нуқтаи назаридан бирон бир аҳамиятга эга эмас. Шунингдек, бу аффикссиз ҳам феълда ифодаланган жараённинг субъекти бўлади. Аммо бунда у мавҳумроқ англашилади, тегишлилик “хиралашади”. Шунга қарамасдан, муайян мантикий субъектнинг бажариши қонуниятидир. Шунга кўра тобе компонентда эгалик формантининг қатнашиши мутлоқ бўлмай, нисбий характерга эга. Айни вақтда препозитив компонентнинг сабаб маъносини ифодалашда эгалик қўшимчасининг келиши адабий тил меъёрига мувофиқдир.

Жиддийлашмоқ «физиологик» интеграл семали ҳолат феълининг “хавфсирагани” ва “фикrlагани” каби сабаб актантларини ифода этувчи сўз *ми* юкламаси билан келишига кўра аввалгилардан фарқ қиласди. Бу ҳолда денотатив маъно тахмин, гумон каби коннотатив маъно билан тўлдирилади. Феълли бирикмада киши аъзоси ҳолатининг шахснинг муайян воқеа-ходисадан ҳавфсираши, уни ўйлаши сабабли юз бериши англашилади. “Хавфсираш”, “ўйлаш” семалари феълли бирикмани тузувчи классемадир. Масалан: *Қўрққанидан*, ё қаттиқ *уйга толганиданми юзи жиддийлаши* (М.Исмоилий).

Бирикма конструкциясида сабаб маъносининг тахмин, гумон оттенкалари билан ифодаланганлигини қуидаги формал-структурал ўзгариш орқали, яъни сўроқ юкламаси ўрнига гумон юкламасини қўйиш билан ҳам исботлаш мумкин. Масалан: *Қўрққаниданdir* ё қаттиқ *уйга толганиданdir* юзи

¹ Қаранг: Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка, 383-бет. Асқарова М.А. Ҳозирги ўзбек тилида кўшма гаплар, 50-бет.

жиддийлашиди... Бу синтактик конструкцияда сабаб маъноси қатъийлик бўёғи билан ифодаланади. Тахмин, гумон коннотацияси бўртади, кучаяди.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, сўз бирикмасида-ми юкламаси ўзининг узуал, тил бирлиги сифатидаги маъносини бутунлай йўқотмайди. У минимал англашилиб туради. Демак, сифатдош+эгалик+келишик+юклама қолипли сўз формасида каузал муносабат сабаб+гумон+сўроқ семантик “модели”да кузатилади. Сўроқ маъносининг минимал ифодаланиши юкламага кўра бўлса, гумон маъноси ҳам тобе компонентдан, ҳам юкламадан, ҳам сабаб маъноли сифатдошларнинг бирдан ортиқ қўлланишидан юзага келади. Яна қиёсланг: *Қўли оғриганиданми ёки Шарофат онанинг гапи таъсир қилганиданми кўзи ёшланди* (С.Юнусов).

«Психик» интеграл семали қувонмоқ ҳолат феълининг сабаб актанти “қайтгани”, ажабланмоқ ҳолат феълининг сабаб актанти “узайгани”, дадилланмоқ ҳолат феълининг сабаб актанти “бўшашгани” кабилар бўлади. Каузатив конструкцияларда: а) агенс ҳолатининг юз бериши шахснинг маълум пунктга қайтиши натижасилиги ифодаланади. “Қайтган” семаси классемадир. Масалан: ... *афғоннинг келганидан ич-ичидан қувонар эди* (А.Мухтор); б) агенс ҳолатининг содир бўлиши даволаш жараёнининг давомийлиги натижаси эканлиги англашилади. “Узайган” семаси классемадир. Масалан: *Профессор ... унинг тузалиши чўзилаётганидан ажабланди* (Н.Норматов); в) агенс ҳолатининг содир бўлиши шахснинг жаҳлдан тушишига кўралиги билдирилади. “Бўшашган” семаси классема вазифасини ўтайди. Масалан: *У отасининг юшаганидан сал дадилланди* (Ўз.халқ.эртак.).

Қайд этилган объекти бирикмаларда «физиологик» интеграл семали қизармоқ, пишиқмоқ, ёшланмоқ, чарчамоқ, жиддийлашмоқ ҳолат феъллари чиқиш келишикли тобе компоненти билан кучсиз бошқарувни ҳосил қиласди. Яна қиёсланг: ... *кўп ўқиганидан кўзи чарчади* (Тошкент оқшоми).

«Психик» интеграл семали қувонмоқ, ажабланмоқ, дадилланмоқ ҳолат феъллари эса препозитив компоненти билан зарурий алоқага киришади, кучли бошқарувда бўлади. Яна қиёсланг: *Пирмат бобонинг келганидан Рашид билан укаси Соли... қувонишиди* (Ф.Мусажонов).

Ўзбек тилидаги «психик» интеграл семали ҳолат феълларининг сабаб валентлиги сифатдош+жўналиш келишиги қолипли нутқ бирлигига ҳам реаллашади. Бунда *афсусланмоқ*, *ўкинмоқ* ҳолат феълларининг сабаб актанти “белгиланган жойга боргани (келгани)”, *севинмоқ* ҳолат феълининг сабаб актанти “тўхтагани (бўлиб қўйилгани)”, *ачинмоқ* ҳолат феълининг сабаб актанти “ўргангани” кабилар бўлади. Каузатив конструкцияларда а) агенс ҳолатининг шахснинг муайян пунктга бориши ёки келиши сабабли юз бериши ифодаланади. Масалан: *Султонмурод келганига афсусланди* (Ойбек). *Уйга қайтганига ўкинди* (Ойбек); б) агенс ҳолатининг шахснинг қутлаганлиги сабабли содир бўлиши англашилади. Масалан: *Мен... тўрт билан табриклаганига севиндим* (С.Юнусов); в) агенс ҳолатининг содир бўлиши сухбат, фикр алмашиш жараёнининг тўхтаб қолгани, бўлингани натижаси эканлиги ифода этилади, масалан: *Қизлар сўз дурларининг узилганига қайғуришиди* (Ойбек); г) агенс ҳолатининг юз бериши шахснинг бошқа шахсни салбий ҳодисага кўникутиришиданлиги билдирилади. Масалан: ...*оғайнимнинг ёш болани ёлгон гапиришига одатлантираётганига ачиндим* (Тош.хақиқати). Демак, сабаб муносабатли бирикма компонентлари “borgani”, “қутлагани”, “тўхтагани” ва “ўргатгани” классемаларига кўра ўзаро боғланади.

Қайд этилган бирикма конструкциялари каузал муносабатни тўлароқ, аниқроқ ифодалашига кўра чиқиш келишикли синонимик конструкциялар билан яқиндан алоқада бўлади¹. Яъни сифатдош сабаб муносабатини ифода этишда, асосан, чиқиш ва жўналиш келишикли формаларда кузатилиши билан характерланади. Бу адабий тил учун нормал, “мукаммал” ҳолат саналади. Киёсланг: ...*табриклаганига севинмоқ*, ...*табриклаганидан севинмоқ*. Демак, препозитив чиқиш ва жўналиш келишикли от ва феъл сўзлар феълли бирикмаларда каузал муносабат англатишда энг фаол восита саналади.

Бошқарилувчи вазифасидаги сабаб валентлигининг реализатори (жўналиш келишикли сўз) *афсусланмоқ*, *ўкинмоқ*, *севинмоқ*, *қайғурмоқ* ва *ачинмоқ* «психик» интеграл семали ҳолат феъллари билан зарурий боғланишига кўра кучли бошқарув ҳосил бўлади.

Ўзбек тилидаги «психик» интеграл семали ҳолат феълларининг сабаб валентлигини реаллаштирувчи сифатдош

¹ Яна қаранг: Абдураҳмонов Ф. Кўшма гап синтаксиси. Тошкент, 1964. 181-бет.

кўпинча учун, баъзан билан, сабабли каби кўмакчили-аналитик формаларда ҳам иштирок этади.

Кувонмоқ ҳолат феълининг учун кўмакчили формада келган сабаб актанти “халос бўлгани” ва “бораётгани”, газабланмоқ ҳолат феълининг сабаб актанти “тегмагани”, афсусланмоқ ҳолат феълининг сабаб актанти “ёқламагани (ёнини олмагани)” вабилар бўлади. Объектли бирималарда: а) агенс ҳолатининг шахснинг қийналмасдан халос бўлгани сабабли юз бериши англашилади. Масалан: ... *Фосих афанди осонгина қутилгани учун беҳад қувонди* (М.Исмоилий); б) агенс ҳолатининг содир бўлиши унинг тантанага бораётганидан эканлиги ифодаланади. Масалан: *Тўла катта байрамга кетаётгани учун қувонарди* (М.Исмоилий); в) агенс ҳолатининг одам сепган суюқликнинг мўлжалга етмаганлиги сабабли содир бўлиши билдирилади. Масалан: *Сепган сувлари етмагани учун... пастдагилар эса газабланар* (О.Ёқубов); г) агенс ҳолатининг рўй бериши шахсни ёқламагани, ёнини олмагани сабабли бўлиши қайд этилади. Масалан: ... уни қаттиқ туриб ҳимоя қилмагани учун *афсусланади* (И.Рахим). Демак, объектли бириманинг тузилишида “халос бўлгани”, “бораётгани”, “тегмагани” ва “ёқламагани” семалари классема вазифасини ўтайди.

Кўринадики, учун кўмакчили нутқ бирликларида сабаб маъноси аниқлигига кўра улар билан кўмакчили типидан фарқ қиласди. Каузал муносабат англатиши жиҳатидан учун кўмакчили формалар *сабабли, туфайли* кўмакчили формаларга тенг келиб қолади.

Сифатдош + учун қолипидаги аналитик формалар, от+учун типидагидек, аталганлик маъно оттенкасига эга бўлмайди. Бу учун кўмакчисининг сифатдош билан “бирикиб”, субъект ҳолатини характерлашидан, кўмакчи компонентининг сабаб маъносига бевосита эгалигидан келиб чиқади. Айтилганларга кўра бундай синтактик конструкцияларда каузал муносабат аниқ ифодаланади.

Сабаб маъносини ифода этувчи учун кўмакчили сўз бирималари га келишикли конструкциялар ичida чиқиш келишикли бирималар анча яқин бўлиб, унинг синтактик синоними саналади. Қиёсланг: *Фосих афанди осонгина қутилгани учун беҳад қувонди* (М.Исмоилий). ...*осонгина қутилганидан қувонди*. Демак, сифатдош+учун кўмакчили формаларда постпозитив компонент сабаб маъносининг кучайишига, конкретлашишига хизмат қиласди.

Сифатдош + билан кўмакчили формаларда эса сабаб маъноси минимал биргалик маъно қирраси билан ифодаланади. Яъни *фаҳрланмоқ* «психик» интеграл семали ҳолат феълининг сабаб актанти “изҳор қилинганлиги билан” бўлади. Унинг реализатори агенс ҳолатининг шахсга кўрсатилган ижобий муносабат туфайли юз беришини англатади. “Изҳор қилганлиги билан” семаси классема вазифасини ўтайди. Масалан: *У қизига халқ ишонч ва ҳурмат билдирганлиги билан фаҳрланади* (Саодат).

Сифатдош + билан қолипли аналитик формаларнинг сабаб маъносини англатишда учун кўмакчили нутқ бирликларига нисбатан кам учраши, бизнингча, *билан* кўмакчисининг нутқ фаолиятида асосан биргалик, восита маъносини ифодалаши, унда ифода топган сабаб маъносининг кўпроқ окказионаллиги билан изоҳланади. Яна қиёсланг: *Планни биринчилар қаторида бажаргани билан фаҳрланади*.

«Давомли» интеграл семали қолмоқ ҳолат феълининг сабаб актантини реаллаштирувчи сифатдош сабабли кўмакчиси билан сабаб ифодасини англатади. Шу туфайли бундай бирикма конструкцияларида сабаб маъноси ортиқ даражада аниқ қайд этилади. Бу бевосита ушбу кўмакчининг тилда ҳам, нутқда ҳам сабаб узуал маъноси билан қўлланишига – семантик тузилишига кўра юз беради. Қиёсланг: *Умри уйида дарс тайёрлашга шароит бўлмагани сабабли олтинчи синфда икки йил қолди* (Ҳ.Назир).

Шодланмоқ «психик» интеграл семали ҳолат феълининг сабаб актанти “аниқлангани сабабли” бўлади. Сабаб актантининг реализатори агенс руҳий ҳолатининг юз бериши бирон нарса – предметни тўғри аниқлагани, белгилагани натижаси эканлигини ифода этади. “Аниқлагани сабабли” семаси классема вазифасини бажаради. Масалан: ...*баҳт йўлини топганим сабабли шодланаман* (Ойбек).

«Психик» интеграл семали қувонмоқ, ғазабланмоқ, *афсусланмоқ*, *фаҳрланмоқ*, *шодланмоқ* ҳолат феъллари тобе компоненти позициясидаги кўмакчили формалар билан кучли бошқарув алоқасига киришади. Яна қиёсланг: *Бола маррага биринчи бўлиб келгани учун қувонди* (И.Тешабоев).

«Давомли» интеграл семали қолмоқ феъли учун сабаб актантини реаллаштирувчи аналитик форма кучсиз бошқарувда бўлади. Яна қиёсланг: *У дарсга тайёрланмаганлиги сабабли уйда қолди*.

Сабаб валентлигининг ҳаракат номида реаллашиши.

Ҳаракат номи + ҳолат феъли қолипли сўз бирималарининг сабаб маъноли препозитив компоненти нутқда, асосан чиқиш, баъзан жўналиш келишикли ва қўмакчили шаклларда қатнашиши билан характерланади.

Ўзбек тилидаги «физиологик» ва «психик» интеграл семали ҳолат феълларининг сабаб актанини реаллаштирувчи ҳаракат номининг –и(ш) қўшимчали варианти –у(в) қўшимчали вариантига нисбатан фаолдир.

«Физиологик» интеграл семали ҳолат феълларининг сабаб валентлигини қайд этувчи ҳаракат номи чиқиш келишикли сўз формасида сабаб муносабатини аниқ ифодалайди. Бу ҳолда «физиологик» *кенгаймоқ* ва *чақчаймоқ* ҳолат феълларининг сабаб актанти “ҳавсираш”, чарчамоқ ҳолат феълининг сабаб актанти “ханда қилиш” кабилар бўлади. Семантик синтагмаларда: а) агенс ҳолатининг хавфсираш сабабли юз бериши англашилади. “Хавфсираш” семаси классемадир. Масалан: *Мунчоқ қўзлари қўрқувдан кенгайган* (С.Юнусов); б) агенс ҳолатининг содир бўлиши ханда туфайлилиги қайд этилади. “Ханда” семаси классема ҳисобланади. Масалан: *Томошибинлар кулишдан чарчадилар* (Ўзб.халқ.эртак).

«Психик» интеграл семали қўрқмоқ ҳолат феълининг сабаб актанти “ғарқ бўлиш” ва “яхши кўриш”, завқланмоқ ҳолат феълининг сабаб актанти “кезиш”, қувонмоқ ҳолат феълининг сабаб актанти “қайтиши”, чўчимоқ ҳолат феълининг сабаб актанти “улаш”, ўнгайсизланмоқ ҳолат феълининг сабаб актанти “бирбирига дуч келиш” кабилар бўлади. Каузал муносабатли объектли бирималарда: а) агенс ҳолатининг ғарқ бўлиш туфайли юз бериши англашилади. Масалан: *Сузишни яхши билмас, чўкиб кетишдан қўрқади* (С.Юнусов); б) агенс ҳолатининг рўй бериши мухаббат натижаси эканлиги ифодаланилади. Масалан: *Айрилиқдан қўрқмасман бу кун, мен қўрқаман севиб қолишдан* (А.Орипов); в) агенс ҳолатининг кезиш, юриш сабабли бажарилиши билдирилади. Масалан: *Султонмурод... танҳо тентирашдан завқланарди* (Ойбек); г) агенс ҳолатининг юз бериши шахснинг қайтиши натижаси эканлиги англашилади. Масалан: *Оила отанинг келишиидан қувонди* (П.Қодиров); д) агенс ҳолатининг содир бўлиши қулаш туфайли эканлиги ифода этилади. Масалан: *Йиқилиб кетишдан чўчиidlар, шекилли* (С.Юнусов); е) агенс ҳолатининг

шахсларнинг дуч келишига, тўқнашишга кўра рўй бериши ифодаланади. Масалан: *Мулла Абдураҳмон бу учрашишдан ниҳоятда ўнгайсизланган* (А.Кодирий). Кўринадики, обьектли бирикма компонентлари “ғарқ бўлиш”, “яхши қўриш”, “кезиш”, “қайтиш”, “қулаш” ва “дуч келиш” классемалрига кўра ўзаро боғланади.

Айрим манбаларда¹ сабаб валентлигини реаллаштирувчи ҳаракат номининг жўналиш келишикли шаклда ҳам келиши умуман тилга олинмайди. Ваҳоланки, бундай сўз формалари чиқиш келишикли турига нисбатан кам бўлса да, учраб туради.

Элимок «физиологик» интеграл семали ҳолат феълининг сабаб актанти “бир меъридаги ҳаракатдан” бўлади. Сўз бирикмасида агенс ҳолатининг содир бўлиши буюмнинг бир текисда қимирлаши натижаси эканлиги англашилади. “Ҳаракат” семаси классема вазифасини ўтайди. Масалан: *Бешикдаги Учқун Тозагулнинг бешикни бир меъёрда равон тебратишига элиди-да ...* (Ҳ.Гулом).

Каузал муносабат ифодаловчи жўналиш келишикли сўз бирикмаларида сабаб маъноси чиқиш келишикли сўз формаларига нисбатан мавҳумроқ бўлиб, бу бевосита жўналиш келишигининг вазифаси билан боғлиқдир, яъни жўналиш келишикли конструкцияларда сабаб маъноси минимал йўналиш оттенкаси билан ифодаланади.

«Психик» интеграл семали *босқинқирамоқ* ҳолат феълининг сабаб актанти ҳаракт номи + *натижасида* кўмакчили формада кузатилади. Бунда сабаб муносабати аниқ, яққол англашилиши билан ажralиб туради. Типик маъно муносабатининг аниқлиги бевосита кўмакчи сўзнинг сабаб денотатив маънога эгалигига кўра юз беради. Айтилганларга кўра каузал муносабатли бундай конструкциялар сабабли кўмакчили синонимик конструкцияларга тенг келади, улар билан мувофиқ бўлади. Қиёсланг: *Одамнинг нерв системаси нотўғри ишилаши натижасида босинқирайди* (Ш.Шомуҳамедов, С.Долимов).

Кўринадики, бу типда «физиологик» интеграл семали *кенгаймоқ*, *чакчаймоқ*, *чарчамоқ* ва элимок ҳолат феъллари келишикли тобе компоненти билан кучсиз бошқарувда бўлса, «психик» интеграл семали *қўрқмоқ*, *завқланмоқ*, *қувонмоқ*, *чўчимоқ*, *ўнгайсизланмоқ* ва *босинқирамоқ* ҳолат феълли ҳоким компонент препозитив компоненти билан кучли бошқарувда бўлади.

¹ Убаева Ф. Ҳол категорияси, 106 -бет.

Сабаб валентлигининг олмошда реаллашиши. Ўзбек тилидаги «физиологик» ва «психик» интеграл семали ҳолат феълларининг сабаб валентлиги сўроқ ва гумон олмошларида реаллашади. Ушбу олмошлар сабаб маъносини қўпинча келишикли ва кўмакчили формаларда ифода этади. Шу жиҳатдан айни олмошларда сабаб маъноси ифодаланиш даражасига кўра ўзаро фарқланади.

“Физиологик” интеграл семали *увушимоқ* ва «психик» интеграл семали *қўрқмоқ*, *уялмоқ* ҳолат феълларининг гумон олмошида қайд этилган сабаб актанти вазифасида нима учундир, нима сабабдандир кабилар келади. Бирикма конструкциясида агенс ҳолатининг юз бериш сабабининг ноаниқлиги англашилади. “Нима учундир”, “нима сабабдандир” семаси классема вазифасини ўтайди. Масалан: *Саидий ... бу одам унутаётган дўсти Эҳсон эканини билди-да, негадир ҳамма ёзи увушшиб кетди* (А.Қаҳҳор). *Кўнглим гаш эди, ҳатто нимадандир қўрқардим* (О.Ёқубов). *Аммо буни ўзи ҳам тан олгиси келмас, нимадандир уяларди* (Н.Норматов).

Кўринадики, сабаб валентлигини реаллаштирувчи гумон олмошларининг ҳар икки типида ҳам (негадир ва нимадандир) натижанинг содир бўлиш сабаби мавҳум, ноаниқ ифода этилади. Аммо айни вақтда агенс ҳолатининг бажарилиш сабаби мантиқий-фалсафий жиҳатдан муайян факт, ҳодиса, предмет билан боғланади. Булар контекстуал қайд этилмаган бўлса ҳам, мантиқан аниқдир. Чунки, айтилганидек, натижанинг муайян сабаб билан боғланиши аксиомадир. Аммо сабаб предметининг юқорида келтирилган бирикма конструкцияларида берилмаганлиги, ноаниқлиги, мавҳумлиги бевосита гумон олмоши маъносидан, унинг тилда ҳам, нутқда ҳам доимий типик маъносини англатиш имконидан келиб чиқади.

«Психик» интеграл семали *чўчимоқ*, *суюнмоқ*, *тараддуудланмоқ* ва *ранжимоқ* ҳолат феълларининг сабаб валентлигини реаллаштирувчи сўроқ олмошлари тил бирлиги (лексема характерида) ва нутқ бирлиги чиқиш ва жўналиш келишикли сўз формаларида (кучли бошқарувда) кузатилади. Бу ҳолда улар “нима сабабдан” ва “нима учун” денотатив маъно беради. Феълли бирикмада субъект ҳолатининг номаълум воқеа-ҳодиса туфайли юз бериши ифодаланади. Масалан: *Мирдан нечук ранжидингиз* (Ойбек). ... *не учун тараддуудланурсиз* (Ойбек). *Рост нимадан чўчийди* (Ф.Мусажонов). Бундай синтактик

конструкцияларда натижанинг юз бериши муайян сабабга қўралиги аниқ бўлса ҳам, аммо сабаб предметининг нималиги, нимадан иборатлиги, моҳияти номаълум бўлиб қолади.

Хуллас, 1) ҳолат феъллари сабаб валентлигининг реализатори феъл маъносидаги агенс ҳолатининг содир бўлиш сабабини англатади. Ҳолат сабаб нуқтаи назаридан баҳоланиб, у натижа саналади. Оптик, акустик таъсири, давомийлиги, инсонда муайян эмоционал-экспрессив ҳолат уйғота олиши жиҳатидан натижа ҳолат етакчи, асосий бўлиб, у агенс ҳолатилиги билан мустақилдир. У (ҳолат) тема-рема муносабатида асосан рема компонентини қайд этувчи – тема компонентининг ҳолат белгисини билдирувчи феъл кесимнинг семантик асосини ҳосил қиласи; 2) сабаб валентлиги реализаторининг ҳолат феъли билан бирикиб, бирикма конструкциясини ҳосил қилиши улар семемаларини мантикий боғловчи классема характеридаги семаларга кўра юз беради. Сабаб валентлигини реаллаштирувчи сўз ва ҳолат феълининг ўзаро муносабатидан гап семантик тузилишини шакллантирувчи муайян семантик синтагмалар ҳосил бўлади; 3) сабаб актантли сўз бирикмаларида сабаб-натижа муносабатининг ифодаланиши каузатив ҳолат феълларида каузал муносабатнинг ифодаланишидан семантик ва формал-структурал фарқ қиласи. Бирикма конструкцияларида сабаб-натижа муносабати каузатив маъноли феъллардан фарқли анча аниқ, “тиник” бўлади. Каузал муносабат ҳолат феълларининг факт ўтимли-каузативли типларидағина қайд этилади. Каузал муносабатли феълли бирикмаларда ҳолат феъли ўтимли ёки ўтимсизлигидан қатъий назар натижани англатади. Феъл маъносидаги агенс ҳолати препозитив сабаб компонентига эга бўлади. Каузал муносабатнинг каузатив ҳолат феълларида ифода этилиши семантик ва морфологик факт саналса, бундай муносабатнинг ҳолат феълли сўз бирикмаларида ифодаланиши семантик-синтактик факт саналади. Каузал муносабатли сўз бирикмаларида натижанинг сабаби, унинг синтактик берилиши зарурый характердадир; 4) ўзбек тилидаги «давомли», «ҳаракат натижаси», «ҳаракат», «образли», «биологик», «физиологик» ва «психик» интеграл семали ҳолат феъллари сабаб актанига эгалиги билан ажralиб туради. Ҳолат феълларининг сабаб актанди кўпинча от, феъл, баъзан олмошларда ифодаланади. Бу тил бирликлари, асосан, муайян келишикли, баъзан кўмакчили сўз формаларида бўлади, сабаб ҳоли саналади. Улар ҳолат феъли билан

объектли ва релятив сўз бирикмасини тузади; 5) отнинг гап конструкцияларида эга, тўлдирувчигина бўлмай, балки ўрин ва сабаб ҳоли бўлиб келиши ҳам унинг асосий синтактик вазифаси саналиши керак; 6) ўзбек тилидаги «ҳаракат натижаси», «образли», «биологик», «физиологик» ва «психик» интеграл семали ҳолат феълларининг сабаб валентлигини реаллаштирган отлар сабаб муносабатини кўпинча чиқиш, баъзан жўналиш, ўрин келишикли ва *билан*, *учун*, *биноан*, *таъсирида*, *орқасида*, *олдида* кўмакчили нутқ бирликларида англатади; 7) ўзбек тилидаги «физиологик» ва «психик» интеграл семали ҳолат феълларининг сабаб валентлиги феълнинг равишдош, сифатдош ва ҳаракат номи каби функционал формаларида ҳам реаллашади. Сабаб валентлиги реаллашган равишдош биримма конструкциясида –и(б), -а, -май кўшимчали варианtlарда каузал муносабат ифодалайди. Сабаб валентлиги реаллашган –ган формантли сифатдош чиқиш, жўналиш келишикли ва учун, билан, сабабли кўмакчили формаларда каузал муносабат англатади. Сабаб валентлигини реаллаштирувчи –и(ш), -у(в) аффиксли ҳаракат номи чиқиш ва жўналиш келишикли, баъзан натижасида кўмакчили формаларда каузал муносабат билдиради; 8) ўзбек тилидаги «физиологик» ва «психик» интеграл семали ҳолат феълларининг сабаб валентлиги сўроқ ва гумон олмошларида кузатилади; 9) сабаб валентлигига эга ҳолат феъллари объектли биримларда препозитив компоненти билан кучли ва кучсиз бошқарув муносабатига киришади.

МУНДАРИЖА

К и р и ш	
Гап ҳақида	3
Валентлик назарияси	8
Феъл асосли гаплар	валентлиги
27	
I БОБ. Ҳолат феъли асосли гапларнинг агенс валентлиги	
II БОБ. Ҳолат феъли асосли гапларнинг контрагент валентлиги	
62	
III БОБ. Ҳолат феъли асосли гапларнинг локалис валентлиги	70
IV БОБ. Ҳолат феъли асосли гапларнинг объект валентлиги	
84	
Семантик каузатив	96
Морфологик каузатив	105
V БОБ. Ҳолат феъли асосли гапларнинг адресат валентлиги	
115	
VI БОБ. Ҳолат феъли асосли гапларнинг ҳолат валентлиги	
121	
Ҳолат валентлиги реализаторининг агенс ҳолатининг	
кечиш тарзини ифода этиши	123
Ҳолат валентлиги реализаторининг агенс ҳолатини	
ўхшатиш йўли билан ифода этиши	
138	
VII БОБ. Ҳолат феъли асосли гапларнинг сабаб валентлиги	
148	
М у н д а р и ж а	
184	

